

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ
МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

Муҳаммад ҚУРОНОВ

МИЛЛИЙ ТАРБИЯ

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2007

Монографияда миллий тарбиянинг объектив моҳияти асосланади. Тарбия назарияси ва услубиятида янги илмий-педагогик йўналиш сифатида миллий тарбиянинг назарий, услубий, ташкилий асослари таклиф этилади. Ижтимоий тарбиянинг миллийлиги ҳақидаги қонуниятни Ўзбекистон мактабларига жорий қилиш ва бунинг миллий мустақилликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти, миллий тарбиянинг методологик ва назарий йўналишлари асосланади. Рисолада ўзбек халқининг тарбиявий тажрибаси назарий-педагогик нуқтаи назардан ўрганилиб умумлаштирилган ва миллий тарбияни тадқиқ қилишининг қиёсий-педагогик натижаларига эришилган. Уни замонавий мактабларга жорий қилиш йўллари, педагогик шарт-шароитлари белгилаingan.

Шунингдек, ўқувчиларнинг дарсдаи ташқари фаолиятини миллий-тарбиявий мақсадга йўналтиришда мактаб — оила — маҳалла ҳамкорлигига эришишнинг йўл-йўриқлари ва миллий тарбия самарадорлигини ўрганиш ва қайд қилиш усуллари таклиф этилган. Рисола амалиётчи ўқитувчилар, халқ таълими ташкилотчилари, институт ва университетлар муаллимлари, тарбия масалалари билан қизiquвчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир

Р. Қўчқоров

Қуроиов, Муҳаммад.

Миллий тарбия/М. Қуроиов. Республика маънавият ва маърифат кенгаши. Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази. — Т.: Маънавият, 2007. — 240 б.

ББК 74.200.50

Х 4702620204-56
M25(04)-07

20 08 2634	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
---------------	--

ISBN 978-9943-04-045-8

© «Маънавият», 2007

КИРИШ

Биз юз бераётган иқтисодий ислохотлар давлат томондан амадга оширилши, давлат бош ислохотчи эканинн эътироф этдик. Демак, снѐсий-маънавий ислохотларда ҳам, миллий тарбияни юксалтиришда ҳам давлат бош ислохотчи бўлишини тан олишимиз керак ва тегишли қонунлар орқали маънавий йўналишларнинг нойдеворини асослаб беришимиз керак.

И. Каримов

Таълимнинг миллий йўналтирилганлиги Ўзбекистоннинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тамойилларидан биридир. У таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлигини, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарих ва маданиятини ҳурматлашга йўналтирилган янги тарбия тизимини тақозо қилади. Ушбу давлат буюртмасини мукамал бажармоқ учун узлуксиз таълим тизими Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари нуқтаи назаридан ислоҳ қилинмоқда. Чунки бу Ўзбекистон учун муҳим стратегик, сиёсий заруратдир.

Миллий-тарбиявий қадриятларни тиклаш ва замонавийлаштириш умуминсоний эҳтиёж ҳамдир. Собиқ шўролар даврида ижтимоий онгда «замонавийлик — миллийлик» тушунчалари орасида «цивилизация — экзотика» шаклидаги сунъий антитеза ҳосил қилинди. Натижада миллийликни аجدодлардан авлодларга бойитиб етказувчи жараён — миллий тарбиянинг тобора заифлашуви юзага келди. Мафкуравий мақсадлар остида ранг-баранг миллий қадриятларни ўзаро алоқада юксалтириш эмас, балки бир хиллаштириш ҳаракати рағбатлантирилди.

Тарбияни социалистик байиалминаллаштириш сиёсати ва амалиётининг асоратларидан қутулиш истаги, бугун халқларининг ўз миллий ғурурини тиклаш, аждодлар меросини ўрганиш каби эҳтиёжларида намоён бўлмоқда. Шунуқтаи назардан мустақилликни қўлга киритган миллатларнинг қадимги миллий-маънавий қадриятларини тиклашга бўлган эҳтиёжи табиий, қонунийдир. Бу эса миллий тарбия масаласини илмий талқин қилишни маърифий зарурат мақомига кўтаради.

Ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос тарбиявий тизими — унинг мустақиллик, миллий тараққиёт йўлининг педагогик инъикосидир. Ўтган асрнинг охири ва ХХІ аср бошларида МДХ мамлакатлари ҳам, жаҳоннинг собиқ мустамлака мамлакатлари ҳам ўз тақдирларида маънавий-маърифий тараққиётнинг уч йўлига дуч келдилар. Дунёвий тажриба бу йўللарни қуйидагича таърифлайди:

миллий фундаментализм — ўтмишдагидек яшаш;

миллий модернизм — миллий замонавийлашув;

миллий реформизм — бошқача (масалан, оврупоча, америкача...) шакл ва мазмун касб этиш.

Мустақиллик қўлга киритилгач, «Ўзбек халқининг бундан буён миллат сифатидаги ҳаётини муваффақиятли давом эттириши, ўзлигини сақлаб қолиб, жаҳон цивилизациясида намойиш қилиши учун қайси йўлни танлаган маъқул?», «Ўзбекистон мактабларидаги собиқ коммунистик тарбия тизими ўрнини қандай тарбия тизими эгаллаши керак?» сипғари педагогик саволлар юзага чиқди. **«Жамият маънавий инқирозга юз тутган, миллатни миллат қилдиган нарсалар бутунлай топталган вазиятда»** (И. Каримов) бу йўл — миллий-маданий тараққиётнинг модернистик тарзи — миллий замонийлашувдир.

Миллий давлатчилик, мустақилликни мустаҳкамлашнинг педагогик кафолатини ҳам айнан шу йўл — миллий-истиклолний тарбия гоёси таъминлашга қодир. Чунки миллий тарбия, жадид боболаримиз идрок этганидек, таълим ва тарбияни бошқа цивилизацияларга (улар ўз шароити учун ҳар қанча илғор саналмасин!) мослаштириш эмас, балки дунёдаги илғор цивилизацияни ўрганиб, уни миллий маданиятга хизмат эттириш, таълим ва тарбияни янги шароитда, мустақилликни мустаҳкамлаш талаблари билан бойитиб, амалга татбиқ этишдир.

Миллий-замонийлашув йўлидан бориш БМТнинг тент ҳуқуқли аъзоси — Ўзбекистоннинг «Инсон ҳуқуқлари Декларацияси»да «Ҳар бир кишининг опа тилидан фойдаланиш, она тилида таълим олиш, миллий маданиятни сақлаб қолиш ва ривожлантириш ҳуқуқи таъминланади», — деб таъкидланган 4-моддасини амалда татбиқ этишга киришгаилигидан ҳам далолат беради. ЮНЕСКО амалий таъмоийлларида «ўз маданиятига эга бўлмаган халқ йўқ; ҳар бир маданият ҳурмат қилиниши ва сақлаб қолиниши керак бўлган кадр-қийматга эга; ўз маданиятининг ривожлантириш ҳар бир халқнинг ҳуқуқи ва бурчидир» дейилади¹. Демак, қўлга киритилган мустақиллик барча миллатлар каби ўзбек халқига ҳам миллий ўзлик, ахлоқ, маънавиятни тиклаш ҳуқуқини, имкониятини берди. Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги, бизнингча, шу тарихий имкониятдан ёш авлодни тарбиялашда қанчалик самарали фойдалана олишимизга боғлиқ.

Давлат бош ислохотчи бўлган мустақил Ўзбекистонда таълим ва тарбиянинг миллий асосга қуриятишининг энг олий ваколати унинг Конститутциясида ҳимояга олинган. Конституциянинг моҳияти очиқлик, ҳамкорлик, миллий маданиятлар равнақи, миллатлараро иноқлик, динлараро бағрикентлик руҳига эга. Ўзбекистонда миллий маданиятларни тиклаш, равнақ топтириш йўлида миллий-маданий марказлар ташкил этилганлиги, бу марказлар фаолияти матбуот, радио ва телевидениеда кенг ёритилаётганлиги ва бошқа кўплаб мисоллар мустақил Ўзбекистон миллий муносабатларини такомиллаштиришнинг янги — миллийликни тиклаш, бойитиш орқали умуммиллий ва умуминсоний тотувликка эришиш йўлини танлаганини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов 1991 йил 24 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган халқаро анжуманда барча миллатдошларимизни ўзбек халқига хос олижаноб фазилатлар ва ватанпарварлик анъаналарига муносиб бўлишга чақирганди. Дарҳақиқат, миллий-маданий бирлик, ўзликни сақлаб қолишга даъват Ўзбекистондан чиқиши табиий, адолатлидир ва зинҳор миллатчилик эмас. Чунки «ўзбек миллий маданияти, тили анъа-

¹ Л. Лебедев. Правда и ложь о культурном обмене. — Л.: Лениздат, 1985, с. 102.

наларини ҳаққоний равишда тиклаш ва ривожлантириш аҳолининг бошқа миллий гуруҳларидаги мана шундай жараёнлар ҳисобига бўлмаслиги»¹ давлат томонидан кафолатланади.

Ўз тақдирига бефарқ бўлмаган қайси жамиятда ижтимоий ислоҳот зарурати юзага келса, ўша жамиятда мактабга, тарбияга эътибор кескин кучайиб, тарбия — жамиятни такомиллаштиришни бош воситаси, дея тан олинган. Тарих бу каби мисолларга бой. Ана шу нуқтан назардан мустақил Ўзбекистон мактаблари қаршисида турган вазифа долзарб ва мураккабдир. Чунки замонавий мактаб ўзбек халқининг энг гўзал фазилатларидан бўлган миллий гуруҳ, миллатлараро мулоқот маданияти, ватанпарварлик, миллий одоб, соф виждон, миллий ғояни ўз йўл кўрсаткичи қилиб олиб, ягона Ватан — Ўзбекистоннинг дунё миқёсидаги шарафига хизмат қила олувчи ўғил-қизларнинг янги авлодини тарбиялаб етиштириши лозим. Бу миллий-истиклолий буюртма комплекс тарзда — оила, болалар боғчалари, мактаб, маҳалла, турар жойларда, мактабдан ташқари муассасалар ҳамкорлигида олиб борилувчи миллий тарбия жараёнидагина амалга оширилиши мумкин.

«Миллий тарбия» тушунчаси кўп қиррали тушунчадир. Унинг:

- миллий қадриятлар асосида олиб борилувчи мақсадга йўналтирилган тарбиявий фаолият;
- умуминсоний тарбиянинг ҳар бир халққа хос ва мос бетакрор шакли;
- халқ ва унинг маданиятини сақлаб қолиш, тиклаш ва ривожлантириш (ЮНЕСКО тамойили) воситаси;
- Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсад, вазифа ва тамойилларининг таркибий қисми;
- турли миллатлар болаларини ҳар томонлама ривожлантириш жараёнининг хусусий, маънавий манбаи;
- ўқувчиларни ахлоқий, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, гўзаллик, иқтисодий, экология ва бошқа йўналишларда тарбиялашнинг бош тамойили;

¹ И. Каримов. «Менинг маслагим: инсон бахт-саодати, республика манфаатлари». «Ўзбекистон овози», 1991 йил 27 декабрь.

— миллатлараро мулоқот маданиятини тарбиялаш ва бунинг натижасида Ўзбекистонда умумфуқаровий тотувликка эришишнинг ниссонпарваропа йўли ва воситаси;

— ижтимоий тарбия ва мактаб тарбияси уйғурилигининг педагогик шарт;

— исониятни умумбашарний уйғунликка олиб боришнинг педагогик йўли;

— ижтимоий-маънавий жабҳада миллий хавфсизликни таъминлашнинг стратегик объект ва воситаси;

— ўқувчиларда миллий (авто ва гетеро) стереотипларни мақсадли шакллантириш, маънавий бойитиш жараёни эканлиги шундан далолат беради.

Мустақил Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларининг миллий тарбия тизими — бу ўзбек халқининг ўзига хос миллий маданий феъл-атвори, ахлоқ қоидаларига ва миллий мустақилликни мустаҳкамлашнинг тарбиявий талабларига асосланувчи, халқ ҳаётининг барча жабҳалари билан ҳамбарчас боғлиқ, янги, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни шакллантиришнинг педагогик жараёнидир. Миллий тарбия Ўзбекистонда илмий-педагогик атама сифатида миллий мустақиллик берган имконият орқали янгидан кўтарилиб қўлланилаётган бўлса-да, у азал-азалдан гоҳ ошқора, гоҳ нинҳона тарзда бўлсин, халқимиз турмушида бардавом эди. Чунки ўзбек халқининг тарихи — ўзбекчиликка асосланган миллий тарбиянинг тарихи ҳамдир.

МИЛЛИЙ ТАРБИЯ — ИЖТИМОИЙ-ТАРИХИЙ, ҚОНУНИЙ ВА ОБЪЕКТИВ ЖАРАЁН СИФАТИДА

Антропологларнинг шаҳодат беришларича, одамнинг ташқи кўриниши кечки налеолит — кроманьонлар давридан буён ўзгармасдан келмоқда. Бу фикрнинг замонавий фанлар томонидан тасдиқланганлиги одамнинг биологик эволюцияси тугалланганлигини билдиради. Одамдаги эволюцион ривожланишнинг якуланиши эса ундаги маданий ривожланишни бошлаб беради. Одамда олий тараққий этган турларга хос бўлган эмоционал-инстинктив хусусиятлар генетик мерос сифатида мавжуд бўлиб, бу хусусиятларни чақалоқ дунёга келганида, унинг ривожланишининг илк ойларида кузатиш мумкин. Ижтимоийла-

шув (социализация) эса одам моҳиятини гўдакликдан бошлаб камолатга эришув томонга ўзгартира боради.

Инсон ўзининг ижтимоий-маданий ривожланиши жараёнида ажлодларининг миллий қадриятларини ижодий ўзлаштирувчи, замонийлаштирувчи, бойитувчи ва ўзгартирувчидир. Ана шу инсоний бурчларнинг ҳар бир шахс томонидан мукамал бажарилиши ижтимоий тараққиётнинг бой, ранг-баранг маланий оқимларини ҳосил қилади, сақлаб туради. Шу нуқтаи назардан, ҳар бир инсон ўзида тарихий, ижтимоий, маданий-миллий кўрсаткичларни мужассамлаштирувчи тарбия маҳсулидир.

Турли халқларнинг бир-бирларини табишида, билишида, билвосита ва бевосита миллатлараро мулоқотларда инсоннинг миллий жиҳатлари алоҳида қизиқарли уйғотган. Қадим замонларда ҳам тарихчилар, сайёҳлар, қомусий билимга эга мутафаккирлар (Ибн Батута, Страбон, Абу Райҳон Беруний, Миклухо Маклай, Луи Гонсалес де Клавихо, Ҳерман Вамбери ва бошқалар) қолдирган асарлар, ижтимоий-фалсафий, ахлоқий таълимотларда ҳам бошқа халқлар ҳаётини қиссий ўрганиш йўналиши мавжуд эди.

XIX асрга келиб Фарб ижтимоий фанларида бошқа халқлар миллий-маданий хусусиятларини тадқиқ қилувчи культурантропология ва социология йўналишлари махсус фанларга айланди. Бу фанлар «бошқа дунё кишиси» муаммосини ўргана бошлади. Аслида эса бу — бошқача тарбия — миллий тарбиянинг тизим, услублари, мақсадларидаги хусусийликларни илмий нуқтаи назардан ўрганиш даври бошланганлигини англатар эди.

XIX аср учун «бошқа дунё кишиси»ни ўрганиш тараққиёпарвар янгиллик эди. Зеро, культурантропология «Бошқа мамлакат, миллат кишиси қанақа?», «У ўзини ўраб олган дунёни, борлиқни қандай идрок қилади?», «У яхшилик ва ёмонликни қандай тушунади?», «У ўз хатти-ҳаракатларида қандай мезонларга асосланиб йўл тутди?» каби саволларга жавоб излар эди. Одамларнинг дунё ҳақидаги билимлари ортиб, янги ерлар очилиб, савдо-сотиқ, муносабатлари кенгая боргани сари ушбу муаммога қизиқиш ҳам орта борди. Айниқса, Оврупода капиталистик жамиятнинг шакллана бориши ва шу билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, айниқса, мустамлакачилик даври

у ёхуд бу халқларнинг миллий хусусиятларини ўрганишга кучли туртки берди. Чунки мустамлакачи, миссионер, плантаторлар ўз мустамлакалари — маҳаллий халқлар ҳақида ҳеч бўлмаса ибтидоний тасаввурга эга бўлишлари ўзларн учун фойдали эди. Қолаверса, бу масала мустамлакачиликнинг келажаги — маҳаллий халқларни «маданий-оқартув» орқали пнглизлаштириш, французлаштириш, яъни маданний-маънавий мустамлакаларга айлантиришнинг самарадорлигини таъминлаш учун ҳам керак эди.

Ўзга халқларнинг миллий характерини ўрганиш фақат мўмай фойда орттириш мақсади билан чекланиб қолмади. Чунки мустамлакачилар ва маҳаллий халқлар миллий қадриятлари орасидаги мавжуд тафовутни ечиш илмий муаммога айланиб улгурганди. Зеро, овруполнклар бошқа миллатларни шахслар мажмуи эмас, балки қандайдир ақлга зид афсоналар таъсирида яшовчи индивидлар, деб идрок қилар эди (Н. Трубенкой, Н. Бердяев). Масалан, осиеликлар ёки африкаликлар ўзлари учун миллий, оврупониклар назарида эса қандайдир «ғалати» ахлоқ-одоб, урф-одат, анъаналарга риоя қилар эдилар. Иккинчи томондан, маҳаллий халқлар учун овруноликларнинг хатти-ҳаракатларн, одоб-ахлоқи, урф-одатларн худди шундай ғалати кўринарди. Шу тариқа, юқоридагидек ўзаро миллий-маданий тушунмовчиликлар, зиддиятларни ечиш, бир-бирини тушуннш эҳтиёжларн XIX асрда маданий антропология асосида «нооврупо жамиятда маданият ва шахс», «этнопсихология» сингари илмий йўналишларни юзага келтирди. Натижада, **«фети-л-атворнинг миллийлиги»** илк бор ижтимоий-сиёсий, кейинчалик эса педагогик илмий тушунчаларга айлана борди.

Миллий тарбиянинг этнопедагогик қирраларини илк бор кашф этган олимлардан бири — культурантрополог М. Мид бўлди. Унинг тадқиқотлари нафақат гетеростерейотип (бир халқнинг бошқа халқлар ҳақидаги билимлари йиғиндисн)нинг, балки осиелик ва африкаликларда автостерейотип(ўз халқи ҳақидаги билимлар йиғиндисн)нинг шаклланишига, бошқача қилиб айтганда, ўзлигинн англашга ҳам туртки бўлди. Биз учун ушбу тадқиқотнинг педагогик жиҳати муҳимдир. Зеро, М. Мид томонидан 1927 йили нашр этирилган «Coming on' age Samoa» («Самоада

улғайнш») китоби тарбиянинг миллийлигига асосланган илк илмий-тадқиқот натижасидир.

М. Мид ҳар бпр кишининг маълум миллий муҳитдаги хулқ-атворини тушунишда унинг болаликда олган миллий тарбияси таъсири ниҳоятда катта аҳамиятга эгалигини қайд қилади. Чунки болаларнинг миллий тарбиявий таъсирни қабул қилиш жараёни ва катталарнинг миллий феъл-атворлари орасида изчил алоқа мавжуд. Тарбиянинг миллий хусусият касб этишида бир авлоддан иккинчи авлодга ўтиб келувчи анъаналар, маросим, удум, ишлаб чиқариш ва ҳаётий малакалар, афсоналар, хулқ-атвор тарзи, болаларга, ўсмирларга, қарияларга муносабатларнинг ўзига хослиги катта роль ўйнашини М. Мид алоҳида қайд этади¹.

Миллий тарбиянинг ўта муҳим ижтимоий-психологик омпи бор. Бу — характернинг миллийлигидир. Миллий характер концепцияси турли этносларда уларнинг ўзларигагина хос миллий характер мавжудлигини: шахспинг миллий характери устувор психологик ҳодиса бўлиб, бу унинг миллий хулқ-атворида намоён бўлишини; ана шу кўрсаткичларга асосланиб, у ёки бу халққа, миллатга мансуб кишилар характерининг моделини — ўртача миллий характер намунасини яратин мумкин, деган хулосаларни асослайди.

Бир миллатга мансуб кишилар учун умумий бўлган фазилатларини ўзида мужассамлаштирган намунавий миллий шахс сиймоси мавжудлигини бирипчи бўлиб А. Кардинер қайд қилди. У «миллий шахс»нинг шаклланишида, энг аввало, оиланинг миллий-тарбиявий таъсирини, ундан кейин ижтимоий тарбия омиллариининг етакчи ролини алоҳида қайд қилади².

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Япония ва Ғарбий Германия аҳолисининг психологияси ўрганилиб, миллат, унинг қадриятлар тизими, мулоқот усуллари ва бошқа кўрсаткичлари миллий маданият таъсирида шаклланиши исботланди. Турли минтақаларда ўтказилган илмий тад-

¹ М. Мид. Культура и мир детства. — М.: 1988, с. 98.

² Современная западная социология: Словарь. — М.: Политиздат, 1990, с. 208.

қиқотлар натижаларининг умумлаштирилиши: муайян халққа хос дуйёқараш, турмуш тарзининг мавжудлиги — халқларнинг турли «намуналари»ни қосил қилишини; турли «намуналар»нинг мавжудлиги эса болаларни тарбиялашда ўзига хосликнинг мавжудлигига, қадриятлар тизмининг катталар хулқ-атворида акс этишига боғлиқ эканлигини кўрсатди. Бироқ, ўтказилган этнографик ва этнопсихологик тадқиқотлар муайян бир халқнинг миллий характерини ўрганаётган олимнинг ўзи бошқа маданиятга мансублиги туфайли ўрганаётган миллат маданиятининг туб моҳиятини мукамал ҳис қилолмаслиги натижасида, тадқиқот маълумотларини талқин қилишда хато ва камчиликларга йўл қўйиши мумкинлигини ҳам исботлади. 50-йилларда Америка этнопсихологиясининг миллий характерига хос камчиликлари ҳам айнан шунда эди. Албатта, бу омил миллий характер концепциясига хос объектив моҳиятни ўзгартирмади, аксинча, тадқиқот услубиятини такомиллаштиришга туртки бўлди, холос.

Миллий тарбия воситасида авлоддан-авлодга ўтувчи миллий маданият ва унинг цивилизация билан муносабатини мисрлик машҳур педагог Сотеъ ал-Хусрий (1880—1968) ўз тадқиқотларида яққол очиб берди. «Меинга маданий бирликнинг кафолатини беринг, меи эса сизга бирликнинг бошқа барча турлари кафолатини бераман» деган машҳур фикр ана шу олимнинг қаламига маъсуб. Ал-Хусрий Шарқда миллий-замонавийлик оқимининг ташкил топишига катта ҳисса қўшди. У замонавий араб миллий маданияти тикланиши арафасида педагогикада «эскилнк-янгилик», яъни миллий фундаментализм ва миллий замонавийлнк орасида тафовут мавжудлиги муаммосини кун тартибига қўйди. Ал-Хусрий, бир томондан, миллийликни фақат тарихий анъана деб тушунувчи фундаментализм, қадимийчилик тарафдорларини, иккинчи томондан, миллийликдан юз ўгириб Оврупо маданиятига тақлид қилишга ундовчи «гарбий»ларни танқид қилиб, бу тарбиявий муаммони фақатгина «синтез қилиш орқали» ечиш мумкин, деган илғор фикрни ўртага ташлади.

1953 йили Миср миллий мустақилликни қўлга киритгач, Ал-Хусрий мактаб-маорифни «маънавий мустамлакалик»ка қарши кураш майдони, деб атади. Шунинг учун

ҳам у араб мактабларида миллий гурур, ватанпарварлик тарбиясига алоҳида эътибор қаратишга чақирди. Маърифатпарвар Ал-Хусрий Ғарб таълим гизимпни Арабистонга намуна, нусха қилиб кўчириб олиш хавfli ва бефойда деб ҳисоблар эди. Чунки, «бошқа муҳитга кўчириягач, ўз жойига хос бўлган ижтимоий омиллар таъсиридан ажратилгач, кўчириб келтирилган маориф тизими бутунлай бошқа натижалар беради». Шунинг учун, дейди педагог Ал-Хусрий, «биз бошқа ҳар қандай миллат маориф тизимига ўралашиб қолмасдан, тараққиётда биздан ўзиб кетган барча миллат тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда ўзимизнинг алоҳида маориф тизимимизни тузмоғимиз керак»¹. Шунингдек, Ал-Хусрий араб тилининг илмий атамаларини яратишга чақириб, «**миллий тарбия**» тушунчасини илк бор илмий-педагогик муомалага киритди. Шу тариқа миллий тарбия, бир томондан, мулкдор бойлар орасида мавжуд «ўз манфаатларини миллат манфаатидан юқори қўйиш ва очкўзликка, иккинчи томондан, мутаассиб руҳонийларнинг «тараққиётга элтувчи плфор ғояларга душманлиги»га қарши курашда самарали қурол бўлиб хизмат қилди.

Юқоридаги илмий таърифларнинг носинфий, холис таҳлили «маданият», «миллийлик» тушунчаларининг тарихий, замонавий ва истиқболий тушунчалар экаилиги ҳақидаги хулосани ҳосил қилади, «Цивилизация» тушунчаси эса кўпроқ жуғрофий, миитақавий хусусиятга эга бўлиб, асосан фан ва техника ютуқларини эгаллаганлик даражасини ифодалайди. Ушбу талқинлар илгари бериб ўтилган таърифларни инкор қилмайди, аксинча тўлдиради, аниқлаштиради. Демак, маданият — миллийдир, цивилизация эса умуминсоний замонавийликдир. Миллийлик ва цивилизациялашганлик уйғунлашгандагина инсоният маънавий ва моддий маданиятлар уйғунлигига эришади. Зеро, «миллийликсиз инсоният мантиқий мавҳумликка, мазмунли йўқ сўзга, маъноси йўқ товушга айланиб қолади»².

¹ Т. Тихонова. Саты аль-Хусри о роли культуры в укреплении арабского единства. Проблемы арабской культуры. Сб. научн. ст. — М.: Наука, 1987, с. 332—343.

² В. Белинский. Полное собр. соч., Т. 8. — М.: 1970, с. 79.

Ҳар бир миллатда, мамлакатда давом этаётган тарбиявий жараён умуминсоний тарбия тизимининг таркибнй қисмидир. Демак, ҳар бир давлатда олиб борилаётган сиёсат каби, тарбия сиёсати ҳам умумбашарпй эҳиёжлардан келиб чқиб мувофиқлаштирилмоғи керак. Чунки инсоният цивилизацияси тақдири барча халқларга бир хил боғлиқ ва қимматлидир. Сайёрамизга раҳна солаётган азон қатламининг емирилиши, СПИДнинг тарқалиши, экологик хавф-хатарлар, терроризм хуружи, антропологик таҳдидларни «умумбашарпй педагогик бнрлик»ка эришмай туриб бартараф қилиш мушкул.

Афсуски, бу зарурий бирлик мазмуни турлича тушунилмоқда. Жумладан, айрим ҳолларда «умумбашарпйлик» тушунчаси «овруполашганлик» сифатида талқин ва ташвиқ қилинмоқда. Умумбашарпй педагогик бирлик гоёси «умумбашарпй педагогик бир хиллашув» эмас, балки барча миллийликларнинг инсоният қаршисидаги хавф, таҳдидларга қаршн миллатлараро педагогик бирлиги бўлмоғи керак. Зеро, шахс аввало миллийлашиб, ижтимоийлаша борганн сари умуминсоний мансубликка яқинлашади. Демак, шахс умуминсоний қадриятларнн тўғри, ижобнй қабул қила олиши учун, аввало, ўзи шаклланган муайян миллийликнинг баркамол субъектига айлана олиши керак. Шу ўрида мамлакатимиз тараққиёти тамойилларидан бири сифатида белгилаиған миллий ва умуминсоний қадриятлар устуворлигини мамнуният билан қайд этиш лозим.

Миллийликнинг баркамол субъектини тарбиялашни талқиқ қилиш йўлидан борар эканмиз, миллийликнинг нафақат маданий-ижтимоий, балки физиологик асослари ҳам очилди.

Физиологлар олиб борган изланишлар киши у ёки бу миллат тилида сўзлашган вақтида унинг ташқи қиёфаси, юз кўриниши ўша миллат кишиларига ўхшаб кетишини асосламоқда. Чупки бошқа тилда сўзни талаффуз қилиш, тушунтириш учун ўша миллатда қабул қилинган имо-ишоралар, хатти-ҳаракатлардан фойдаланилади. Шунинг учун ҳам «киши бошқа миллат ахборотини қабул қилмасдан туриб, миянинг тоза бўлимларига аввадо ўз она тилида ва ўша ҳудудга тегишли ахборотни жойлаштиргандаги-

на миллий ўзига хосликни сақлаб қолади. Мабодо олинаётган ахборот турли-туман, омухта бўлса, устига-устак кераксиз ахборот қабул қилинса, у мияда мустаҳкам ўрнаша олмайди. Натижада, бундай киши фикрлаш жиҳатида ҳам аросатда қолади»¹.

Этнопсихологларнинг берган хулосаларига кўра, миллий психологияни айнан ўша этнос вакилларининг фаолият, хулқ-атвор ва мулоқотлари жараёнлари орқали ўрганиш мумкини. Бизнингча, миллий тарбия жараёнининг педагогик-психологик хусусиятларини ўрганиш учун ҳам айнан шу йўлдан бормоқ самаралидир. Зеро, миллий тарбия миллий (ички) ва миллатлараро (ташқи) муносабатларнинг муваффақиятнинг таъминлашга хизмат қилади. Миллий тарбия жараёнида макондаги муқимлик ва миллий-маданий жипсликни, бирликни таъминловчи этник, миллий маълумотлар синхрон ва диахрон шаклда авлоддан-авлодга узатилади. Шундай қилиб, фақат шу миллатгагина хос бўлган ўзига хос тарбиявий тизим ушбу миллатнинг бошқа миллатлардан фарқ қилишини, ички яхлитлигини, беназарлигини таъминлайди. Агарда миллий тарбия эътиборсиз қолдирилса, стихияли тарзда кечса, халқнинг миллий ўзлигини англаш даражаси, миллий ғурури, маданияти, ватанпарварлик даражаси сусая боради. Чунки ҳар бир индивид ўзига хос миллий-маданий анъаналар, меъёрлари бўлган жамиятда шаклланади. Ана шу урф-одат, меъёрлар, анъаналар руҳида ижтимоийлашуви уни ана шу маданий-тарихий бирлиكنинг аъзосига айлантиради. Бу жараёни бошқача тарзда чақалоқнинг ё француз, ё ҳинд, ё ўзбекка айланиш жараёни, деб ҳам ифодалаш мумкин. Чақалоқнинг (миллий тарбия объекти ўлароқ) ўзбек сифатида шаклланиши ўзбеклар учун анъанавий бўлганлиги туфайли кўзга ташланмайди. Тадқиқотлар шуни қайд қилмоқдаки, шахс маданийлаша (украинлаша, араблаша, ўзбеклаша...) борар экан, бу миллийлашув жараёни миллий-ижтимоий роллар талабларидан келиб чиқиб, жамиятнинг узлуксиз назорати остида амалга ошади. «Миллий-ижтимоий роль»-тушунчасини, замонавий ижтимоий роллар социологик концеп-

¹ Ш. Шомансуров. Тил ва тиббиёт. «Фан ва турмуш», 1992, 2-сон, 26-бет.

цияси ва И. Коннинг¹ ижтимоий ролга берган таърифидан фойдаланган ҳолда, «муайян миллий бирлик ичида анъанавий маъқулланган, шу миллатга мансуб аъзоларидан уларнинг ёши, жинси ва муайян вазиятдан келиб чиқиб кутиладиган хулқ-атвор намунаси», деб таърифлаш мумкин.

«Ўқувчининг миллий роли» тушуничаси миллий тарбияни таҳлил қилиш учун социологик калит вазифасини ўтайди. Чунки бу тушунчанинг кўпқирралиги миллий-замонавий ҳаёт жабҳаларини, миллий тарбия йўналишларини илғаб олнш имконини беради. Миллий тарбия тизимини «миллий роль» тушунчаси орқали ўрганнш ҳар бир ўзбек ўғил-қизини илк ёшларидан «яхши бола», «яхши ака, ука, сингил, опа», «яхши жиян, тоға, бўда...», «яхши меҳмон, мезбон», «яхши дўст», «одобли бола» каби «унвонли» муносабатга тайёрлаш механизмини очиб беради. Кенг маънода эса ўқувчининг миллий ролини ўзлаштириши — ўз ичига миллий фазилатларни, миллий ахлоқ меъёрларини сингдириши, миллий-ижтимоий ҳаётга тайёргарлик жараёнларини ҳам жамлайди.

Миллий ижтимоий ролларни таснифлаш, уларнинг кундалик ҳаётда, муносабатларда бажарилишини илмий-педагогик кузатиш — замонавий ва истиқболли усулдр. У бола-ни «қаршисида» туриб эмас, балки миллий-илмий кузатиш имконини беради. Бу эса тадқиқотнинг объектив натижаларга эга бўлишининг асосий шартларидан биридир.

Замонавий фанлар ижтимоий ролларнинг қуйидаги таснифини илгари суралн:

туғма, мавқели ижтимоий роллар — одам туғилганиданок ёки ҳаётининг у ёки бу босқичига киришганида «мерос қилиб олинувчи» роллар (жинсий, диний, миллий, фуқаролик, гўдаклик, ўсмирлик, йигитлик, мўйсафидлик ва б.);

ўзгарувчан — доимий бўлмаган, ўзгариши мумкин бўлган ижтимоий роллар. (Масалан, у ёки бу касбни эгаллаш, бирор уюшмага, жамиятга аъзо бўлиш ва ундан чиқиш мумкин, ҳатто фуқароликни ҳам ўзгартириш мумкин. Бпроқ туғма миллий роллар (ўзбеклик, французлик ва ҳ.к.)дан чиқиб бўлмайди.)

¹ И. Кон. Социология личности. — М.: 1967.

Муайян вазиятдаги ижтимоий роллар — йўловчилик, харидорлик, меҳмонлик, мезбонлик ва ҳ.к. роллари ўзгаришчан роллар билан камроқ, туғма роллар билан кўпроқ алоқада бўлади. Муайян вазиятдаги роллар махсус ва шахсий аҳамиятга эгаллиги туфайли кишини йўловчи, харидор, меҳмон ёхуд мезбонга «айлантирса», шахсий фазилатлар моҳиятидан келиб чиқиб шахсни «дўст», «душман», «меҳрибон киши», «тақводор киши», «фидойи одам» ва бошқаларга айлантиради. Демак, шахс ташқи муҳит (табиат, жамият, шахслар) билан муносабатга киришганида миллий хусусият (ўзига хос бўлган «украинча», «хакасча», «грузинча» ёндашув) касб этади. Бу фикр илк бор немис социологи У. Герхард томонидан туғма ижтимоий роль сифатида таклиф қилинган, кейинчалик Ю. Сорокин, Е. Тарасов, Н. Уфимцевалар томонидан ижтимоий фанларга киритилган эди. Лекин, назарий жиҳатдан асосланганлигига қарамасдан, миллий ролининг туғма мерос, ворислик хусусиятини ўрганиш, ривожлантириш социалистик интернационализм тамойилларига мос келмаслиги туфайли ривожлантирилмади.

Шарқ, хусусан, ўзбеклар миллий тарбиясининг фалсафий, методологик асосларини Шарқ фалсафаси — дунёни идрок қилишнинг шарқона «руҳи», услубини тушунмасдан аниқлаб бўлмайди. Дуниёни идрок қилишнинг шарқона тарзи мавжудлигидан келиб чиқиш яқин йилларгача ижтимоий фанларда етакчилик қилиб келган бир ёқламалик — европоцентризм оқимида барҳам беради. Фарб кишининг онгидаги персоналистик қараш христианлигининг, шарқ кишиси онгидаги антиперсоналистик қараш эса исломнинг бевосита таъсирида юзага келди. Ана шунинг учун ҳам овруполнк шахс моҳиятини христианликсиз («Христиан дини — Оврупонинг ўқитувчисидир». Н. С. Трубецкой), шарқ кишининг моҳиятини эса ислом динининг ахлоқий қарашларисиз тадқиқ қилиш янги хулосаларга олиб келади. Жумладан, то шу пайтгача Шарқ ахлоқининг қомуси — Куръони карим, ҳадиси шарифлар, шарият педагогик эътибордан четда қолдирилиб келинаётган эди. Биз имкон даражасида ана шу назарий-педагогик камчилиكنи тўлдиришга ҳаракат қиламиз.

Диннинг инсоният маънавиятида тутган роли беқиёс-
дир. Шу боис педагогика барча миллатларда содир бўлган
динга қизиқишнинг, динийликнинг тикланаётганлигига
эътибор қилмоғи керак. Чунки дин — дунёқарашни таш-
кил қилувчи онгнинг таркибий қисмидир. Динда инсон,
унинг моҳияти, миллийлиги ҳақида мулоҳазаларнинг ул-
кан, яхлит тажрибаси мавжуд. Унинг вазифаси эътиқод
орқали инсон, жамиятнинг руҳиятини уйғунлаштириб,
тарбиялашдир. Ана шу нуқтаи назардан ҳар бир дин — ўзи
асослаган маънавий таълим ва ахлоқий тарбия тизими-
дир. Бу, одатда, муайян динга мансуб халқлар, миллатлар
(масалан, ислом динига мансуб араб, татар, тожик, турк,
қozoқ, ўзбек ва бошқалар)нинг умумдиний ёки байнал-
минал маънавияти ва ахлоқини ҳосил қилиб келган.

Миллатнинг пайдо бўлиши, ривожланишини ижти-
моий-иқтисодий формациялар билан белгиллаш, ўлчаш
нисбийдир. Чунки «миллат» тушунчаси миллатнинг мав-
жудлиги ҳақидаги ҳужжатдир. Бу тушунча эса қадимий
бўлиб, бизнинг кейинги талқинларимиз, унинг асл мо-
ҳияти қандайлигидан эмас, балки бизга қандай тушунти-
рилганидан келиб чиққанлиги туфайли субъективдир. Зеро,
миллат, ўзига хос барча хусусиятлари билан бирламчи,
бизнинг талқинларимиз эса иккиламчидир. Ана шу нуқ-
таи назардан миллатларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги ди-
ний қарашлар ҳам педагогик диққатга сазовордир.

Қуръони каримнинг Бақара, Юнус, Ҳуд, Наҳл сура-
ларида одамларнинг дастлаб бир миллатга мансуб бўлган-
ликлари, сўнгра эса бўлиниб кетганликлари ҳақидаги фикр
бир печа бор қайд қилинади. Қуръони карим ҳар бир мўмин
кишини ўз миллий қадриятларини бойитишга, ўз милла-
тидан кечиб, бошқа миллат қўшимчасига айланиб кет-
масликка чақиради: «Ва сизлар бпр миллат бошқа мил-
латдап (сон ё бойлик жиҳатидан) ортиқроқ бўлгани учун
қасамларингизни (бузиб) алдов воситаси қилишингиз
билан(яъни, бошқа бойроқ ва кучлироқ қавмни топсан-
гиз, аввалги қасамларингиздан кечиб кетаверишингиз
билан) худди ўзи тўқиган нарсасини пишиқ-пухта бўлга-
нидан сўнг парча-парча бузиб-чуватиб ташлагани хотиига
ўхшаб қолмангиз! Албатта, Оллоҳ бу (сизга вафо қилиш

га буюриш) билан сизларни имтиҳон қилур ва албатта қиёмат кунда сизларга ихтилоф қилиб ўтган нарсаларингизни баёи қилиб берур»¹.

Қуръони каримдаги ушбу ишорадан келиб чиқиб, миллий тарбия ёш авлодларда ўз ва ўзга халқларга ҳурмат, миллий ғурур, ватанпарварлик, миллий ва миллатлараро мулоқот одоби каби фазилатларни шакллантиради ва ўзбек халқини маънавий ва моддий жиҳатлардан бой миллатга айлантиришга хизмат қилади, дея оламиз.

Миллий тарбиянинг манбаи — миллийлик! «Миллат», «миллийлик», «миллий ғурур», «миллий одоб», «миллатлараро мулоқот маданияти» тушунчаларининг ўзагини арабча «мил» сўзи ташкил қилади. Бу сўз арабчада «ўзак», «туб моҳият», «негиз» маъноларини англатади. «Миллат» сўзи эса бир неча маънони: 1) дин: мазҳаб; 2) уммат: бир мазҳабга маъсуб аҳоли; 3) халқ маъноларини англатади².

«Миллат», «миллийлик» тушунчаларининг талқини билан тапишар эканмиз, уларнинг ғарбона ва шарқона тарзлари бор эканлигини кўрамиз. Аникроғи, ғарбий талқин христиан, шарқий талқин эса исломий ўзакларга бориб туташади. Яъни Оврупо халқлари тилларига «миллат» тушунчаси латинча «patio» — қабила, халқ сифатида христиан дини билан бирга кириб келган бўлса, Осиёга эса ислом таълимоти орқали юқоридаги уч хил маънода кириб келиб сингди.

«Тарбия» сўзи «миллий тарбия» тушунчасининг таркибий қисми бўлганлиги туфайли бу тушунчага ҳам янгича ёндошган ҳолда, ҳолис илмий-педагогик таъриф бермоқ керак. Арабча «тарбия», «тарбият» сўзлари 1) парвариш қилмоқ; таълим бермоқ; ўргатиш; одоб ўргатиш; 2) навозиш, меҳрибонлик кўрсатиш: кўз-қулоқ бўлиш; ҳимоя қилиш каби кўп қиррали мазмунга эга³. «Тарбиячи» эса шу кўп қиррали тарбиявий фаолиятни амалга оши-

¹ Қуръони карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. — Т.: Чўлпон, 1992, 191-бет.

² Фарҳанги забони тоҷики. (Аз асри X то ибтидои асри XX.) 2 ҷилд. 1 ҷилд. Сов. энцикл. — М.: 1969, саҳ. 689.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 ҷилдлик, 2-том, — М.: «Рус тили» нашр, 1991, 125-бет.

рувчи одам, демакдир. Демак, миллий тарбиянинг лугавий маъносини «ёш авлодларни ўз халқига хос миллий фазилатлар намунасида шакллантириш, таълим бермоқ» сифатида аниқлаш мумкин.

Иудаизм, христианлик, будда ва ислом динлари — ўзига хос тарбия манбаидирлар. Шу нуқтаи назардан миллий тарбиянинг моҳиятини диний унсурсиз мукамал деб бўлмайди. Чунки ҳар бир дин, пайғамбарнинг вазифаси — одамларни тарбиялаш, баъзида эса, қайта тарбиялашдан иборат бўлиб келган. Масалан, христиан педагогик фалсафаси «диндан ажратилган таълим-тарбия маъпавиятдан айрилишга, таълим-тарбиядан ажратилган дин эса хурфотга айланишга маҳкумдир» деб ҳисоблайди. Шу билан биргаликда христиан руҳонийлари ахлоқий қадриятларнинг эътиборсизлана бориши туфайли «ҳамма нарсани сотиш ва сотиб олиш мумкин» бўлиб қолганлиги, «менинг ватапим бошқа ерда» дегувчи ватан тақдирига бефарқлик намуналарини, порнография ташкилотчиларини тапқид қилиб, ўз ҳукуматларига маърифий ёрдам бермоқдалар»¹.

Будда диний таълимотида ҳам одамлар орасида ўзаро ҳамкорликка даъват қилиниб, миллийликларга демократик, толерант ёндашувга амал қил, бошқаларнинг эътиқодларини қоралама, дейилади. Будда дини ўзига мансуб кишидан ўз қобилиятларини мутаносиблаштиришни, интизомлидликни, хотиржамликини, чиройли сўзлаб, чиройли хулққа эга бўлишни, уйғунликини, ўзидаги Мара(салбий куч)ни чидам ва ҳамдардлик орқали бартараф қилишни, ўз-ўзини тарбиялашни талаб қилади. Чунки «Инсон яхшиликнинг моҳиятини чуқур тушуниб, ҳис қилсагина, у яхшиликка қодир бўла олади», деб уқтиради буддизм фалсафаси².

Миллий тарбиянинг методологик асосларини аниқлашда, упи ҳар томонлама талқин қилишда социобиология эришган натижалар катта аҳамиятга эга. Биология фанининг бу йўналиши 1975 йили америкалик энтомолог Э.Уилсоннинг «Социобиология: янги сиитез» номли китобидап

¹ И. Валентинов. Современная христианская педагогика на Западе. Педагогический вестник, 1992, № 2.

² Е. Рерих. Основы буддизма. — Улан-Удэ: Бурят. Кн. из-во, 1991, с.

бошланиб, илмий давраларда катта қизиқиш уйғотди. Социобиологиянинг бош мақсади — инсон ҳаётининг турли жабҳаларини тадқиқот қилишга қодир бўлган янги — омухта фан яратишдир. «Койнотда оигли жонзотлар ичида икки интеллектуал ирқ — эйдилонлар ва ксинедринлар бор, деб фараз қилайлик, — деб ёзадилар Ч. Ламзден ва Э. Уилсон. — Эйдилонлар — органик машиналар бўлиб, улардаги тафаккур ва хулқ-атвор дастурлаштирилган. Ксинедринлар онги эса, тоза ёзув тахтасига монанд. Уларининг тафаккурида ирсий детерминациянинг излари ҳам йўқ, яъни ксинедринлар тафаккури, хулқ-атвори ташқи муҳит томонидан дастурлаштирилади. Эйдилонлар йўли маданият таъсирида кечади. Ер куррасидаги одамлар алоҳида — учинчи йўлга эгадир. Бу йўлнинг моҳияти, социобиологларнинг фикрича, ирсий омиллардан маданий омилларга ва аксинча бўлиб ўтадиган доимий ўзгаришлардадир»¹. Социобиология инсон устидан ҳукмронлик қилувчи барча кучларининг энг қудратлиси ва мураккаби — ишонч, эътиқод, деб билади. «Эътиқод ижтимоий хатти-ҳаракатларнинг универсал тартиботларидан бўлиб, ҳар бпр жамиятда уни (иамонён бўлиш шаклига қараб) тезда қайд қилиш мумкин... Лекин инсон бу унсурдан дин ва марксизм орасидаги қарама-қаршилиқ туфайлп воз кечишга мажбур бўлди. Эътиқодсизлик эса одамларда миллий қадриятларнинг йўқолишига, арзимас нарсаларни қимматли нарса деб, ҳақиқий қимматга эга бўлган нарсаларни эса ерга уришга олиб келди», — деб ҳисоблайди² «инсон ҳақидаги янги фан» — социобиология. Кўриниб турганидек, ушбу янги фаннинг эътиқод ва уни шакллантириш ҳақидаги қарашлари ўқувчиларимизда миллий ғояга асосланган истиқлолий эътиқодни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Миллий тарбияни тадқиқот қилишнинг методологик талабларидан бири — аниқ фанларда эришилган ютуқларни ўрганиш, уларнинг мазкур тадқиқот предметига муносабатини умумлаштиришдир. Ана шундай фаилардан бири бўлмиш олий нерв фаолияти физиологияси ва педагогика

¹ Р. Карпинская, С. Никольский. Социобиология: критический анализ. — М.: Мысль, 1988, с. 10.

² Ўша манба. 150-бет.

орасида узвий боғлиқлик мавжуд. Зеро, «ҳар қандай таълим ва тарбия ўзиинг физиологик механизмига кўра, шартли реакция (организмнинг ташқи таъсирига жавоби), кўникма ва таассуротларни ҳосил қилиш жараёнидир»¹.

Маълумки, биринчи сигналлар системаси инсон ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлиб, инсоининг иккинчи сигналлар системаси учун табиий манба бўлиб хизмат қилади. Иккинчи сигналлар системаси эса — бу бнз эшитаётган, сўзлаётган, ўқиётган сўзларимиздир. Яъни сўз бизга биринчи сигналлар системасининг образлари, сиймолари, хусусиятлари ҳақида мужассамлашган хабар беради. Масалан, ўқувчилар соҳибқирон Амир Темурнинг исми шарифларини эшитганларида у кишига ҳурмат ҳиссиини туядилар, «Орол» сўзи эса «Орол муаммоси»ни эслатиб уларда ачиниш, уни сақлаб қолишда иштирок этиш истagini найдо қилади ва ҳ.к. Хуллас, ўқувчилар сўз орқали биринчи сигналлар ҳақида маълумот олгач, уларда ҳурмат, ачиниш, раҳм-шафқат ёки, аксинча, «ҳнзб ут-тахрир», «вахҳобийлик», «ақидапарастлик» деган сўзларни эшитганида уларда нафрат кечинмалари пайдо бўлади. Демак, биринчи сигналлар системаси орқали ҳосил қилиш мумкин бўлган хатти-ҳаракат, ҳис-туйғуларни иккинчи сигналлар системаси — сўзлар орқали ҳам ҳосил қилиш мумкин.

Сўз эса миллий хусусиятга эга. Эшитилган, ўқилган сўз маъноси тиигловчи, ўқувчи тушунадиган тилда бўлсагина у хатти-ҳаракатга, туйғуларга таъсир қилиб, миллий маданий муҳитни тушуннишга, унга мослашишга хизмат қилади. Агар сўз ва унинг миллий маъноси, моҳияти тушунарсиз бўлса, у ўқувчига биричи сигнал сифатида ҳам, иккинчи сигнал сифатида ҳам таъсир кўрсата олмайди. Ўқувчи учун маъносиз товуш бўлиб қолаверади. Демак, иккинчи сигналлар системасининг сўзлар орқали намоён бўлишини, инсон миллийлигининг бош белгиси — тил, тил эса сўзлардан иборатлигини, шунингдек, юқорида келтирилган этноисихологик ютуқларни умумлаштириш иккинчи сигналлар системаси миллий хусусиятга эга, деган илмий хулосани ҳосил қилади. Бу эса миллий тарбия-

¹ А. Коган. Основы физиологии высшей нервной деятельности. Учеб. для биол. спец. вузов. — 2-е изд. — М.: Высш. шк., 1988, с. 16.

нинг аниқ фан — олий нерв фаолияти физиологиясига таянувчи назарий асосини белгилайди.

Халқлар, миллатлар ўзлари истиқомат қилаётган жугрофий ҳудуд, табиат, жонзот ва инсоний фазилатларга ҳос ва мос номлар берганлар. Улар сўзда ифодаланиб, таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларнинг иккинчи сигналлар системасининг миллий, хусусий жиҳатини белгилаб келган. Ана шунинг учун ҳам тилда талаффуз қилинган сўз фақатгина шу тилни тушунувчи киши учун иккинчи сигналлар системаси сифатида таъсир қилади. Бола, одам ўзи тушунмайдиган сўздан таъсирланмайди, ҳаракатга келмайди, ўз хатти-ҳаракатини ўзгартирмайди.

Ўзбекона тарбия мазмунидан жой олиб, ўзаро муносабатларда намоён қилиниши лозим бўлган инсоний фазилатларни ифодаловчи сўз — сигналлар мавжуд. Масалан, «тавозе», «ҳаё», «виждон», «иймон» ва бошқа сўзларнинг фаол қўлланилганлиги миллий маънавиятимизнинг юксак чўққига кўтарилганлигидан далолат беради. Лекин халқимиз тарихининг кейинги асрларида содир бўлган мустамлакачилик, миллий фазилатларни «қолоқлик, маданиятсизлик кўрсаткичи», «эскилик сарқити» дея қадрсизланиши юқоридаги тушунчаларни ўзбек мактаби дарсликлари матнидаи сиқиб чиқарди. Натижада, миллий фазилатлар ўқувчиларнинг иккинчи сигналлар системасига киритилмаганлиги туфайли, бошқа тилдаги сўздек тушунарсиз бўлиб қолаверди. Ўқувчилар билаи ўтказилган суҳбатлар, савол-жавоблар буни тасдиқлади. Қўшимча мисол тариқасида атоқли ёзувчимиз Иброҳим Раҳимнинг 80-йиллардаги кузатувларидан бир парча келтирамиз: «... Кўпгина ёшларимиз «инсоф» нималигини билиш у ёқда турсин, бу сўзнинг ўзини ҳам эшитмагандек, тушунмайдилар.

Эски ҳовлимизнинг рўпарасидаги ўрта мактабнинг тўполончи ўқувчиси ўзидан кичик болаи дўппослаганида қўлидан ушлаб, «Инсофнинг борми, ўзингдан кичик болани урасанми?» десам, «Инсоф деганингиз нима?» деб анқайиб қолди. Шундан кейин бошқа бир неча боладан ҳам сўрадим. Унақа дарс ўтганимиз йўқ, деб жавоб қилдилар. Шу воқеадан кейин мактабларда инсоф дарсиини ўтиш керак шекилли, деган хулосага келдим.

Инсофли бўлиш ҳақида на уйда, на мактабда ва на атрофдагилардан таълим олмаган айрим ёшлар инсофсизлик қилиб қўйганини ўзлари англамаяптилар, англасалар ҳам унинг хунук оқибати — гуноҳи тўғрисида мутлақо ўйламаяптилар... (Иброҳим Раҳим. Ҳаёт чорраҳаларида. — Т.; Ўзбекистон, 1991. 110-б.)

Бу ҳолат ўзбек умумтаълим мактаби ўқувчиларини «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»дан жой олган, инсоий фазилатларни ифодаловчи 1,5 миңдан ортиқ сўзлар(масалаи, «одамгарчилик», «иисоф», «виждонлилик», «меҳрибонлик» ва ҳ.к.) биян махсус таништира боришни тақозо қилади. Бироқ, сўзларнинг фақат маъносини тушунтириш билан юқоридаги фазилатларни ўқувчиларнинг одатига айлантириш мушкул. Бунинг учун миллий-иисоий фазилатларни махсус ташкил қилинувчи тарбиявпй вазиятларда, тарбиявий соатларда ўқувчиларга намоиш қилиш (масадан, «миллий одоб»нинг қандай намоён бўлишии нафақат тушунтириш, балки кўрсатиш) ва ўқувчилар билан миллий олоб машқларини ташкил қилиш талаб этилади. Тарбиявий таълим — муомала, одоб қоидаларини махсус ўргатиш жаҳон миқёсида янгилик эмас ва ўрнак олса арзигулик мисоллар бор. Масалан, Япоия мактабларияя «япон хулқ-атвори» дарси махсус, мажбурий ўтилади. Бу дарсда муомала, одоб-ахлоқнинг энг нозик қирраларигача махсус ўргатилади, машқ қилдирилади. Жумладаи, меҳмон келганда мезбон эшикни қандай очиши кераклигигача ва ҳ.к. Хуллас, миллий-тарбиявий таълим миллий фазилатларни ўқувчиларнинг дастлаб биринчи, кейин эса иккипчи сифатлар системасига айлайтиришга, пировард натижада эса, ўқувчиларнинг шахснй хислатларига, одатларига айланишида педагогик технология вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон социолог олимлари олиб борган илмий тадқиқотлар миллий тарбиянинг социологнк жиҳатларини ойдинлаштиради. Тошкент Давлат уииверситети социологик Маркази «Ғарб — Шарқ: шахс хулқ-атвори ва мослашувиинг маданий-этник хусусиятлари» мавзуси бўйича тадқиқотлар олиб бордилар. Қиёсий натижалар шуни кўрсатадики, Америка-Европа маданияти, мусулмон Шарқи маданиятлари тамомила турлича қадриятларга таянади. Яъни

шарқона хулқ-атвор қадриятлари анъанавийликка таянса, гарбона хулқ-атвор эса индивидуалистик тип сифатида ижтимоий муҳит, ҳатто макросоциумларни инкор қилиш орқали ўзлигини иамоеън қилади. Шарқона хулқ-атвор муҳитида тараққиёт ва ислоҳотлар тадрижий тарзда кечиб, бундай жамиятда қадриятларнинг кескин инқирози хавфи йўқ. Масалан, аждодларга ҳурмат ижтимоий мўътадилликининг ўзига хос кафолати бўлиб хизмат қилади. Педагогика учун муҳим томони шундаки, тарбиянинг миллийлиги ва ижтимоийликнинг силлиқ кечиши туфайли ўсмирлик — ўтиш даври енгил кечади. Гарб ўсмирларида эса бу жараёни ижтимоий муҳит, халқ, миллатни инкор қилиш, жамиятда қабул қилинган ахлоқий, маънавий меъёрларга қарши туриш, эгоцентризмда иамоеъи бўлади. Шарқлик киши учун эл, уруғ, маҳалла маифаатлари, фикрлари кучли таъсирга эга. Гарб кишиси учун теварак-атрофдагиларнинг фикрларидан кўра ўзининг «мен»ини намоён қилиш биринчи даражада туради. Ўзбек социологи А. А. Илҳомовнинг таъкидлашича, Марказий Осиёда диний, миллий ўзлигиини англашнинг ўсиши ёшларнинг ўзларини мусулмон ва шарқ кишиси сифатида англаши тарзида; Оврупо ёшларида эса жиноятчиликнинг бундан буён кўпайишига олиб келувчи «хулқ-атворнинг аффектив тип»ида намоён бўлмоқда¹. Ана шу объектив хусусиятлар Ўзбекистон педагогикасида, унинг назарий асосларида ҳам туб ўзгаришларни амалга оширишни тақозо қилади.

Фан тараққиётининг янги босқичи бошланганида у ёки бу атама, тушунча мазмунига аниқликлар киритилиб, бойита борилади. Педагогиканинг туб атамалари бўлмиш «таълим», «шахс ривожланиши», «ижтимоийлашув», «тарбия» кабилар ҳам ана шу қонуниятга бўйсунди. «Коммунистик тарбия» ибораси ижтимоий қўлланивдан чиқарилгач, «миллий тарбия» тушунчаси қўлланила бошланди. Илмийлик тамойили бояги иборалардаги «коммунистик» ва «миллий» сифатловчиларини таърифлаш билан бир вақтда «тарбия» тушунчасининг янгиланаётган жамиятдаги янги, замонавий, илмий таърифини талаб қилади.

Бу мавзуда 1991 йилдан буёи қизгин баҳслар давом

¹ Культура межнационального общения: Творч. встреча в ред. «Советская педагогика», № 3, 1991, с. 3–35.

этмоқда. Энг эътиборли илмий мақолалардан бири Г. Хайруллий қаламига мансубдир. Олим ўзининг «Педагогиканинг тушунчалар аппарати» мақоласида¹ «тарбия» тушунчасининг шу пайтгача анъанавий бўлиб келган «жамиятда яшаш ва меҳнат қилиш учун лозим бўлган ижтимоий тажрибанинг катталар томоидан узатилиши ва янги авлодлар томонидан фаол ўзлаштирилиши» деган таърифини танқид қилади. Г. Хайруллиннинг фикрича, «бу таъриф фақатгина мактаб шароитига боғлиқ бўлиб, тарбиячннинг тарбияланувчидан албатта ёши улугъ эканлиги каби тор асосга эга. Шунинг учун ҳам, «тарбия» тушунчасини «аждодлар ижтимоий тажрибасини узатиш ва қабул қилишда шахсга ижтимоий ва табиий омилларнинг таъсир этиши» деб тушуниш лозимдир. Ана шунда, деб таъкидлайди олим, «тарбиянинг педагогик моҳияти «тарбияланувчиларнинг ижтимоий тажрибасини ўзлаштиришларига мақсадли таъсир қилиш»да намоён бўлади. Ушбу тажрибани ўзлаштириш шахси маълум йўналишга қаратиб ривожлайтиради, шакллантиради»².

Миллий тарбиянинг назарий асосларини белгилашда собиқ совет педагогикаси назариётчиларининг СССР парчалаиб кетиш арафасида келган хулосалари муайян аҳамиятга эга. Академиклар А. Бодалев, В. Караковецкий ва Л. Новиковалар ўша даврдаги тарбиявий иллатлар (нигилизм, маънавийтсизлик, ахлоқсизлик, худбинлик ва бошқалар)ни келтириб чиқарган сабабларни қидиришди. Аниқланган сабаблар Ўзбекистон педагогика фаи ва амалиётида қайта такрорланмаслиги учун уларни қуйида санаб ўтамиз. Академикларнинг хулосаларига кўра, 90-йилларда совет тарбияси тушган оғир аҳволнинг бош сабабларидан бири — тарбиянинг илмий асосларининг ишлаб чиқилмаганлиги эди. Бу асослар қуйидаги мазмунда яратилмоғи керак: 1) шахснинг педагогик моделини тузиш ва шу орқали уни тарбиялаш йўналишларини белгилаб олиш; 2) «тарбия» тушунчасининг моҳиятини замонавий педагогика ва психология фанлари иуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш; тарбиянинг мавқеини кўтариш; 3) жами-

¹ Г. Хайруллин. О понятийном аппарате педагогики. Советская педагогика, № 5, 1991, с. 56–59.

² Ўша манба. 58-бет.

ятни тарбияловчи жамиятга айлантириш учун унинг тарбияловчи имкоиятларини амалга оширишнинг асосий шарт-шароитларини тадқиқот қилиш керак. Миллий тарбия эса ушбу сабабларнинг такрорланмаслигининг илмий асосланган кафолатларига эга. Яъни, 1) муайян миллий тарбиявий фазилатларнинг асосли эталон, мезонлари ва аниқ йўналишларига эга; 2) миллий тарбия «тарбия» тушунчасининг моҳиятини замонавий педагогика, психология, этнопедагогика, этнопсихология, социобиология, олпй нерв фаолияти физиологияси ва антропологик билимлар тизими қўлга киритган илмий натижалар асосила ойдаштиради; 3) миллий тарбия жамиятни «тарбияловчи жамият»га айлантириш учун унинг педагогик имкоиятларини амалга оширишнинг асосий шарт-шароитларини қайд қилади ва ижтимоий-миллий тарбия омиллари сифатида уларга таянади. Чунки тил, урф-одат, психология, дунёқараш болага унинг хоҳишидан ташқарн ҳолатда ўз миллий тарбиявий таъсирини ўтказа боради.

Шу ўрнда «тарбия» тушунчасига яқин бўлган «ижтимоийлашув» тушунчаси ҳақида алоҳида тўхталиб, миллий тарбия ва миллий ижтимоийлашув орасидаги умумийлик ва ўзига хослик устида тўхталиш лозим.


Миллий тарбия ва ижтимоийлашув орасидаги умумийлик «ҳаёт тарбияси» тушунчаси орқали намоён бўлади. Лекпи ижтимоийлашув — бу инсон томонидан кўрсатилаётган мақсадли ва мақсадсиз тарбиявий таъсирларни қабул қилиш жараёнидир. Ушбу таъсир йиғиндисини шахснинг ижтимоийлашуви хусусиятларини, сифат ўзгаришларини белгилайди. Кўриниб турганидек, шахс ижтимоийлашув жараёнини бевосита педагогик назорат остига олиб, бошқариш мумкин эмас. Шунинг билан бирга, ривожлашаётган бола бир вақтнинг ўзида ҳам ижтимоийлаштирувчи омиллар, ҳам миллий тарбия омилларининг муттасил таъсирида бўлишнинг таъкидлаш зарур. Ҳар бир шахспинг болалиги — унинг миллий тарбия қарамоғида ўтказган тарихидир. Бола балоғатга етган сари ижтимоийлаштирувчи омилларнинг таъсири кучая боради.

Ижтимоийлашув ва миллий тарбия таъсирлари орасидаги уйғунлик ёки зиддият миллий-маънавий тараққиётга давлат томонидан кўрсатилаётган эътиборга боғлиқдир.

Мустақил Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсат ўзбек давлатчилиги, анъаналари ва миллий, умуминсоний қадриятларни чуқур ҳурмат қилишга асосланади; Ўзбекистон халқининг умумий манфаатларини ифодаловчи, бирлаштирувчи миллий гояси мавжуд; хизмат кўрсатувчи муассасалар тили — давлат тилидир ва ҳ.к.

«Миллий тарбия, миллийлашув эса (қуйидаги тасвир) ривожланаётган бола шахсига илк ёшларданоқ бевосита таъсир қилиш орқали самарадорлик, табиийлик, устуворлик касб этади. Дастлаб биринчи, кейинчалик иккинчи сигналлар системаси мазмунини белгиловчи миллий муҳит, миллий руҳ, оила, маҳалла, қишлоқ муҳити шахсга тарбиявий таъсир кўрсатади.

1-тасвир



Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни баён этиш мумкин: миллийлик — ижтимоий тараққиётнинг тадрижий ривож натижасида йиғилган маданий қадриятлар синтезидир. Миллий тарбия — ани шу маданий-тадрижий синтезга асосланган ҳолда ёш авлод- ни замонавий шароитда келажакка мос равишда шакл- лантириш жараёнидир: шахснинг миллийлиги унинг ма-

даний даражасидир; ҳар бир миллий маданият — умуминсоний қадриятнинг муайян кўринишидир. Чунки инсоният — бу халқлар, миллатлардир. Аиа шу нуқтаи назардан миллий тарбия — ҳар бир инсонни ўз миллий маданияти манбаида, яъни муайян умуминсоний қадрият асосида шакллантириш жараёнидир; ҳар бир инсон ўз ҳаёти давомида турли ижтимоий ролларни ўтайди. Бу роллар мазмуни, кўлами, намоён бўлиш жабҳалари илк ёшлардан бошлаб кўпайиб, кенгайиб, мураккаблашиб боради. Ана шундай туғма ва илк ўзлаштирилувчи ижтимоий роллардан бири — шахснинг миллий ролдир (У. Герхард); аслида динлар, миллатлар орасида зиддият учун ҳеч қандай асос йўқ. Жаҳонда динлар ва миллатлар орасида бўлиб ўтган зиддиятлар айрим уламолар, сиёсатчиларнинг ўз мақсадларига эришмоқ учун дин, миллат номи билан иш кўришга чақириқлари ва инсониятнинг уларга эргашиб йўл қўйган хатоларидир: халқлар, миллатлар мавжуд экан, миллий тарбия жараёни бизнинг хоҳишимиздан ташқари равишда, маданий детерминизм асосида давом этаверади. Шунинг учун бу жараёни давлатнинг манфаатларига мос равишда мақсадга йўналтирилса, миллий тарбия улкан яратувчан, тараққийпарвар маърифий кучга айланади.

Жаҳон тарбиявий концепциялари намуналарининг қиёсий-педагогик таҳлили

Мавжуд тарихий вазият педагогика назариясида қиёсий йўналишни кучайтиришни, турли замон ва маконларда яратилган тарбия концепцияларини вертикал ва горизонтал педагогик интеграция нуқтаи назаридан таҳлил қилишни, хатоларни четлаб ўтиб, тарих синовини кўрган, инсонпарварона моҳиятга эга бўлган тарбиявий концепциялар ютуқларидан, технологиясидан самарали фойдаланишни тақозо қилмоқда. Ана шу мулоҳазадан келиб чиқиб, амалга оширилган компаратив педагогик таҳлил олдида қуйидаги вазифаларни қўйдик:

— педагогик назарияларнинг ғоявий асослари ва мазмунининг мамлакатлар тараққиётига кўрсатган таъсирини қайд қилиш, умумлаштириш;

— Оврупоинг тараққий этган мамлакатларида, Осиё ва Африканинг миллий мустақиллики қўлга киритган айрим мамлакатларида тарбиявий концепциялар ривожланиши.

нийг тарихий, ижтимоий-иқтисодий, миллий-маданий шарт-шароитларини таҳлил қилиш;

— тарбия назариялари, концепцияларини миллий тарбия билан назарий алоқаларини ўрганиш:

— замонавий ўзбек мактабидаги миллий тарбия тизимининг туб хусусиятларини қиёсий асослаш.

Мактаб, тарбияни миллий истиқлолий ислоҳ қилиш — жамиятнинг миллий истиқболини белгиловчи энг ишончли тадбирдир. Бунга буюк жадидчи ватандошларимиздан Алихонтўра Соғуийнинг ўз даврида айтиб кетган «Туркистон халқини «ўлнм уйқусидан уйғотиш»нинг йўли — замонавий илм-фан, миллий ҳис билан қуроллантириш, она тилини жон ўрнида асрашда» деган фикри, Аваз Ўтарининг:

Қаю миллатга биздек насими инқироз етса,

Анға албатта мустаҳкамлик ижод этгуси мактаб, —

кабн мисралари мисолдир. Жадидчилар миллатни илғор миллатлар даражасига кўтаришнинг бош йўли — маорифни ислоҳ қилиш, деб билган эдилар. Бунда катта ҳикмат бор. Зеро, Оврупони «уйғотган» мусулмон илмининг шуҳрати ҳам дастлаб мактаб ва мадрасаларда кенг тарқалган «ижтиҳод» — ҳурфикрлилик тамойили эди. Кейинчалик «ижтиҳод» «тақлид» билан алмаштирилган ва бу фан-техника тараққиётидаги ташаббускорликнинг Оврурога бой бериш сабабларидан бири бўлган. XX асрнинг 20-йиллари собиқ совет педагогикасининг «янги жамиятнинг янги кишиларини тарбиялаш» мақсади ҳам жамиятни советлаштириш — ислоҳ қилиш йўли сифатида ёшларни социалистик, коммунистик тарбиялаш белгилаб олинган эди. Бироқ собиқ совет мактабининг пролетар маданияти, шахсга сифиниш асоратларидан тозалаш, ислоҳ қилишга қаратилган 60–80-йиллардаги ҳаракатлар самара бермади. Инсонпарварликка, миллийликка зид, болаларнинг мактабдан бегоналашувиға олиб келган совет тарбиявий тизими инқирозга учради. Эндиликда МДХ давлатлари педагог-олимлари ўз мамлакатлари тараққиётига хос ва мос тарбиявий мақсадларни асосламоқдалар. Шу мақсадда хориж иедагогикаси ютуқларидан ҳам унумли фойдаланишга киришилди. Шу жараёида айрим ҳолларда Фарб педа-

гогикаси йўл қўйган хатоларни такрорлаш хавфи ҳам мавжуд. Жумладан, бола шахсининг «алоҳида, ўзига хос талаблари»ни ҳаддан ташқари бўрттирилиши, илоҳийлаштирилиши туфайли одамларнинг бир-бирларидан, ўз миллатларидан узоқлашувига, бегоналашувига, яккалашувига, «оталар ва болалар» можаросига олиб келиши муқаррар бўлган экзистенциал тарбия назарияси тарғиб қилинмоқда. Ана шунинг учун ҳам бошқа давлатлар тажрибасидаги ютуқ ва камчиликларни Шарқ, Ўзбекистон воқелигидан келиб чиқиб ўрганиш фавқулодда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бошқа давлатларнинг педагогик тажрибасини қиёсий ўрганишнинг кони фойда экаилигини Аҳмад Дониш, Фурқат, Исмоил Гаспирали, Ризоуддин ибн Фахруддин, Аваз Ўтар, Сотей ал-Хусрий, К. Ушинский, Л. Толстой ва бошқалар педагогик муаммо сифатида кун тартибига қўйган эдилар. Айниқса, К. Ушинскийнинг жаҳон кезиб, бу борада қилган илмий хулосалари алоҳида эътиборга сазовордир. Қатор Оврупо мамлакатлари тарбиловий тизимларини ўрганиб чиққач, у «барча халқлар учун умумий бўлган тарбия тизими бўлиши мумкин эмас. Олмон педагогикаси — немис тарбия назарияси демакдир, деб хулоса қилади¹. У чет эл педагогик тажрибасининг айрим ижобий жнҳатларидангина фойдаланиш кераклигини қайд қилган эди. Л. Толстой ҳар қандай чет эл тарбия тизимини Россияга келтиришга кескин қарши чиққан эди. Чунки ўз «халқи риоя қиладиган асосий қоидаларни англаган мактабгина яхши мактаб бўла олади»². Атоқли мутафаккир Россияда рус тарихи ва миллий хусусиятларидан келиб чиқувчи халқ таълими тизими яратилмоғи кераклигини қатъий туриб талаб қилган эди.

Бошқа мамлакатлар тарбиявий тизимларини ўрганишнинг хусусиятлари ҳақидаги ибратли фикрларни профессор П. Каннистнинг 1900 йилда айтган фикри билан якунлаймиз: «...тарбиявий ишларда мактабнинг миллий хусусиятларини дунё цивилизациясининг таркибий қисми сифатида ўрганиш керак. Бу, бирипчидан, ҳар бир илмий мактабнинг (унипг қаерда жойлашганлигидан қатъи назар) асосини белгилайди ва, иккинчидан, бегона ўлка-

¹ «Учительская газета», 15 апреля 1989 года.

² Л. Толстой. О народном образовании. — Пед. соч. — М.: 1953, с. 74.

ларнинг мактаб ишларини ўрганиш бошқа мамлакатларда бир вақтлар ўтказилган ва натижалари аниқ кўрилган кўплаб тажриба ва экспериментларни такрорлашдан бизни қутқазди»¹.

Марказий Осиёда бутун рўй бераётган маънавий, маданий уйғониш, дунёқарашдаги ўзгаришлар айрим жиҳатлари билан Шарқ мамлакатларининг мустақилликка чиққан даврдаги ҳолатини, ғарбий Оврупонинг Уйғониш, ўзлигини англай бошлаш даврини эслатади. Кундалик турмушдаги, тафаккурдаги анъанавийликнинг замонавийлашуви, демографик ўсиш, шаҳарларнинг йириклашуви, технологияда, банк ишларида муносабатларнинг ўзгариши, янги — тадбиркорлар авлодининг майдонга чиқиши, ишбилармонликнинг кенг тарқалиши ва бошқалар Уйғониш даврининг тавсифий чизгиларига айланган эди. Хорижий тилларга, ҳуқуқшуносликка, Ватан тарихига қизиқишнинг оммавий ўсиши мактаб ва тарбия мақсадини кескин ўзгартиришнинг шартин бўлди.

Англияда ана шу ўзгариш жараёни ўз замонасининг янги аслзодаси — жентльменни тарбиялаш талабини кун тартибига қўйди. Янги жентльмен амалий тажрибага эга, ишбилармон, ўз мулкини авайлаб асровчи ва энг муҳими — ўзининг янги сифатларини ўтмиш анъаналари билан уйғунлаштира олмоғи керак эди. Янги жентльменларни тарбиялаш ғоясининг асосчиси Ж. Локк ёш жентльменлар ҳисоб-китоб илмини билиш билан бирга, анъанавий қиличбозлик санъатини ҳам яхши эгаллашлари керак, деб ҳисоблар эди. Жон Локк Англиянинг жаҳон миқёсидаги обрўсини кўтаришни ёшлар — жентльменларни тарбияламасдан амалга ошириш мумкин эмаслигини асослаб, ҳаётга жорий қилди.

Англиядаги тарбиявий мақсад — жентльменни тарбиялаш ғояси Францияда ҳам ўзига хос тарзда амалга оширилди. Бу қуйидагича таърифланган эди: «Францияда тарбиядан мақсад — ўзида юксак ахлоқий сифатлар, фазилятлар, зиёлилик, соғлом мушоҳадалилик руҳида тарбияланганликни ўз Ватанида қабул қилинган хушхулқлик

¹ П. Капшиет. Классицизм как необходимая основа гимназического образования. Исторический очерк развития среднего образования в Германии. — М.: 1900, с. 4–5.

билан уйғунлаштириб, такомилига етказган француздир»¹. Германияда маданий уйғониш даврида амалга оширилган ислохотлар мактаб, тарбия мақсадини белгилашга маҳсулдор таъсир кўрсатиб, Германиянинг миллий давлат сифатида ривожланишига катта туртки бўлиб хизмат қилди.

Фарбий Оврунода уйғониш даври ижтимоий фаилар, хусусан, педагогика фанининг предмети — тарбия ва унинг моҳияти, мақсади ҳақида дадил илмий фикрлар айтилганлиги билан ҳам эътиборга молик. Бу фикрлар ранг-баранг бўлиб, тарбия феноменининг турли қирраларини ёритишга хизмат қилади.

Оврупода Уйғониш даври файласуф ва педагоглари-нинг тарбия ва унинг мақсади ҳақидаги ғояларидаги «миллийлик», «миллий» тушунчаларининг долзарблиги Шарқ мамлакатларидек долзарблик касб этмоқда. Чунки, биринчидан, ўша давр Фарбий Оврупо давлатлари — миллий давлат сифатида шаклланиб бўлган эди; иккинчидан, Фарбий Оврупо миллатлари ўз миллийликларига хавф солувчи, зарар етказувчи ҳар қандай ташқи таъсирдан холи эдилар; учинчидан, миллий ғурурни, туйғуни сўндирувчи миллий мустамлакалик азобини бошдан кечирмаган эдилар. Ана шунинг учун ҳам миллийликни тиклаш собиқ мустамлака мамлакатларининг дастлабки маънавий эҳтиёжига айланиши табиий бўлди. Бу эҳтиёж ер юзидаги собиқ мустамлакачи мамлакатларга эмас, балки мустамлака — «ерли» халқларга хос бўлганлиги апа шу қонуниятнинг далилидир.

Қуйида турли замон ва маконларда яратилган тарбиявий конценциялар ва қарашлар, дастурларнинг қисқача тавсифлари келтирамиз. Зеро, бундай қиёсий педагогик ёндашув миллий тарбиянинг изчиллигини, тамойилларини, мазмунини, усулларини, воситаларини белгилашнинг тарихий педагогик манбаларини кўрсатишга хизмат қилади:

1. Авесто: ахлоқий учлик тамойили. Эрамиздан олдинги IX асрдан IV асргача даврда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида тузилган ижтимоий-тарбиявий мажмуа. Унинг фаол

¹ Величие здорового смысла. Человек эпохи Просвещения. Кн. для учителя. — М.: «Просвещение», 1992, с. 53.

таъсир Марказий Осиё халқлар тарихини энг қадимий замонлардан тартиб то ислом давригача давом этди. Авестонинг педагогик мазмуни Гумата (Gumata — яхши фикр), Гукта (Gukta — яхши сўз), Гваршта (Gvarshta — яхши иш) тамойилларида ифодаланади.

2. Шарнат. Марказий Осиёга ислом дини билан кириб келган, Қуръони карим асосида ишлаб чиқилган, жинсий, фуқаролар ва ахлоқ одоб-қоидалари мажмуи. Шариат диний-ҳуқуқий тизим сифатида XI–XII асрларда тугал шаклланган. Шариатда барча хатти-ҳаракатлар дастлаб икки турга — ҳаром ва ҳалолга ажратилган. Кейинчалик 5 турга: фарз — бажарилиши қатъий, мажбурий ҳисобланган ахлоқ меъёрлари; манбуд (суннат) — мажбурий эмас, лекин маъқул, лозим ҳисобланган ахлоқий меъёрлар; мубоҳ — ихтиёрий меъёрлар; макруҳ — ихтиёрий меъёрлар; ҳаром — қатъий равишда тақиқланган хатти-ҳаракатлар. Шариат — намунавий мусулмон, комил инсонни тарбиялашда муҳим педагогик концепция вазифасини бажарган.

3. «Муносиб инсон»ни етиштириш. Абу Наср Форобий (873–950). «Муносиб инсон»ни ахлоқий-тарбиявий идеал ҳисоблаб, уни ҳуш ахлоқ, саховатли ва ақл-идрокли қилувчи нарсa — билим эканлиги асосланади.

«Муносиб инсон» бўлиш учун одамда таълим ва тарбия олиш имконияти бор. Таълим кишини назарий камолотга эриштиради, тарбия эса «кишилар билан мулоқотда ахлоқий қадр-қимматни ва амалий фаолликни яратишга олиб борадиган йўлди»¹.

4. Тарбиянинг табиатга мос бўлиши ҳақидаги таълимот. Я. А. Коменский (1592–1670). Тарбия уч босқичли вазифалардап иборат: 1) ўзни ва теварак-атрофдаги оламни билиш (ақлий); 2) ўз-ўзини бошқариш (ахлоқий); 3) Худони танишга интилиш (диний). Инсон табиатнинг бир қисми сифатида унинг энг асосий, умумий қонунларига бўйсунди, деб ҳисоблайди ва буни Инжилдан олинган матн парчалари билан асослайди.

5. «Янги ахлоқ». К. А. Гельвеций (1715–1771). «Бизнинг

¹ Й. Жумабоев. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. — Т.: «Ўзбекистон», 1980, 104-бет.

мавжуд ҳолатимиз тарбия туфайли вужудга келган», «Тарбия ҳамма парсага қодир». Тарбия мақсади сифатида «ҳар бир киши бахтли-саодатли бўлиши керак», — деган ғояни «миллат бахт-саодатли бўлиши керак» деган ғоя билан бирлаштира оладиган ватанпарварни етиштиришда, деб тушунди ва «Миллий тарбия режаси»ни ишлаб чиқди.

6. Миллий тарбия. Луи Мишель Лепелетье (1760—1793). Янги шахсни етиштириш Миллий тарбия уйларида олиб борилиши керак. Шунда тарбияланувчилар муҳитнинг номатлуб, ёмон таъсирипи ҳис қилмайдилар. «Миллий тарбия уйлари»да меҳнат қилиш, жисмоний, ақлий тарбияга асосий эътибор берилади. Натижада, бақувват, меҳнатсевар, интизомли ва виждонли янгн ёш авлод, янги граждандлар, қизғин ватанпарварлар тарбияланади.

7. Африканча тарбия. Мақсади: ёш авлодни Африка жамиятида ва Африка шароитида яшашга тайёрлаш. Халқ донишмандлиги, маънавий, маданий тажрибасини авлоддан-авлодга етказиб, африкаликларнинг (мустамлакалик даврида) хўрланган қадр-қимматини, миллий гурурини тиклашга хизмат қилди ва мустақиллик учун курашга тайёрлади. Африкалик ҳар бир бола — ўз қишлоғининг умумий маънавий фарзанди, деб идрок қилинади. Бола 6—7 ёшга киргунча унинг тарбияси билан она, 7 ёшдан ошгач, ўғил болани отаси ёки тоғаси тарбиялайди, 10—11 ёшдан ўғил-қизлар касбга, 15—16 ёшдан оила қуришга тайёрлай бошланади...¹.

8. Маданиятга мос тарбиялаш. Адольф Дистерверг (1790—1866). Тарбия билан муҳит, ўлка, миллий маданият, жамият ҳаёти ўртасида мустаҳкам алоқа боғлаш зарурлиги таъкидланади. Тарбия чоғида боланинг туғилган ва яшаши керак бўлган жой, Ватаннинг шароитига, замонавий, миллий маданиятга таяниш талаб қилинади.

9. Жавонмардлик (футувватчилик) тариқати. Жавонмардлик дастур ва қоида талаблари орқали умрипи дўстга бағишлаш, фақат яхшиликни ўйлаб, борини ўзгалар билан баҳам кўриш, муҳтожларга ёрдам бериш, пиру устоз,

¹ В. Борисенков. Народное образование и педагогическая мысль в освободившихся странах Африки: Традиции и современность. — М.: Педагогика, 1987.

дўст-биродарлар номуси, шарафили ҳимоя этиш, зоҳиран ва ботинан нок, покиза инсонлар суҳбатини қозонишга интилувчи, муайян қонун-қоидага риоя этувчи, маънавий ва жисмоний етукликка интилувчи, мардлик ва олижанобликнинг намунасини кўрсатувчи, зулм ва ҳақсизликка қарши курашувчи, бойликдан инсонни устун қўювчи ёш йигит (фарзанд)ларнинг устоз (ота) томонидан тарбияланишига қаратилган маънавий-тарбиявий ҳаракат Х асрдап бошлаб Мовароуннаҳрда амалда бўлган.

10. «Ватан тарбияси». Рус декабристлари. XIX аср охири — XX аср боши. Ёш авлод рус халқи урф-одатларига, умуман рус халқига беписанд қараш ва Фарб маданиятига кўр-кўрона сиғинишга қарши чиқдилар. Тарбия рус тилида, рус урф-одатларига ҳурмат руҳида олиб борилиши кераклиги талаб қилинди.

11. Жадидчилик (Усули савтия). Шарқ халқлари маънавий ҳаётида, маорифида тараққийпарвар оқим. Ислом динининг ролин сақлаб қолган ҳолда, мусулмон мактабларида дунёвий фанларни ҳам она тилида ўқитишга, туркий халқларни илм-маърифатда, ҳақ-ҳуқуқда дунёнинг тараққий қилган миллатлари билан тепглаштиришга илк ҳаракатлар қилинди. Бу ҳаракатларнинг шиори: янги усулда таълим ва тарбияни Оврупо цивилизациясига мослаштириш эмас, балки Оврупо цивилизациясини ўрганиб, миллий маданиятга хизмат эттириш эди.

12. Тарбиянинг халқчиллиги, миллийлиги. К. Ушинский (1824—1870). Тарбия халқнинг тарихий тараққиётига бўйсунди. Келажакка халқнинг ўзи йўл очиб боради, тарбия эса шу йўлдан боради ва биргаликда ҳаракат қилиб, айрим шахс ва янги авлодга бу йўлдан боришга ёрдамлашади. Шунинг учун тарбия тизимини ўйлаб чиқиш ёкин бошқа халқлардан олиш ярамайди. Тарбия ҳамиша халқчилликка, миллийликка талниши лозим. «Ҳар қандай тарихий халқ Худо ер юзида яратган эпг ажойиб мавжудотдир ва тарбияда ана шу бой ҳамда соф туйғу бошқа халқларни ҳурмат қилиш билан бирга бўлмоғи керак».

13. Экзистенциализм. Тарбия ҳар бир беназир шахспинг ўз-ўзини намоён қилиши ва рўёбга чиқариши учун бутун кучлар билан шароит яратиши керак. Шахс учун палапартиш, бир зумлик бўлса-да, лекин ўз «шахсий» баҳоси, нуқтаи назари, «онг ва тафаккур оқими», туйғу-

си, ҳаяжони бўлиши керак. Бу назария шахснинг жамиятда, халқ, миллат ҳаётидан чиқиб, ўз «қобилига» бекиниб олишига олиб келади. Илмий билимларни систематик ўрганишни бесамав машғулоти деб қарайди. Чунки боланинг кўнгалдан, кутнлмаганда пайдо бўлувчи ҳис-туйғу ва хулосалари бирламчи, дея мақсадга йўналтирилган ўқув, тарбиявий жараён инкор қилинади.

14. Конант педагогикаси. Ж. Конант педагогикасининг мақсади — ўз ичидаги синфий фарқларни сездирмай юборадиган даражадаги миллий бирликни яратиш.

15. Экспериментал педагогика. В. А. Лай (1862–1926), Э. Торндайк (1874–1949). Фалсафий-педагогик қарашлар қуруқ назарияликда айбланиб, педагогикага аниқ фанларга ҳос экспериментал психологик методлар татбиқ этила бошланди. Анатомия, физиология, психопатология ва педагогика фанлари маълумотларини умумлаштириб фойдаландилар. Лекин улар назарий хулосалар ясай олмадилар. Чунки болани муайян ижтимоий-миллий муҳитдан ажратиб олиб, биологизаторларча талқин қилдилар.

16. Ижтимоий роль, ижтимоийлашув концепциялари. Бу оқим педагогика фани олдида шахсни келажакда жамият учун керак бўлган у ёки бу ижтимоий ролни бажаришга тайёрлашни вазифа қилиб қўяди. Яъни инсон жамият томонидан ёзилган драманинг у ёки бу персонажидир. Ҳар бир шахснинг ижтимоий роллари «репертуари»да унинг «миллий роли» ҳам бор, деб ҳисоблайди.

17. «Оврупо тарбияси». Фарбий Оврупонинг педагогик ҳамдўстлик назарияси. Асосий тарбиявий мақсади — Фарбий Оврупо ёшларини Умумовруно ижтимоий ҳамдўстлиги руҳида тарбиялаш.

18. «Талабчан муҳаббат. А. С. Макаренко (1888–1939). «Эркин тарбия»ни таъқид қилди ва болаларга нисбатан «талабчан муҳаббат»ли муносабат бўлмоғи кераклигини асослади. Педагогикани энг диалектик ва мураккаб фан деб билди. Ўзи асос сояган тарбия тизимида бола шахсини жамоада ва жамоа орқали тарбиялашга катта аҳамият берди. Илк бор тарбиявий жараёни технология сифатида таърифлади.

19. «Ўқувчилар учун қоидалар» (1943). Ўқувчиларнинг мактабдаги ва мактабдан ташқаридаги ҳуқуқ-атвор қоида-

лари белгиланди. «Қоидаларни ўқувчилар ўргандилар. Аммо расмий муносабатда бўлдилар. Ўқувчилар қоидали шариллатиб айтиб берад, лекин уни турмушда қўлламас эдилар»¹.

20. Ўқувчиларни тарбиялашнинг тахминий дастури. И. С. Марьенко. Собнқ совет мактабида ҳар томонлама ривожланган коммунистик жамиятнинг фаол қурувчисини тарбиялаш мақсадларидан келнб чиқувчи вазифалар: коммунистик дунёқараш; меҳнат тарбияси; коммунистик ахлоқ; социалистик нитернационализм; совет ватанпарварлиги; буржуа мафкурасини фoш қилишни амалга оширишнинг типовой тавсияномаларини ўз ичига олди.

21. Миллий мактаб ва тарбия. Ш. А. Амонашвили (Грузия), Р. Ҳасанов (Ўзбекистон) ва бошқалар бу масалани 1988 йилдан бошлаб қайта кўтарди. Таълим тилининг миллийлиги мактабни миллийлаштира олмади. Грузин болалари ўқийдиган мактаб грузин, ўзбек болалари ўқийдиган мактабда ўзбек маданияти руҳи уфуриб турсагина бундай мактабларни миллий мактаб дейиш мумкин, деб ҳисобладилар. Ҳозирги вақтла Россия ва бошқа собиқ совет республикаларида ҳам мактабларни миллийлаштириш давом этмоқда. Ушбу масала бўйича ЮНЕСКО ўзининг биринчи Халқаро конференциясини ўтказди (1993 йил март).

22. Давлат — миллий тарбияни юксалтиришнинг таъаббускори ва бош ислохотчиси. Ўзбекистон, 1995 йил. «Биз юз бераётган иқтисодий ислохотлар давлат томонидан амалга оширилиши, давлат бош ислохотчи эканини эътироф этдик. Демак, сиёсий-маънавий ислохотларда ҳам, миллий тарбияни юксалтиришда ҳам давлат бош ислохотчи бўлишини тан олишимиз керак ва тегишли қонунлар орқали маънавий йўналишларнинг нойдеворини асослаб беришимиз керак»лиги Ўзбекистон Президенти И. Каримов томонидан белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг биринчи мажлиси (1995 йил, 23 февраль).

Осиё ва Африканинг мустақилликка эришган мамлакатларида таълим ва тарбил мазмуни асосан уч йўналиш-

¹ Н. Константинов, Е. Медицинский, М. Шабиева. Педагогика та-рихи. Т.: «Ўқитувчи», 1976.

да ислоҳ қилина борилади: 1) тарбия ва таълим режалари, дастурлари миллийлаштирилди; 2) таълим она тилида олиб борила бошланди; 3) табиий-математик фанлар туркумининг ролн оширилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида собиқ колониал мактабларнн бирданига ислоҳ қилиш мумкин бўлмаганилиги туфайли мавжуд таълим тизимларини сақлаб қолган ҳолда, аввало, тарбиявий жараёни миллий асосга қуриш бошланди. Жумладан, таълимнинг она тилида берилишига эришилди. Бироқ, бундай ислохотни амалга оширишда юзакиликларга ҳам йўл қўйилди. Вьетнамлик тадқиқотчи Ле Тхан Кхой бу ҳақда шундай деган эди: «Дарсликларда Пьер ёки Жон номлари Мамаду деб, жавдари тариқ деб ёки Африка адабиёти ва тарихини ўрганиш бўйича соатларни кўпайтириш таълимни африкалаштирмайди. Таълимни африкалаштириш — бу бутун таълим тизимини шу мамлакат қаршида турган муаммолардан келиб чиқиб, тубдан ислоҳ қилиш демакдир»¹.

Ҳабашистон, Гвинея, Танзания, Сенегал мамлакатларидаги миллий уйғониш, таълим ва тарбияни миллий асосга қуришда қарама-қаршиликларга ҳам дуч келинди. Бу қарама-қаршиликлардан бири — тафаккури французлашган маҳаллий миллий ингилистлар, Ватан истиқболига бефарқ, европацентризм тарафдорларининг миллий уйғонишга қарши туришлари туфайли содир бўлди. Бу ҳақда Нигер Президенти Бубу Ама 1968 йили «қора рангли французлар»дан ранжиб, «миллий маданиятимизнинг қора танли французлар томонидан хўрлаиши ва рад этилиши бизнинг ўзлигимиздан уялишимизга олиб келди»², — деган эди.

Ўтган асрнинг 60–70-йилларида Эрон миллий-маданий ҳаётида ҳам ислохот содир бўлиб, боши берк кўчадан чиқиш йўлларини қидиришга зўр бериб кнришилган эди. Бу муаммони энг аввало ёзувчи-шоирлар, маориф ходимлари кўтариб чиқдилар. Айрим Эрон зиёлилари жамият

¹ В. Борисенков. Народное образование и педагогическая мысль в освободившихся странах Африки: Традиции и современность. — М.: «Педагогика», 1987, 79-бет.

² Ўша манба. 55-бет.

этиборини Русия ва Фарбдаги маданий, адабий ривожланишга қаратиб, Эрон миллий-маданий ҳаётининг бундан кейинги равнақини Фарбга тақлид қилишда, деб билдилар. Маърифатпарвар ёзувчи педагог Жалол Али Аҳмад миллийликни унутиб, Фарбга кўр-кўрона сажда қилиш «ғарбийлик» касалига олиб келишидан огоҳлантириб, ўзининг «Ғарбийлик» номли китобини ёзди. Бу китобда у миллийлигини йўқотган, «ғарбийлик» касалига мубтало бўлган киши «портрет»ини чизади. «Бундай киши, — деб ёзади Али Аҳмад, — миллиятининг ўтмиши, ҳозирги ҳаёти, келажаги ҳақида ҳатто тушунчаларга ҳам эга эмас. У кўпинча интеллигент — раҳбар. У тўлқин устидаги хасдек беқарор, оёғини қўйиб таянадитан ери йўқ. Шу сабабли воқеалар ривожини қандай кечса, у ҳам шундай ўзгариб туради. Унда мустақил фикрнинг ўзи йўқ... У дунёда ўз шахсий манфатидан ташқари барча нарсага бефарқ қарайди. У мачитда ҳам, кинотеатрда ҳам, партия йиғилишларида ҳам худди футбол ўйинининг томошабини, кузатувчисига ўхшайди. Унинг чуқур ўйга толганини ҳеч қачон кўрмайсиз. У дўстининг вафотида ҳам қатра кўз ёши тўкмайди. У ҳар қандай кичик ўлжани қўлдан бермайди, жирканмай унга ўзини отади... У ўзига хосликдан маҳрум. Ўзига ҳаддан ташқари оро беради, оёқ кийими, машинаси, уйи, кийимининг қандай кўриниши устида тинмай ташвиш чекади. Уни мактаб, мачит, касалхона муаммолари эмас, энг аввало, уйдаги электр кир ювиш машинаси, озонаторларнинг яхши ишлаши қизиқтиради. У ўзининг узоқ Бандар Аббосдаги ҳамқишлоқларининг урф-одатлари ҳақида қизиқарли ҳикоя қилиб бера олмайди. Аммо у сизга Буюк Британия лейбористлар партиясининг ўнг қанотида бўлиб ўтган сезилар-сезилмас ўзгаришларин қойилмақом қилиб айтиб беради...»¹. Маърифатпарвар Али Аҳмад Фарбнинг маълумотли кишилари, ёшлари Оврупонинг механиклашган ҳаётдан безиб скульптура — африка примитивизми, мусиқада — жазни, ақлий камолотда — упанишад, даосизм ва Будда билан, жисмоний камолотда — ҳинд йога санъати, нафосатда япони боғларини ярағишдан лаззатланаётган бир пайтда айрим ёшларнинг ўз миллийлигини

¹ В. Кляшторная. Иран 60—80-х годов. — М.: «Наука», 1990, с. 35—36.

инкор этиб, ғарбийлашаётганликларини танқид қилади. Али Аҳмад ёш авлодлар орасида ғарбийлик касалининг олдини олишни мактабдаги тарбиядан бошлаш зарурлиги ҳақидаги фикр ва йўл-йўриқларни таклиф қилди.

XIX асрнинг 60-йилларида Япония—Россия иисбати 0 пийг 1 га нисбатидек эди. Рақамлар нисбатини жиддий ўзгартириб юборган «япон мўъжизасининг» асосий сирни ходимларда — инсон омилида эди, ходимлар эса ўз навбатида япон миллий таълим ва тарбиясининг маҳсули эдилар. Демак, «япон мўъжизаси» сирининг калитини, энг аввало, япон тарбиявий тизими сирларидан изламоқ жоиз.

Бизни қизиқтираётган масала — барча тараққий этган Оврупо мамлакатларида урбанизация, илмий-техника инқилоби, улкан шаҳарлар психологияси, одамлардаги миллий гўзаллики тобора йўқота бораётган бир даврда ҳам миллийлик, ҳам дунё миқёсидаги ютуқларнинг уйғунлигини таъминлай олаётган япон миллий тарбияси сирларидир. Япон миллий тарбиясининг ўзига хос хусусиятларидан айримлари: миллий бирлик, японларнинг жамоа, уруғ коллективчилиги умуммиллий даражада намоён бўлади: кечагина бир-бирига рақобат қилувчилар миллат манфаатига дахлдор вазиятда бирданига бир-бирини қўллай бошлайдилар; жамоа минг кўзли девор бўлиб, ҳар бир японнинг хатти-ҳаракатини кузатади, унинг хатти-ҳаракатидаги ахлоқий қадриятларнинг софлигини назорат қилади... Япон жамияти ахлоқийлигининг сирини ана шунда, деб ҳисоблашади; ростгўйлик, бағрикенглик сифатларини тарбиялашга фавқулудда жиддий аҳамият берилади; иероглифлар атайлаб майдалаб ёзилади. Уларни қийналиб ёдлаш болада кўз қобиляти (кўрганини эсда сақлаш)ни ривожлантиради. Иероглифларни кўп марталаб, диққат билан кўчириш ўқувчиларда тиришқоқлик, меҳнатсеварликни тарбиялайди; мактабларда «япон ахлоқи» дарси махсус ўтилади. Болалар аста-секин худди катталардек саломлашишга, хатти-ҳаракатлар қилишга машқ қилдира борилади. Агарда бирор ўқувчи миллий ахлоқ қоидаларини бузса, болалар уни «ғалати япон» дейишади. Кейинчалик ҳам у ўз хатоларини тузатмаса, «бегона» номини олади ва болалар ундан узоқлашади.

Ўсмирлик — япон болаларни учун энг қийин — чексиз дарс тайёрлаш ва келажак ҳақида қайғуриш йўллари.

Ўқувчиларнинг аксарияти икки мактабда ўқишади. Биринчи — асосий, иккинчи — Дзюки — дарсда ўтилган мавзунини такрорлаш ва қўшимча материаллар билан мустаҳкамлашга хизмат қиладиган тушдан кейинги машғулотлар.

Оилада қиз бола тарбияси билан кўпроқ она, ўғил бола тарбияси билан кўпроқ ота шуғулланади ва ҳ.к.

Миллийлик, миллий ватанпарварликнинг замонавийлик билан ғўзал уйғунлигига эришаётган яна бир мамлакат Туркиядир. Бу ерда «ёшлиқдан буюк аجدодларни эслатиш, билдириш, тарғиб қилиш орқали ёшу қари — ҳар бир фуқарони миллий руҳда тарбиялаш одат тусига кирган», — деб ёзади А. Иброҳимов¹. Туркия истиқлолга эришгач, миллатнинг энг кўзга кўринган зиёлилари «Туркия тараққиёти йўли» номи билан давлат тараққиёт дастурининг белгилаб олдилар. Мустақил Туркиянинг маорифдаги, тарбиядаги йўли — келажак авлодда юксак миллий ғурур ва ватанпарварлик, миллий-замонавий тарбияга таяниш бўлди. Миллий тарбия ҳозирги Туркияни Осиёнинг энг тараққий этган мамлакатлари даражасига кўтарилишини педагогик таъминлади. Аجدодлар руҳига ҳурмат, ўз қадрига етиш, миллий ғурурни англаш ёш туркияликларда ўз ватани — Туркияга сидқидилдан хизмат қилиш эҳтиёжини шакллантирмоқда.

Цивилизациялашган «XX асрда рўй бераётган шахсий ва оммавий тажовузкорликни бартараф қилиш эҳтиёжи 80-йилларда янги — исихоаналитик педагогиканинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Янги педагогик йўналиш ёш қонунбузарлар ва жиноятчиларга қарши болалар ахлоқ тузатиш муассасалари сонини ошириш орқали курашиб бўлмайди; болаларни тиричиликсеварлик руҳида тайёрлаш учун ижтимоий, иқтисодий ва педагогик кучларни сафарбар қилиш керак; энг муҳими — барча кучларни илк ёшлардан болалар орасидаги тажовузкорлиқнинг олдини олишга қаратиш керак, деб ҳисоблайди»².

¹ А. Иброҳимов. Давлат тафаккури йўлида. «Ўзбекистон овози», 1992 йил 22 июнь.

² К. Бютнер. Жить с агрессивными детьми: Пер. с нем. — М.: «Мысль», 1990.

Психоаналитик педагогика жаҳон болаларига (демак, ўзбек болалари ҳам бундан мустасно эмас) ойнаи жаҳон орқали тажовузкорлик руҳини сиигдираётган «Зомби», «Тош даҳшатининг гўзал томошалари», «Лилиана — ёввойи ўрмон қиз», «Ўлим оролидаги икки фаришта», «Онанинг бир куни», «Бўри нафаси», «Менинг душманим», «Самовий жанглар» ва бошқа кўплаб уруш, зулм, одам-хўрлик, аёлларнинг эркакларга қарши жанглари, шаҳвонийлик ва тажовуз тантанасини тарғиб қилувчи кино, теле, видеофильмлар таъсирини ўрганб, хулосалар қилмоқда. Ана шунинг учун ҳам психоаналитик педагогика концепциясини энг янги, экспериментал йўналишлардан бири сифатида қабул қилб, унинг тавсияларини миллий тарбия воситалари билан бойнтиб қўлланилиши самаралидир. Психоаналитик педагогика ва миллий тарбия назарий асосларидаги умумийлик шуидан иборатки, иккала концепцияда ҳам болалардаги тажовузкорлик ижтимоий-педагогик муаммо сифатида тушунилади.

Телевидение, видеофильм, тижорат дўконларида зулмни, беҳаёликни ифодаловчи ҳаракатлар, суратларни кўриш ўзбек ўғил-қизларида оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигида шакллантирилаётган ҳаё, одоб, меҳр-шафқатлилик каби фазилатларга салбий таъсир кўрсатаётганлиги табиий. APEID — жаҳоннинг Осиё минтақасида жойлашган (собик шўро республикаларидаи ташқари) 28 мамлакатда тарбиявий ислохотлар, янгиликларни ўрганиб, умумлаштирган австриялик Олим Р. Маклин буни 90-йилларининг умумосиёвий муаммоси эканлигини таъкидлади. Чунки, «Чет эл китоблари ва чет эл телевидение ва видеодастурлари уларни томоша қилаётган халқларнинг қадриятлари, маданияти ва анъаналарига салбий таъсир қилиб, уларнинг миллий тараққиёти суръатига халақит бериши мумкин»¹. Бу эса мактаб, оила, маҳаллада миллий тарбия самардорлигини ошириш — теле, видео, кинофильмлар, беҳаё суратларнинг салбий таъсирига қарши туришниинг энг қийин, лекин энг самарали, ишончли йўли эканлигини кўрсатади.

¹ Р. Маклин. Инновацин и реформы школьного образования в странах Азии. Перспективы вопросы образования. — М.: 1993, № 3 (83) с. 141.

Ўтган асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб педагогикага «умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш» тушунчаси кириб келди. Шунинг қайд қилиш керакки, умуминсоний қадриятларни тушунишда, талқин қилишда ҳар хилликлар бор. Масалан, 1992 йили «Педагогика» ойномаси «Таълим ва тарбияда умуминсоний қадриятлар» мавзусида суҳбатни эълон қилди. Суҳбатда россиялик профессор Б. С. Гершунский ва АҚШнинг Шарқий Европани ўрганиш институтини раҳбарлари билан бири Ричард Шейерманлар қатнашди. Р. Шейерман энг олий умуминсоний қадрият деб шахсининг унинг ўзи учун ахлоқий деб ҳисоблаган хатти-ҳаракат эркинлигини қайд қилди. Яъни ўқув-тарбия жараёнининг ҳар бир босқичида, ўқув-чинининг ёшидан қатъи назар унинг эркинлиги чекланмаслиги керак. Лекин Р. Шейерман шахсининг кимдан, нимадан эркин бўлиши кераклигини тушунтириб бера олмайди. Аксинча, ахлоқий меъёрларни белгилашда мувофиқликнинг йўқлиги Америка ёшлари орасида бориб турган ахлоқсизликка сабаб бўлмоқда, дея ўзини ўзи рад этади. Жумладан, АҚШда ўғил болалар, ўсмирлар орасида ваҳшийларча бир-бирини, ўз-ўзини ўлдириш кейинги 30 йил ичида 6 марта кўпайган. Ўша давр ичида ўсмир қизлар орасида никоҳсиз ҳомилалар сони, балоғат ёшига етмаган болаларнинг полиция қўлига тушишлари ҳам 7 марта ошган. Америка ёшлари орасида ўтказилган сўровларда «кўпроқ иул ишлаш» мақсадининг қадрли «мазмунли ҳаёт кечириш» мақсадининг қадрсизлашуви ҳисобига ўсаётганини келтиради. Биз бу аҳволини эркинлигининг нималигини ва ундан фойдаланишни билмовчи болаларга бурчсиз эркинлик берилишининг асоратлари, деб тушунамиз. Ёки бу — шахс эркинлигини фарбчасига тушуниш ва биз — шарқлик педагогларни огоҳлантирувчи кўрсаткичлардир. Зеро, миллий-маданий ахлоқ меъёрларини билиш ва амал қилиш шахслараро, фуқаролараро, миллатлараро тотувлигининг бардавомлигини, мустақамланишини таъминлайди.

Баён қилган фикрлари учун АҚШлик ҳамкасбимизни айбламоқчи эмасмиз. Чунки Ўзбекистонда, ўзбек халқи орасида шарм-ҳаё, иймонлилик, «ўзбекчилик»нинг йўқ

бўлишини биз тасаввур қила олмаганимиздек, Р. Шейерман ҳам Ғарб жамиятида тўй, жаноза, ҳашар, ҳаё тушунчаларининг меъёрга айланишини тасаввур қила олмайди. Чунки биз ахлоқни, шахснинг моҳиятини турлича талқин қиламиз ва буни бир хиллаштириш Ғарбдан ҳам, Шарқдан ҳам табиий ўзига хосликнинг тартиб олинишига, салбий маргиналлашувга олиб келган бўлар эди.

Турли замон ва маконда яратилган тарбия концепциялари, қарашлар, намунали жиҳатлар таҳлилидан ва қиёсий педагогиканинг 90-йиллардаги материалларидан фойдаланиб, қуйидаги хулосаларимизни келтирамиз:

жаҳон жамоатчилиги мактаблардаги тарбиявий ишлар инқирозидан ташвиш чекмоқдалар;

замонавий педагогик назария ва амалиётдаги ожизликнинг сабаби, биринчидан, ўтмишнинг мумтоз педагогик меросидан фойдаланилмаётганлиги; иккинчидан, ижтимоий вазиятларнинг тез ўзгараётганлиги туфайли янги педагогик назария яратишининг қийинлигидадир;

дунё миқёсида таълим-тарбиядан, билимтиликнинг тарбияланганликдан устун қўйилиши тарбия, ахлоқдаги инқирозга — антропологик ҳалокатга олиб келди;

аксарият тарбиявий концепцияларда маданият, ахлоқ, тарбия, халқ, психология ва шахснинг миллийлиги илмий-педагогик эътибордан четда қолдирилди;

«цивилизациялашганлик» тушунчасини талқин қилишда аксарият унинг моддий-техник ривожланиш қисми тушунилади. Бу тушунчанинг иккинчи ярми — «маънавий, маданий тараққий этганлик» қисми педагогикада ҳал қилинмади. Ваҳоланки, «... маданиятда (маданият эса миллий — М.Қ.) тараққийлик бузилса, бундай жамиятни цивилизациялашган деб бўлмайди», — деган эди «цивилизация» тушунчасини XIX асрда ilk бор муомалага киритган Ф. Гизо. Бу фикрни XX асрнинг иккинчи ярмида мисрлик Ал-Хусрий Шарқ маданияти нуқтаи назаридан келиб чиқиб, бойитди;

тарбия тизимлари у ёки бу ҳукмрон синф манфаатларидан келиб «ўйлаб чиқилган» (К. Д. Ушинский) эди. Натижада, ҳар бир янги ҳукмрон тузум ўзидан олдинги тизим томонидан асосланган тарбия мақсадини рад этиб келди;

тарбиянинг миллийликка — тадрижийлик тамойилига таянмаганлиги туфайли тарбия самардорлиги тобора сусая борди. Дунё миқёсида шахслар, шахс ва миллат, шахс ва табиат орасидаги бегоналашув эса ҳамон мавжуд;

педагогика мустақил фанга айланганидан буён яратилган тарбиянинг илмий йўриқномалари билан миллий тарбиянинг иазарий асослари орасида зиддият йўқ. Аксинча, барча макон ва замонларда яратилган тарбия йўриқномалари миллий тарбиянинг айрим қирралари ҳисобига тўлдирилиб, бойитилиб борилди.

миллий тарбия концепцияси ўзидан олдин мавжуд бўлган концепцияларни тўлдириб, уларнинг энг яхши қирраларидан фойдаланиши мустақил Ўзбекистонда стратегик аҳамиятга эга. Бунинг учун Ўзбекистонда ҳам ижтимоий манба (халқ, миллат манфаатлари), ҳам сиёсий (миллий давлат — Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли), мафкураравий манба (миллий гоя) ва ҳуқуқий (Ўзбекистон Конституцияси), маънавий асослари (Маънавий янгиликларнинг стратегик дастури) мавжуддир.

Ўзбек миллий тарбияси тажрибасининг тарихий-педагогик тавсифи

Ўзбекистонда давом этаётган миллий мустақилликни мустаҳкамлаш жараёни таълим ва тарбия тарғиботини ҳам ислоҳ қилишни, маънавий ва маърифий илдишларга пайванд қилишни, ёш авлодларда Ўзбекистон ватанпарварларига хос фазилатларнинг тарихий ўзакларини аниқлашни, ўзбек халқи тарихи, тили, маънавияти, адабиёти, санъати, анъаналари ва урф-одатларини миллий-тарбиявий тадқиқ қилишни талаб этмоқда. Ана шу нуқтаи назардан тадқиқотимиз мавзуси миллий педагогик тарих қирраларини ҳам ўрганишни талаб қилади. Чунки тарих ўзбек халқи олдида қачон, қандай тарбиявий талаблар қўйганлигини; давр ўзгариши билан миллий тарбияда — феъл-атворимизда қай сифатлар қайси томонларга ўзгарганлиги, қайси сифатлар ўзгармай, авлоддан-авлодга мерос бўлиб етиб келганлигини аниқлаш республикамизда миллий маънавиятни ўрганиш, тиклаш ва истиқболини белгилаш нуқтаи назаридан гоят қимматлидир.

Марказий Осиё халқлари, уларнинг турмуш тарзи, одатлари билан жаҳоннинг атоқли тарихчилари қизиқиб келишган. Буни тарихчи Страбоннинг асарларидаги мас-сагетлар ахлоқий тасаввурлари ҳақидаги маълумотлардан ҳам кўриш мумкин. Унинг ёзишича, қадим замонларда аجدодларимиз ўлкамиз ҳудудида кўплаб қабилаларга бўли-ниб яшаган. Улар учун ўзаро ҳалоллик, адолатлилиқ ҳамма иарсадан устуи қадриятлар ҳисобланган¹.

Ўтмишда аجدодларимиз қандай фазилатларга эга бўлган фарзандни орзу қилишганини англаш учун халқимиз узоқ тарих давомида яратган афсона, эртаклар, дostonларга му-рожаат қилиш керак. Ўзбек халқ оғзаки ижодиёти намуна-ларида тараинум қилинган ватанга муҳаббат, эрқнавар-лик, гурурлилиқ, садоқатли (жон дўсти) дўст бўла олиш, ўз бурчини, ўз сўзини оқлаш, мардлик, жасоратга қодир-лик энг зарур фазилатлар бўлган. Ўзбек олимн, ирофессор Й. Жумабоевнинг қайд қилишича, аждодларимиз «... ўз бурчини адо этиш, душман устидан ғалаба қилиш йўлида қахрамонларча ўз жонларидан кечишга, ҳар қандай машақ-қатларга бардош беришга, севги, муҳаббатдан кечиншга, ўз қабиладoshларннинг ор-номуси учун то охиригача кура-шишга шай» турганлар².

Аждодларимизда миллий ватанпарварлик фазилати-нинг қандай намоёи бўлганлигини сак қабиласига мансуб чўпон Широқнинг эрамиздан аввалги 519 йилда кўрсат-ган машҳур жасоратидан билиш мумкин. Грек тарихчиси Геродот шоҳ Доронинг Ўрта Осиёга қилган ҳужуми ҳақида ҳикоя қила туриб, Широқнинг мингбоши Раносбатга қара-та айтган қуйидаги сўзларини келтиради:

«— Мен ғалаба қилдим, чунки саклариин, меининг юрт-дошларимни сизларнинг ҳаммангиздан сақлаш учун меи сиз форслариин очлик ва чаиқоқлик азобига мубтало этиб, ҳолдан тойдиришга муваффақ бўлдим»³.

Марказий Осиё халқлари ҳаёти, маданияти, урф-одат-лари орасида тарихий умумийлик мавжуд. Демак, мазкур умумийлик ушбу халқлар орасида тарбияда ҳам умумий-

¹ Страбон. География. Кн. VIII. — Л.: «Наука», 1964.

² Й. Жумабоев. Ўрта Осиё этикаси очерклари. — Т.: «Ўзбекистон», 1980, 19-бет.

³ Геродот. История в девяти книгах. — Л.: «Наука», 1972, с.89.

лик мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Бу ҳақда исломгача давр маданияти тарихи, қадимий ёзма обидалар: Авесто, Ўрхун-Енисей ёзма обидалари, маннхейлик, маздакизм каби оқимлар таълимотларининг ўрганган олимларнинг илмий хулосалари мавжуд. Авестонинг энг эски қисмларидан бири «Ясна»да чорвадорнинг адолатли, оқил ва ҳурматга сазовор бўлиши мақсадига етказишини эътиқод даражасига кўтаришган. Лекин қўлида қуроли билан, зўрлик ишлатиб, яйловларни ер билан яксон қилиб, меросга қолган мол-мулкни талон-торож қилувчи кўчманчиларни манфур душман ҳисоблаганлар. Натижада, қадимги аждоларимиз наздидаёқ адолатсизлик натижасида «биз» — «улар» (босқинчилар) антитезаси пайдо бўлган. Бу эса ўз навбатида ёш авлодларда ватанпарварлик, миллатпарварлик, фидойилик каби фазилатларни шакллантиришни қабилавий тарбия вазифаларига айлантирган.

Аждодларимиз фарзанд тарбиясининг негизи сифатида ахлоқий уқлик: ўй-ният — сўз — иш бирлигини яратишган. Мазкур уқлик негизини кўйинчалик луғатимизга кириб келган «виждон» сўзи билан ҳам ифодалаш мумкин. «Мен Яхши ният, Яхши сўз ва Яхши ишга шон-шавкат бахш этаман. Мен яхшиликдан иборат Мазда қонунига шон-шавкат бахш этаман» — деб ёзилган «Ясна»да. «Яхши фикр деганда... яқин кишисига меҳрибон бўлиш, муҳтож ва хавфхатар остида қолганда кўмаклашишга шайлик, ёвузликка қарши, кишилар бахт-саодати учун фаол курашишга шайлик, ҳамма билан аҳил ва тотувликда, ўз маслақдош биродарлари билан дўстлик ва ҳамкорликда яшашга интилиш руҳидаги ниятлар ва фикрлар мусаффолиги тушуниладн. Инсон ўз фикри-хаёлида бошқаларга ҳасад қилмаслиги лозим, яхши ниятли киши дарғазаб бўлмайди ва бошқа жаҳолатларга берилмайди, чунки бундай ҳолатида яхши ниятини йўқотади, бурч ва адолат ҳақида унутади ва ноҳўя ҳаракатлар қилади»¹, — деб ҳисобланган.

Бу ахлоқий фазилатлар кишини элга қўшилишга, эл билан бирга бўлишга, элнинг ташвиши билан яшашга тайёр турувчи халқпарвар кишини тарбиялашга қаратилганлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Замонлар ўтиб, одамлар орасидаги муносабатларнинг бойиши, савдо-сотиқ-

¹ А. Маковельский. Авеста. — Баку. Из-во АН АзССР, 1960, с. 18.

нинг юзага келиши билан қабилавий тарбияга қўйиладиган талаблар ҳам ўзгариб, замонавийлаша борди. Аждодларимиз ўзларидаги хислатларнинг нафақат Худо томонидан ато қилинган, балки шакллантирилянишни тобора чуқурроқ илғай бордилар. Жумладан, Яхши сўзлар — аҳдга вафодорлик, берилган ваъданн оқлаш, ҳамма олди-бердиларда ҳалол бўлиш, ўзгаларнинг ҳақини емаслик, бузқўликдан ўзини тўхтата билиш каби янги сифатлар билан бойий борди.

Аждодларимизнинг кўҳна тарбиявий тизими ҳозирги кунларда биз тўқнашган ахлоқий, маданий, жисмоний, экологик муаммоларни бартараф қилиш нуқтаи назаридан бебаҳодир. Зороастризм ахлоқли кишининг соғ-саломат, кучли бўлиши кераклигини уқтириш билан бирга унинг маънавиятига асосий эътиборни қаратган. Жумладан, аёл кишига ҳурмат, уни эъзозлаш, она сифатида қадрлаш ғоялари марказий ўринлардан бирини эгаллаган. Демак, бу ғоя ёш авлодга кундалик турмушда, яхши боланинг намунавий сиймоси орқали ижтимоий тарбияда изчил сингдириб борилган.

Марказий Осиёда ислом таълимотининг тарқалиши нафақат диний, балки ахлоқий, таълим-тарбия соҳасида ҳам катта бурилиш ясади. Ажам мамлакатларн халқлари, суинийликнинг ҳанафий мазҳаби таркибида ўз миллий анъаналарини шариат аҳкомларн билан уйғунлаштирдилар.

Араблар VIII асрда ўлкамизга ислом таълимотини — янги диний тарбия мазмунини ҳам олиб келдилар. Хусусан, Куръони карим ота-она, фарзандлик бурчи ҳақидаги оятлари билан катта педагогик аҳамиятга эга. Илмий маълумотларга қараганда, ислом дини Арабистонда ёйилишидан илгари фарзандларнинг ота-оналарига бемехрлигидан, беоқибатлигидан кўплар жафо чекканлар. Бу ҳол ўша давр шоирлари ижодида ҳам акс этган. Қариганда фарзандлари томонидан қаровсиз қолдирилган ота сўзи¹

Қариган отангизни қилиб ёд нега кўрмайсиз,
Ёки дўст пайғоми бирла хаста ҳолимни сўрмайсиз.

¹ Этикет у народов Передней Азии. — Гл. редакция Вост. л-ры, изд. «Наука», 1988, с. 42.

Умидим қолмади зарра нуруийликка етмакка.
Бориб айтинг, ажал келсин, олиб жонимни кетмакка.

(*эркин таржима, М. Қ.*)

Қуръони каримдаги, ҳадислардаги ота-она, фарзандларнинг ота-оналари олдидagi қарзлари ҳақидаги ибратлар барча мусулмонларга фарзандларини оқибатли қилиб тарбиялашни фарз қилди.

Мовароуннаҳрда мачитлар очилиб, имомлар ўғил болалар учун мактаблар ташкил қила бошладилар. Туркий тил янги сўз — «мактаб» (ар. «ёзув ўргатиладиган жой») билан бойиди. XII асрдаи бошлаб ислом дини туркий тилларда ёзилган шеърларда — Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикмат» тўплами, кейинчалик Сўфи Оллоёрнинг икки тўпламида ва бошқа тўплamlарда оммалаштирила борилди.

Мадраса ва мактабларга дунёвий билимлар кириб кела бошлади. Бунга Қуръони каримнинг «Ҳар бир мусулмон ва муслиманинг илм олиши фарздир», — деган ояти асос бўлди. Буниг натижаси ўлароқ, Ал-Беруний, Ал-Хоразмий, Ал-Форобий, Ибн Сино каби алломалар қомусий билимларнинг юксак чўққиларини эгалладилар.

Тасаввуф тариқатларида тарбиячи ва тарбияланувчи муносабатларига асосланувчи пир ва шогирдлик муносабатлари ривожланиб, такомил касб эта бошлади. Мовароуннаҳр шаҳарларида X асрдан бошлаб янги маънавий-амалий ҳаракат — жавонмардлик (футувватчилнк) ҳаракати тарқалди. Жавонмардлар асосан оддий халқ ичидан чиққан паҳлавонлар, қизиқчилар, ҳунармандлар, синоҳилар ва бошқалардан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар бирининг ўз жамоаси, пир, устози бўлган. Оддий йигит жавонмардлик тариқатига кириш учун пирга қўл бериб, устозга сидқидилдан аҳду паймон қилиб, мардлик белбоғини боғламоқлиги керак бўлган. Барча жавонмардлар бири-бирига ака-ука, биродар бўлишган. Беғараз яхшилик қилиш, борини ўзгалар билан баҳам кўриш, муҳтожларга ёрдам бериш, пиру устозлар номусини пок тутиш, маънавий ва жисмоний етукликка интилиш, мард ва олижаноб бўлиш, мол-дуйёдан инсонни улуг тутиш — ҳар бир жавонмард ана шу фазилатларни ўзига одат қилиб олган эди. Жавонмардлик тариқатининг тарбиявий-таълимий

моҳияти ниҳоятда чуқур ва кўп қирралндир. Масалан, ҳар бир жавонмард кўзининг, қулоқнинг, тилнинг одобларини, уларини нималардан, қандай сақлаш кераклигини билган: ота-она, қариндошлар, дўстлар, ошналар, қўшиилар, бегоналар билан одоб шартлари нечталигини (масалан, қўшнилар билан муомала-муносабат одоби 14 та) билиб, амал қилиши керак бўлган.

Жавонмардларга йўлда юриш, кийим кийиш, салом бериш ва саломга жавоб бериш, таъзияга бориш одоблари, касб-хунар ва савдо-тижорат одоби, маддоҳлик, ғазал-хонлик, дорифурушлик, кураш тушиш, ҳаммоллик, дорбозлик, қўғирчоқбозлик, қиличбозлик, қассоблик каби касбларнинг хусусиятлари, бу касблар эгалари амал қилиши шарт бўлган амаллар барча тафсилотлари билан уқтирилган. Кўришиб турганидек, ушбу тариқатнинг миллий тарбиявий аҳамияти бекиёсдир. Чунки собиқ совет мактаби тарбия тизимида ўқувчиларга миллий турмушининг муайян вазиятларида ўзларини қандай тутишлари кераклиги, қандай ҳаракатларни қилмаслик кераклиги мавҳум эди. Миллий тарбия муайян фазилатларга таяниши туфайли ўқувчиларга яхши ва ёмон сифатлар ҳақида, уларнинг намоён бўлиши ҳақида батафсил билимлар беришга асосланади ва бу орқали жавонмардлик тариқатининг энг яхши анъаналарини тиклашга хизмат қилади.

Марказий Осиё XIV—XV асрларга келиб соҳибқирон Амир Темурнинг ватанпарварона фидойилиги туфайли мўғуллар истибдодидан қутулди ва мустақил давлатга эга бўлди. Натижада мамлакатнинг маданий ҳаётида кескин юксалиш юз берди. Амир Темур — йирик давлат ва сиёсат арбоби, саркарда, қонуншунос, истеъдодли меъмор, нотик, руҳшунос бўлиш билан бирга Туркистонни жаҳонга машҳур қилган миллий гурурли, сўзи билан иши бир, ватанпарвар инсон — буюк шахс эди. Унинг номи билан бошланган «Темурийлар маданияти» ўзига хос «Темурийлар тарбияси»ни яратди. Навоий, Улугбек, Бобур каби улуг зотлар ана шу тарбиянинг натижаси — меваси бўлдилар.

Бу давр педагогик қарашларида одил, маърифатпарвар подшоҳ ғояси етакчи ўринни эгаллади, яъни ақлли ва маърифатли ҳукмдоргина халқ ҳаётини тубдан ижобий ўзгартиришга қодирдир. Темурийлар давридаги сингари маданиятга ҳавас қўймоқ ислом оламининг бошқа бирон-

та жойида содир бўлмади (Андалусия уммавийлар давлатининг порлоқ даври ва Арабистондаги аббосийлар ҳукмронлик замонини истисно этганда). Шарқининг «Аллонос оли дина малҳакум» (Халқ ўз подшосининг динига эргашади) қондаси хотирага олинганда, бу ҳолнинг ажаб-лапарли жойи қолмайди. Темурийлар даврида барча санъатлар қатори рақс санъати ҳам камол топди. Бу эса миллий нафосат тарбиясига берилган аҳамият, ҳомийликнинг кўрсаткичидир. «Ислом Осиёсининг ҳозирги аҳволидан хабардор кишилар учун темурийлар даврида раққослар бўлгани тағин ҳам таажжублидир. Бобурнинг баёнига қараганда, ўша замонда раққосларнинг биричиси сайдлардан (ияйгамбар наслидан) Баҳр исмлик бир киши бўлиб, раққослик санъатидаи ғоят моҳир экан. Унинг шахси бир ўзи бир неча рақсларни ижод этган. Агар ҳозирги бир мусулмон бошига катта салла ўраган бировнинг рақс этаётганини кўрса, қанчалик даҳшатга тушар эди»¹, — деб ёзади Ҳ. Вамбери.

Темурийлар тарбиясини олган Мир Алишер Навоийнинг буюк даҳоси ҳар бир мўмин мусулмон кишига фарз бўлган фазилатларга муносабатида ҳам иамоён бўлади. Улуғ мутафаккир ўз асарлари орқали айрим замондошларига хос бўлган салбий сифатларни ҳам ғоят таъсирли тасвирлаб, ундан қочишга, яхши сифатларни эгаллашга ундайди. Алишер Навоий ўз ижодида муносабат билдирган инсоний сифатларни икки гуруҳга — ижобий ва салбий сифатларга бўлиш мумкин: ижобий сифатлар — тавба, мурувват, вафо, ҳаё, иймон, ҳилм (мулоҳим табиатлилиқ), жон дўсти бўла олиш, сабрлилиқ, тавозеъ, одоб сақлаш, хоксорлик, қаноат ва бошқалар; салбий сифатлар — хасислик, иокаслик, бировларни камситиш, енгилтаклик, разиллик, тамагирлик, такаббурлик, нафс кетидан тушмоқ, эркакларнинг ўз-ўзини кўз-кўз қилиш учун ясаниши, ўзига бино қўймоқ, шахвоний нафсга берилмоқ, худбинлик, ҳимматсизлик, мақтанчоқлик, исрофгарчилиқ, чақимчилик, иккиюзламачилиқ, тама, ҳасад, ичкилик-бозлик, бағфилик, иашавандлик, ғийбатчилик, бачканалиқ ва ҳ.к.

¹ Ҳ. Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т.1. «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1990, 75-бет.

«Маҳбуб ул-қулуб»да Навоий тавозеъ — одоб сақлаш, хоксор бўлишлик тушунчасига алоҳида ўрин ажратади. Тавозеъ яхшиликнинг таркибий қисми ва такаббурлик, манманликининг акси бўлганлиги туфайли Алишер Навоий одамларни тавозели бўлишга чақириб, ундай кишига халқ меҳриининг ошиши, дўсти кўп бўлишини алоҳида таъкидлайди. Демак, хуштавозеъ киши бошқа миллат вакиллари билан ҳам ўз муносабатлариини меҳрибонлик асосига қуриши туфайли самимий дўст бўла олади. Алишер Навоий «ҳамма таълимотларда ва ҳамма миллат кишилари қошида «яхшиликка яхшиликдан зиёда мукофот йўқлиги исботланган»¹лигини XV асрдаёқ эътироф этди. Чунки

Кўнгилни олса малоҳат била, тафовут йўқ,
Хитойи ўлсину, ё армани ва ё ҳинду.

Навоийнинг замондоши Жалолиддин Довонийнинг (1427–1502) «Рухият ҳақида китоб», «Болаларни тарбиялаш усуллари», «Истақлар ахлоқи» асарлари илмий педагогикага самарали таъсир кўрсатди. Абдулла Авлоний, Абу Тоҳир Самарқандийлар педагогик қарашлари Довонийнинг педагогик қарашлари таъсирида шаклланди. Довоний бола тарбиясида ўздан олдинги қараш — одамининг тақдири «олдиндан пешанасига ёзиб қўйилган, уни ўзгартириб бўлмайди», деган қарашта ўзгартириш киритди. У бола тарбиясида муҳитнинг тутган ўрнини асослаб бериб, бола феъл-атворини тарбиявий муҳитни ўзгартириш орқали ўзгартириш мумкин, деган фикрни билдирди. Хуллас, Жалолиддин Довоний «бола қалби гўёки тоза тахта, унга тарбия ёрдамида исталган шаклни чизиш мумкин», — деган методологик фикрни Жои Локкдан қарийб 200 йил илгари айтган эди.

«Бобурнома» — йирик қомусий асар. Тадқиқотимиз иуқтаи назарилан бу асарни XVI асрда мавжуд бўлган миллий педагогик маданиятимизнинг кўзгуси деб аташ мумкин. «Бобурнома»даги персонажларга муаллиф томонидан берилмиш сифатлар ўша замон туркий тарбиясидаги ютуқ ва камчиликларнинг рамзий ҳужжати, дея уларни қайд қиламиз:

¹ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. — Т.: 1983, 59-бет.

Ижобий сифатлар — покиза эътиқодлилиқ, равон саводхонлиқ, саховатлилиқ, хушхулқлиқ, ширинзабонлиқ, шужоъ ва мардоналиқ, хушсухбатлиқ, мерганлиқ, одиллиқ, ҳаёлилиқ, шатранжни яхши ўйнаш, қуш илмини ҳўб билиш, мусиқий илмидин бохабарлиқ, сахийлиқ, сиёқ илмини ҳўб билиш, одми ва асиллиқ, толиби илмлиқ, луғати бойлиқ, адолатпешалиқ, хуштаъблиқ, фазилатлиқ, шеърхонлиқ, ғижжакни покиза чалмоқ, қиличга мардоналиқ, ҳикояти шириилиқ ва ҳоказо. Салбий сифатлар — муштазанлиқ, пуршарўлиқ (гавғо чиқарувчилиқ), ёмоқда бетакаллуфлиқ, бенамозлиқ, рўза тутмаслиқ, золимлиқ, кофирваншлиқ, ичи торлиқ, камҳафсалалиқ, фитначилиқ, бахиллиқ, совуқ юзлилиқ, қаттиқ сўзлилиқ, ўқимаганлиқ, омилиқ, кўп ичиш, юраксизлиқ, шурб (ичкиликбозлиқ) ва зино билан машғул бўлиш, бефаҳмлиқ, айшга машғуллиқ, падаркушлиқ, таибаллиқ, кажхулқлиқ, бераҳмлиқ, шарирлиқ (одамларга зарар етказиш), нозук марақлиқ, уйда бемажлислиқ, бесухбатлиқ ва ҳоказо¹.

XVII асрга келиб Марказий Осиёда давом этган этник, сиёсий жараёнлар равшаплашиб, ўзбеклар этник, сиёсий гуруҳдан миллатга айлана бошлагач, уларнинг ўз ҳудуди — бўлажак Ўзбекистонининг тахминий чегаралари маълум бўлиб қолган эди. Ани шу ижтимоий, сиёсий белгиларни илган ҳолда шоир Турди (Фароғий) «ўзбек», «ўзбек ўғли», «ўзбек юрти» истилоҳларини қўллаиди ва «Ўзбекистон» атамасини бадий тасарруфотга киритади. Бу, ўз иавбаида, миллий онгнинг шаклланишига, миллий онг орқали миллий тарбия тарихида катта аҳамиятга эга воқелиқ эди. Чунки Турди рўй бераётган ижтимоий-сиёсий янгилик — туғилиб келаётган миллатнинг ҳудудий бирлигини яратишга, бирлашувга, маҳаллийчилиқ, уруғчилиқка берилиб парчаланиб кетмай, бир миллат бўлиб жипслашувга чақирар эди. Унинг бу тараққийпарвар чақирғи «Насабнома»да (XVI–XVII асрлар) қайд этилган 92 ўзбек қабиласи — Минг, Юз, Қирқ, Ўнгажит, Найман, Қипчоқ, Арғип, Бурлоқ, Буслоқ, Чекмарчий, Бўзай, Катай(Хитой), Жит, Жуют, Салжовут, Манғит, Қанғит,

¹ Бобур. Бобурнома. — Т.: «Юлдузча», 1990.

Оймавут, Улажи, Гулеген, Қишлиқ, Томо, Мечет, Кирдери, Рамадаи, Жуйрат, Бўзажи, Уйсун, Татар, Тилов, Ширин, Ағир(Оғиран), Бузан, Бузак, Барин (Баҳрин), Мўғил, Нукус, Жалойир, Сарой, Ўнг, Қўнғирот, Олчин, Чичиок, Қалмоқ, Ойрат, Қорлуқ, Турғавут, Қатағон, Килечи, Кенагас, Буйрақ, Қиёт, Қангли, Ужже, Булужи, Упулачи, Фулун, Боёвут, Ўтарчи, Арлот, Керайит, Ўнгкут, Қачат, Меркат, Буркут, Куралаш, Қарлои, Ўғлои, Кудей, Туркман, Дўрмон, Тобин, Мўмин, Адай, Тўқсоба, Қирғиз, Уйружи, Жўрға, Баташ, Қўйсин, Сулдуз, Тумай, Қурлавут, Жилкаш, Югур, Ёбу, Мўйтан, Мажор, Кужалик, Чуран, Чурчут ва ўзбеклар келмасдан аввал Мовароуннаҳрда яшаб, сўнг уларга араллашиб кетган Барлос, Қовчин каби қабилалар вакилларида умуммиллий оигиинг ўсишига, мадаий ва сиёсий бирликнинг ҳоел қилинишига туртки бўлди. Яъни «Тўқсон икки бови ўзбек юрти» бўлиб теиглик қилиш (Турди); «Агар барлос, агар тархон, агар арлат, агар сулдуз» бўлсалар ҳам бир назар билан қараш, «на суд ондики, агар у қўнғиротлиғ ё қиётлиғдур», — дея ҳаммани ўртада кўришлик каби фикрларнинг кўтарилиб чиқиши (Мунис) катта воқеа бўлди. Натижада, ўзбекона гурур, ўзликии англаш маънавийят ва тарбияда ҳам акс эта бошлади.

XVII асрда оташнафас шоир Бобораҳим Машраб ижодида ҳам «На малакман, на фаришта, меи ҳам одам наслидин», — деган ғоя ва «миллат» истилоҳи пайдо бўлганини кўрамиз:

Йўл — хатар, манзил — узоқ тушти, бу умрим кам мани,
Гоҳ мўмин, гоҳ ориф, гоҳ тарсомаи букун.

Ҳеч билмасмаи ўзумни, қайси миллат халқимаи,
Гоҳ восил, гоҳ маҳжур, гоҳ гумроҳмаи бу кун.

XIX аср ўрталарида халқимиз ҳаёти, феъл-атворини ўрганган можор олими Х. Вамбери ўзбекларнинг, тарбиядаги умумийликнинг натижаси ўлароқ, феъл-атвори билан бир хиллигини қайд этади. Ўша даврда ўзбекларнинг сони (Вамберининг ҳисоб-китобига кўра) икки миллионга тенг бўлган. Яъни Бухоро ҳукмронлигида бир миллион, Хива ҳукмронлигида — 700 минг, Афғонистон ҳукм-

роилигида — 200 минг киши бўлган. XIX аср ўзбеклари ҳақида олим шундай дейди: «Олтин Ўрдада «ўзбек» деган ном анча олдиндан маълум бўлиб, «муеулмонча тарбияланган» дегандек тушунилган. Яъни улар «шафқатсиз одатлардан бош тортишиб, Ўзбекхон муқаддаслаштирган мусулмон — Осиё маданиятига йўл очишган: ўтроқ ва ярим ўтроқ, асл леҳқоп; ҳарбий миллат; савдода оғир-вазмин; саноатда мўътадил; очик кўнгил, мард; жиддий, ҳақиқий туркий ҳимматга эга; маъюсликкача камгап, оғир-вазмин; совуққонлик одоб-ахлоқ намунаси ҳисобланади; бир гапни ўйлаб оғзидан чиқаргунча бир қанча дақиқалар ўтади; ўзбек ўйлаброқ гапиришга мойил, у буни табиий деб билади; садоқатли ва довурак бўлиб, тўғри гапирадиган, тўғри ҳаракат қиладиган (Авестони эсланг — М.Қ.), кўзга тик қарайдиган эркани мукаммаллик намунаси деб билади. Давлат ҳимоясини ўз зиммасига олган, ўзбекларнинг оилавий муносабатларини асл намуна ҳисобласа бўлади — кўп хотинлик фақат ҳукмронларга хос; ўрта ёшга бориб қолган фарзандлар ўз ота-оналарига жуда ҳурмат ва эҳтиромли бўлишади. Ўзи 30—40 ёшларга бориб қолган ўғил отасининг бир қарашнлаёқ чўчиб кетади ва ҳеч қачон отаси бор пайтда чилим чекмайди, биринчи ўтирмайди ва биринчи гапирмайди; туркий шевада гапирадилар; ўзбеклар художўйдир ва болалардан қунт талаб қилишали; муғамбирлик камдан-кам учрайди; ўзбеклар яхши мусулмондирлар — шу жиҳатдан аятолиялик туркларга ўхшайдилар; ашула ва мусиқани жон дилидан севишади»¹ ва ҳ.к. Ушбу ҳолисона тавсифининг ўзи ҳам XIX аср ўрталарига келиб, миллий тарбиянинг мақсад ва вазифалари, услублари такомиллаша борганлиги туфайли ўзбек миллий характери — ўзбекчиликнинг янада муайяйлаша борганлигини кўрсатади.

Миллий тарбия тизимининг ўткир воситаларидан бири — ҳар бир кишининг ўз аجدодлари тарихини билиши лозимлиги ва шунга илк ёшларданоқ болаларнинг ўргатила бориши эди. «Турк ва тожикла барча одам фарзанди ичинда расм турар, етти отани санал қилмоқ. Турк

¹ Ўзбегим. «Звезда Востока» журналы кутубхонаси. «Ватан» серияси. — Т.: 1992, 114—128-бетлар.

халқи айтур, етти орқадан бери темурчиман ва ё айтурки, менинг етти отам шу юртда ўтгандур» — деб ёзади «Шажараи турк» муаллифи Баҳодирхон Абдулғозихон. Хоразм тарихининг 1644—1664 йиллар соҳиби бўлган Абулғозихон ўзидан бошлаб то Одам Сафиуллоҳгача «отасини отаси фалонча», — дея номма-ном баён қилади. Бу мисолдан илгари аجدодларимиз етти ота наслини батафсил айтиб бера олганликлари аён бўлади. Аجدодлар ёди ҳар бир кишининг ўзлигини англатиб, аجدодлар иомига доғ туширувчи хатти-ҳаракатлардан сақлаб, яхшилик, олижанобликка чорлаб турган.

Ўзбекона тарбиянинг турли қирралари улкан адибларимиз Абдулла Қодирий, Ойбек, Пиримқул Қодиров ва бошқаларнинг тарихий асарларида муваффақиятли акс эттирилган. Абдулла Қодирий томонидан «Ўткан кунлар»нинг «ўзбеклар турмушидан тарихий румон» дея аниқлаштирилиши ҳам адибнинг миллий заминда қатъий турган ёзувчи эканлигининг мисолидир. Асарнинг миллий тарбиявий моҳиятини атоқли олим М. Қўшжонов шундай баён қилади: «А. Қодирий ўзбекни ўзбекдай кўрсатди. Бир зум у яратган етакчи образлар — Отабек, Кумуш, Анвар ёки Раъно характерлари тасвирланган муҳитни ўзгартириб, уларни бошқа ном билан атаб кўринг. Биринчидан, муҳит ёт бўлиб, номлари мос тушмайди, Марғилонни Сибирь ёки Абдуллани Иван дегандек; иккинчидан, қандай муҳитда кўрсатманг ва қандай ном қўйманг, улар фақат Шарқ, яъни ўзбек фарзанллари экани кўриниб туради»¹.

Ўзбек миллий тарбияси тарихининг XIX асрга келиб анъанавий равишда Аҳмад Яссавийнинг «Чор китоб»ини, Вафойининг «Равнақул ислом»ини, Сўфи Оллоёрнинг «Хафтияк»ини ва бошқаларни ўрганиб келган мактаб таълими мазмунига Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Китоб ул-афтол», Саидрасул Азизийнинг «Устози аввал», Абдулла Авланийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», Абдуқодир Шақурийнинг «Жоме-ул ҳикоят» ва Ризоуддин ибн Фахруддин, Фахрул Банот, Али Нозимо ва бошқа муаллифларнинг асарлари кириб келди. Бу эса мактабларга янги, ўз даврининг тарбиявий руҳини киритди.

¹ М. Қўшжонов. Адиб маънавияти мустақиллик хизматида. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1993 йил июнь.

Туркистон мактабларининг асосий вазифаси миллий тарбиявий хусусиятга эга эди. Яъни болаларни Туркистон шароитида, уйда, жамоат жойлари, маҳаллада, қишлоқ-да ахлоқ-одобга, маънавий-маърифий ҳаётга ўргатиш эди. Шу мақсадда мактабларда миллий-диний ахлоқ қоидалари машқ қилинар, иамоз ўқнш қоидалари ўргатиларди. Ҳайнт кунлари дарслар тўхтатилиб, ўқувчилар байрамга қатилашишган. Барча мактабларда хушмуомалалик, хуш-тавозелик қоидалари махсус ўргатилган. Ўқувчиларда эътиқодни, иймонни шакллантириш учун уларга жаннат, дўзах ҳақида, ҳар бнр ёмоиликнинг бу дунёда бўлмаса, у дунёда албатта жазоси борлиги уқтирилган.

Мактаб муаллимида учта — узунлиги уч хил хивич бўлган. Совет педагогика дарсликларида бу хивичлар асосан болаларни уришга мўлжалланган қурол, дея тавсифланар эди. Вироқ бу хивичлардан фойдаланишлан асосий мақсад бошқа бўлган: мактабларда таълим индивидуал (якка) ёндашув асосига қурилган. Яъни синф — мактабда неча бола ўқишидан қатъи назар уларнинг ҳар бири ўз имкониятига хос ва мос — якка дастур асосида ўқитилган, синфдан-синфга кўчирнш, ҳамма учун умумий мавзу бўлмаган. Бу таълимнинг «оз ва соз»лиги — сифатини белгилаган. Муаллим бирор ўқувчидан дарсни сўраса, у албатта ўзи ўрганаётган дастур бўйича жавоб берган. Ҳар бир ўқувчининг ўз дарсини баланд овоз билан тайёрлаши, такрорлаши натижасида синфда доимо шовқин ҳукм сурган. (Бу ҳатто узоқдан ҳам эшитилиб турган.) Натижада домла бирор ўқувчини чақириб, ундан дарсни сўраши учун қаттиқ қичқириб туришига тўғри келган. Қичқириш ўринга домла турли узунликдаги хивичлардан фойдаланган: калта хивич учини биринчи, ўртача узунликдаги хивични ўрта қатордаги, узун хивич учини эса охири қаторда ўтирган исталган болага теккизиб, уни ённга чорлаган.

Тўғри, мактабларда ўқувчиларни тан жазоси билан қўрқитнш кенг тарқалган эди. Фавқулудда ҳоллардагина ўқувчини хивич билан уришган. Муаллим айбдор ўқувчинн кўпинча ўзи жазоламаган. Бу ишни асосан бошқа ўқувчилар бажаришган. Оилада ҳам оталар болаларини ўз қўллари билан урмасликка ҳаракат қилганлар. Бу камдан-кам учровчи кўнгилсиз вазифани бойлар хизматкорларига тои-

ширганлар. Боланинг кўнглини совутмаслик, унинг шахсиятига ҳурмат бунга сабаб бўлган.

Марказий Осиё хонликларида ўғил болаларнинг бошланғич диний таълим олишлари мажбурий бўлган. Аллоҳ каломи — Қуръони каримни ўқитгапи учун пул олиш шариат томонидаи тақиқланган. Демак, таълим бепул бўлиб, ҳар пайшанба куни нон, ҳайит кунлари совга-саломдан иборат бўлган.

Шаҳар мактаблари баъзида 20—30 боладан, қишлоқ мактаблари эса 10—15 боладан иборат бўлган. Бироқ Туркистон мактабларининг собиқ ўқувчилари мактабларда ўқувчилар соининг кўп бўлганлигини кўрсатувчи далилларни келтирадилар. Масалан, С. Айний ўзининг ўқувчи-шогирдлик даврини эслаб, «Бу вақтда у мактабхонада қанча бола ўқигани эсимда йўқ. Фақат шуни эслайманки, у вақтда уч юз уйлик қишлоғимизнинг тўрт яшардаи ўн икки яшарга қадар бўлган барча болалари шу мактабнинг шогирди ҳисобланарди», — деб ёзади «Эски мактаб»да. Туркистон мактабларн тарихини қайта ўрганнш XIX асрда мактаблар сони сезиларли кўп бўлганлигини, собиқ совет педагогика тарихида бу масалага бир ёқлама ёндашилганлигини кўрсатмоқда. Масалан, собиқ Ўзбекистон ССР иқтисод институти томонидан 1950 йили чоп этилган «Ўзбекистон: иқтисодий-жуғрофий характеристика» кнтобиинг 79-бетида «1914 йили Ўзбекистон территориясида 160 та рус мактаби, бир неча ўнта мусулмон мактабн бўлиб, улар ҳам диний мактаблар эди», — дейилади. Ҳолбуки, мусулмон мактабларининг назоратчиси И. Ф. Наливкин XIX асрнинг 90-йиллари бошида шахсан ўтказган ҳисоб-китобларидан келиб чиқиб, бутунлай бошқа маълумоти берган: «Мусулмон мактабларининг сони кишида ваҳима уйғотади — расмий рўйхатларда — 500 та, аслида эса тахминаи — 1000 та»¹.

Мачит ва мачит қошидаги мактаблар эркаклар учун хизмат қилар эди. Марказий Осиё шаҳарлари ва қишлоқларида отин библиларнинг қизларга таълим ва тарбия беришга мўлжалланган мактаблари фаолият кўрсатарди. XX аср бошларига келиб, диний матпларни ўқиш билан бир

¹ Записка Наливкина о мактабах Туркестана в 1894 г. ЦГИА Уз, ф.

қаторда қизларга ибратли ахлоқий ҳаноялар, қиссахоилик, уй ичида хотин-қизларнинг вазифалари, яъни одоб-ахлоқ, мушорат усуллари, поклик, бичиш-тикиш, овқат тайёрлаш, табобатдан хабардор бўлиш, меҳмон кутиш каби бир қанча зарурий меъёрларни ўрганишга бағишланган адабиётлардан ҳам фойдаланилган.

Азалдан ўзбек қизлари тарбияси билан оналар шугулланишган. Фарғонада бундан бир аср илгари ўзбек қизлари тарбияси қандай намоён бўлганлиги ҳақида қизиқарли хотиралар бор. «Ўзбек қизлари ияк ёшлардан бошлабоқ ўз хатти-ҳаракатларидан хабардор, ўз-ўзини назорат қила бошлайди. Гарчи у тез, елиб-югуришни истаса-да, диний адаблилик унга шахдам қадам ташлаш, қўлларини силтаб юришга йўл қўймайдн... Ана шу сипойилик, вазмилик белгилари унинг ахлоқий «мен»ининг намоён бўлишида ҳам кўриниб туради. Кўпчилик қизларда ўз таассуротларини нафислаб ва қош ҳаракатлари орқали билдириш баъзи ҳолларда юксак мукамаллик даражасига кўтарилган» (И. Наливкин). Ўзбек оилаларида қизларни миллий тарбиялашнинг намунавий мисоллари сифатида Абдулла Қодирий тавсифидаги Кумуш ва Раъноларни келтиришнинг ўзи кифоядир.

Ўзбек халқи узоқ тарихи давомида кўплаб маросимлар яратиб, уларни миллий одоб ва муомаланинг умумлашган меъёр ва тамойиллари сифатида авлоддан-авлодга етказиб, жамоатчилик фикри билан кўриқлаб, такомиллаштириб келди. Сўнат, никоҳ тўйлари, ҳашар, мотам маросимлари ва бошқа маъракалар болаларда ватанпарварлик, миллий одоб, виждонийлик, элсеварлик фазилатларнинг шаклланишига, чиқиштирилишига кучли воситалар бўлиб хизмат қилди.

Маърака-маросимларнинг миллий тарбиявий имкони-ятлари уларда қатнашувчиларнинг турли ёшдаги ижтимоий, касбий гуруҳлардан ташкил топиши: мулоқотлардаги ихтиёрийлик (бир-бирига бевосита боғлиқ эмаслик); эркинлик; ёши улуғ, муҳтарам кишиларга нисбатан ҳурматнинг яққол намоён бўлиб туриши; мулоқот мавзуларининг ранг-баранглиги; маросимларнинг шахс хулқ-атворининг оммавий назоратчиси сифатидаги хусусиятларида намоён бўлади. Бу хусусиятлар ёшларнинг ёши улуғ ки-

шилар билан маънан бирлигини — миллий гурурини мустақкамлайди, ўз турар жойи, маҳалласи, қишлоғидаги кишилар тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтирадн, теваккатофдаги муҳитга диққат билан қараш малакаларини гарбиялайди, авлодлар орасида анъналарнинг узвийлигини ташкил этувчи бўғин бўлиб хизмат қилади. Масалан, миллий-маънавий маданият кўрсаткичларидан бири — мотам маросимлари то шу пайтгача «реакцион диний маросим» деган даҳрий муносабат туфайли тарбиячилар назаридан четда қолиб келди. Ўлим — ҳақ, мотам маросими объектнв воқелик экан, уларга муносабат ўзгартирилиши керак. Чунки,

Эй дўст, ибрат олувчи кўз бўлса сенда,
Кўшни ўлими ёрқин мисол-ку бунда.

Хусайн Воиз Кошифий

Мотам маросимлари уида қатнашаётган барча кишиларни ота-она, қавму қариндошлар қадрига ўз вақтида етиш кераклигига, уларни ранжитмаеликка, қарнганда таянч бўлишга, ўзининг ва бировлар умрининг қадрига етишга ундовчи восита, ўрнат эканини таи олмоқ керак. Қолаверса, ўсмирлар маросимларда қатнашиб, таъзияга боришнинг миллий одоби: кам гапириш, ортиқча фарёд қилмаслик, бемаън гаплардан тийилиш, мотам эгасига сабру қаноат тилаш, қўлидан келгунча ёрдам бериш одатларини кузатадилар, ўрганадилар.

Миллий тарбия жараёнини «яшаш дарси»га қиёслаш мумкин. Ана шу дарсдан «аъло» баҳо олиш учун инсон боболар ҳикматларини, халқ мақолларининг мазмунини чуқур англаши керак бўлган. Боболар ҳикматиини шоир Э. Воҳидов «Инсофли одам беҳосдан тойиб кетса, бирор таёқ суқиб, эй йўловчи, эҳтиёт бўл, бу ерда чуқур бор, кўзнингга қара» дея қилган ишора — таёқчага; бошқаларни ўйлаб очилган булоқ, экилган дарахтга; ўзларидан кейин келувчилар ҳам имонли, илм-маърифатли бўлсинлар деб, эллар, юртлар ўртасида яхши бордн-келдилар бўлсин деб солинган масжид, мадраса, йўл, кўприк, карвонсаройларга ўхшатади. Шоир «ўзбекман» деган ҳар бир инсоннинг ўз юрти кечмиши ва ҳозирини мукаммал билмогини, ўз она тилининг заргари бўлмогини истади. Дарҳа-

қиқат, ўзбек халқининг асрлар давомида «яшаш дарси»дан тўпланган бой тажрибаси кўплаб мақолларда ўз аксини тоиған. «Ҳар гулнинг ўз иси бор, ҳар элнинг ўз туси бор» деганларидек, мақолларимиз халқимизнинг турмуши, урф-одатлари, анъаналари ва энг муҳими — ўзбек боласининг қандай киши бўлиш ва қандай бўлмаслиги кераклиги ҳақида ибрат ва ўрнаклар жамлаиған маънавий, маданий меросдир.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан ўзбек халқи миллий маланияти, маънавияти тараққиётида мустамлакалик даври бошланди. Чор Россияси ўзининг мустамлакачилик сиёсатида Туркистонни нафақат сиёсий, иқтисодий, балки маънавий мустамлакага айлантиришнинг режасига эга эди. Бунн уларнинг ўзлари ҳам яширмае эдилар. Бу ҳақда М. А. Мурониев 1882 йил 30 август кунн Тошкент ўқитувчилар семинариясидагн йиғилишнда «Мусулмонларимиз маорифининг асосида уларни руслаштириш... исломни бузиш ... умуман диний жнҳатларни бузиш... ётмоғи лозим»¹ деган бўлса; Туркистон генерал-губернаторн И. А. Куронаткин эса куидаликларида «Биз 50 йил тубжой аҳолини тараққиётдан четда тутдик», — деб қайд этган эди².

Ҳўш, миллий-маданий, сиёсий, иқтисодий, педагогик турғунлик ўзбек миллати ҳаётида қандай акс этди? Энг аввало, миллий ўзликини англашнинг, миллий ташаббускорликнинг, миллатдаги яратувчилик қувватининг сезиларли сўндиридганлигида, илм-фан жабҳаларида орқада қолиш, хабарсизликда (Фитрат) намоён бўлди. Бу ҳақда Исҳоқхои Жунайдуллаҳўжа ўғли Ибрат (1862—1937) шундай ёзган эди: «Илмия тўғрисида биз халқда чандони аҳамияти йўқ, таназзулда турур, бўлак фирқаларни илмдан топган даража ва маданиятларини кўриб туруб ҳеч ҳаракат қилмайдурлар. Илмни асоси маишат эканини таҳиқ ила билганларн йўқ! Бу сабабдин омилларн кўб, ншларида аҳамиятн йўқ, таваккул ила қоринлари тўқ!... Авлодлари ўйин-кулгига машғул бўлиб, умрни арзон ўйунга сарф

¹ Ўзбегим. «Звезда Востока» журнали кутубхонаси. «Ватан» серияси. — Т.: 1992, 151-бет.

² Ўша манба. 165-бет.

этуб, бовужуди бу мамлакатга жоидор, мусофир бўлмасалар ҳам мусофирларидан майшатда ноқисдорлар. Ва аксар аҳолиси қарз балосига мубталодурлар. Шояд мундин буён саодат ва фазллат қадрин билсалар!»¹ Истанбул, София, Афина, Рим, Кобул, Жидда, Бомбай, Калькутта шаҳарларида бўлиб ва яшаб, араб, форс, инглиз, ҳинд, урду тилларини билган Ибрат мавжуд аҳволни тузатиш мақсадида 1907 йилда Тўрақўрғонда янгича усулда мактаб, босмахона очган эди. У араб, форс, ҳинд, турк, ўзбек ва рус сўзларидан таркиб топган «Луғат ситта аяснна» (Олти тилли лугат, Тошкент, 1907) тузган. Латин, юнон, славян, хитой, ҳинд, араб ёзувларининг келиб чиқиши ҳақида «Жомеъ ул-хутут», «Таърихи Фарғона» (1916), «Таърихи маданият» (1925) қаби илмий асарларини чоғ этди. Ибрат ўлкамиз тарихида ёрқин нозқолдорган миллий-озодлик, замонавийликни шиор қилиб олган жадидчилар вакили эди.

Миллий янгиланиш, замонавийлашиш ғояси Туркистонда XIX аср охирида миллий-маърифий кураш шаклида намоён бўлди. Бу ҳаракатнинг мақсади «Янги усулда таълим ва тарбияни Оврупо цивилизациясига мослаштириш эмас, балки Оврупо цивилизациясини ўрганиб, уни миллий маданиятга хизмат эттириш»нинг бир ифодаси эди. Туркистонлик жадидчилар ўлка истиқлолнинг маърифий шартини, аввало, ёш авлодни замонавий Оврупо илмлари даражасида ўқитиш билан миллий тарбиялашни уйғунлаштиришда, деб билдилар. Ана шу мақсадда Фарғона водийсида, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида усули жадид мактаблари очилди. Бу ҳақда «Маърифатчилар ўзликни англашни миллий тарбияда жуда юқори ўрнига қўядилар. Ўз миллати, ўз ватани, ўз давлати — мана шулар шахсни шахс қилади, шахсни мана шу миллатнинг бир ориф парчасига айлантиради. Ва мана шулар миллатга миллат унвонини беради»², — дейди кейинчалик замондошimiz Иброҳим Ғафуров.

Бироқ Туркистонда жадидчиликка кескин қаршиликлар бўлди. Бунга сабаб, бир томондан, уларнинг мақсади-

¹ Исоҳқон тўра Ибрат. Танланган асарлар. — Т.: «Маънавият», 2005 й.

² И. Ғафуров. Миллатнинг биллурланиши. «Халқ сўзи», 1995 йил 5 январь.

ни тўғри тушуна олмаган Бухоро амирн, иккинчи томондан, жадидчилардан ннқнлобий ҳаракат дея чўчиган Русия амалдорлари бўлсалар, учинчидан, жадидчилиқни исломга душман бир ҳаракат деб тушунган, унинг асл моҳиятини англашни истамаган мутаасиб днддорлар эди. Мутаасиб руҳонийлар ёшларни миллий-замонавий тарбия йўли билан мустамлакачилнқдан озод қилнш мақсадига интилган жадидчилар — Мулла Нафас, Зинҳорий, Авлиёқули, Мискнн, Ибрат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори, Зоҳирий, Тавалло, Фитрат, Чўлпон, Авлоний, Ҳамза, Айний, Қодирий ва бошқа маърифатпарварларни кофир деб эълон қилдилар. Бу ҳақда Фитрат: «Ё раббий, қўлдан кетган маданиятимизни тиклашга ҳаракат қилган заҳотимиз уламоларимиз «кофир бўлдинг» деб, бизни йўқ қилиш пайига тушадилар»¹, — деган эди. Ҳолбукн, жадидчилар ўзбек миллий маданиятини, таълим-тарбияни ривожлантириш йўлида заҳмат чеккан ва:

Ҳар кун ўлурам шомгача ғамга ғрифтор,
 Ҳар шаб ёнарам оташа парвоиа каби зор.
 Ҳеч кимса эмас мени аҳволима воқиф,
 Мен хастаяму миллатим ўлмнш нега бемор?

(Абдулла Авлоний)

дея амалий чоралар қидирган ватаннарварлар эди.

Ташқаридан кўрсатилган ҳарбий, сиёснй, маданий хуружлар — араб, мўғул, Чор Россияси босқнни ва совет даври ўз изларини қолдирган бўлса-да, ўзбек халқи миллий ўзлигини сақлаб қола олдн. XX аср охирида ҳам «Ўзбек халқининг ўз руҳий қиёфаси, миллий хусусияти, миллий характери, миллий туйғуси, мижози (темпераменти), ҳулқ-атвори, билиш жараёнлари, қобилятининг аниқ йўналишга қаратилганлиги, эҳтиёжи ва қизиқишлари, миллий онги ўзига хос хусусиятларга эгадир»², — деб хулоса қилмоқдалар ватандош олимларимиз, психологлар Ҳ. Узоқов, Э. Ғозиев, А. Тожиевлар. Улар ушбу ўзига хослик миллий маданиятда, миллий адабиётда, миллий ру-

¹ А. Фитрат. Ҳинд сайёҳининг қиссаси. «Шарқ юлдузи», 8-сон.

² Ҳ. Узоқов, Э. Ғозиев, А. Тожиев. Оила этикаси ва психологияси. — Т.: «Ўқитувчи», 1992, 76-бет.

хий (маънавий) ҳаётда ифодаланишини қайд этдилар. Олимлар ўзбек халқи руҳияти, феъл-атворндаги умумий ўзига хосликлар, деб қуйидаги сифатларни қайд қилишди: андшлилик, хушмуомалалик, ширинсуханлик, меҳмон кутишдаги самимийлик, иноқлик, инсон қадрини юқори тутиш, ифбатлилик, ўзаро ёрдам, виждонийлик ва бошқалар. Шунингдек, гўзалликни тушуниш, санъат, адабиёт, тасвирий санъат турлари, тили, байрамлари, пазандалиги, мақоллари, қомат тутиши, кийиниши, ибоси, имо-ишоралари, табассуми, уйқуси, ҳаёлоти, таъзими, маросимлари, халқ ижодиёти, таъби, диди ва бошқаларда анъанавий «ўзбекчилик» акс этиб туради. Бунинг бош сабаби — тарбиянинг ана шу хусусиятлардан келиб чиқишида, яъни миллий маданий моҳиятга эгаллигидадир.

Ўзбек халқ миллий тарбиясининг юқорида келтирилган тарихий-педагогик талқини бизга қуйидаги хулосалар ясаш имконини беради:

- ўзбек халқ миллий тарбияси тарихи туркий қабилавий, уруғ ва элатлар тарбиявий тазимларининг тадрижий умумлашуви, ривожланишининг тарихи демакдир;

- қабилавий, миллий тарбия нуқтаи назаридан инсоннинг қандайлиги ундаги сўз, ийят (фикр) ва иш бирлигига таянувчи уқлик асосида баҳоланган;

- ислом дини Марказий Осиё халқларининг миллатлараро мулоқот маданиятининг умумий манбаси, умуминсоний бирлашишга йўналтирувчи тарбиявий омил вазифасини бажарди ва бажармоқда;

Туркистонда ижтимоий-миллий тарбия жараёни ва мактаб тарбияси орасидаги мақсадга йўналтирилганлик шарият ақидалари асосида меъёрлаштириб келинган. Яъни, миллий ҳаёт ва мактаб тарбияси уйғун бўлиб, бир-бирини тўлдирган. Бу эса миллий тарбиямизнинг бой тарихий илдиз, пойдеворга эга эканлигини тасдиқлайди;

«халқ педагогикаси», «этнопедагогика» илмий-педагогик йўналишлари янги тарихий, миллий-маданий шароитда миллий педагогиканинг таркибига киритилгани ҳамда миллий тарбия миллий педагогиканинг предмети сифатида талқин қилинмоғи керак.

Чор Россияси истибдоди маданий мустамлакачилик — руслаштириш каби мақсадга йўналтирилган эди. Бу — жа-

ҳон мустамлакачилиги тарнхидаги англизлаштириш, французлаштириш каби тиник ҳол эди. Бунинг оқибати эса бир томондан, миллий маданияллашувга, иккинчи томондан, замонавийлашувга тўсқинлик ҳосил қилди. Бироқ, миллийлик сусайса-да, у тарбиянинг объектив хусусияти бўлганлиги туфайли аجدоддан-авлодга етиб келди, йўқолмади.

Ўзбекистонда совет ҳокимияти йилларида коммунист тарбия яққа ҳокимлиги даври бўлди. Биз бу даврга алоҳида тўхталамиз.

Коммунист тарбиянинг педагогик асоратлари

Россияда Октябрь тўнтариши амалга оширилгач, пролетариат раҳнамолари миллий ҳаётдан узоқ, махсус пролетар маданиятини яратиш ғоясини кўтариб чиқдилар. Улар миллий турмуш маданияти билан ҳеч бир алоқаси бўлмаган янги, сунъий маданият яратишга киришдилар ва бу борада маълум «муваффақиятлар»га ҳам эришдилар. 20-йилларнинг совет педагогикаси ҳам апа шу оқим — на Ватан, на жаҳон маданиятини тан олмаган пролетар маданияти таъсирида эди. Бу эса совет маориф тизими, коммунист тарбия асосларини белгилашда ўз аксини топди. Натижада, янги — совет педагогикаси тарбия соҳасида «ўтмишдан на мазмун, на услубларни ўзига қабул қилди... Коммунист тарбия тизимини янгидан яратишга тўғри келди. «Янги жамиятнинг кишисини тарбиялаш назарияси» яратилди»¹.

Тарбия мақсадлари нималардан келиб чиқиши лозимлиги ҳақида А. Макаренко: «Албатта, у бизнинг ижтимоий эҳтиёжларимиздан, совет халқи орзу-истакларидан, революциямизнинг мақсад ва вазифаларидан, бизнинг курашимизнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади»², — деган эди. Шу тарнқа «социализм», «коммунизм», «революция», «кураш» тушунчалари совет тарбия системасининг партиявий, синфий, мафкуравий, ғоявий асосла-

¹ И. Коороев. Социалистическая революция и педагогика. Советская педагогика. № 7, 1967, с. 76.

² А. Макаренко. Проблемы школьного советского воспитания. — М.: Прогресс, 1990, с. 42.

рини белгилаб бердн. «Янги замоннинг янги кишисини тарбиялаш» байроғи остида совет халқлари, миллатлари ўз тараққиёти жараёнида тўплаган «эски» маданий, маънавий қадриятларига қарши кураш бошлади. Бу билан совет педагогикаси назарияси, бир томондан, миллий педагогика тарафдори — К. Д. Ушинскийни кўкларга кўтарган бўлса, иккинчи томондан унинг «тарбиядаги халқчиллик» тамойинлини амалда инкор қилди. Чунки К. Д. Ушинский «охиригача материалистик позицияда тура олмаган» эди. Тарбияда халқчиллик, миллийлик билан курашиш, уларни «эскилик сарқитлари» сифатида бартараф қилиш коммунистик тарбия вазифаларидап бири, дея белгиланди. А. С. Макареико ўзининг «Коммунистик одоб қоидалари ҳақида» мақоласида миллий одоб-ахлоқ қоидаларини «ўткинчи, зарарли ва умрини яшаб бўлаётган эски одоб қоидалари системаси» деб атади. «Хулқ-атворни кенг йўналтирувчи бу эски одоб қоидалари системаси диний негиздан ўсиб чиққан. Бунга мен нафақат православ ёки католикларни, балки яхудийни ҳам, мусулмонларни ҳам — сиёсий жамият тарихида йиғилган одоб қоидаларига эга бўлган ҳаётни қўшаман. Бу эски нормалардан бизда ҳеч нарса қолмагандай бўлиб кўринади. Лекин ахлоқий тажриба, асрлар бўйи шаклланган хулқ-атвор айнаналарни ҳали ҳам мавжуд. Буларнинг ҳаммаси бизнинг жамиятимизда мураккаб яширин қолдиқ сифатида яшаб келмоқда...»¹

Аввалга иролетар, кейинчалик социалистик интернационализм — номиллийлаштириш сиёсатининг педагогик оқибатлари барча совет халқлари учун маданий нуқтаи назардан зарарли кечди. Бу сиёсат учун қозоқнинг қозоқлиги, тожикнинг тожиклиги, руснинг руслигини ҳисобга олиш, ривожлантиришдан кўра уларни бир хиллаштириш ва «совет миллатига» айлантириш қулай, беташвиш иш эди. «Мен 1965 йили комсомол йиғилиши баёнини украин тилида ёзиб, «украин буржуа миллатчиси» деган ном олдим», — деб ёзади бир украин йигити. «Мўйлабимни ҳам, онам ўз қўллари билан тикиб берган украин-

¹ А. Макаренко. Проблемы школьного советского воспитания. — М.: Прогресс, 1990, 48–49-бетлар.

ча қўйлагимии ҳам таъна билан алоҳида урғу бериб эслатншиди»¹. «На Минскда, на бирор вилоят марказида, на бирор шаҳар тииидаги қўрғонда белорус мактабини топа олмайсиз. Инглиз, француз, испанча мактаблар бор, белорус мактаби йўқ», – деб куйиниб сўзлайди белорус ёзувчиси Нил Гилевич. Таниқли рус ёзувчиси Валерий Иванов эса «ривожланган социализм» асосчиларини славян халқлари бирлигини Украина, РСФСР, Белоруссия шаклида куч билап парчалаб юборгани; православ черкови ва миллий маданият намояндаларини ўлдириб, церковларини портлатиб, талаганликлари; рус миллий онги, халқ урфодатлари, дворянлик, улуғ санъаткорларини улуғ рус шовинизмига қарши кураш байроғи остида халқ хотирасидан ўчириб ташлаганликлари учун рус халқи номидан айблади².

Ўтган асрининг 30-йилларига келиб СССРда ижтимоий ҳаётни тўраччилик, маъмурий-буйруқбозлик асосида бошқаришнинг сталинча усули кучайди. Бу турли минтақа, миллатлар болалари ўқиётган мактаблар ўқув режа, дастурларини бир хиллаштиришда намоёни бўлди. Совет ёшларини ўз миллий маланний-тарихий қадриятларидан бегоналаштириш бошланди. Рус бўлмаган миллатлар мактабларининг II–III синфидаги рус тилини ва V синфдан бошлаб рус адабиётини ўрганишни жорий қилишда ўзифодасини топди.

Ўша йилларда маорифда тенг икки тиллиликка эришишга қаратилган ишлар ҳам амалга оширилди. Жумладан, таълим рус тилида олиб борнладиган мактабларда маҳаллий тилни ўрганишга III синфдан X синфгача ҳар ҳафтада уч соат ажратилиши ҳақида қарор қабул қилинди. Рус мактабларида маҳаллий тилни ўрганишдан мақсад: бошланғич синфларда маҳаллий тилда содда матнни ўқий олиш; оғзаки машқларни бажара олиш; V–VII синфларда лугат ёрдамида мураккаб матиларни ҳам ўқиб, маҳаллий нутқни тушуниш; VIII–X синфларга келиб эса, рус мактаблари ўқувчиларни ўзбек, туркман, қирғиз тилларидаги китоблар, журнал, газеталарни лугат ёрдамисиз ўқий олишла-

¹ Коммунист, 1989, № 8.

² В. Иванов. Русский вопрос в ССР и пути возрождения русской нации. Русский вестник, № 1, 1991 г.

ри, ўз фикрларини баён қила олишлари керак эди. Рус мактабларининг битирувчилардан маҳаллий тилнинг 2800—3000 сўзини ўзлаштириб олиш, маҳаллий тилда равон гаплаша олиш талаб қилинар эди¹. Бу ҳақда муаллифга Россия таълим академияси Бадий тарбия илмий-тадқиқот институтининг бош мутахассиси, профессор В. А. Разумний қўйидагиларни ҳикоя қилиб берганди: «Мен 1942 йили эвакуация қилниган аҳолни таркибида Украинадаги Тожикистонга кўчирилдим, — дейди у тожик ва рус тилларидаги шаходатномани кўрсатиб. — Эътибор беринг-а, мен тожик ва рус тилларида ҳам оғзаки, ҳам ёзма битирув имтиҳонларини топширганман. Миллий жумҳуриятларда яшаётган бошқа миллат вакилларига менмча худди ана шундай мактаб сиёсати юритилиши керак эди. Афсуски, бундай бўлмади-да».

Дарҳақиқат, совет мактабларида тиллар тенглиги таъминланган бўлиши керак, рус мактабларида миллий тилни ўрганиш факультативга айлантирилди. ВКП(б)нинг 1938 йил март ойида қабул қилинган «Миллий область ва республикаларда рус тилининг мажбурий ўқитилиши ҳақида»ги қарори рус тилини ўрганишда нхтиёрийлик таъминининг таъминини бошлаб берди. Бу қарорга ҳатто Н. К. Крупская ҳам қарши чиқиб: «Бу қарор улуг давлатчилик шовинизмининг башарасини эслатмоқда. Мен бошқа халқлар учун русчадан таржима қилинган бир хил алифбе яратилишининг ҳам зарарли деб ҳисоблайман»², — деган эди.

1931 йилда «Партработник» ойномаси Алишер Навоий ва бошқа ўзбек адабнети мумтоз шоирлари ижоди моҳиятан мистик, яъни «ақлга тўғри келмаслиги»ни, уларнинг Шарқ халқларининг миллий ва маънавий жиҳатдан алоҳида хусусиятларга эгалигини даъво қилишда айбловчи мақолани эълон қилди. Муаллифлар ҳеч бир аниқ ва исботсиз ўзбек халқи ўтмишида на ҳозир ва на келажакда фойдаланса бўладиган ҳеч нарса йўқ; бу маънавий мерос бошдан-оёқ тараққий қилувчи душман меросдир, деб даъво қилдилар. Ана шундай муаллифлар ва уларнинг чиқишлари кейинчалик ҳам совет республикаларида сақланиб қолган нодир қўлёзмаларнинг талон-торож қилинишига, миллий

¹ Проблемы истории советской школы и педагогики. Отв. ред. И. Равкин. — М.: 1991.

² Ўша манба. 39-бет.

меъморчилик ёдгорликларининг қаровсиз қолдирилишига, йўқотилишига сабаб бўлди.

Совет мактабининг ўқув режалари, дастурлари ҳамда дарсликлари мазмуни ўқувчилар онгида миллий маданиятга эътиборсизлик уйғотиши билан чекланиб қолмасдан, уларнинг тафаккуринга ўз миллий маданиятига бегоналик, ёвқараш ҳислари «илмий асосланиб», мақсадли сингдириб борилди. Ушбу фикрнинг мисоли сифатида қуйидаги далилларни келтирамиз: «Ўтмишдаги маданий бойликлар антагонистик синфий тузумда яратилган... Антагонистик синфий жамиятда икки хил маданият, яъни прогрессия ва реакция маданият мавжуд («Ўзбек адабиёти тарихи». 8-синф учун дарслик, 8-бет). «Ўткан кунлар» асари жиддий камчиликлардан холи эмас, бунга ёзувчининг социалистик реализмни эгаллаш йўлидаги ижобий тажрибасининг етарли эмаслиги сабаб бўлган, албатта» («Ўзбек совет адабиёти». 9-синф дарслиги. 1978 й., 41–42 бетлар) ва ҳ.к.

Миллий маданият илдизлардан узоқлаштиришга қаратилган тарбиявий сиёсат педагоглар тайёрлашда ҳам устуворлик қилди. Жумладан, олий ўқув юртлири учун чоп қилинган дарсликлар орқали шундай фикрлар сингдирилди: «Яссавий реакцияон феодал-клерикал гуруҳларнинг дунёқарашини нфода этган, ислом динини, бадбинлик ва таркидунёчиликни тарғиб қилган, меҳнаткаш халқ оммасини муҳтожлик ва ҳуқуқсизликка кўникишга, эксплуататорларга қулдек тобе бўлишга чақирган энг реакцияон тариқатдир» («Ўзбек адабиёти тарихи», 1976, 1-китоб, 151-бет). «Октябрь революциясигача ўзбек халқининг салкам икки процентигина саводли бўлган» («Ҳозирги ўзбек адабий тили», 1-қисм. 1980, 11–12-бетлар), «Узоқ асрлардан бери ҳукм суриб келаётган ваҳшиёна урф-одатлар, ўрта асрчиликнинг чиркин анъаналари, ўтакетган қолоқлик ва тарқоқлик социализмга ихёятда ёт эди... Бу нарса, айниқса, реакцияон ислом дини чуқур томни ёйган Ўзбекистон шароитида ғоят даражада оғир ва мураккаб ўтди» («Ўзбек адабиёти тарихи», 1976, 31-бет) ва ҳоказо. Социалистик мафкуравийлик, партиявийлик, синфийлик каби илмий ноҳолисликлар ҳақиқат юзига парда тортди. Ўзбек совет мактаби ўқувчиларида инқилобдан олдинги даврни мутлақо «қора», инқилобдан кейинги даврни бутунлай «оқ», камбағал образи — «яхши», бой бўлса — «ёмон»,

колхозга аъзо бўлгиларни «яхши», аъзоликдан бош тортганларни — «ёмон», «қулоқ», «халқ душмани» сифатида танниш каби муносабатлар шакллантирилди. Шу тариқа тарих, адабнёт дарсликлариди совет воқелигини бўяб кўрсатиш, ўрганилаётган воқеа ва фактларни ақидапарастларча ўқитиш, миллий гурурни умумсовет гурури орқали ўқитиб юбориш ҳаракати авж олдн.

Шўро педагогика институтларида мутахассисларни тайёрлаш, уларда педагогик тафаккурни ҳосил қилнш мақсадида кўплаб хрестоматиялар чоп этилди. Жумладан, 1976 йилда чоп этилган педагогика хрестоматиясида «Педагогикага кириш», «Мактаб педагогикаси», «Тарбия назарияси», «Таълим назарияси», «Мактабшунослик масалалари» ёритилди. Китоб мазмуни ҳам, жуғрофияси ҳам педагоглар тафаккурини партиявийлик, социалистик мафкуравийлик, педагогик нигилизм билан тўлдиришга қаратилганини тасдиқлайди. Шу тариқа совет педагогикаси ўз моҳияти, мақсадини англашда тарихий, миллий педагогик тажрибаларга зидлиги учун ҳаётдан табора узоқлаша борди.

Шарқ педагогикаси, тарбияшунослик таълимотига эътиборсизлик билан қараш 1989 йили СССР Педагогика фанлари академияси тавсияси асосида педагогика бўйича мутахассислар учун нашр қилинган «Очерки исторни школы и педагогической мысли народов СССР с древнейших времен до конца XVII в.» китобида ҳам яққол кўринарди. Фундаментал, 434 саҳифали иборат бу асарда қадимий педагогик маланият бешинги бўлган Марказий Осиё ва Қозогистон республикалари ҳудудининг педагогик тарихига атиги 14 бет ажратилганлиги ҳам совет педагогикаси тарихчиларининг миллий педагогикамизга эътибори қандай бўлганлигини кўрсатади. Китобда ўзбек халқ педагогикасига 4 саҳифадан ҳам кам ўрни берилганини, ҳатто бу соҳада мутахассис бўлмаган киши ҳам оқлай олмайди. Шу тариқа ўзга миллий руҳни ифодаловчи ва шу руҳда тарбияловчи материаллар 1991 йилгача таржима қилиниб, ўқитувчиларнинг ва улар орқали ўзбек болаларининг шаклланаётган миллий гурурига, Ўзбекистон ватанпарварлигига, миллатлараро мулоқот маданиятига, миллий одобига салбий таъсир қилиб келди.

Собиқ Иттифоқ тарқалиб кетгач, айрим иттифоқдош республикалардан русийзабон аҳоли бир қисмининг кўчиб кетиш фактлари учрай бошлади. Бунинг маърифий мактабга бевосита боғлиқ бўлган сабаблари ҳам бор эди. Ана шулардан бири — таълим рус тилида олиб борилган мактабларда маҳаллий тилни ўрганишнинг қониқарсиз ташкил қилинганлиги эди. Мустақил республикалар давлат тили ҳақида қонунларни қабул қилгач, рус мактабларини битирган аҳолининг аксарияти бу тилни билмаслиги янада яққол намоён бўлди. Собиқ иттифоқдош республикалар ичида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда русийзабон аҳолига давлат тилини ўрганишларига ёрдам бериш мақсадида махсус курслар ташкил этилди. Аслида бу, биринчидан, 70-йилларда совет педагогикаси назарияси ва амалиёти йўл қўйган хатолар ва уларнинг асоратларини тузатиш; иккинчидан, Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга қаратилган стратегик тadbирлардан бирин эди.

1984 йилда мактаб ислоҳоти бошланди. Шу муносабат билан мактабларнинг типовой дастурлари яратилди ва уларда она тилидан «ўқувчиларнинг рус тили ва адабиётини ўрганишини енгиллаштирувчи восита» сифатида фойдаланиш тавсия қилинди. Бу эса она тилига эътиборнинг янада сусайишига, ўқув режаларида соатларнинг қисқартирила боришига олиб келди. Маҳаллий тилни ўрганишга вақт, соат ажратиш иттифоқдош республикалар маориф министрликлари ихтиёрига ҳавола қилинди. Иттифоқдош республикалардаги таълим рус тилида олиб борилган мактабларнинг 1974/75 ўқув йилидаги ўқув режаларини ўрганиш шунинг кўрсатадики, Украинадаги рус мактабларида маҳаллий миллат тили — украин тилига 37,5 соат (II—X синфларда), Белоруссияда — 24,5 (III—X), Ўзбекистонда — 16 (III—X), Қозоғистонда — 14 (II—VIII), Грузияда — 16,5 (III—X), Латвияда — 17 (II—X), Молдавияда — 14 (IV—X), Қирғизистонда — 10 (III—VIII), ота-оилаларнинг хоҳишига қараб Арманистонда — 28 (II—X), Эстонияда — 35 (II—X) соат ажратилди. Бундай амалиётнинг натижаси шу бўлдики, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларни битирганлар маҳаллий республика — ўз ватанларига ном берган миллатлар тилини ўргана олмадилар.

Натижада иттифоқдош республикаларда яшовчи русий-забон аҳоли орасида маҳаллий тилни билувчилар сони 15% дан 18% га ошган бўлса, рус тилида эркин сўзлаша олувчилар маҳаллий аҳоли сонининг учдан икки ҳиссасига қадар ошди («Правда», 1988 йил 25 август).

Собиқ СССРда миллий тилда таълим олган ўқувчилар сони
(ўқувчиларнинг умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)

	Рус тилида		Миллий тилда	
	1980/81 ў.а.	1988/89 ў.а.	1980/81 ў.а.	1988/89 ў.а.
СССР бўйича	63	66	97	98
РСФСР	97	98	97	98
Украина ССР	45	52	55	47
Белоруссия ССР	65	79	35	21
Ўзбекистон ССР	14	15	78	71
Қозоғистон ССР	64	67	33	30
Грузия ССР	21	24	68	67
Озарбайжон ССР	14	18	83	79
Литва ССР	13	16	85	82
Молдавия ССР	37	41	63	59
Латвия ССР	44	48	56	52
Қирғизистон ССР	34	36	53	52
Тожикистон ССР	10	10	64	66
Арманистон ССР	12	15	80	81
Туркменистон ССР	15	16	78	77
Эстония ССР	32	37	68	63

Келтирилган жадвал¹ таҳлили барча иттифоқдош республикаларда рус тилининг совет давлат тили сифа-

¹ «Учительская газета», 15 апреля 1989 года.

тида мавқеи оша боргаилигини, тиллар теиғлиги тамо-йилининг бузилганлигини кўрсатади. Натижада, рус ти-лида таълим олувчи ўқувчилар сонининг ошиши она ти-лида таълим олувчи ўқувчилар сонининг камайиши ҳисобига (Қозоғистонда — 3%, Ўзбекистонда — 7%, Қир-ғизистонда — 1%, Туркменистонда — 1%) содир бўлди. Бунинг қатор сабаб ва оқибатлари мавжуд эди. Жумла-дан, илмлилиқ, зиёилиқни юксак қадрловчи ўзбек хал-қининг фарзандлари она тилида техник билимларнинг дунёвий стандарти даражасига кўтарилишлари қийин эди. Чунки илмий-техникавий олийгоҳларда асосий фан-лар рус тилида олиб бориладди. Ўзбек мактабларида рус тилини ўқитиш эса талабга жавоб бермас эди. Шу ту-файли ўзбек ўғил-қизларининг бир қисми ўзбек, бир қисми рус тилида таълим ола бошладилар. Бунинг нати-жаси ўлароқ, рус ва ўзбек тиллари, маданиятлари ру-ҳида тарбияланган ўзбек ўғил-қизлари орасида маданий бўлиниш, фарқ пайдо бўла борди. Бу сунъий бўлиниш ўғил-қизларимизнинг миллий одобида, миллий қадри-ятларга, ўзбек тилига муносабатида, кундалиқ турмуш-даги муносабатларида намоён бўлди. Бир вақтнинг ўзида ўзбек, қирғиз, эстои, хакас бўла туриб, тил орқали бош-қа миллий-маданийликни ўзига сингдиргап кишилар (масалан, ўзн келиб чиқиши жиҳатидан А миллатга мансуб, лекин Б миллатнинг руҳи, маданиятини синг-дирганлар) Фарб ижтимоий психологияси, культуран-тронологиясида маргипал шахслар деб аталади. Марги-наллик ҳодисаси ижобий (икки халқ маданияти, урф-одатларини тўла ўзлаштирганлик) ва салбий (на ўз ва на бошқа халқларнинг маданияти, урф-одатларини яхши билмаслик) тавсифларга эга. Салбий маргиналлик са-баблари тарбиядаги помиллийликнинг оқибатларидир. Собиқ совет мактабининг тарбиявий ишлар тизими ўқувчи-ёшларнинг кўпроқ салбий маргиаллашувига хизмат қилди.

Собиқ СССРнинг барча мактабларида тарбиявий иш-лар мақсади, мазмуни, шакл ва воситалари узоқ йил-лар «Ўқувчиларни тарбиялашнинг тахминий дастури» (И. С. Марьенко таҳрири остида) белгилаб келинди. Мав-жуд услубий тавсиялар барча иттифоқдош республикалар

умумтаълим мактаблари учун марказдан — СССР Педагогика фанлари академияси, Маориф вазирлиги, шу вазирлик қошидаги мактаблар бошқармаси ва Тарбиянинг умумий масалалари илмий тадқиқот институти томонидан тайёрланар эди. Тавсияларнинг асосий мақсади — коммунистик тарбиянинг қўйидаги йўналишларини амалга оширишга қаратилганди:

коммунистик дунёқараш асосларини шакллантириш;

совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм тарбияси;

меҳнат ва халқ мулкига коммунистик муносабатни шакллантириш;

коммунистик ахлоқни, онгли интизом, ҳушқатворни шакллантириш;

ўқишга онгли муносабатни, ақлий меҳнат маданиятининг тарбиялаш;

коммунистик онглилик ва ижтимоий фаолликни шакллантириш;

политехник таълим, кўникма ва касбга қизиқишни ривожлантириш;

социалистик ҳуқуқий онг ва совет фуқаровий масъулиятини шакллантириш;

эстетик маданият ва бадий қобилиятларни ривожлантириш;

жисмоний камолот, соғлиқни мустаҳкамлаш ва санитар-гигиеник маданият малакаларини сингдириш.

Ушбу йўналишларда I—III, IV—VIII, IX—X синфларда олиб борилиши керак бўлган тарбиявий ишларнинг мазмуни, шакл ва вазифалари белгиланди.

«Ўқувчиларнинг тарбиялашнинг тахминий дастури», «Замонавий мактаб ўқувчисининг шахси ва умумтаълим мактаби тарбиявий фаолиятининг вазифалари», «Умумтаълим мактабларининг — X синф ўқувчиларини тарбиялаш мазмуни», «Мактаб жамоаси фаолияти ва машғулотлар, тадбирларнинг тахминий турлари», «Мактаб, оила, ишлаб чиқариш жамоалари ва жамоатчиликнинг ўқувчиларни тарбиялашдаги ҳамкорлиги» асосида амалга оширилди. Мазкур тарбия йўналишлари:

тарбиянинг ижтимоий-сиёсий йўналтирилганлиги,

унинг ҳаёт ва коммунизм қуриш амалиёти билан алоқа-дорлиги; таълим ва тарбия бирлиги;

меҳнат, актив фаолият орқали тарбиялаш; коллектив ва коллектив орқали тарбиялаш; болалар ва ўсмирларнинг мактабдаги коммунистик ташкилотларига таяниш;

педагогик раҳбарликнинг ўқувчиларнинг ташаббускорлиги, фаоллиги ва мустақил фаолиятига мослиги;

тарбия жараёнининг тўхтовсиз, узвий ва давомийлиги, унинг динамик ривожлана бориши; тарбия ва ўз-ўзини тарбиялашнинг ўзаро алоқаси;

ўқувчиларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш тамойиллари асосида амалга оширилди.

Кўриниб турганидек, Шарқ халқлари миллий тарбиясига хос хусусиятлар коммунистик тарбиянинг на мақсадида, на тамойилларида, на йўналишларида ва на вазифаларида акс этар эди. Ёш авлодларда миллий гурур, миллий одоб, Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллий маънавиятнинг сусайишига, барча миллат ва элатлар болаларини бир хиллаштиришга йўналтирилган восита — «Дастур»нинг мажбурийлиги таъсир қилди. Чунки, дастурда «Ушбу қўлланмада кўрсатилган умумтаълим мактаблари тарбиявий ишлари йўналишлари, умумий ва ёш хусусиятларига қараб муайянлаштирилган тарбиявий вазифалар тарбиявий жараёни режалаштириш ва ташкил қилиш учун мажбурнидир», деб ёзиб қўйилар эди¹.

Тарбияда миллийликни инкор қилиш «Дастур»да белгиланган тарбия шаклларида ҳам намоён бўлди. Буни I—III синфлар учун «Совет тузумида илгари ишчи ва деҳқонлар қандай яшаганлар?» (суҳбат), «Октябрь» (суҳбат), «Ленин ҳақида» (суҳбат), «Революция байрами» ҳамда I—IV синфлар учун «Коммунизм қуришда билимнинг роли», «Интернационал билан танишув», «Менинг Ватаним — СССР» ва бошқа мавзуларда ўтказилган тадбирларда ҳам кўриш мумкин эди. Бундай тадбирлар амалда ўқувчилар онги, ўзлигини англаш жараёнида миллий маданиятдап чалғитиш, «совет халқи», «совет миллати», «яиги тиндаги одам»ни яратишга қаратилган эди.

¹ Примерное содержание воспитания школьников. — М.: «Просвещение», 1980, с. 7.

Ҳар бир жамиятнинг ички инқирози тарбиядаги инқироздан бошланади. Совет тузумининг инқирозини ҳам, энг аввало, дунёдаги педагогик назариялардан бири — коммунистик тарбия назарияси ва амалиётининг инқирози деб қараш зарур. Бу инқирознинг сабаблари коммунистик тарбия назарияси ва амалиёти орасидаги тафовут, ҳаётдан узоқлик, расмийчилик, тарбиянинг синфий, партиявий, социалистик мафкуравий асосларга қурилиб, халқлар, инсонлар учун табиий бўлган миллӣликка қарши курашганида бўлди. Бу эса, жамият назарида, собиқ совет педагогикасини ва у орқали умуман педагогикани назарий ва амалий фан сифатида обрӯсизлантирди.

Миллийликини миллатчиликка йўйиш, миллий нигилистик кўринишларга жавобан педагог-олимлар ҳам ўз хулосаларини билдирдилар. Масалан, собиқ совет этнопедагогикасининг «отаси» профессор Г. Волков: «Дунёда совет мактаби каби номиллий мактаб бўлмайди... Бундан буён халқ педагогикасидан эмас, аксинча, маънавийтсизликка олиб келиши исботланган номиллӣликдан кўрқиш керак»¹, — деган эди.

Жаҳон педагогикаси тўплаган жуда бой тажрибадан фарқи ўлароқ, совет педагогикаси миллийликка зидлиги ҳамда юқоридаги сабаблар туфайли истиқболсиз назария ва амалиёт сифатида боши берк кўчага кириб қолди. Ушбу аҳволнинг номиллийлик, маънавий-маданий асосдан ажралиб қолганликдан ташқари яна қатор илмий-назарий, илмий-ташқилӣ сабаблари ҳам бор эди. Россиялик академиклар А. Бодалев, В. Краковский, Л. Новиковаларнинг, академик Б. Лихачевнинг, собиқ СССРда илм-фан тараққиётини ўрганиш билан махсус шуғулланган америкалик илмшунос Л. Грэхэм, Буюк Британиянинг «Nature» ҳафтаномазининг муҳаррири, доктор Д. Мэддокс ва собиқ совет педагогикасининг антропологик билимлар тизимидаги ўрнини бевосита тадқиқ қилган профессор В. И. Журавлев сингари муаллифларнинг илмий изланишлари натижаларини умумлаштирган ҳолда педагогик инқирознинг сабаблар тизимини туздиқ. Хуллас, совет педагогикасини инқирозга олиб келган хатолар жаҳон ва, жум-

¹ Педагогика, 1992, № 4—5.

ладан, мустақил Ўзбекистон педагогикасидан қуйидаги хатолардан огоҳ бўлишни тақозо қилади:

1. Илмий-тадқиқот тизимида тезкорликнинг етишмаслиги.

2. Тадқиқотчилар учун илмий, яшаш шароитининг яратилмаганлиги.

3. Педагогика фанининг хориж илмий дупёсидан ажралиб, ўз қоблғига ўралиб қолганлиги.

4. Илмий-тадқиқот тизимининг моддий базасидаги қашшоқлик.

5. Илмий тадқиқотларни ташкид қилиш ва бошқаришнинг талабга жавоб бермаслиги.

6. Айрим илмий йўналишларни ҳаддан ташқари рағбатлантириш ва бошқаларини асоссиз четда қолдириш.

7. Йўл қўйилган хатоларни кечикиб қайд қилиш.

8. Педагогикада буйруқбозлик муносабатларининг кенг қўлланилиши.

9. Педагогика фанини ислоҳ қилиш технологиясининг яратилмаганлиги.

10. Тарбия мақсадини тушунишдаги мавҳумлик.

11. Педагогика кафедралари илмий-тадқиқот мавзуларини белгилашда илмий-ижодийликка асосланмаслик.

12. Педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқаларининг ривожланмаганлиги.

13. Педагогика фанининг ривожланишини бошқарувчи Педагогика фанлари академияси раҳбарларининг педагог эмасликлари.

14. Методологиянинг номукамаллиги.

15. Педагогларнинг назарий-педагогик қадриятларни ҳимоя қила билмасликлари.

16. Педагогика фанининг новаторлигини тушунишга тайёр эмаслиги.

17. Тарбия амалиётида оғзакилик, расмийчилик, шаклга зўр бериш.

18. Тарбиянинг объектив миллий характерга эга эканлигини англай билмаслик ва бошқалар.

Собiq совет педагогикаси назарияси ва амалиётини миллий тарбия нуқтаи назарилан таҳтил қилиш қуйидаги хулосаларни берди:

СССРнинг инқироzi 20-йилларда совет педагогикаси

ўз мақсад ва вазифаларини пролетар маданиятига асосан белгилаб олган пайтидан, яъни 70 йил илгари бошланган эди. Совет педагогикаси пролетар маданияти — мафкураси таъсирида шаклланди ва бу таъсир кейинчалик ҳам сақланиб қолди. Яъни, тарбия назарияси, мазмунини белгилашда миллий маданиятдан, ўтмишдан на мазмун, на услубларни ўзига қабул қилганлиги коммунистик тарбиянинг ннқирозпни муқаррар қилиб қўйган эди:

тарбиянинг халқчиллиги, миллийлиги билан курашнш «эскилик сарқитлари билан курашиш» дея оқланиб амалга оширидди;

жадидчилар томонидан кўтарилган таълим ва тарбияда миллий цивилизациялашув гоёси Туркистонда дастлаб хон, мутаассиб диндорлар ва чор Россияси мустамлакачилари тазйиқига учраган бўлса, кейинчалик совет тузуми томонидан мутлақо тор-мор қилинди. Сталин яккахокимлиги даврида эркпарвар фуқаролар каби ҳур фикрли, миллатпарвар ўқитувчилар «миллатчи» тамғаси билан қатғон қилинди;

СССРда педагогик дарсликлар мазмунини белгилашда Марказий Осиё педагогик маданияти четлаб ўтилди. Бу эса миллий тарбиянинг назарий ривожланишига, уни идмий-педагогик тушунишга йўл бермади;

тиллар тенглиги қўпол равишда бузилиб, рус тили совет давлат тилига айлантирилди. Бундан рус халқи эмас, ВКП(б), КПСС мафкураси билан суғорилган тузум манфаатдор эди. Она тили соатлари камайтирила борилди. Бу эса барча миллатлар болаларининг салбнй маргиналлашувига, мллий ўзлиги, ғурурининг сусайишига олиб келаверди;

тарбиявий ишлар марказда ишлаб чиқарилган ягона дастур — «Ўқувчиларни тарбиялашнинг тахминий дастури» асосида ташкил қилинди. Ўзбек халқининг миллий ғурури, маданияти, тарихи ва истиқболига боғланмаган шу «дастур»ни ўзбек мактабида жорий қилиш мажбурий эди;

ўзбек совет мактабларида олиб борилган коммунистик тарбия мақсадн, вазифалари, моҳияти билан ўзбек маҳалла, қишлоқларида объектив ҳолатда мавжуд бўлган миллий тарбиянинг мақсад, вазифалари орасида тафовут

мавжуд эди. Натижада, олижаноб миллий фазилатлари-мизнинг авлодларга узатилишида жиддий узилишлар юз берди;

собик совет педагогикаси томонидан «Ўзбекистон ватанпарварлиги», «миллий гурурлилик», «виждонийлик», «иймонлилик», «миллий одобрилик» тушуичалари нлмий педагогик нуқтан назардан ўрганилмади, мактабда ўқувчиларда шакллантирилмади.

Ўзбекистон миллий мустақилликка эришгач, шахс, миллат, мактаб ва давлат манфаатлари бирлашди. Коммунистик тарбия назарияси ва амалиётни жаҳон педагогик тажрибасида ўзига хос «нбротин» из қолдирди ва бундан буён ҳеч бир тарбия тизими миллий ўзаксиз мақсадга ета олмаслигини ўз инқирози миқсолида исботлаб кетди.

Ўзбекистонда мустақиллик арафасида ва у қўлга кири-тилгач, халқ, республика раҳбарияти томонидан кун тартибига қўйилган энг долзарб масала, эҳтиёжлардан бири — мактаб ва тарбиянинг миллийлашувни бўлди. Бу эҳтиёж мустақил Ўзбекистоннинг педагогика фанига берган идк буюртмасига айланди.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАРБИЯ ГОЯСИНИНГ ТИКЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Собик СССРда «миллат», «миллийлик» муаммоси 60-йиллардан файласуфлар томонидан муҳокама қилина бошланди. Дастлаб миллий адабиётларнинг ўзаро таъсири, миллий маданиятларнинг ўзаро бир-бирини бойитиши, маънавий ҳаётнинг байпалминлашуви каби масалалар кун тартибига қўйилди. Бироқ маданият, санъат, анъана, руҳиятнинг миллийлиги эътироф қилинса-да, тарбиянинг миллийлиги эътибордан четда қолаверди. «Миллий тарбия» тушунчасининг фалсафий моҳияти илк бор фалсафа фанлари доктори, профессор С. Отамуродов томонидан кун тартибига қўйилди. Собик интернационал тарбияла йўл қўйилган хатоларни умумлаштирар экан, олим ўша даврнинг расмий нуқтан назарига тамоман зид хулосага келди. Яъни, миллий тарбиясиз байналминал тарбия бўлиши ҳам мумкин эмаслиги; байналминал тарбияни миллий тарбия орқали амалга ошириш лозимлигин; чунки миллий тарбия ўз халқининг маданий қадриятларини синг-

дирган инсонни шакллантириши ва ҳақиқий миллий маданият руҳида тарбияланган кишигина бошқа миллий қадриятлар руҳида тарбияланган кишидаги инсоний фазилатларни англаб, ҳурмат қила олиши; миллий тарбиянинг халқларнинг маънавий яқинлашувига асос бўлиши; миллий тарбия шакл ва услубларининг тиклаб қўлланилиши — жамиятни мафкуравий, маънавий яқдillasувига, демократлашувига хизмат қилувчи янгича ёндашув бўла олишини фалсафий исботлади. Шўро даврининг сўнгги йилларини «миллий маданиятнинг чуқур инқироз ҳолати» деб баҳолаб, С. Отамуродов бу инқироздан қутулиш ҳар бир халқнинг маданий анъаналарини маърифий тиклашга, яъни онгин, мақсадга йўналтирилган тарбияга боғлиқлигини, миллий тарбия истиқболда миллатчилик ва шовинизм каби иллатларнинг олдини олишини асослаб берди.

Ҳар бир жамиятни психологик, мафкуравий ва иқтисодий тангликдан қутқариш шарт — инсон характериини ўзгартиришга боғлиқ. Лекин тарихда бу вазифани инсонпарварона ҳал этиш ҳамма вақт ҳам амалга ошавермаган. Чунки мустамлакачилик манфаатлари, сиёсийлик, партиявийлик аксарият ҳолларда ушбу муаммони ҳал қилишнинг маърифий усулини инкор қилиб келган.

Инсон ва жамият характериини ўзгартириш қатор маърифий, педагогик ислохотлар орқали амалга ошади. Ана шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилиши мамлакатда миллий давлатчиликка ҳос ва мос миллий тарбия назарияси ва амалиётини ривожлантиришга кучли рағбат бўлди. Президент И. Каримов академиянинг вазифаси фақат муайян нафар кадр тайёрлаб беришдангина иборат бўлиб қолмаслигини, академия «ўзининг илмий, педагогик еалоҳияти асосида бутун маориф тизимини ислох қилиш учун янги муҳит, янги шароит яратиб бериши лозим»лигини уқтирди.

Чунки «биз ўзимизнинг ўқув дастурларимиз ва аҳолини маънавий тарбиялаш дастурларини қайтадан кўриб чиқмас эканмиз, ҳеч нарсага эриша олмаймиз»¹, — деди давлатимиз раҳбарн.

¹ И. Каримов. Юксак малакали мутахассислар — тараққиёт омилн. — Т.: «Ўзбекистон», 1995, 18-бет.

Миллийлик ғояси Академия олимлари илмий ишларининг етакчи тамойилига айлантирилди. Натижада, миллий давлатчиликнинг ҳуқуқий асослари профессор А. Азизхўжаев, О. Хусанов, сиёсий асослари Р. Жумаев, маънавий асослари профессорлар Н. Комилов, М. Имомназаров ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилиб, бойитила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар институтида яратилиб амалга оширилган «Маънавий янгилашиш» Давлат дастурида миллий маънавиятни сақлаб қолиш, тиклаш ва янгилашга қаратилган комплекс тадқиқотлар миллий тарбиянинг стратегик йўналишларини белгилашга замин яратди.

Давлат томонидан кўрсатилаётган рағбат ва эътибордан келиб чиқиб, мустақил Ўзбекистонда миллий тарбия ғоясининг ривожланишини ўрганиш муайян тамойилларга таянган ҳолда амалга оширилиши лозим. Бу тамойиллар қуйидагилардан иборат:

1) республикамиз мустақиллиги арафасида ва бошида қандай маърифий-педагогик қийинчиликлар мавжуд бўлгаилигини аниқлаш; 2) мавжуд қийинчиликларни юзага келтирган сабабларнинг аниқланиши; 3) муаммони ижобий ҳал қилишнинг энг тўғри, илмий асосланган йўллари топиб олиш керак. Шу тариқа миллий тарбия ғояси тараққиётнинг ўрганган олдида ҳам республикамизда: 1) «миллий тарбия — педагогик муаммо» еифатида; 2) муаммони юзага келтирган сабаблар; 3) уни ечиш учун нималар қилмоқ кераклиги ҳақидаги саволларга жавоб излаш вазифаси қўйилди.

Тарбиянинг моҳиятан миллийлиги ва мактабни миллий руҳдан ажратиш ҳалокатли хато эканлиги ҳақидаги фикрлар илк бор собиқ СССР миқёсида халқ таълими ходимлари Бутуниттифоқ съездида (1988 йил 20–22 декабрь) кўтарилди. Грузия вакили профессор Ш. А. Амонашвили депутатлар диққатини миллий (грузин ва бошқа) ва номиллий (совет мактаби) мавжудлигига қаратди. Таниқли олим ягона дастур, ягона ўқув режаси, ўқитувчи тайёрлашнинг ягона тарзи натижасида мактаблардан миллий маданият ҳайдаб чиқарилганлиги ҳақида гапириб, «Мактабда болаларнинг грузин, яъни она тилида ўқишлари ҳали бу миллий мактаб дегани эмас. Мактабда қачон грузин маданияти руҳи яшар экан, ана шундагина у мак-

таб миллий бўла олади. Рус мактабида ҳам, арман мактабида ҳам, умуман ҳар бир мактабда ана шундай бўлмоғи керак. ...Бизга миллий мактабни қандай қурнш кераклиги ҳақида буйруқ керак эмас. Наҳотки, марказдагилар ўз грузин болаларимизни бизлар — ота-оналар, ўқитувчилардан ҳам ортиқ севувчилар бор, деб ўйласалар», — деди¹. Мазкур чиқиш кейинчалик барча иттифоқдош республикаларда етилган муаммо — таълим-тарбия, мактабнинг миллийлиги ҳақидаги қизгин мунозараларнинг бошланиб кетишига туртки бўлди.

Халқ таълими ходимларининг Бутуниттифоқ съезди арафасида Москва педагогик дунёсида «концепциялар жанги» кечди. Педагогика Фаилари академияси ўзининг «Умумий ўрта таълим концепцияси»ни съезд делегатларига тарқатди. Концепция мазмунида «миллий ва маҳаллий хусусиятларни ҳам ҳисобга олиш» тамойилни илк бор тилга олиб ўтилди, холос.

Ўзбекистонда миллий тарбия муаммоси «миллий мактаб» муаммоси таркибида муҳокама қилина бошлади. Республикамиз жамоатчилиги П. Мусаев, Р. Ҳасанов ва Д. Қўлдошевларнинг «Фан ва турмуш» ойномасида (1989 йил октябрь) эълон қилинган «Мактабимиз истиқболи ҳақида ўйлар» давра суҳбатини; ЎзНФИТИ бўлим мудир Р. Ҳасановнинг «Мактабга миллий асос керак» («Ўқитувчилар газетаси», 1989 йил 1 ноябрь); профессор К. Юсуповнинг «Миллий мактаб зарурми?» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990 йил 19 ноябрь), «Янги миллий мактаб яратайлик» («Учительская газета», 1990 йил октябрь) сингари ва бошқа қатор чиқишларни катта ташналик билан кутиб олди.

Халқ — муштарийлар фикри газета ва журналларда «Етилган муаммолар ҳақида мактублар», «Таклиф ва мулоҳазалар», «Она тилимиз — бойлигимиз», «Бизнинг мактуб», «Яна миллий мактаб ҳақида», «Миллий мактаб муаммолари», «Мунозара учун мавзу», «Меҳмоннома» ва бошқа рукнларда мунтазам бериб борилди. Мавзунинг долзарблик даражасини 1990 йил охирига келиб ушбу

¹ Всесоюзный съезд работников народного образования: Стенографический отчет. 20—22 декабря 1988 г. — М.: Высш. шк., 1990, 108-бет.

мавзу бўйича ўзбекистонликлардан ташқари Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон, Қозоғистон фуқароларидан ҳам таҳририятларга 1500 дан ортиқ хат келганлиги ҳам тасдиқлайди. Муҳарририятдагилар ҳам муштарийларнинг бу қадар фаоллиги камдан-кам учрашини қайд қилгайлар¹. Газетхоилардан келган хатлардан парчалар келтирамиз:

«...Шу вақтга қадар ягона совет педагогикаси система-сига амал қилиб келган мактабларимиз программадан чиқа олмади. Керакли-кераксиз фанлар ўтилган. Тарбия иккинчи планга тушириб қўйилди. Натижада, одамлар ўртасида меҳр-муҳаббат, одамийлик унутила бошланди. Миллий ғурур нималигини билмай ўсаётган ёшлар ўртасида безорилик авж олди. Борди-ю, шу ҳол давом этаверса, келгуси аср одамларини, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини тасаввур этиш қийин. Аввало мактабга, тарбияга миллий асос бериш керак»² (Ж. Жиловов, Қашқадарё вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг кабинет мудир).

«...Мактабда Макаренко, Ушинский, Сухомлинский ва бошқа атоқли педагогларнинг методикалари асосида иш юритилади. Булар бир жиҳатдан яхши. Бироқ методика ва педагогика бир жойда тўхтаб турмайди-ку! Чунки ёшлар дунёқарашлари ўзгариб бормоқда. Мен айтмоқчи бўлган фикр, яъни ҳар бир миллат фарзанди ўз миллий яшаш шароитида тарбияланади. Инсон бир хил бўлгани билан уларнинг урф-одатлари ҳар хил, яшаш шароити турлича. Шунинг учун Ўрта Осиёда ўқувчилар ва ёшларни тарбиялаш учун олимларимиз ва актив педагоглар ҳамкорликда янги методика ва педагогика фанини яратишларини истайман. Ҳозир ёшлар фақат насихатгўйликни тингламоқдалар. Мактабда ва уйда, радио, телевидение ва матбуотда насихат кўпайиб кетди. Менимча: кўп ёшлар радио, телевизордаги насихатлардан кўра бадиий фильм берилаётган канални бурашади» (Р. Носирова. Янги методлар лозим. «Ўқитувчилар газетаси», 1990 йил 3 март).

«...Миллий мактаб яратишнинг биринчи босқичида ҳар бир ўқитувчи мавжуд программа ва дарсликларга ижодий ёндашиб, дарс жараёнида таълим мазмунини миллийлаш-

¹ Миллий мактаб пойдеворини яратиш йўлида. Матбуотда эълон қилинган мақолалар тўплами. Т.: ЎзПФТИ, 1991, 94-бет.

² Ўшв манба. 50-бет.

тирмоқни ўрганмоғи лозим. Бунинг учун ўқитувчи ўтаётган дарсига мувофиқ равишда юртимиз тарихи, географияси, халқимиз маданияти ва урф-одатлари, анъаналаридан ҳам тўлиқ хабардор бўлиши талаб этилади. Иккинчи босқичда мутахассисларнинг илмий изланишлари асосида миллий руҳда ёзилган қўлланма ва дарсликлар асосида ўқитувчилар дарс олиб боради»¹. (К. Тешабоев. Фаргона вилояти Риштон туманидаги 32-ўрта мактаб география ўқитувчиси).

«...Хўш, мактабларни миллийлаштириш шунчаки миллий ҳиссиётларга ёки ўз-ўзини англашга қаратилган бир тадбирми? Ундай эмас. Мактабларни миллийлаштириш замирида кенг маъно бор. Бизнингча, миллий мактабларнинг яратилиши, биринчидан, ўзбек халқининг урф-одатлари, анъаналари, ахлоқ нормаларини, миллий қиёфасини тиклаш имконини беради. Иккинчидан, у миллий гурурни шакллантиради, ўз-ўзини англаш, ўз халқи ва унинг келажагига жавобгар бўлган ва бу жавобгарликни ҳис этувчи ватанпарварларни етиштиришга кўмаклашади; учинчидан, мактабларда таълим мазмунини тез ва осон ўзлаштириш имконини беради; тўртинчидан, ўзбек халқини дунё маданиятида ўз ўрнини топишига шароит яратади; ниҳоят, охиргиси, ўзбек халқининг бирлигини таъминлаш ва иқтисодиётимизни яхшилашга йўл очиб беради»² (Қ. Фозиҳўжаев, Р. Ҳасанов. Истиқболимиз гарови).

Кенг жамоатчилик томонидан билдирилган бундай таклифлар, мулоҳазалар нафақат соҳага алоқалор «Фан ва турмуш», «Мактабгача тарбия», «Бошланғич таълим» еингарн нашрлар, балки «Ўқитувчилар газетаси», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Туркистон», «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Ватан», «Оила ва жамият», «Маърифат» ва бошқа газеталарда, «Халқ таълими», «Совет шарқи мусулмонлари», «Ёш куч» каби журналларда, радио, телевидение эшиттирув ва кўрсатувларида буюк бир фаоллик, куюнчаклик билан билдирилди. Бу қадар фаоллик миллий мактаб яратиш, тарбияни миллий асосга қуриш ғояси республикаимизда ижтимоий онгга айланганлигини, ўзбек халқининг миллийликка, ўз фарзандлари-

¹ Миллий мактаб пойдеворида яратиш йўлида. Матбуотда эълон қилинган мақолалар тўплами. Т.: ЎзПФИТИ, 1991, 73-бет.

² Ўша манба. 80-бет.

да миллий руҳ, миллий одоб-ахлоқ, нок внаждон, ватан-парварликни кўришни қанчалик исташларининг кўрсаткичи эди.

Миллий тарбия зарурати нафақат матбуотда, балки республикамизда турли кўлам ва даражаларда педагогик, мафкуравий, маънавий-маърифий эҳтиёж сифатида қизгин муҳокама қилинди. 1990 йил 17 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ўқитувчиларининг конференцияси бўлиб ўтди. Унинг резолюцияларида «Жумҳуриятда умумий ўрта таълимни қайта қуриш» бўйича Халқ таълими вазирлигига қўйилаги таклифлар биллирилди:

Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси билан ҳамкорликда жумҳуриятда мактаб тавлими мазмунини жамият талаби даражасига кўтариш, миллий маданий анъаналарни, мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқишга асосий диққат-эътибор қаратилсин;

жумҳуриятнинг миллий мактаби Конценцияси ишлаб чиқилсин ва уни амалга ошириш дастурни тузилсин.

Жумҳуриятда мактабдан ташқари тарбияни қайта қуриш ҳақида ЎзССРХ Халқ таълими вазирлигига:

— Миллий-маданий анъаналар ва умуминсоний қадриятлар ҳамда руҳий-педагогика фанининг замонавий ютуқларига асосланган ҳолда Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тарбиялаш дастурини ишлаб чиқиш ишини яқин кунлар ичида амалга ошириш;

— Халқ таълими вазирлигига, халқ таълими вилоят бошқармаларига, Тошкент ижроқўми халқ таълими Бош бошқармасига, ноҳия (шаҳар) халқ таълими бўлимларига, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасаларга, мактабларга, хунар-техника билим юртларига, педагогика билим юртлари ва олий илмгоҳларига, халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтларига ушбу резолюцияларни дастуриламал сифатида қабул қилиб, ўзларининг амалий фаолиятларида кенг қўллаб бориш таклиф этилди¹.

Миллий тарбия ғоясининг давлат аҳамиятига моллик масала сифатидаги кўламини кўрсатиш учун қўйидагн

¹ Ўзбекистон ўқитувчилари конференциясининг қарори. «Ўқитувчилар газетаси», 1990 йил 26 декабрь.

жадвалга мурожаат қиламиз. Зеро бу — миллий тарбия назарияси ва амалиётини илмий асослаш нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эгадир.

Миллий тарбиянинг назарий ва халқаро, республика, вилоят миқёсларидаги амалий масалалари бевосита ва билвосита муҳокама қилинган айрим тадбир, анжуман, семинар, йиғилиш, конференциялар

Т.р.	Мавзуси, йўналиши	Жойи, вақти	Шакли	Ташкилотчи
1.	Собиқ СССРда «миллий мактаб», «мактабда миллий маданият руҳи» тушунчаларининг муҳокама қила бошлангани	Москва 1988	Халқ таълими ходимларининг Бутуниттифоқ съезди	Ш. А. Амонашвили
2.	Ўзбекистонда миллий тарбия фоясининг «миллий мактаб» муаммоси таркибида қизгин муҳокама қила бошлангани	1989	Республика миқёсида	
3.	Ўз ПМ Республика халқ маорифининг миллий асосдаги Концепциясини ишлаб чиқиш ҳақида қарор қабул қилди	1989	Ўз ПМ бюро қарори	
4.	«Мактабга миллий асос керак»	1990	Қашқадарё вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида баҳс, давра суҳбати	Қашқадарё ВУМОИ

5.	«Келажатимиз мактабда»	1990 «Ўқитувчилар газетаси»	Мурожаат-иома	
6.	Ўзбекистон Жумҳуриятининг умумий ўрта таълим мактаби тўғрисида муваққат Низоми	1991 октябрь	Низом	Республика Халқ таълими вазирлиги
7.	Ўзбекистон ўқитувчилар конференцияси	1990 ноябр	Конференция резолюциялари	Республика Халқ таълими вазирлиги
8.	«Миллий мактаб муаммолари» Республика жамоатчилиги илмий Маркази	1992 февраль	Ойда бир ўтказилувчи семинарлар	ЎзПФТИ Р.Ҳасаиов
9.	«Кун тартибидида — миллий мактаб»	1992 март	Фаоллар йиғилиши	Республика ўқитувчилар уйи
10.	«Ўзбек халқ педагогикасини қайта тиклаш йўриқномаси (концепцияси) эълон қилинди	1992 июль	Конвенция	ЎзПФТИ халқ педагогикасини ўрганиш бўлими
11.	«Миллий қадриятларимиз мактаб ва маҳаллаларда тарбия ишларини олиб боришда муҳим омил»	1992	Илмий-амалий конференция	ЎзПФТИ
12.	Миллий — мактаб ва унн шакллантириш муаммолари	1992 март	Илмий анжуман	Низомий номли ТДПИ

13.	Ўқитувчининг педагогик маҳоратини оширишда олий ва умумтаълим мактабларининг ҳамкорлиги (тавсиялар)	1992	Пленум йиғилиши	Ўзбекистон педагогика жамияти
14.	«Ўзбек мактаби ўқитувчисининг сиймоси» (ички ва ташқи)	1992	Илмий марказ йиғилиши	ЎзПФТИ
15.	«Миллий мактаб»: уни қачон шакллантирамиз?»	1992	Давра суҳбати	«Маърифат» газетаси
16.	«Миллий мактаб» тажриба ва истиқбол	1992	«Ўқитувчи-92» кўрик танлови	РУММ
17.	«Ўзбекистон тарихини ўқитишнинг долзарб вазифалари»	1992	Республика илмий-амалий конференцияси	Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
18.	Шарқнинг улуғ мутафаккирлари меросида таълим-тарбия масалалари	1993 январь	Республика илмий-амалий анжумани	Низомий номли ТДПИ
19.	«Тарбия – барчанинг муқаддас иши»	1993	Республика ўқитувчилар уйи қошидаги уруш ва меҳнат фаришлари кенгаши муҳожаати	«Маърифат» газетаси

20.	«Билим маскаиларини миллийлаштириш муаммолари»	1993 апрель	Республика семинар кенгаши. ХТ вазир-лигининг кўчма ҳайъат йиғилиши	Бухоро вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти
21.	«Миллий мактаб ва тарбиянинг тараққиёт истиқболлари»	1993 Тош-кент	Республика педагог олимлари-нинг илмий ишлари тўнлами	Низомий номи ТДПУ
22.	«Миллий мактаб: конценция ва ривожлантириш технологияси»	1993 март	Халқаро конференция	ЮНЕСКО
23.	«Президент И. Каримов асарларини ўрганиш ва тарғиб қилиш»	1993 июль	Илмий-назарий анжуман	Низомий номи ТДПУ
24.	«Ўзбек оиласининг этносихологик муаммолари»	1993 октябрь	Республика илмий-амалий анжумани	Республика ўқитувчилар малакасини ошириш институти
25.	«Мафкура ва тарбия муаммолари: назария ва амалиёт	1994 апрель	Республика илмий-амалий конференцияси	Тошкент кимё-технология институти

26.	«Ўзбекистон ўқитувчилари ва талабаларнинг миллий истиқлол руҳида тарбиялаш»	1994 сентябрь	Республика илмий-амалий анжумани	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги; Республика маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази; СамДУ; ВПХМОИ
27.	Миллий тарбияни юксалтиришда давлат бош ислохотчи бўлиши Ўзбекистоннинг снэсий-ижтимоий истиқболнинг асосий тамойилларидан бирига айлантирилди	1995 февраль	Президент И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олпй Мажлисидаги маърузаси	Тошкент

Тадқиқотимиз вазифалари социологик сўровлар ўтказиб, кенг жамоатчиликнинг, маориф ходимлари, раҳбарлари, ташкилотчиларининг тарбиядаги миллийликка ва уни ўзбек мактабларида жорий қилинишига муносабатларини ўрганишни тақозо қилди.

Миллий тарбия мақсадини янада муайян, замонавий талқин қилиш учун Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сессиялари материаллари; Президент ва Вазирлар Маҳкамаси чиқарган фармонлар, қарорлар; мустақил Ўзбекистон Конституцияси; Ўзбекистон миллий истиқлол мафкурасининг илмий асослари; республиканинг иқтисодий ва ижтимоий талаблари ифодаланган давлат ҳужжатлари, шартномалари ўрганилди. Мақсад — юқорида зикр этилган ҳужжатлардан Ўзбекистон педагогикаси билан боғлиқ мазмунни аниқлаб олмоқ эди. Мақсадли маълумот қидирув олдига «Халқимиз ва давлатимиз миллий тарбиянинг мақсади, усуллари, шакллари, воситалари, натижасини қандай тасаввур қилмоқда?», «Ўқувчилар ха-

рактерида қандай сифатларнинг мужассам бўлишини ис- тайди ва қайси сифатлардан норози?» каби муайян педа- гогиқ саволларга жавоб олиш вазифа қилиб қўйилди. Мақ- сад — халқимизнинг педагогик тафаккуридаги тарбиявий мақсадни англаб, уни илмий педагогик назария билан уйғунлаштириш ва шу орқали назария ва амалиётнинг, тарбия ва ҳаётнинг бирлигига эришиш эди.

Мустақил Ўзбекистонда юқоридаги саволлар ва мақ- садга жавоб берувчи қудратли манба барно қилинди. Бу — Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси бўлди. Гал- даги вазифа — мафкуранинг миллий асосларига миллий тарбиянинг илмий асосларини уйғунлаштириш эди. Чун- ки «миллий мафкурани онгimizга сингдирувчи амалий тарбияни йўлга қўймоқ керак» (И. Каримов)лиги давлат аҳамиятига молик заруриятга айланган эди. Шу тариқа миллий тарбиянинг миллий мафкура билан уйғурилигига эришиш қуйидаги йўналишларда белгиланди:

Ахлоқда, хулқ-одобда ва фуқаролар онгида миллий- лик руҳини, ҳис-туйғуларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиш... Ахлоқ ва онгда миллий ғурурни шакллантириш;

— ахлоқдаги, хулқ-одобдаги миллийликни умумийсо- ний ахлоқий қадриятларни ўзлаштириш, уларни тарбия- га сингдириш асосида юксалтириш, ахлоқий меросдан кенг фойдаланиш, ахлоқ ва оини бошқа халқ ва миллат- ларга хайрихоҳлик, дўстлик, улар билан тинч-тотувлик руҳида тарбиялаш, ёшларга байналминаллик туйғусини ҳамда миллий низоларга, камситишларга, менсимаслик- ларга эса нафрат ҳиссини сингдириш¹. Шу тариқа Ўзе- бистонинг миллий истиқлол мафкураси илмий асосла- рида келиб чиқувчи «миллий одоб», «миллий ғурур», «миллатлараро мулоқот маданияти» каби фазилатларни шакллантириш миллий тарбиянинг вазифаларига айлан- тирилди.

Мустақиллик шарофати билан республикамызда таъ- лимни ташкил қилиш, лицейлар, коллежлар очиш, иқти- дорли болаларга ғамхўрлик қилиш, таълимнинг сифати-

¹ Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол мафкурасининг ил- мий асослари (лойиҳа). «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», 1993 йил, 74—75-бетлар.

ни жаҳон стандартлари даражасига етказиш йўлида хайрли ишлар бошланди. Галдаги вазифа — тарбия масаласини ҳам шу даражада ҳал қилиш эди. Зеро, собиқ совет педагогикасидаги «таълимнинг ўзи тарбиялайди», дея тарбияни иккинчи даражални иш деб қараш, ҳатто айрим билимли кишилардаги сўз ва иш орасидаги тафовутда иамоён бўлмоқда эди. ОАВларида айрим билимли ишбилармонлар халқимизнинг хориждан валюта ҳисобига келтирилган ризқ-рўзини ўгирлаб, четга чиқариб сотганлари; бундай жипоятларнинг бошида 276 нафар маисабдор шахслар турганлиги (Ўзбекистон ТВ: «Шаҳар бедарвоза эмас кўрсатуви, 1993 йил 14 июнь»), қонунлар олий маълумотли кишилар томопидан ҳам бот-бот бузилаётганлиги, айрим мактаб ўқитувчиларининг ватанимиз келажагини ўйлаш у ёқда турсин, ҳатто маош, имтиёзлари ошириб қўйилгандан кейин ҳам ўз дарслари сифатини оширишга уринмаётганликлари ва бошқалар ҳақида ташвишли хабарлар биллирилмоқда эди. Республика Президенти бу ҳодисани виждон масаласи, яъни аҳолининг бир қисмида ният — сўз — иш орасида фарқнинг мавжудлигида деб баҳолади. Мавжуд ҳолат ёш авлодни ана шу иллатдан ҳимоя қилиш учун уларининг ниятн, сўзи ва иши бир — соф виждон соҳиблари этиб тарбиялаш заруратини педагогика фанига ижтимоий буюртма сифатида белгилашга асос бўлди.

Халқ таълими амалиётчиларининг миллий тарбия йўналишларига муносабатларини англаш ва шу асосда миллий тарбия мақсадида, республикамиз вилоятлари мактаблари директорлари, илмий бўлим мудирлари, тарбиявий ишлар ташкилотчилари орасида социологик сўровлар ўтказилди. Сўралганларнинг барчаси ҳар бир киши ўз халқи, миллати урф-одатлари руҳида тарбиялаиши лозим, бу жараён мақсадга йўналтирилган бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Уларнинг фикрича, мактаблар ўқувчиларда миллий фазилатларни, кадриятларин системасиз, яъни қоиқарсиз шакллантирмоқда (91,4%). Шунинг учун ўзбек мактабларида тарбия мазмуни тубдан, миллий асосда ислоҳ қилиниши керак. Сўралганларпппг 99,4 фоизи ўқувчиларнинг тарбияланганлигининг мавжуд даражаси мустақил Ўзбекистон истиқлоли талабларига жавоб бера олмасли-

гии қайд этишди. Тарбиянинг моҳияти ҳақидаги саволга респондентларнинг 0,4% — ўзбек мактабларида ўқувчилари совет давридагидек, 89% — ҳам миллий, ҳам замонавий, 10,6 — қадимий мусулмон анъаналари руҳида тарбиялаш керак, деган фикрни билдирдилар.

«Ўқувчиларнинг ўз миллий тарихига, маданиятига қизиқишлари уларнинг бошқа миллат болалари билан муносабатларининг ёмонлашувига олиб келадими? Бу фикрга Сиз қандай қарайсиз?» деган саволга сўралган ўқитувчи-тарбиячиларнинг 8,6%и қўшилишини, 5,1%и бирор фикр айтишга қийналишини ва 86,3%и эса бу фикрга қўшилмаслигини билдирди. Шунингдек, сўралганларнинг 75%и ўқувчиларининг ягона мактаб кийими бўлиши керак, акс ҳолда улар орасида моддий тенгсизлик кайфияти пайдо бўлиб, тарбияга зарар келтиради, деб ҳисобладилар. Бу фикрга сўралганларнинг 18%и қўшилмалди.

Социологик-педагогик сўров натижалари мактабларимизда олиб борилаётган тарбиянинг мавжуд мақсади, вазифалари мустақил Ўзбекистонни жаҳоннинг энг тараққий этган давлатларидан бирига айлантиришнинг педагогик кафолатини яратишга тайёр эмаслигини; шунинг учун ҳам тарбия тизими тубдан ислоҳ қилиниши — ҳам миллий, ҳам замонавий Ўзбекистон фуқароларини — ватанпарварларини шакллантиришга йўналтирилиши лозимлигини; истиқлол мақсадларини мукамал амалга оширувчи фазилатларни, жумладан, миллий ғурур, ватанпарварлик, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий одоб, мафкуравий онглиликни шакллантирмай турпб Ўзбекистонни жаҳоннинг энг тараққий этган мамлакатларидан бирига айлантириб бўлмаслигини кўрсатди.

Социологик-педагогик таҳлил юқоридаги конструктив ҳолатлар, фактлар билан бирга «Ўзбекнинг энг асосий фазилатлари, асосий хислатлари нималарда имомён бўлади?» деган саволга жавоблар тизимини ҳам белгилаб берди. Респондентлар жамиятимизининг ҳаётида учраб турган салбий сифатларни ҳам қайд қилдилар. Бу эса нафақат ижобий сифатларни умумлаштириб, миллий истиқлолий фазилатларни асослаб олишга, балки салбий сифатлардан ўқувчиларни асрашнинг педагогик чораларини аниқлашга ҳам хизмат қилди.

Респондентлар қайд этган ижобий ва салбий сифатлар

Ижобий сифатлар

Дўстга вафодорлик
 Ўртоқлик
 Меҳмондўстлик
 Одамгарчлик
 Инсонпарварлик
 Тадбиркор-чаққонлик
 Ахлоқав теранлик
 Турмушга нафосат билан қараш
 Уқувлилик
 Фазилатлилик
 Сахийлик
 Хушмуомалалик
 Кўи билан бирга бўлиш
 Ҳаёлилик
 Сизлаб муомала қилиш
 Озодалик
 Хушфёълик
 Мардлик
 Назокатлилик
 Самимийлик
 Зийраклик
 Лутф-карамлилик
 Рўзгоршўнослик
 Шинавандалик
 Она тилида соф сўзлаш
 Ташаббускорлик
 Миллий мафкуравий эътиқол-
 лилик
 Миллий санъатта шайдолик
 Миллий гурурлик
 Ватанга муҳаббатлилик
 Соф виждоилилик
 Ор-номуслилик
 Бошқа халқларга ҳурмат
 Вазминлик
 Миллий ифтихор
 Ўтмишга ҳурмат
 Диёнатлилик ва бошқалар

Салбий сифатлар

Маяманляк
 Исрофгарчилик
 Лаганбардорлик
 Тилёғламалик
 Хасислик
 Тамагирлик
 Шухратпараслик
 Хулбинлик
 Беҳаёлик
 Манфаатпарастлик
 Бемехрлик
 Қопунбузарляк
 Жипоятчилик
 Безорилик
 Гиёҳвандлик
 Муаллимларни ҳақоратлаш
 Ота-онага меҳрсизлик
 Марҳумларни ёмонлаш
 Миллий гурурсизлик
 Маънавий қашшоқлик
 Андишасизлик
 Беҳаёлик
 Маданий қашшоқлик
 Қиморбозлик
 Ичкиликбозлик
 Ватан туйғусини ҳис қилмаслик
 Тажовузкорлик
 Сўз ва яш орасидаги тафовут
 Халқ олдида бурчисизлик
 Маҳаллийчиллик
 Уят сўзларни ишлатиш
 Иймонсизлик
 Беқарорлик
 Ўтмишга беҳурматлик
 Хотин-қизларга дағаллик
 ва бошқалар

Хуллас, XXI аср остоиасида турган жамиятимиз ўсиб келаётган авлодларда юқоридаги ижобий, миллий сифатларнинг намоён бўлишини ва салбий сифатларнинг бар- тараф қилинишини истар эди. Бунинг асосий шартлари-

дан бири эса мактабнинг, тарбиянинг миллий асосга қурилишидир. Миллий мактаб, миллий тарбияга эҳтиёжнинг қанчалик ўткир бўлганлигини 1989–1993 йилларда республикамиз матбуоти, хусусан, «Маърифат» газетасида эълон қилинган «Амалий иш қачон?», «Кулоқ солинг, мутасадди ташкилотлар!», «Миллий мактаб зарур» ва бошқа мақолалардаги миералардан ҳам яққол сезиш мумкин эди:

«Мактабда миялий маданиятга, миллий қадриятга ва болалар тарбиясига кўпроқ эътибор берилса, жамиятимизда жинойят ва тартибсизликлар бирмунча камаяр эди... Сизлардан миллий мактаб масаласини ижобий ҳал қилишда кўмак беришингизни сўраймиз» (А. Юнусов, А. Илҳомов, У. Каримов, А. Юсупов — Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари (жами 677 имзо).

Барча соҳаларда бўлгани каби, ўтиш даври педагогикаси ҳам ўзига хос қарама-қаршиликларга эга эди. Жумладан, миллий истиқлолни мустақамлашнинг маданий, маърифий воқеаси бўлган «миллий мактаб», «миллий тарбия» ғоялари жойларда эскича талқип қилинди. Бундай муносабат Президент И. Каримовнинг 1993 йил апрель ойида республика ижодкор зиёлилари билан бўлиб ўтган учрашувида ўз мафкуравий баҳосини олди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси О. Ёқубов Президентга мурожаат қилиб, «Биз ўзбек халқининг миллий туйғусига бағишланган бир кўрсатувда иштирок этдик. Афсуски, бизнинг чиқишимизга қаршилик қилганлар ҳам бўлди», — деганида, Президент бу воқеага ўз муносабатини билдириб, шундай деди: — «Халқимиз орасида бир вақтлар унинг елкасига миниб, ҳаққини еб, ҳукмдорлик қилиб юрган одамлар жуда кўп. Зеро, биз совет тузумида уч-тўртта авлоднинг кўрдик. Улар қандай тарбия олди? «Кремль юлдузи»га итоат қилмасанг, мансабда ўтирмайсан», — деган гаплар бўлган. Кимки ўз юртининг, ўз халқининг сотмаса, мансабдан кетарди. Мустақиллик, халқнинг миллий анъаналари, ғурурини тиклашга қарши чиқадиганлар ўша тоифадаги одамлардир. Менинг хавотир бўлаётган жойим ҳам шу. Агар аҳил бўлсак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким енга олмайди»¹.

¹ И. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т: Ўзбекистон, 1997. — 326 б.

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури бу борадаги саволларга аниқлик киритди. Яъни, таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг «миллий тизимини яратиш» давлат сиёсатига айланди¹.

Хуллас, Ўзбекистонда мустақиллик арафасида ва у қўлга киритилгач, жамоатчилик томонидан қўтарилган энг муҳим масалалардан бири мактаб ва ундаги тарбиявий жараёнинг миллийлашуви масаласи бўлди. Миллий тарбиянинг тикланиши ва ривожланишини ўрганиш натижасида ҳосил қилинган хулосалар қуйидагилардан иборат:

1. Миллий истиқлол арафасида ва у қўлга киритилганидан кейин ўзбек халқи ўз миллий қадр-қимматини англай бошлади. Аждодлар ёди, миллийлик, жоияжон маданият ҳақида эълон қилинган кўплаб бадиий, публицистик, ижтимоий-тарихий, диний, маърифий адабиётлар, телевизион кўрсатувлар ва радио эшиттиришлари педагогик ўзликни ҳам тиклаш эҳтиёжини уйғотди.

2. Мустақиллик Декларациясининг (1990) эълони қилиниши, СССРнинг парчаланиб кетиши, Президент бошқаруви тизимига ўтиш, миллий мустақилликнинг қўлга киритилиши, Конституциянинг қабул қилиниши, Ўзбекистоннинг дунёга, дунёнинг Ўзбекистонга юз тутиши, миллий истиқлол мафкурасининг халқ онига енгиб бориши педагогик тафаккурда ҳам ўз аксини топа борди. Мактаб, ўқитувчилар, халқ ва давлатнинг миллий-тарбиявий қарашлардаги бирлиги тобора ойдинлаша борди.

3. Таълим ва тарбияда миллий қадриятларни тиклаш жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи турли илмий марказларнинг семинарлари, конференциялари, кенгашларининг диққат марказида турган мавзуларга айлана борди.

¹ «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». Президент И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқи. «Туркистон», 1997 йил 30 август.

4. Мустақия Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўлининг режалари; республиканинг бозор иқтисодиётига ўтишининг беш тамойили; Президент И. Каримов томонидан Ватан манфаатлари атрофидаги миллий бирликка Ўзбекистонни жаҳоннинг энг тараққий этган мамлакатлари қаторига кўтаради, деган ғояси; миллий тарбияни юксалтириш бош ислохотчининг тамойилига айлантирилиши кераклиги ҳақидаги миллий-маърифий ғоялари; Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури даалатимизнинг миллий тарбияга ижтимоий буюртмасини ифодалади.

5. Мустақиллик шарофати билан собиқ коммунистик мафкура ўрнига Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси амалга оширила бошланди. Бу эса республикада миллий тарбиянинг мафкуравий асосини яратди.

6. ЮНЕСКО ташаббуси бияан «Миллий мактаб: концепция ва ривожлантириш тегиологияси» мавзуси бўйича ўтказилган конференцияда «Ҳозирги ривожланишнинг тезкор оқимида ҳар бир миллат фақат ўз миллий тарбияси тизимига таянгандаги ўзини сақлаб қола олиши мумкин»лиги тарбияни миллий асосга қуришни умуминсоний педагогик зарурат даражасига кўтарди¹. Шу тариқа ўзбек давлатининг буюклиги, унинг қудрати ҳар бир фуқаронинг миллий гурури, ватанпарварлиги, иш ва сўз бирлиги, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий одоби, миллий мафкуравий онглилигини тарбиялашга боглиқ экани тобора ойдинлаша борди.

Изланишларимизнинг илмий педагогик талқини бизга ўқувчиларнинг миллий тарбияланганлик мезонларини ишлаб чиқиш имконини беради. Демак, қуйида биз замонавий ўзбек мактаби ўқувчисининг миллий тарбияланганлик мезонлари масаласига тўхталамиз.

Ўқувчиларнинг миллий тарбияланганлик мезонлари

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришининг биринчи босқичи(1997–2001)да таълим олувчиларнинг мадаий ва маънавий-ахлоқий савияси сифатига

¹ «Учительская газета», 6 апреля 1993 года.

қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий қилиш кўзда тутилди. Бу — бевосита янги фазилатлар, янги мезонлар, янги талаблар масаласи демакдир.

Табиат ва жамиятда ҳар бир предмет, ҳодиса муайян илмий таърифга эга. Худди шунингдек, миллий истиқлолий фазилатларнинг ҳам муайян таърифини англамай туриб, уларни шакллантиришга киришишнинг самараси бўлмайди. Шу боис миллий-тарбиявий фазилатларнинг лугавий, этимологик мазмунларидан келиб чиқувчи педагогик таърифни аниқлаиши лозим.

Тарбия назариясида янги тушунчаларининг пайдо бўлиши ижтимоий, маданий, сиёсий, мафкуравий ҳаётда рўй берган ўзгаришлар билан белгиланади.

Миллий мустақиллик педагогика — тарбия ҳақидаги фанда ҳам кескин ислохотлар заруратини пайдо қилди. Бу эса, ўз навбатида, совет тарбия назариясида ўрганилмаган «ўқувчининг миллий ғурури», «Ўзбекистон ўқувчисининг ватанпарварлиги», «ўқувчининг миллий одоби», «ўқувчи миллий виждони», «ўқувчининг миллатлараро мулоқот маданияти», «ўқувчининг миллий мафкуравий онглияи» каби фазилат мезонларини илмий асослашни талаб қилади. Зеро бу:

- замонавий педагогика фаининг моделлаштириш усулини самарали қўллаш;

- тарбия услубияти, технологияси бўйича педагогика қўлга киритган илмий ютуқлардан фойдаланиш;

- жаҳон тарбиявий тажрибалари намуналарига асослапиш;

- миллий тарбиявий фазилатларнинг Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли талабларидан келиб чиқиб белгилаш;


- мезонлар мазмунига миллийлик, аждодларга, замондошларга ҳурмат, маданий ворислик тамойилларини сақлаш, рағбатлантириш;

- системалилик, комплексияик, яхлитлик, функционаллик, шахсий хусусиятларга асосланувчи ёндашувлар уйғунлигига эришиш учун имкон яратади.

Ўқувчининг ўз фаолиятида, туйғу-ҳиссиёти ва бошқаларга қиладиган муносабатида имомён бўладиган сифатлари, ҳислатлари унинг ҳаётда кўзлагани мақсадлари, ниятига қараб ё ижобий, ё салбий мазмун касб этади. Шу сабабли миллий тарбияланганлик мезонларини белгияшда ўқувчилар ҳулқ-атвори, ниятини ижтимоий-маънавий йўналтирилганлигига эътибор берилди.

Миллий тарбияланганлик мезонлари ўқувчи шахсининг миллий хусусиятга бевосита алоқадор бўлган фазилатлари ва уни ўзaro алоқадорлиги (миллий-маданий детерминизм) тамойииядан келиб чиқиб асосланди. Буни қуйидагича шарҳлаш мумкин. Ўқувчининг «миллий ғурури», «миллий одоби», «миллий мафкуравий онглилиги», «миллатларaro мулоқот маданияти» тушунчалари миллий ўзакка эга. Яъни, қандайдир мавҳум «ғурур», «мафкура», «одоб», «мулоқот маданияти» эмас, балки муайян хусусиятга эгаллиги эътироф этилади. Ушбу фазиятлардаги миллийлик ўқувчининг миллий ўзлигини англаш жараёни билан бевосита боғланади. Натижада, ёш авлоднинг миллий туйғуси стихияли эмас, балки миллий истиқлол мақсадларига, яратувчилик мақсадларига йўналтирилади, хизмат қилдирилади. Бу — миллий ғурурни миллатчиликдан, маҳаллийчиликдан, ўз халқига бефарқликдан, манкуртликдан ҳимоя қилади.

Ўзбекистон ватанпарварлиги ўзбек ўғил-қизларидан алоҳида фидойиликни, масъулиятни, Ватан тақдирига онгли муносабатни талаб қилади. Миллий виждонийлик эса универсал хусусиятга эга бўлиб, юқоридаги (миллий туйғуга бевосита боғланувчи) фазилатларни шакллантиришни ишончли кафолатини, яъни, билим — сўз — ҳатти-ҳаракат (амал қилиш) бирлигини таъминлайди, назорат қилади.



МТ – миллий туйғу; ЎВ – Ўзбекистон ватанпарварлиги;
 ММО – миллий мафкуравий онглилик; В – виждонийлик; МММ
 – миллатлараро мулоқот маданияти;
 МФ – миллий гурур; МО – миллий одоб.

Муаммога бевосита алоқадор масалаларни мақсадли ўрганиш:

ватан тарихидан беҳабарлик, миллий урф-одатлардан узоқлашиш натижасида ёшларда миллий виждон ҳисси сусая бошлаганини;

миллий ўзлик сўна бошлаганини, миллат, Ўзбекистон, она тили тақдирига лоқайдлик, бефарқлик муносабатлари қарор топганини;

миллий виждонни уйғотмай туриб ёш аалодга ўзининг қандай қавм, элат, миллатга мансублигини англатиш мушкул бўлишини;

нафақат ўқувчилар, балки бўлажак ўқитувчиларни ҳам ушбу фаолиятга тайёрлаш долзарб аҳамиятга моликлигини;

демак, бўлажак ўқитувчи-тарбиячиларда ҳам миллий виждонни шакллантириш вазифасини кун тартибига қўйиш лозимлигини кўрсатди.

Ушбу хулоса кейинчалик халқ таълимини ислоҳ қилишга қаратилган муайян ҳужжатларда ўз ифодасини топди. Ана шу истиқлолий буюртмадан келиб чиқиб, ўқувчи миллий виждонининг педагогик моҳияти асосланди. Бунда виждон фалсафий тушунчасининг педагогик талқинида келиб чиқилди. Миллий виждон универсал виждон-

нинг хусусий кўриниши бўлганлиги боис, миллий туйғуга боғлиқ вазиятларда намоён бўлади. Ўқувчининг (ёшига мос равишда) миллат олдидаги маънавий масъулиятни ҳис этиши, миллат манфаати йўлида ижобий хатти-ҳаракатлар қилиб, миллат вориси сифатида ўз фаолиятига баҳо бериши; ўз миллати тарихи, ҳозирги ва буюк истиқболи тўғрисида қайғуриши; ўзининг миллат учун фойда келтираётганидаи мамунийят ҳис қилиши; Ўзбекистонга муҳаббати, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий одоби, миллий ғурури, миллий мафкуравий онги доимо ва ҳамма жойда, муайян вазиятларда намоён бўлишида виждон ҳаракатлантирувчи куч вазифасини ўтайди.

Миллий ғурур — ўқувчининг ёшига мос равишда ўз халқининг кадр-қимматини билиши, иззатлаши, унинг маданият, маънавият, иқтисодиётда қўлга киритган ютуқлари, бой меросини билиши ва ана шу юксак миллий-маданий ютуқларга мос бўлишга, уларни бойитишга интилишини ўз ичига олади. Бироқ миллий ғурур стихияли ривожланиб, ўз-ўзига танқидий қарашдаи ажраб қолса, ёш инсонда ўз миллатини бошқалардан устун қўйиш, миллий манманчилик каби салбий хусусиятларни пайдо қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам миллий ғурурни махсус, яъни яратувчи мақсадларга қаратиб, танқидийликни камтарлик билан уйғунлаштирган ҳолда шакллантириш лозим.

Ўзбекистон ватанпарварлиги — Ўзбекистонни ягона Ватан сифатида бияиш ва севиш: унинг манфаатларини ҳимоя қилишга тайёрлик, Ўзбекистон тарихини, маданий меросини ҳурмат қилиш, унга қизиқиш, истиқлолга садоқат, Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишониш, республика манфаатларини шахсий, ғуруҳий, маҳаллий, ҳудудий манфаатлардан устунлигини англаш ва намоён қилиш демакдир.

Миллатлараро мулоқот маданията — ўқувчининг миллий ва ва байналминал онгининг уйғунлик даражаси бўлиб, бошқа миллат болалари, уларнинг маданияти билан бевосита ёки билвосита мулоқотда аниқ намоён бўлади. Бу фазилат бошқа миллатларнинг анъаналари, тили, миллий туйғуларига, қадриятларига самимий ҳурмат, эъзозли муносабатда кўзга ташланади.

Миллий ватандонийлик — ўқувчи хатти-ҳаракатларининг ўзи томонидан ички назорат қилиниши, муайян вазиятда ўз бурч ва ҳуқуқларини ўзи белгилаб, ўзи бажаришга шахсий масъулият туйғуси, миллий ғурур, миллатлараро мулоқот маданияти, Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллий одоб, миллий-мафкуравий онглиликни талаб қилувчи вазиятларда билим, сўз ва иш бирлигини таъминловчи ички маънавий назоратчидир.

Миллий мафкуравий онглилик — ўқувчининг ёшига мос равишда унинг тафаккурида, хатти-ҳаракатларида, ҳаётий мақсадида, муносабатларида миллий истиқлол мафкура-си талабларига мослик, фаоллик даражасини кўрсатади.

Ўқувчиларнинг миллий тарбияланганлик мезонлари

1-босқич (1–4-синфлар)

Ватанни англаш

Юқори даража

Ҳар бир кишининг ватани битта бўлишини ва унинг ватани — Ўзбекистон эканлигини яхши билади; туғилиб ўсган ватан ҳақида ифодали мисоллар билан фикр юрита олади. Ўзбекистоннинг тарихий ва ҳозирги ҳаёти, мустақиллиги ҳақида ёшига мос тушунчаларга эга; ватанни ташқи душманлардан ҳимоя қилган қаҳрамонлар жасорати ҳақида фаол ҳикоя қилиб бера олади; уларга ўхшашга ҳаракат қилади; Ўзбекистоннинг давлат рамзлари, Президенти ҳақида ҳикоя қилиб бера олади.

Ўрта даража

Ватани Ўзбекистонлигини билади; ўлка тарихи, ҳозирги ҳаёти ҳақида тушунчалар бера олади. Ватаннинг тарихи, ҳимоячилари жасоратидан хабардор; Ўзбекистон давлат рамзларини билади.

Паст даража

Ватан ҳақидаги тушунчалари маъхум; Ўзбекистон тарихи, ҳозирги ҳаёти ҳақида тасаввурлари тўлиқ эмас; Ватан ҳимоячилари, уларнинг жасорати бўйича билимлари паст; Ўзбекистон рамзлари тўғрисидаги тасаввурлари хира.

Салбий даража

Ватани — Ўзбекистон ҳақида тушунчаларга эга эмас; Ватан тарихини, унинг ҳимоячиларини билмайди ва уларга бефарқ; Ўзбекистон давлат рамзларини таннмайди.

Миллий гурурлик

Юқори даража

Дуиёда миллатлар кўплиги, ўзининг ана шулардан бири — ўзбек миллатига мансублигини пухта, қоиқчи билан ижобий англайди; «Ўзбек халқи» тушунчасининг маданий моҳиятини яхши идрок этади; ўзини шу халқнинг ўғли, қизи сифатида бурчларини англайди; ўзбек тилида равон, тоза сўзлайди ва бунда бошқаларга ёрдам беради.

Ўрта даража

Ўзининг ўзбек миллатига мансублигини англайди; «Ўзбек халқи» тушунчасини очиб бера олади; ундан ўз халқи ималарини кутаётганлигини билади; ўзбек тилида равон, тўғри сўзлайди.

Паст даража

Ўзининг қайси миллатга мансублигини англамайди; халқ олдидаги бурч тушунчасига эга эмас; она тилига муносабати эътиборсиз.

Миллий одоблик

Юқори даража

Доимо, ҳамма жойда атрофдагиларга «ассалому алайкум» дейишни қанда қилмайди; халқ ичида «яхши хулқ», «ёмон хулқ» деб баҳоланган хатти-ҳаракатларни фаол фарқлайди ва ўз муносабатини билдиради; барчани «сиз»лайди, ўзидан катта ва кичикни доимо иззатлайди; сиифдаги, кўча, маҳалла, қишлоғидаги дўстларнинг ўқиш ва ишларида хабардор; муаллим-устозни самимий ҳурмат қилади; уят сўз, сўкишни ҳатто уришган пайтида ҳам тилга олмайди; болаларни юқоридаги сифатларни эгаллашга рағбатлантирадиган; ота-опа, оила аъзоларига меҳрини сўзда ҳам, муомалада ҳам, амалда ҳам, улар борликларида ҳам, йўқликларида ҳам доимо намоён қилиб туради; барча қариндошларининг исмларини, яқинлик даражаларини билади ва фахр билан айтиб юради; ака-опагини, ота-онасини севади; аждодлари ҳақида ҳикоя қилиб бера олади.

Ўрта даража

Ўзидан катталарга «ассалому алайкум» деб салом беради; «яхши хулқ»ни «ёмон хулқ»дан ажрата олади; ўзидан катта ўқувчиларни ҳам «сиз»лайди; синфдошлари,

дўстлари ҳаётидаи хабардор; муаллимларни мактабда, сннфда ҳурмат қилади; ўғил ва қиз болаларга бир хнл муносабат биллиради; сўқннмайди; ота-онасига сўзда, муомалада, амалда меҳрини намоён қилиб туради; қариндошларининг номлари, аждодларининг яқин тарихини билади; ака-опаларини ҳурмат қилади; бобо-бувиларини иззатлайди, хизматларини бажаради.

Паст даража

Онда-сонда катталарга салом бериб туради; «яхши хулқ» ва «ёмон хулқ»ларнинг фарқини билмайди; дўстлиги маифаат асосига қурилган, ўткинчи; атрофдағиларга дағал, бефарқлик билан муносабатда бўлади; қизишган пайтида уят сўзларни ишлатадн, сўкинади; ота-онасига меҳри паст; қариндошларининг кимликларига қизиқмайди, ака-опалари билан муносабати яхши эмас; бобо-бувиларини иззатини жойига қўймайди.

Салбий даража

Назорат қилинмаётган пайтида ҳеч кимга салом бермайди; ёмон хулқнинг ёмонлигини била туриб ёқлайди, содир қилади; самимий дўсти йўқ; муаллимларни масхара қилади; муомаласи кўпол, дилозор; уят сўз, сўқишларни кўп ишлатади; ота-онасига меҳрсиз; қариндошларини ҳурмат қилмайди; ака-опалари билан кўп уришадн; бобо-бувиларини писанд қилмайди.

Виждонийлик

Юқори даража

Доимо ва ҳамма жойда рост гапирди; яхши хулққа ижобий, ёмон хулққа салбий муносабатини жойида билдиради; кўнглидаги фикрни очик, тушунарли ифодалай олади; айтган сўзи билан амали доимо ва ҳамма жойда мос келади.

Ўрта даража

Рост гаириши керак бўлган вазиятларда индамайди ёки ёлғон аралаштириб сўзлайди; яхши ва ёмон хулқларни фарқламайди ва уларнинг намоён бўлишига бефарқ туради; айтган сўзи ва амали орасида тафовутлар учрайди.

Салбий даража

Ўз фойдасини кўзлаб, онгли равишда ёлғон гапирди; ёмон хулқ намуналарини қўллаб-қувватлайди ва ўзида намоён қилади; сўзи ва иши бир-бирига зид.

Миллий мафкуравий оиглилик

Юқори даража

Барчаи тенг кўради; кўча, гузар, маҳалла, қишлоқ, шаҳар, миллат, қариндошчиликка қараб ажратиш, имтиёз бериш, чеклашга қарши туради; ўзбек халқ алломалари ҳаёти, хизматини яхши билади, ўрнакли мисоллар келтиради; Ўзбекистон барча ўзбекистонликларнинг ягона ватани эканлигини тарғиб қилалди.

Ўрта даража

Барчани тенг кўришни маъқуллайди; ўзбек халқ алломалари ҳаёти, қилган хизматлари ҳақида тушунчаларга эга; ватани Ўзбекистон эканлигини англайди.

Паст даража

Маҳаллийчилик, қишлоқдошлик, қариндошчиллик, ўғил ва қиз болага қараб ажратишни маъқул кўради; ўзбек халқ алломалари ҳаёти, хизматлари ҳақида билимлари юзаки.

Салбий даража

«Бошқа маҳалладан», «бошқа қишлоқдан», «бошқа миллатдан», «қариндош-бегона» деб синф болаларини ажратади, бир-бирига қарши кўяди; ўзбек халқининг алломалари, уларнинг мероси билан қизиқмайди, хорижий нарсаларга кўр-кўрона ўч ва буни қизиқиб тарғиб қилади.

2-босқич (5—9-синфлар)

Ўзбекистон ватанпарварлиги

Юқори даража

Ватани Ўзбекистон ҳақида тасаввурлари кенг. Ёлғиз ватани Ўзбекистон эканлигини эътиқодга айлаштирган; юртнинг келажаги буюклигига сўзсиз ишонади; истиқлол тарихи, мамлакатимизда содир бўлаётган муҳим воқеаларни яхши билади; Ўзбекистон ва унинг буюк фарзандлари билан фахрланади; Ўзбекистон ватанпарварлиги моҳиятига эга бўлган тадбирларда кўнгилли равишда иштирок этади; ўлка табиатини эъзозлайди, бу ишга бошқаларни ҳам чорлайди; ўзини Ўзбекистон ҳимоясига тайёрлай боради; фидойи; Ўзбекистон тарихи, келажагига бефарқлик, уни севмаслик ҳолларини учратса, мурасизлигини намоён қилади.

Ўрта даража

Ўзбекистон тарихи, ҳозирги ҳаёти ҳақида тасаввурларга эга; Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишонади; республикамизда содир бўлган муҳим воқеалар, тарихий сиймолар хизматлари, миллат шонига шон қўшган кишилар ҳақида билимларга эга; ўлка табиатиини авайлайди; ҳарбий-ватанпарварлик малакаларига эга; фаол; Ўзбекистонга бефарқлик ҳолларини қоралайди; ўз келажагини унинг келажаги билан бирлигини тушунади.

Паст даража

Ўзбекистоннинг тарихи, ҳозирги ва келажаги ҳақида мустақил фикрга эга эмас; республика ҳаётига оид муҳим воқеаларини билмайди; табиатга бефарқ; ижтимоий фаоллиятда суст; ватанга бефарқлик ҳолларини англамайди.

Салбий даража

Ўзбекистоннинг ҳаёти, тақдири билан қизиқмайди, бу ҳақда ўйламайди; табиатни, атроф-муҳитни бемалол ифлослаштираверади; ўзини ватан ҳимоясига тайёрлашдан олиб қочади; Ўзбекистон ватаипарварлигининг намоён бўлиш ҳолларини қабул қилмайди ёки буига истехзоли муносабатда бўлади.

Миллий гурур

Юқори даража

Ўзининг етти пуштини, миллий фарзандлик бурчларини чуқур англайди; ўзбек халқига, унинг санъати, анъаналари, тили ва маданиятига ҳурматини доимо ва ҳамма ерда намоён қилали; миллат тарихи, алломалари ҳақида чуқур билим ва миннатдорлиқини намоёни этади; манкуртлик, миллий мажҳуллик, халқ тарихи ва тақдирига бефарқликни кўрганида миллатдошларини бундан қайтаришга ҳаракат қилади; «ўзбекчилик»нинг барча илғор қирраларини тараққийпарварлик билан уйғунлаштира олади.

Ўрта даража

Ўзининг ўзбек халқи олдида фарзандлик бурчи борлигини англайди; ўзбек халқини, тилини, маданиятини, санъатини ҳурмат қилади; халқи тарихи, алломалар меросини билади, ҳурмат қилади; манкуртлик, миллий мажҳуллик, миллат тарихи ва тақдирига бефарқликни қоралайди; ўзининг миллий масъулиятини англайди.

Паст даража

Ўз халқи олдидаги бурч ва масъулиятни ҳис қилмайди; халқ санъати, тарихи, маданияти, тили, алломалари меросига эътиборсиз; манқуртлик, миллий мажҳуллик ҳолларига, она халқи тарихи ва тақдирига бефарқ; «ўзбекчилик»нинг илғор жиҳатларидан беҳабар ва унга қизиқмайди.

Салбий даража

Халқ олдидаги ҳар қандай бурч, масъулиятни инкор қилади; ўзбек халқи тарихи, санъати, тили, алломалари меросига беписанд муносабатда бўлади; миллий мажҳулликин, она халқи тарихи ва тақдирига бефарқлик ҳолларини англамайди, бошқа миллат миллийлигини ўз миллий қадриятларидан кўр-кўрона устун қўяди; ўзга маданиятлар салбий намуналарига кўр-кўрона тақлид қилади ва буни турли йўллар билан намоён қилади.

Виждонийлик

Юқори даража

Доимо ва ҳамма жойда ростгўйликни намоён ва тарғиб қилади; айтган сўзи ва қилган иши бир-бирига мос; аъло ўқиш кераклигини билади ва аъло ўқийди; бурчи ва масъулиятини ҳамма жойда сифатли бажаради; виждони пок; синф, мактаб, жамоа ҳаётидаги тадбирларда кўнгилли тарзда фаол иштирок этади; ноҳақлик, адолатсизликка доимо муросасиз; ноинсофлик, виждонсизликни кўрганида сўзи ёки ёмон кўриши билан унга қаршилигини намоён қилади.

Ўрта даража

Ростгўй, сўзини амалда намоён қилишга ҳаракат қилади; аъло ўқиш кераклигини билади ва яхши ўқийди; бурч, масъулиятини яхши бажаради; виждонли, синф, мактаб, жамоа ҳаётида, тадбирларида иштирок этади; ноҳақлик ва адолатсизликни ёмон кўради; ноинсофлик, виждонсизликни ёқтирмаслигини намоён қилади.

Паст даража

Рост ва ёлғонни аралаш гапириб туради; сўзи ва амали орасида фарқ мавжуд; аъло ўқиш кераклигини билади, бироқ ўртача ўқийди (аъло ўқишга ҳаракат қилмайди) бурч, масъулиятни ҳис қилмайди; синф, мактаб,

жамоа ҳаётидаги тadbирларда фақат талаб қилингандагина иштирок этади; ноҳақлик ва адолатсизликнинг моҳиятини тушунмайди; ноинсофлик, виждонсизликини кўрганида бефарқ.

Салбий даража

Ёлғончи — ҳуда-беҳуда қасам ичаверади; сўзи ва амали бир-бирига зид; аъло ўқиш кераклигини билиб туриб ёмои ўқийди; бурч, масъулиятини тан олмайди; қатнашиши кераклигини била туриб синф, жамоа ҳаётидан қочиб юради; ноҳақлик ва адолатсизлик моҳиятини англаган ҳолда ўзида намоеи қилади; ноинсофлик, виждонсизликни рағбатлантиради, тарғибот қилади.

Миллатлараро мулоқот маданияти

Юқори даража

Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши шу юртдаги барча миллатларнинг дўстлиги ва тотувлигига боғлиқлигини эътиқодга айлантирган; жаҳоннинг ҳар бир миллати ўз миллатидек гўзал анъаналар, маданият соҳиби эканлигини, миллатлар ўзаро фарқли ва тенглигини яхши англайди, тарғибот қилади; миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган тadbирларда фаоллик, ташаббускорлик кўрсатади; Ўзбекистонга садоқатли барча халқларга ҳурмат туйғуси ила яшайди; миллатлараро мулоқот, муносабатларни ёмонлаштирувчи фикр билдирил-гулек бўлса, унга дадил, асосли қарши туради.

Ўрта даража

Барча миллатлар ҳуқуқларининг тенглигини яхши англайди; бошқа миллатлар вакиллари билан мулоқотга кириша олади; миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган тadbирларда қатнашади; Ўзбекистон халқларига ҳурмат ҳисси бор; миллатлараро муносабатларни ёмонлаштирувчи фикр билдирилганда, унга қўшилмайди.

Паст даража

Фақат ўз миллий анъаналарини қадрлайди, авайлаб-асрайди; бошқа халқлар миллий анъаналарига эътиборсиз; бошқа миллатлар вакиллари билан мулоқотдан ўзини тортади; миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган тadbирларда талаб қилинсагина қатнашади;

миллатлараро муносабатларни ёмонлаштирувчи фикр билдирилганида унинг зарарли эканлигини англамайди.

Салбий даража

Бошқа миллатлар маданияти, урф-одатларини камситади; бошқа миллат вакиллари билан атайлаб ёмон муносабатда бўлади; ўз халқини бошқа халқлардан устун қўяди; миллатлараро муносабатларни ёмонлаштирувчи фикрлар билдиради, хатти-ҳаракатлар қилади.

Миллий одоб

Юқори даража

Ота-онага самимий яқин, меҳрини гоҳ пинҳон, гоҳ ошкор доимо билдириб туради; ўзбекона ахлоқ меъёрларига инсонийликини сақлаб қолиш кафолати сифатида онгли, эътиқод билан амал қилади; аждолларга, ёши улугларга ҳурмат-эҳтиромни ҳамма жойда намоён қилади; меҳмондўстликини сўз ва амалда кўрсатади; ўзидан катталарни, ёшларини самимий ҳурмат қилади; жаҳли чиққанида ўзини олоб меъёрида идора қила олади; шодлик ва мотам маданиятининг соҳиби (тўй, мотам маросимларида ўз ўрнини, хизмати билди ва фаол амалга оширади); миллий одобга зид хатти-ҳаракатларни ҳамма жойда фаол қоралайди.

Ўрта даража

Ота-онасини ҳурматлайди; ўзбекона ахлоқ меъёрларининг риоя қилинишига хайрихоҳ; ёши улугларини ҳурмат қилади; меҳмондўст; жаҳли чиқса ўзини идора қила олади; маросимларда ўзини тута олади; миллий одобга зид хатти-ҳаракатларни ёқтирмайди.

Паст даража

Ота-онасининг ҳурмат-иззатини жойига қўя олмайди; ўзбекона ахлоқ меъёрларига бефарқ муносабатда бўлади: манфаатли бўлса, бирор киши кўриб, кузатиб турганлигини, баҳолашини сезса, ёши улугларни ҳурмат қилади; меҳмондўстлик маданиятини тушунмайди; тенгқурларини «сеи»лайди; қизишса, ўзини идора қила олмайди; маросимларда ўзини тута билмайди; миллий одобга зид хатти-ҳаракатларни бефарқ, бемалол кузатади.

Салбий даража

Ота-онасини ҳўрлайди, қақшатади; дилозорлик қилади; ўзбекона ахлоқ меъёрларига эскилик сарқитлари, «ма-

даниятсизлик» дея муносабатда бўлади; ёшу қариларни ҳурмат қилмайди; сўкинади, барчани ееисирашга мойил; жоҳил; маросимларда бузғунчилик қилади; миллий одоб меъёрларни сурункали бузиб юради.

Миллий-мафкуравий ояглилик

Юқори даража

Жонажон Ватани — Ўзбекистоннинг жаҳон ва Марказий Осиёда тутган мавқеини асосли англайди; Ўзбекистон Президенти, ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатидан ёшига мос даражада хабардор; миллий Давлат манфаатларининг гуруҳий, фирқавий, маҳаллий, қон-қарииндошчилик манфаатларидан устунлигини теран англайди, далиллар билан асослайди; Ўзбекистон халқининг мафкуравий бирлигига зид ташқи (бошқа давлатлардан) ва ички (миллатчилик, маҳаллийчилик, гуруҳбозчилик ва бошқа) бўлинишларга қарши тура олади.

Ўрта даража

Ўзбекистоннинг мустақиллиги, тараққиёт йўли, ички ва ташқи сиёсатидан хабардор; миллий давлат манфаатларининг гуруҳий, фирқавий, диний, маҳаллий, қон-қарииндошчилик манфаатларидан устунлигини тушунади; Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкурасига зид ташқи ёки ички ҳаракатларнинг зарарини англайди.

Паст даража

Ўзбекистонда содир бўлган ва бўлаётган ислохотлар ҳақида тушунчаларни саёз, юзаки; миллий давлат манфаатларининг устун туриши шартлигини англамайди; Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси моҳиятини тушунмайди.

Салбий даража

Ўзбекистоннинг жаҳон ва Марказий Осиёдаги ўрни, мавқеи билан қизиқмайди; шахсий, гуруҳий, диний, маҳаллийчилик манфаатларини миллий давлат манфаатларидан устун қўяди; Ўзбекистон миллий истиқлол мафкурасига зид хатти-ҳаракатларни ёқлайди.

Ўқувчиларнинг миллий тарбияланганлик даражасини қайд қилиш учун юқори (4), ўрта (3), паст (2) ва салбий даража (1) баллик ўлчовдан фойдаланилди. У ёки бу кўрсаткич бўйича ўқувчида барча юқори кўрсаткичлар мавжуд бўлса, унга юқори балл қўйиш назарда тутилди. Са-

наб ўтилган кўрсаткичларнинг фазилатларга, тадқиқот услубларнинг фазилатларга мутаносиблигини таъминлашга алоҳида эътибор берилди. Кузатиш, суҳбат ўтказиш, анкета тўлдириш, иншо олиш, тарбиявий вазиятлар ҳосил қилиш каби усулларнинг бир-бирларини тўлдирishга эришилди.

Хулосалар:

ҳар қандай тарбиявий иш, фаолиятнинг самарадорлигини, илмийлиги, миллий истиқлолий қиммати унинг аниқ мезонларга асосланишига боғлиқ. Бунинг учун дастлаб мустақил Ўзбекистон истиқлолнинг педагогика фанига бераётган миллий-тарбиявий буюртмаси асослаб олинмоғи керак. Шу билан биргаликда, Ўзбекистон педагогикасида илмий ўрганилмаган, мустақилликни мустаҳкамлаш учун ёшларимизда шакллантириш зарур бўлган ва шахснинг миллийлигига бевосита алоқадор фазилатларни белгилаш, илмий асослаш зарурати пайдо бўлди.

Миллий тарбиявий фазилатлар сифатида «Ўзбекистон ватанпарварлиги», «миллий гурурилиқ», «миллий одоблиқ», «миллатлараро мулоқот маданияти», «виждонийлик», «миллий-мафкуравий оигилиқ» асосланди. Мазкур фазилатларнинг педагогик моҳиятини белгилашда барча ижтимоий фанларда, халқ орасида ҳозир ҳам мавжуд бўлган эмпирик ахлоқий мезонларга ва шахсий сифатларни шакллантиришнинг психологик манбаларига таянилди.

Миллий тарбияланганлик мезонларини белгилашда ўзбек халқ педагогикаси ва илмий педагогик ёндашувлар уйғунлигига таянилди. Бунда шахснинг моҳиятини очиб берувчи қадимий учлик мезон — яхши сўз, яхши ният ва яхши иш ҳамда унинг педагогик-психологик талқини — шахс шаклланишнинг интеллектуал — рационал, эмпирик — иродавий ва амалий фаолиятга донр қирралари ҳақидаги қарашлар уйғунлигидан келиб чиқилди.

Миллий-тарбиявий фазилатнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш учун ҳар бир фазилатга хос асосий белгилар йиғиндиси асос қилиб олинди.

Мазкур илмий ва эмпирик кўрсаткичлар, даражаяар, мезонлар уйғулигини ўзаро бир-бирини тўлдириб, тадқиқот ва тарбия услубиятининг бир-бирига мутаносиблигини белгилашга асос бўлади.

МИЛЛИЙ ТАРБИЯ ТИЗИМИНИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИГА ЖОРИЙ ҚИЛИШИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Миллий тарбиянинг мазмун ва услублари тавсифи

Миллий тарбия мазмунининг энг яхши ўзбек оилаларида амал қилган ва амая қилиб келаётган тарбия мазмуни, шунингдек, мустақиллик шароитида давлат ва жамият мактаб тарбиясига қўйган талаблардан мужассамланган фазилатлар ҳосил қилади. Муайян фазилатларнинг изчил, турли вазиятларда, турли воситалар ёрдамида сингдириниб, тузатилиб, такомиллаштирилиб борилиш, нировард натижада, давлат ва жамият, оила, маҳалла, мактаб учун намунавий ўқувчи, ўғил-қиз ахлоқини ҳосил қилади. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда миллий давлатчилигимиз, халқимиз тарихи, ҳозирги, истиқлоли ва истиқбояи талабларини умумлаштирган ҳолда ҳозир ўқувчиларимизда шакллантирилиш долзарб аҳамият касб этаётган фазилатлар тасинфини туздик. Барча инсоний фазилатлар каби мазкур фазилатлар ҳам рационал, эмоционал ва фаолиятга асосланган таркибий қисмлар уйғунлигига таянади. Шу туфайли оила, мактаб, маҳалла мактабдан ташқари муассасаларнинг изчил, амалий ҳамкорлиги бу фазилатларни шакллантиришнинг барқарор сурат ва сифатида таъминлайди.

Миллий-истиқлолий тарбия мазмунини қуйидаги билим, кўникма ва малакалар уйғунлигини педагогик таъминлаш ташкил қилади: каттаю кичик билан аввал саломлашиб, кейин сўз бошлаш; ота-онага меҳрлилик; нафақат ёши улуғларни, балки ўзидан кичикларини ҳам самимий иззат қилиш; тўй-маърака, жанозада ўз ўрнини билан хизмат қилиш; бошқа миллат болаларини ҳам худди ўзидек миллатпарвар билан, ҳурмат билан эъзозлаш, уларнинг миллий маданиятига самимий қизиқиш; ноҳақлик ва ахлоқсизликни кўрса, хоҳ катта, хоҳ кичикни нотўғри ишлардан қайтариб, инсофга чақира олиш; жамоат транспортида ўзидан катта ва кичikka иззат кўрсатиш; ўз мансуб жамоа муаммоларига тегишли йиғилиш, мажлис, хайрияларда фаоллик; қаноатлилик; халқлар, миллатлар орасидаги фтн-фасод, жаҳолатга қаршн туриш;

умуммиллий жиқснлнкни ҳамшаҳарлнк, маҳаллийчнлик-
 дан устун қўя олнш; ўзининг табнатга, жамиятга, ўзига
 бўлган муносабатларнни «яхши ният», «яхши сўз», «яхши
 иш» асосига қура олиш; тавозелик, очиқ чехралик; инсон
 умри, вақтини қадрлаш; гуноҳ ёхуд хато қилса кечирпм
 сўрай олиш; ўзининг етти пушти тарихни муфассал ай-
 тиб бера олнш; барча қарпндошларнннг яқинлик дара-
 жалари ва номларннн билиш ва уларга меҳрини намоёиш
 қилиш; синфдоши, ўртоғи оиласида нохуш воқеа содир
 бўлганида, бемор бўлганида бориб ҳол-аҳвол сўраш; та-
 нншларн, дўстлари, нотаннш болалар аразлашганда улар-
 ни яраштирншга ҳаракат қнлиш; бировнинг шодлнгидан
 шодланиш, қайғусига ҳамдард, шериклигини билдира
 олиш; (ўғил болалар учун) қиз болаларни ҳар томонлама
 нозик деб эъзозлаш, уларга ўз ҳурматиини амалда иамоён
 қилиш; (қиз болалар учун) ўғил болаларни ғурурли, мард,
 шижоатли деб билиш, уларга ўз ҳурматнни билдириш; ака
 ва опани ота-она кабн нззат қилиш; бир марта кўришган
 кишининг нсминн сўраб қўйиш ва эсда сақлаш; вафот
 этган ёкн ўзи шу ерда йўқ киши ҳақидаги гийбат ва тух-
 матдан хазар қилиш; ўзига ишонган кишининг снрини
 сақлай олиш; «ёмоп» деб ном чнқарган болалардан ўзини
 нарн тута олиш; яхши кишиларга ҳавас ва тақлил қилиш;
 бировнинг айбига кулмаслик, юзига солмаслик; кек сақ-
 ламаслик; бадавлат кнйинган бола қаршисида ўзини хор
 тутмаслик, камбагал кийинган бола олдида кеккаймас-
 лнк; ўғил бўлиб қнзларннинг, қиз бўлиб ўғиллариннг кийи-
 миин киймаслик; миллий ахлоқ ва шароитга хилоф хат-
 ти-ҳаракатлардан тийилиш; ўзига топширилган ишни олий
 даражада бажаришнн илоҳий эътнқод даражасида тушу-
 ниш; синаб дўст бўлиш; миллат, ватап маиғаатларнга энд
 ҳаракат қилган дўстилан кеча олиш; ота-онасн лозим кўриб
 берган овқат, кнйпм-бошга қаноат қилиш; ноини эъзоз-
 лаш; она тилида соф фикрлаш, сўзлаш; уят, ҳаром сўзлар-
 ии ҳеч қачон, ҳеч қаерда, ҳатто уришган пайтида ҳам тилга
 келтирмаслик; катталарнинг ижобий ахлоқ намуналари-
 нн диққат билан кузатиш ва аста-секин ўз хатти-ҳаракат-
 ларига сингдириш; ҳар бир жиддий ншпи ота-она билан
 маслаҳатлашган ҳолда бошлаш, ўз халқи тарихи, аллома-
 лар хизматлари ҳақида миннатдорлнк билан ҳнкоя қилиб

бера олиш; миллий-маданий ёдгорликлар тарихинн яхши билиш ва уларни асрашга хизмат қилиш; савдо-сотиқ, бозор муносабатларида инсофли, чаққон, журъатли бўлиш; миллий истиқлол мафкураеи ғояларини ўзлаштириш, ижтимоий-сиёсий воқеаларга тарихий нуқтаи назардан туриб мустақил муносабат билдира олиш; китобхонлик; сабрли, андешалилик; ўз келажагига тааллуқли масалалар бўйича мустақил, ёшига мос фикр юрнта олиш ва ҳ.к.

Миллий тарбия мазмунинн тўлатмоқ учун миллий тарбия услубларини тикламоқ ксрак. Зеро, ўзбек тарбиячиллик маданияти ўзининг бой услубий манбаларига эга. Мустақил юртимиз умумтаълим мактабларида тарбиядаги нелоҳот халқимиз орасида болага тарбиявий таъсир ўтказиш усулларини ўрганиб, педагогик асослаб миллий тарбия услубиятинн бойитишни тақозо этади.

Маълумки, сўзлар, иборалар кўпинча бир неча хил маъиони англатади. У ёки бу сўзнинг илмий педагогик атамага айланиши эса, бир сўзнинг муайян бир маъиони англатишини талаб қилади. Масалан, «кечирмоқ» сўзи тўрт хил, «ўйпамоқ» сўзи ўн хил маънога эга. Бу сўзларнинг атамаларга айланишп учун уларнинг «фан, техника, касб-хунарнинг бирор соҳасига хос муайян бир тушунча («Термин». Ўзбек тилининг изоҳли луғати, Т.: 1981, 2-том, 165-бет)га айланиши талаб қилинади. Бунга «Ботаника атамалари», «Заргарлик атамалари», «Ҳуқуқшунослик» атамалари ва бошқалар мисол бўла олади. Хуллас, сўз-атама-услуб ҳаракатн орқали юқорндаги сўзлар аниқ ва барқарор педагогик тушунчаларга айланади. Масалан, «кечирмоқ» — тарбияланувчнга тарбиявий таъсир ўтказиш мақсадида у йўл қўйган хато, гуноҳни афв этмоқ усули; «ўйнамоқ» атамаси — болада ижобий сифатларни ривожлантириш, салбий сифатларни камайтириш мақсадига йўналтирилган, маълум қоида ва усулларга асосланган ўйинлар ўйнаш усули ва ҳ.к.

Кўриниб турибдики, мазкур сўзлар «тарбия усули» тушунчасининг барча талабларига жавоб беради. Зеро, миллий тарбия услублари — бу ўзбек халқининг ўз фарзандларида ижобий фазилатларини ривожлантириш, салбий хулқ-атворларни бартараф қилиш мақсадида қўлла-

гап ва қўллаётган йўл-йўрнқлар, ҳаракат тартиблари, тарзлари тизимидир.

Қуйида шарҳланаётган услублар халқимизнинг ўғил-қизларга маданий, меҳрли-талабчан муносабатини, бола шахсига ҳурматини сақлаб қолиб, мактаб тарбиясида қўллаш имконини беради. Болага тарбиявий таъсир ўтказишининг салбий усуллари ҳам мавжуд. Амалиётда барта-раф қилиш учун улар ҳам таҳлил қилиниб, ўрганилмоғи керак. Бу эса айрим ўқитувчилар, ота-оналарда учраб турадиган педагогик хатоларни тузатишга ёрдам беради.

Айбламоқ — болани қилган гуноҳи, хатоси учун адолатли равишда айбли деб топмоқ, айб қўймоқ ва боланинг буни аниқлашга эришмоқ. **Аразламоқ** — қилган салбий қилиғи учун болани айбситаиб, ундан ўпка қилиб юрмоқ ёки тарбиявий мақсадда вақтинча ундаи юз ўтирмоқ. **Баҳоламоқ** — бола ҳуқуқига унинг аҳамияти, қадр, қиймати ҳақида ижобий ёки салбий фикр билдирмоқ. **Баҳслашмоқ** — ўқувчи билан(мактабда), ўғил-қиз(фарзанд) билан мактабда, уйда илмий, адабий, ахлоқий, миллий-мафкуравий мазмунда мунозара қилмоқ. **Бегона қилмоқ** — боланинг ёлгон гапиргани аниқлангач, қўполлиги муҳокама қилингач ва ҳ.к. ундаги виждонни жунбишга келтириш, айбига нушаймон қилиши учун ўқитувчи ёки ота-она ёки она уни ўзидан вақтинча узоқ тутиб юриши. **Бирактирмоқ** — одоб-ахлоқда, бирор ҳунарда кўпчиликка намуна бўлган устоз тарбиясига бермоқ. Ўтмишда кўпни кўрган ота-оналар фарзандларини одамлар, бегопалар билан муомала қилишини, ҳаётини ўргансин, деб ўғилларини чойхоначига хизматкорликка берган эканлар. **Битим** — боланинг ҳаётига, ўқишига, келажагига оид жиддий масалани унинг ўзи билан муҳокама қилиб, ўзаро ижобий келишув, тўхтам, қарорга келмоқ. **Буюрмоқ** — вазиятнинг тақозоси билан тарбиявий мақсаддан келиб чиққан ҳолда боланинг ўзи, жамоаси, миллати, Ватани манфаатларини кўзлаб буйруқ бермоқ. **Ваъда олмақ** — боланинг сўзига содиқлигини, сўз ва иши бирлигини синаш мақсадида ундан бирор ишнинг, мажбуриятнинг бажарилиши ҳақида сўз олмақ. **Гиргиттои бўлмақ** — меҳрибонлик билан, «айланай», «ўргилай» сўзларини ишлатиб, исмига «жон», «хон» қўшиб болани эркалаш. **Ёрилмоқ** — боланинг сиздан ноўрн хафалигини билгач, танҳо қолдириб, асл мақсадингиз — унинг муваффа-

қияти эканлигини айтишингиз. Хайрихоҳлик, самимийлик бу усулда муваффақият келтиради. **Иноқлашмоқ** — бола билан яқин, дўстоиона муносабат боғламоқ, аҳиллашиб кетмоқ. **Кафил бўлмоқ** — бола билмай, адашиб хатога йўл қўйган чоғда унинг яхшилиги ҳақида бошқалар (ўқитуви, ўқувчилар)ни ишонтриб, бола учун масъулиятни ўз устига олмақ. **Кенгашмоқ** — синф жамоаси олдида турган муаммони биргаликда муҳокама қилмоқ. **Койнмоқ** — жазо беришнинг енгил тури. Болага танбеҳловчи сўз айтмоқ, танбеҳ бермоқ, уришиб қўймоқ. **Кузатмоқ** — синф аҳлининг, ҳар бир боланинг хулқ-атворини зимдан қараб, текшириб турмоқ, қўздан кечирмоқ, қайд қилмоқ. **Кўрсатмоқ** — болага, болаларга ўрнак ёки ибрат олишлари ёки уларда янги тушунча, билим ҳосил қилиш мақсадида бирор нарсага диққат-этиборларини жалб қилиш. **Мақтамоқ** — болани унинг ўзига ёки бошқалар олдида яхши томоиларини кўрсатиб гапирмоқ, яхши қилиб кўрсатмоқ. **Насиҳат** — сокин, хайрихоҳ вазиятда болани яхши йўлга еолиш, таълим бернш мақсадида айтилган гап, маслаҳат, панд, ўғит. **Овутмоқ** — бола ёки унинг оиласи, яқинлари бошига бирор кулфат тушганда, унга тасалли бериб юпатмоқ, овунтирмоқ, йиғлашдан тўхтатмоқ. **Одатлантирмоқ** — одоб меъёрларини машқ қилдириш. Масалан, саломлашиш, мурожаат қилиш, меҳрибонлик кўрсатиш ва ҳоказоларга одат пайдо қилиш, ўргатиш. **Оқламоқ** — шундай вазиятлар бўладики, бола йил бўйи ажойиб хулқ-атвор, ўқиш намуналарини кўрсатиб келади-ю, билиб-билмай бир хатога йўл қўяди. Масалан, биров билан уришиб қолади; ҳашарга келмай қолади ва ҳ.к. Шундай ҳолда ўқитувчи — синф тарбиячиси уни (олдинги намунали хулқи ҳурмати) оқламоғи керак. **Сўрамоқ** — боланинг илмий ва ахлоқий билимлари ҳақида маълумот олмақ, текширмоқ, норасмий имтиҳон қилмоқ. **Талаб** — тарбиялаш мақсадида боладан бирор нарсани қатъият билан сўраб турнш. **Тасалли бермоқ** — муваффақиятсизликка учраган болани юпатиш, кўнгил кўтариш учун гапирмоқ, ҳаракат қилмоқ. **Таъбирламоқ** — болада, синф аҳлида, жамоат аҳлида учраб турувчи хатти-ҳаракатларни сифатламоқ. **Таъкидламоқ** — болалар билан ўтказилган ҳар бир вазиятда, уларга малол келмайдиган ахлоқий мазмунини ўқтириб, тайинламоқ. **Тақдирламоқ** — ўқувчинин, фарзандни қадрлаш, муносиб баҳолаш, болага унинг қадри бор

эканлигини еездиршиш. **Тақиқламоқ** — тарбиявий мақсадда болага, ўқувчига бирон нарсани ман этиш. **Таҳениламоқ** — ўқувчини, фарзандни «балли», «офарин» каби еўзлар билан қарши олиш, мақтаб юксак баҳолаш. **Тенглаштирмоқ** — бола, ўқувчи бирор таҳсинга еазовор иш қилганда унинг хатти-ҳаракатини энг ҳурматли, азиз кншилар хулқига қиёслаш, ёмон нш қилганида эса ўз қишлоғи, маҳалласи, ҳудудидаги «ёмон» деб ном қозонган шахс хулқига ўхшатмоқ, таққосламоқ. **Тергамоқ** — вақти-вақти билан болага етарли даражада қаттиққўлликни намоён қилиб, текшириб, ножўя хатти-ҳаракатлари учун койиб, «йўли»дан қайтариб туриш. **Уялтирмоқ** — номаъқул қилиғи учун болага ўта ноқулайлик туғдириш, хижолат, номус қилдирмоқ. **Шавқлантирмоқ** — боланинг хулқи, ўқишдаги муваффақиятлари, келажагига ғоят мамнунлик ҳисси билан қизиқмоқ, руҳий кўтаринкилик билан завқланмоқ ва завқлантирмоқ, каноатлантирмоқ. **Эркалатмоқ** — ўғил болани «қўзичоғим», «шерим», қиз болаини эса «оппоғим», «онажоним» дся силаб-сийпаламоқ, еуймоқ. **Ялинимоқ** — агарда бошқа хил усул кор қилмаслигига кўз етса, бола қалбида меҳрни янгилаш, уйғотиш мақсадида уни бирор иарсага кўндириш учун илтимос қилмоқ, ўтипиб сўрамоқ. **Яраштириш** — оилала, синфда баъзан учрайдиган ўзаро уриш-жанжални тўхтатиш, уришмасликка аҳд қилдирмоқ, муносабатни яхшиламоқ, тотувлаштирмоқ. **Ўйнамоқ** — бола билан унда ижобий сифатларни ривожлантириш, салбий сифатларни йўқотнш мақсадида йўналтирилган маълум қоида ва усуллар билан ижро этиладиган ўйинларни бирга ўйнаш. **Ўргатмоқ** — болага бирор иш-ҳаракат (масалан, чой дамлашни, турли жой, вазиятларда ўзини тутишини, гапиришни ва ҳ.к.) бажариш усулини, йўл-йўриғини тушунтирмоқ, билдирмоқ ва шу ишни мустақил бажара оладиган қилмоқ. **Ўқитмоқ** — ёзилган нарсани ёки матнни ундаги белгилар, ҳарфлар воситасида айнан айтиб, эшиттирмоқ. **Қайтармоқ** — бола, ўқувчи жаҳли чиқиб, қизишиб бирор кор-ҳол, ёмонлик қилишга қарор қилса ёки вожоҳатн шуни кўрсатса, уни бундай номақбул, ножўя ишдан, хатти-ҳаракатдан ўзини тутишга ундамоқ, тиймоқ. **Қизиқчиллик қилмоқ** — ўқувчи, бола билан муносабатда расмиятчилликни, психологик тангликни бартараф қилиш мақсадида мавзунини бурниб юборниш, эрмак, ҳазил қилиш,

болани кулдириш. **Совға бериш** — болага байрам, ҳайитлар муносабати билан имкон даражасила туҳфалар қилиб, унинг меҳрини янгилаб, ошириб туриш. **Ҳомийлик қилиш** — болага, бирор соҳага қизиқиб, берилиб шуғулланса, бу ишда унга ёрдам, мадад бериш, муҳофаза этиш.

Шу билан биргаликда ўқувчи, болага тарбиявий таъсир ўтказишнинг салбий усуллари мавжудлиги ва уларга барҳам бериш учун улардан намуналар келтирамыз:

Алдамоқ — ёлғон-яшнқ гаплар билан, ваъдалар билан аврамоқ, лақиллатмоқ. **Бачканалашмоқ** — ўқитувчи, ота-онанинг катталарга, улуғларга номуносиб қилнқлар, хатти-ҳаракатлар қилиши. **Вайсамоқ** — болаларни, ўқувчиларни томбиларга бўлиб, бир-бирига қарши оёқлантириб, тезлаб, улар орасидаги зиддиятни кучайтирмоқ, низопи авж олдирмоқ, олқишламоқ. **Гяна қилмоқ** — ўқувчига, болага нисбатан дилда хафалик, кек сақламоқ. **Ёмонламоқ** — боланинг олдида ёки орқасидан уни ёмонлаб, ёмонга чиқариб, қоралаб гапирмоқ. **Зарда қилмоқ** — болага, ўқувчига ҳадеб зарда, жаҳл қилавериш. **Зорлаимоқ** — болалар қошида бирор нарсдан, вазиятдан полнмоқ, шикоят қилмоқ, ҳасад қилмоқ, иочорликни намоён қилмоқ. **Мажбур қилмоқ** — ҳеч бир аеоссиз ўқувчининг, синфнинг муносабати билан ҳисоблашмай, амр, зўрлик билан ёки бирор парса тақозоси билан бир ишни қилишни булориш, кўр-кўрона талаб. **Иизо** — ўқитувчи ва ўқувчи, бола ва ота-она ораснда ўзаро келишмовчилик ёки қарама-қаршилиқ, душманлик, адоватли муносабат, ихтилоф, нифоқ ҳосил қилиш. **Сўкмоқ** — болани ёмон, уят еўзлар билан уришмоқ, ҳақорат қилмоқ. (одатда бу усул сўкилувчпнинг сўкувчига бемехрлигига олиб боради). **Хўмраймоқ** — фарзандга, ўқувчига қовоғини солиб тикилмоқ, ёмон кўз билан қарамоқ. **Қарғамоқ** — фарзандга, болага ёмоилик, бахтсизлик ёки ўлим тилаб койимоқ, ёмон ният тиламоқ.

Амалга оширилган назарий, услубий, амалий изланишларни таълим жараёнига, синфдаи ва мактабдан ташқари ишлар тизимиинг барча таркибий қисмларига комплекс жорий қилинишн миллий тарбияннинг технологик тизимини белгилашга асос бўлди. Чунки ижтимоийлашув, болага жамият, миллий маданият томонндан кўрсатн-

ладиган тарбиявий таъсирлар унинг онги ва хулқиға ет-
темали таъсир кўрсата олмайди. Мактаб эса ўзига хос тех-
нологик имкониятлари мавжудлиги туфайли миллий тар-
бияни мақсадли амалга ошира олади. Бу эса мактабнинг
ўқувчиларда миллий тарбия мезонларини ҳосил қилувчи
билим, тушунчаларни хулқ-атвор меъёрларига айланти-
ришни реал имкониятларига эга эканлигини кўрсатади.
Ана шу нуқтаи назардан: 1) мактаб — Ўзбекистонда етук
миллий, замонавий ёш авлодни тарбиялаб етиштира олувчи
асосий давлат муассасасидир; 2) мактаб тарбиявий жараёни
илмий асосга қурилсагина самарали, махсус воситаларга эга
бўлади; 3) ўқиш — мактаб ёшидаги болаларнинг асосий ва-
зифаси, етакчи фаолиятидир. Бола мактабга келишининг би-
ринчи кунидек у ахлоқий қадриятлар, меъёрларнинг ўзи учун
янги дунёсига кириб боради, яхши ўқиш, яхши хулқилик —
ўзининг оиласи, мактаб олдидagi бурчи эканини англай бош-
лайди; 4) турли касб эгалари бўлмиш ота-она, қариндош,
маҳалладошлардан фарқли ўлароқ, энди унинг тарбияси
билан махсус педагогик тайёргарлик кўрган мутахассис-
лар — ўқитувчилар шуғулланадилар; 5) ўқувчи ўтказадиган
ҳар бир кунининг катта бир қисми мактаб, ўқиш маса-
лалари билан банд бўла боради ва ҳ.к.

Юқоридаги хусусиятлар туфайли ўқувчиларда муайян
инсоний сифатларининг ривожланишини қайд қилиш,
кузатиш, тарбиялаш имкониятлари пайдо бўла боради.
Масалан, ўқиш — боладан интизомлиликини, масъулият-
ин, вақтни билиб, тежаб нишлатишни, иродавий сифат-
ларни намоён қилишни талаб қилади. «Мактабгача тар-
бия ёшидаги боланинг беғам ҳаёти, — деб ёзади бу ҳақда
Л. И. Бажович, — масъулиятга тўла ҳаёт билан адмаша-
ди: у мактабга қатнаши, дастур билан белгилаб қўйил-
ган фанлар бўйича ўқиши, дарсда ўқитувчи талабларини
бажариши, мактаб режимига, хулқ-атвор меъёрларига
бўйсунниши, дастурларда белгилаingan қоида, билим ва
қўникмаларни яхши ўзлаштириб олишга масъулдир»¹. Буни
чизмада қуйидагича тасвирлаш мумкин.

¹ Б. Баженов. Культура общения и этика: А-реф. дисс. д-ра ист.
наук. — М.: 1984, с. 207—208.

Миллий тарбия (МТ)нинг технологик тизми

Ижтимоий буюртма

Миллий давлатчилик ва жамият қурилишининг тарбиявий (педагогик) омили сифатида миллий тарбияни юксалтириш. Миллий дастурнинг «таълим ва тарбиянинг миллий йўналтирилганлиги» тамойили

Илмий-педагогик талқин

Матннинг назарий, услубий асослари, миллий тарбиявий фазилатлар

Мақтаб

Ўқув-тарбиявий тизми

МТ мақсади

МТ мазмуни, услуб, шакл, мезон, кўрсаткич, даражалари

МТ субъектлари: ўқитувчилар, синф раҳбарлари, ота-оналар, маҳалла

Таълим мазмуни, усуллари, тамойиллари, воситалари, шакллари

Тарбия мазмуни, усуллари, тамойиллари, воситалари, шакллари

Омиллар: оила, маҳалла, мактабдан ташқари тарбия муассасалари

МТ объектлари: ўқувчилар

Ташхис

Муқояса

МТ нинг такомиллашган мақсади

Дарс вақтнинг ҳамма учун бир хил давом этиши, синфдошларни билаи мурсою мадора қилиш зарурати ўқувчилардан ўқишга масъулиятлилик, бурч, виждонийлик, бошқалар билан тил топа билиш, миллий ва миллатлар-

аро мулоқот маданиятини талаб қила боради. У жамоат жойи бўлмиш мактабда ўзидан катта, кичик, танишу нотаниш, ўқувчилар, ўқитувчилар билан мавжуд миллий одоб муҳотида мулоқотга кириша боради, муносабатларнинг объекти ва субъектига айланади. Дарслар мазмунн орқали Ватан, мустақиллик, истнқлол, миллат ҳақидаги назарий билимларни ўзлаштиради. Синф жамоасининг миллий онги (миллий ўзлнгини англаши) ўқувчининг миллий дунёқараши, миллий идентификация жараёнига, миллий тарбиявий фазилатларнинг шаклланишига таъсир кўрсатади. Миллий ўзликини англаш бола миллий ахлоқининг норасмий бошқарувчиси (регулятори) сифатида ҳар бир боланннг хатти-ҳаракатига, хулқига таъсир кўрсата боради. Синф жамоасининг миллий онги боланннг шахсий фазилатлар ҳақида олган тушунчаларини унннг шахсий миллий онгига ва хатти-ҳаракатларига ўтказди. Масалан, миллий гурур, виждонийлик аста-секин ташқи талаб (синф жамоасининг миллий онги, виждонийлигн даражаси) таъсирнда сайқаллаша бориб, ўқувчининг ички эҳтиёжи, одатига айлана боради. Ўқувчининг адабиёт, одобнома, тарих ва бошқа фанлардан олган ахлоқий билимлари унннг кундалик хулқ-атвори, дунёқарашини бойитиб, миллийлаштира боради. Чунки, инсон илк ёшлариданок «Шахсий фазилатлар ҳақида илк тасаввурларга эга бўлиб, ўз хатти-ҳаракатларини «яхши» — «ёмон» дея ажратишга қодир бўла боради»¹. Демак, миллий гурур, ватаннарварлик, виждонийлик ва бошқа фазилатлар асослари ҳам мазкур тушунчаларни ўзлаштириш орқали кечади ва боланинг хулқ-атвор тажрибасида шакллана бориши мумкин. Миллий тарбияланганликнинг юқори даражаси нафақат шахсий фазилатлар ҳақидаги билимларга эгаликда, балки мавжуд билимларни кундалик турмушда қўллай боришда ва уларнинг бузилишга ўз муносабатини билдиришда ҳам намоён бўлади. Халқимиз орасида кенг тарқалган тақиқ ва рағбатлар тизимининг бола тилига кўчиши — «офарин», «балли», «яшанг», «ундай қилманг», «савоб бўлади», «уят бўлади», «увол бўлади» ва бошқалар буни яққол кўрсатиб туради.

¹ А. Запорожец, Д. Элкоин. Психология личности и деятельности дошкольников. — М.: Просвещение, 1965.

Умумий ўрта таълим мактабининг миллий-тарбиявий имкониятлари ва улардан фойдаланишнинг ҳолати

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичи (1997–2000)да мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асносида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун илмий-услубий шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилган. Ана шу заруратдан келиб чиққан ҳолда, умумтаълим мактаби ва унинг миллий-тарбиявий имкониятларини ўрганиш жараёнида биз тадқиқотнинг икки ўзаро боғлиқ ва инсбатан мустақил тизимлари: а) таълимнинг миллий-тарбиявий имкониятлари; б) мавжуд тарбиявий тизимнинг миллий-тарбиявий имкониятларини алоҳида ҳисобга олиш заруратидан келиб чиқамиз.

Таълимнинг тарбиявий имкониятлари масаласи кейинги йилларда айрим россиялик олимлар томонидан «оғзаки тарбия» дея танқид қилинаётган бўлса-да, бу муаллимлар келтираётган мисоллар таълимнинг тарбиявий имкониятини очиб беришнинг салбий намуналаригагина таянганлигини кўриш мумкин. Биз таълимнинг тарбиявий нуқтаи назардан қатор имкониятлари мавжудлиги (айниқса, миллий тарбияланганликнинг биринчи — рационал таркибий қисми — фазилатлар мазмунини ҳақидаги билмлар бериши)ни қатъий эътироф этамиз.

Таълимнинг миллий-тарбиявий имкониятлари унинг мазмунида кеиғ кўламда очилади. Миллий мустақиллик ўзбек мактабларидаги таълим мазмунини ислоҳ қилиб, унинг истиқлолий ўзгаришларига маърифий ва мафкуравий замин яратди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан барча дарсликларни тиб миллий манфаатлар асосида ислоҳ қилиш ҳаракати бошланди. Бу ҳаракатнинг илк натижалари ўзбек мактабининг гуманитар фанлари дарсликларида намоён бўлди. Бу табиий, қонуний зарурат эди. Чунки, миллий истиқлолга интилувчи, «ўзбек давлатчилиги анъаналари»га асосланувчи давлатнинг маориф сиёсати пойдевори қурилмоқда эди.

Президент И. Каримовнинг маънавий, маданий мустақилликка ҳар бир фуқароннинг она табнатга, она тилига, миллий маданият, тарихга, Ватанга муҳаббатисиз эти-

шнб бўлмаслиги ҳақидаги ғоялари, қатор қонунлар, миллий истиқлол мафкураси, Ўзбекистон ватанпарварлигига қилинган урғу биргалашиб миллатни, мустақил давлатимизни тараққиётнинг янги босқичига кўтарувчи омилларга айланди. Галдаги вазифа — яна шу тарихий, маърифий, илмий-педагогик ўзгаришни илмий англаш ва миллий тарбия мазмуни билан уйғунлаштириш, мувофиқлаштириш эди.

Ўзбек мактабларида таълим ва тарбия мазмуни миллий асосга қуриш ғояси 1992 йилнинг бошларидан йўриқнома даражасида амалга оширила бошланди. Бу борада Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти олимлари ташаббус кўрсатдилар. Жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи «Миллий мактаб муаммолари» илмий-педагогик Марказининг фаолияти ҳам айнаи ана шу институтда бошланди. Институтнинг «Бошланғич мактаб» бўлими томонидан «Миллий бошланғич мактаб қандай бўлиши керак?», «Мустақил Ўзбекистоннинг бошланғич мактаби таълим-тарбия тизимида қандай ўзгаришлар содир бўлади?» каби саволлар устида машаққатли меҳнат «Тўрт йиллик бошланғич мактаб йўриқномаси»да ўз самарасини кўрсатди.

Миллий тарбиянинг таълимий асосини таъминлашда ўзбек мактабларига «Одобнома» дарсларининг жорий қилиниши катта туртки бўлди. Дастлаб, 1992 йилда 10-синфлар учун «Одобнома дарслари режаси ва дастури», «Одобнома» қўлланмаси (Т. Қурбонов), 1993 йилда 10—11-синфлар учун «Ҳаёт ва турмуш одоби» дастури яратилиб, чон қилинди. 1—4-синфлар учун «Одобнома» дастури яратилди. Республика мактабларида янги гуманитар фан бўлими «Одобнома»нинг миллий тарбиявий самарадорлигини таъминлашда педагог олимларнинг, илғор халқ таълими ходимларининг ҳиссалари катта бўлди.

Миллий дарсликларнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши болаларнинг миллий ўзликни англашида катта аҳамиятга эгадир. Бу борада Ватан туйғуси ва унинг идрок этилиши ҳақида тўхталмоқ керак. Дарсликларда Ватан туйғусини талқин қилиш борасида кескин ўзгариш рўй берди. Яъни, илгари «Менинг Ватаним — СССР» тушунчасини сиғдирини бош вазифа бўлган бўлса, эндиликда «Ме-

нинг Ватаним — Ўзбекистон» тушунчасини ўзбекистонлик ўқувчилар эътиқодига айлантириш долзарб вазифага айланди. Бошланғич синфлар гуманитар фанлар дарсликларидида қадрдон ўлка, она халқ, миллат, она тилининг мақоми — Ўзбекистон эканлигини мунтазам, изчил ўқитира бориш имкони яратилди.

Бироқ, гуманитар фанлар ўқитувчиларининг дарс конспектларини ўрганиш, дарсларини таҳлил қилиш кўнлаб ўқитувчилар дарснинг мақсадини миллий тарбиявий вазифаларни бажаришга йўналтириш борасида зарурий кўникма ва малакаларга эга эмаслигини кўрсатди. Кузатилган дарсларнинг II фонзидагина дарснинг тарбиявий мақсадни миллий эътиқод вазифаларига боғланганлиги қайд қилинди.

Республикамизнинг илғор мактабларида таълим мазмунини тарбиявий талқин қилиш ва тарбиявий ишларни миллийлаштириш борасида нобий натижаларга эришилди. Жумладан, Тошкент вилоятининг Зағнота тумани 8-ўрта мактаб педагогик жамоаси гуманитар таълим мазмунини миллийлаштириш, уни тарбиявий ишлар билан уйғунлаштириш масаласига комплекс ёндашдилар. Дарсда ва синфдан ташқарида тарбиявий ишларни ташкил қилишда миллий касблар: ганч ўймакорлиги, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, кулолчилик, тикувчилик ва ҳатто новвойлик касбларини ўргатишни бошладилар. Ҳар бир ўқитувчи ўз дарсида ўзбек алломалари бисотидан намуналар беришга ҳаракат қилди. Ҳадис намуналаридан фойдаланиш, «Оз-оз ўрганиб доно бўлур» факультатив курсини ташкил қилиш, ўзбек мақоллари айтилувchini уюштириш, тарих дарсларида Ўзбекистон ва ислом тарихини ўргатиш, муסיқа дарсларида фольклор, этнографик ва насихат ашулаларини эшиттириш, расм-чизмачилик дарсларида нақш чизиш, ганч ва ёғоч ўймакорлиги нусхалари билан танишув, меҳнат дарсларида ўғил болаларни нақш, ганч, ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, деҳқончилик билан, қизларнинг тикувчилик, дўппиичилик, йигирувчилик ва новвойлик каби касбларни эгаллаши, «Одобнома» дарсларининг айрим соатларнда қизлар ва ўғил болаларни алоҳида ўқитиш, гуманитар фанлар дарсларида урф-одатларимизнинг инсонпарварона моҳиятини баён қилиш, синфдан

ташқари тарбиявий ншларда атама ва номлар (кишилар исми) мазмунини ўрганш, Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Форобий, Улугбек, Навоий ҳақида бадиий саҳналарни намойиш қилиш, тўғаракларда миллий ўйинларни ўрганш, истеъдодли ўқувчилардан этнографик дасталар ташкил қилиш натижасида эришилган миллий тарбиявий натижалар ушбу мактабни туманнинг «Йил мактаби — 91» кўрик-танлови қолибига айлантирди.

Ўзбек мактаби — миллий-маданий, иқтисодий тараққиётнинг бешинчи, қудратли тарбиявий омилидир. Агарда унинг имкониятларидан унумли, илмий асосда фойдаланилса, ўқувчига кўрсатилаётган етакчи тарбиявий таъсирот мактабники бўлади. Лекин бу омилнинг қудрати бутун мактаб педагогик жамоаси тарбия мақсадини бир хил, илмий, мафкуравий асосда тушуниб, амалга оширсагина намоён бўлади. Биз 434 нафар ўқитувчига улар тафаккуридаги миллий истиқлолнинг педагогик талаблари бора-сидаги билимларни аинқлаш мақсадида қатор саволлар бияан мурожаат қилдик. Мактаблар ҳужжатлари билан танишдик. Жумладан, «Сиз ҳозир ўз фаолиятингизда (собиқ коммунистик тарбия ўрнида) қандай тарбияни амалга оширмоқдасиз?» саволига улар «ўқувчиларни

мустақил Ўзбекистон фарзанди бўлиб етишиш руҳида;

миллий анъаналар, аجدодларга ҳурмат руҳида;

ёш кадрларнинг илмли, ақлли, кучли бўлиши руҳида;

Ватанга муҳаббатлилик руҳида;

тўғрилиқ, яхшилик руҳида;

замон талаблари даражасида;

миллий маданият руҳида;

мустақил Ўзбекистон келажagini ўйлайдиган ғарда-лилик руҳида;

мустақиллик, миллий урф-олатларни ҳурмат қилиш ва келажакни ўйлаш руҳида;

одобли, тўғри сўз бўлиш руҳида;

катталарга ҳурмат, ватанпарварлик руҳида;

ҳозир бизда олиб борилаётган тарбия аниқ эмас;

бошқаларга тақлид қилмай, замон талабларига мос кишиларни тарбияламоқдамиз;

Ватанга, халққа фойда келтирадиган болани еттиштир-моқдамиз;

ҳар томонлама ривожланган Ўзбекистон фуқаросини камол топтириш руҳида тарбиялаларимиз» сингари жавоблар бердилар. Бу эса миллий тарбиянинг айрим вазифалари эмпирик даражада амалга ошириладиганини кўрсатади. Ўқитувчиларимизнинг тарбия мақсадини айнан шундай — миллий мазмунда белгиладиганликларининг асоси нимада? Асос — Ўзбекистондаги ижтимоий, маънавий, мафкураравий муҳит, миллий истиқлол манфаатлари ва буни ўзида акс эттирадиган газета, журнал, телевидение, радио — миллийлашадиган ҳаётдир. Ўзгарадиган ҳаёт маънавият, мактаб тарбиясини ҳам миллийлаштирмоқда, замонавийлаштирмоқда эди. Ана шу боис ҳам «мактабда тарбиявий ишларни такомиллаштириш» учун нималар қилиш керак? деган саволга сўралганларнинг аксарияти «миллий тарбия бўйича махсус қўлланмалар, услубий тавсиялар чоп қилинса, мактаб тарбиявий ишлари анча тартибга тушар эди» деган фикрни айтдилар. Аниқроғи, ўқитувчиларимиз мактабнинг миллий тарбиявий имкониятларини тиклаб, янгилаб, режали, изчил олиб бориш учун қуйидагиларни бажариш керак, деб ҳисоблашади:

биринчи синфданок «Одобнома» дарси киритилса, соати кўпайтирилса;

тарбиявий соатлар мавзулари ёритилган китоблар чоп қилинса;

ўзида ижобий ва салбий мисолларни мужассам қилган тавсиялар керак;

болалар учун тарбиявий китоблар керак;

бошланғич синф ўқитувчиларига тарбиявий қўлланмалар керак;

вилоят, тумандан келувчи комиссиялар тарбиявий соатларнинг ҳам текширса;

одоб, ҳадисшунослик бўйича синфлараро мусобақалар ташкил қилинса;

тарбиявий ишларнинг аниқ режаси чоп қилинса;

бошланғич синфлар учун янги номда янги журнал чиқса;

Ўзбекистон давлат рамазларига ва бошқа мавзуларга бағишланган адабий, мусиқий кечалар матни чоп қилинса;

отахон-онахонлар билан болаларнинг учрашувларини ташкил қилиш керак;

мактабга миллий кийим ва урф-одатлар киритилиши керак;

нафақат мактаб, балки телевидение қиёфаси, мазмун-моҳияти, ўқувчи кийими, дарсликлардаги суратлар ва бошқалар ҳам миллий бўлмоғи керак;

дарсларнинг тарбиявий жиҳати кучайтириш керак; ота-оналар учун ҳам тарбиявий қўлланмалар чиқариш керак;

синф раҳбарлигини танлаб топшириш керак;

тарбиянинг янги методлари, тадбирлари керак;

Мактаб ва оиланинг миллий-тарбиявий қарашларини, талабларини бир хиллаштириш лозим ва ҳ.к.

Дарҳақиқат, ўзбек мактабининг миллий тарбиявий имкониятларидан тўла, самарали фойдаланиш кўп жиҳатдан ўқитувчиларимиз қайд қилган шартларнинг таъминланишига ҳам боғлиқ эди.

Мактабнинг миллий тарбиявий имкониятларини ўргатиш бу ишнинг муҳим бўғии — тарбияланганлик мезонлари ва уларни қайд қилиш илмий асосга қўйилмаганлиги, «оғзаки тарбия», тадбирбозликка берилиш кайфияти ҳали ҳам кучлилигини кўрсатди. «Ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини қандай ва нималарга асосан белгилаяпмиз?» деган саволга, асосан, «юриш-туришига», «ўзини тутишига», баҳоларига қараб деган жавоблар бериларди. Муаллимларнинг бир қисми «Ўқувчиларни ҳозирги шароитда тарбиялаш мумкин бўлмай қолди» дея нолиса, баъзи бирлари «Тарбияланганликни ҳам ўлчаб, баҳолаб бўларканми?» қабилида ҳайрон бўлдилар. Ўша мактаб раҳбари уларнинг фикрини «Болаларнинг тарбияланганлигини келажак кўрсатади. Чунки ўқитувчи меҳнати мева эмаски, бир йилда билинса», — дея ҳаспўшлади. Шу тариқа бу тоифа ўқувчиларнинг қандайлигини, улардаги миллий гурур, ватанпарварлик, мафкуравий оигилик даражасидаги ўзгаришларни аниқлашга лаёқатсизликларини кўрсатдилар. Бундай педагогик ҳаваскорлик, лаёқатсизликнинг жамият учун ҳавфи, зарари шундаки, шундайлар қўлига тушадиган ўнлаб, юзлаб, минглаб ўқувчилар — эртанги Ўзбекистон болалари ўзлигини йўқотишлари, жамиятда мафкуравий, маънавий бўшлиқ яралиши мумкин. «Тарбияланганликни ҳам ўлчаб бўларканми?» са-

волининг негизи педагогика институтлари ва университетлардаги педагогик таълим тизимига бориб тақалиши кундай равшан.

Ўқувчиларнинг миллий мафкуравий онглилик даражаларини ўрганишда проектив вазиятлар ҳосил қилиш усулидан фойдаланиш яхши самара беради. Биз ана шу услубни қўллаб, юқори синф ўқувчияридан улар агарда Ўзбекистон Президенти бўлиб қолсалар, мактаб ўқувчиларига қандай тилаклар билдиришини сўрадик. Ўқувчиларнинг 21 фоизи қарашларида Президентимизнинг ёшлардан кутаётган умидлари акс этди. Яъни, улар болаларни «одобли, иноқ бўлишга, миллий ғурурли, ватанпарвар бўлишга, институтларга ўз кучлари билан киришга» чақиришларини билдирдилар. Ўқувчиларнинг 16 фоизи, аввало, «арзончиликка эришишга, порахўрликка қарши курашишга, порахўрликни ман қилишга» киришишларини билдирдилар. Лекин сўралган ўқувчиларнинг 63 фоизи миллий мафкуравий онгининг шаклланмаганини кўрсатишди. Бу тоифанинг аксарияти берган жавобларида маиший, саёз ниятлар ҳам учради. Аслида бу, ўқувчиларнинг эмас, балки мактаб, синфда миллий мафкуравий тарбиянинг қандай даражада олиб борилаётганлиги, синф раҳбари ишининг кўрсаткичи эди.

Дарҳақиқат, ўқувчилар «яхши хулқ» деганда ишчанлик, ҳушмуомалалик, ҳушчақчақлик, яхши ўқиш каби ахлоқий тушунчалар билан чекланиб қолмоқдалар. Бу ўқитувчиларнинг шогирдларидан тарбиячи сифатида нимаи талаб қилаётганининг ипъикосидир. Бу ўқувчилар ватанпарварлик, миллий ғурурлик, миллатлараро мулоқот маданияти, виждонийлик каби тушунчаларни деярли ишлатмайдилар. Бу эса ушбу тушунчалар ҳақида уларда аниқ тасаввурлар йўқлигини, ушбу фазилатлар уларда талаб қилинмаётгани — тарбияланмаётганини кўрсатиб турарди. Салбий сифатлар ҳақида ҳам шундай хулосани келтириш мумкин. Бундан, мактабда миялий тарбиявий ишлар ташкилотчилари, синф раҳбарлари, фан ўқитувчиларининг савияси, лаёқати, муносабатини жиддий ўрганиш лозимлиги аёнлашади.

Тадқиқот жараёнида мактабларда таълим-тарбия ишини ташкил этувчи раҳбарлар — мактаб илмий бўлим му-

дирларининг миллий тарбиявий тасаввурларини ўргандик. Сўралган 223 илмий бўлим мудирининг бир қисми (43,6%) миллий тарбиянинг моҳиятини тўғри тушунишини намоён қилишди. Лекин кўпчилик (52,1%) қисми миллий тарбияни асосан тор, қадимийчасига талқин қилдияр. Масалан, бир гуруҳ устозлар «Ўқувчиларимизни миллий қадриятларимизнинг бой жиҳатлари, намуналари асосида ўтмишдагидек тарбиялаш»ни муҳим санашади. Бу тушунча миллий тарбиянинг кечаги ҳолати ва даражасига урғу бериш билан чекланиб қолинаётганини кўрсатади. Ваҳоланки, миллий тарбия бугун ҳам амалга ошмоқда ва у истиқдол, истиқболга хизмат қилишга йўналтирилган бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан жиззахлик бир ўқитувчининг «Миллий тарбия, менимча, бу ўтмиш ажлодларимизнинг анъаналарни давом эттириб, удумларга ҳурмат билан қараган ҳолда, маданий савиямизни тобора ошира бориш, келажак аалодларни Навоий, Бобур, Улуғбеклар орзу қилганидек кишилар бўлиб етишишга қаратилган тарбиядир» деган фикри — тўғри талқиннинг намунасидир. Сўралганларнинг 2,3 фоизи миллий тарбия «менимча, мавҳум тушунча», «байналминалчилик — бош шиоримиз», дея миллийликини умуминсонийликка қарши қўядилар. Респондентларнинг 2 фоизи бу саволга умуман жавоб бермади.

Маълумки, ҳар бир ишнинг самараси, бирор натижа бериш-бермаслиги унинг аниқ ҳисоб-китобга асослангани, мақсад сари йўналтирилгани ёки йўналтирилмаганига боғлиқ. Ўрганишларимиз натижасида мактабларда амалга оширилаётган тарбия жараёни аниқ мезонларга асосан қайд қилиниб, ҳисоб-китоб этиб борилишининг аҳволи куйидагича бўлиб чиқди. Яъни, сўралган илмий бўлим мудирларининг 17,9% и тарбияланганлик мезонлари ҳақида тўғри, 22% и қисман тўғри, 52% и эса нотўғри тасаввурга эга. Бу ҳақда илмий бўлим мудирларининг 8,1% и ташвиш билан «Ўқувчиларнинг тарбияланганлиги тўғри баҳоланмапти», «фанлардан олган баҳосига қараб баҳоланаяпти», «умуман баҳоланмаяпти», дея муносабат билдирдилар. Олинган жавобларни умумлаштириш шуни кўрсатдики, ўқитувчи-тарбиячилар ўқувчининг ҳулқини баҳолашда уларнинг кўриниб турган жиҳатларига (асосан «тинч

ўтиришига») таянишар экан (69,5%). Ҳатто яхши хулқ-нинг ортида нима тургани, уни ҳаракатга келтирувчи кучларни «кўришга», қайд қилишга-да синф раҳбарларнинг аксарияти ожиздир. Бизнингча, мактаб тарбиясининг буюк имкониятларини бўғиб турган бош кулфатлардан бири шундадир!

Кишини бир оз юпатадиган жиҳати — (миллий тарбиянинг мақсад-вазифаларини тўғри талқин қила олмасалар-да, тарбия мезонлари ва уларни қайд қилишни ўзлаштирмаган бўлсалар-да) синф раҳбарларининг 73,8% тарбиявий иш режаларида миллий тарбия вазифаларини режалаштирмоқдалар, «амалга оширмоқдалар». Чунки ... «ҳозир шуни талаб қилишмоқда» (жавоблардан).

Хўш, (мақсад-вазифаларини, услубларини, тарбияланганлик мезонларини қайд қилишни яхши ўзлаштирмаган бўлсалар-да, бари бир режалаштирилаётган) миллий тарбияни амалга оширишда қандай услубий адабиётлардан фойдаланилмоқда? Мактабнинг миллий тарбиявий имкониятларини ўрганиш жиҳатидан бунга жавоб беришнинг аҳамияти катта. Олинган маълумотлар қуйидагиларни кўрсатди: (аҳамиятлиягининг камая бориши бўйича):

1. Қуръони карим, ҳадис.
2. Газета, журналлар.
3. Мутафаккирлар, алломалар билдирган фикрлар.
4. Маҳаллий урф-одатлар, мисоллар.
5. Мақоллар.
6. Шахсий намуна.
7. Услубий тавсиялар.

Ушбу рўйхат ҳар бир педагог олимни ҳам ўйлатиб қўяди. Ислом динининг бебаҳо тарбиявий манба, ҳазиналигига, ундан ахлоқий мақсадда фойдаланиш заруратига шубҳа келтирмаган ҳолда шуни айтиш керакки, Қуръони карим, ҳадисларга ўйлаб, билиб, тушуниб мурожаат қилиш керак. Яъни, бу йўналишда қайси ғояни, нима учун, қай меъёردа, кимга, қайси вазиятда, қай мақсадда ишлатиш ҳали илмий педагогик асосга қўйилган эмас. Бироқ бизнинг айрим синф раҳбарларимиз (мақсад-вазифаларини, тарбияланганлик мезонларини қайд қилишни яхши ўзлаш-тирмасдан режалаштираётган, амалга ошираётган) миллий тарбияни қадимийчасига тушуниб, бу манбалардан

палапартиш фойдаланмоқда. Натижада, бир томондан, ўзлари эплай олмаётган иш — миллий тарбияга Куръони каримни шерик қилиб, уни ҳам ўқувчилар иазаридан тушираётганликларнинг сезмаяптилар; иккинчидан, бу фаолиятнинг конституциявийлик даражаси номаълум. Бу саволларга жавоб бериб, муаммоларни ечувчи услубий тавсиялар етишмаслиги эса юқоридаги мисол — услубий тавсиялардан фойдаланишнинг еттинчи даражага тушиб қолганлигидан ҳам аён. Услубий-тарбиявий «қаҳатчилнк» ўқитувчи-тарбиячиларимизнинг миллий тарбиявий эҳтиёжларида ўз ифодасини топомқда. Бу борада илмий бўлим мударларининг тилак-истакларини юқорида келтирганмиз туфайли уларни такрорлаб ўтirmаймиз. Шунингдек, «ўғил ва қиз болалар ажратиб ўқитилиши керак» таклифи миллий тарбиянинг «ҳаёт ва тарбия бирлиги» тамойилига зидлиги, «яхши ишлаш керак», «ннтилнш керак» каби гапларларнинг бор-йўғи қуруқ қақириклиги, «фан ўқитувчилари ставкаларини ошириш», «5—11-синфлар дарсликларни сифатини яхшилаш керак», «Дин тарихини фан сифатида киритиш керак» сингари таклифлар миллий тарбия таркибига бевосита кирмаслигини таъкидлаймиз.

Ўзбек мактаби миллий тарбиявий имкониятларини кенгайтирувчи омиллардан бири — мактаб ўқувчилар ташкилотидир. Бугун собиқ совет мактабига хос бўлган октябрий, пионер, комсомол ташкилотлари ўрнида қолган бўшлиқни тўлдириш, мактаб тарбиявий тизимининг ушбу самарали бўғинини қандай ҳоя, мазмун билан эгаллаш, ўзбек мактабининг тарбиявий имкониятларини ошириш муаммоси ҳал қилинмоқда. Мазкур заруратни ҳал қилиш, изланишнинг ташаббускорларни сафида Чирчиқ шаҳар халқ таълими бўлими ходимлари ҳам бор эди. Шаҳарнинг 12-сон мактаби директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари М. Усмонова «Ниҳол» дастурини ишлаб чиқди. Дастур ўқувчиларни Ўзбекистон халқлари тарихи, маданияти, анъаналари, урф-одатлари билан таништиришни мақсад қилиб қўйган. «Ниҳол» дастури қуйи ва ўрта босқичларни ўз ичига олади. Унинг ўз раизи, тузилиши бор. Дастурда кўзда тутилган тадбирлар, тарбиявий ишларнинг шакллари ранг-баранг ва, албатта, миллий хусусият, анъаналарга асосланган. «Ниҳол» дастурини амалга

оширишга ота-оналар фаол қатнашмоқда. Бу дастурни ўқувчилар ташкилоти фаолиятини миллий тарбиявий вазифалар асосига қуришнинг илғор намуналаридан бири деса бўлади.

Чирчиқ шаҳар 16-сон ўрта мактабида изланувчи ўқувчилар ташаббуси билан бошланғич синф ўқувчиларининг «Ватан републикаси» фаолияти бошланди. Бу «республика»нинг иш услубидаги ўзига хослик — клублардир. Унинг шиори — «Ватан — яхшилик ва адолат учун» бўлиб, бу шиорни амалга ошириш ўқувчиларнинг «Олий мажлиси», «Меҳнат вазирлиги», «Таълим вазирлиги», «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» ва «Адлия вазирлиги» орқали кечмоқда.

Шаҳарнинг 5-сон мактабида фаолият кўрсатаётган «Лочин» мактаб ташкилоти 10—13 ёшли ўқувчиларни бирлаштиради. Ташкилот уч босқичдан: 1—4—5-синфлар, 2—6-синфлар ва 3—7-синфлар ўқувчиларидан иборат. Ташкилотта еобик пионер ташкилоти каби ёнпасига, синф билан эмас, ихтиёрий қабул қилинади. Ихтиёрийлик ҳам камлик қилади. Яъни, «лочин»га аъзо бўлиш учун аввал ўқувчи қандайдир бир олижаноб, еавоб, муҳим иш қилиши керак ва ҳ.к.

Ўзбек мактабларининг миллий тарбиявий имкониятларини бевосита ўрганиш, уларнинг мактаб маъмурияти томонидан тасдиқланган, ҳаракатдаги иш режаларини таҳлил этиш қуйидаги хулосаларга асос бўлди:

1. Барча синф раҳбарларининг иш режаларида миллий тарбиявий вазифалар, озми-кўпми, учрайди («Бизнинг қишлоғимиз», «Ватаннинг снёсати» мавзуларида суҳбат, «1 сентябрь — Ўзбекистоннинг мустақиллик куни» дарси ва ҳ.к.). Лекин уларнинг, миллий тарбия назарияси нуқтаи назаридан чуқур аниқланмаганлиги, вазифаларни нфодалаш, белгилаш ва амалга оширишда системаланик, нзчиллик йўқлиги туфайли, самаралорлиги номатълумлигича қолмоқда.

2. Миллий тарбия вазифаларни белгилаш (демак, амалга оширишда ҳам) ўқувчиларнинг ёш, шахсий, жинсий хусусиятлари ҳисобга олинмагани (ўғил болалар ва қиз болаларни бир хил тарбиялаш давом этмоқда). Айрим ҳоллардагина «қизлар билан ишлаш» бўлими учрайди. Ўғил

болалар — бўлажак йнгитлар тарбияси ҳали махсус фаолият, тарбил вазифасига айлантирилмаган.

3. Айрим синф раҳбарларининг тарбиявий иш режаларида ижодийлик шиори остидаги бошбошдоқлик, системасизлик учрайди. «Ҳозир шуни талаб қилишяпти» тамойилидан келиб чиқиб, ўзлари ҳали яхши билмайдиган миллий тарбия жараёнига бундай «ижодий» ёндашиш фойдасидан кўра кўпроқ зарарга ишлаган мумкин.

4. Тарбиявий соатлар мавзуларида тарбилвий муаммо кам учрайди. Уларнинг аксарияти — чақириқлар («Ҳай-воилар — бизнинг дўстимиз!», «Спорт — соғлиқ фарови!», «Табиатни асраш!», «Гулла, яшиа, жон Ўзбекистон!» ва ҳ.к.) асосига қурилган. Бу тарбиявий ишларга расмий ёндашув мавжудлигини кўрсатади.

5. Синф раҳбарларининг иш режасидаги «Ота-оналар билан суҳбат» бўлимининг 92%ининг мавзуси «ёмон ўқишга», 8%и эса «ёмон хулқ» муҳокамасига бағишланган. Бу ҳол синф раҳбарлари фаолиятини баҳолаш синфнинг тарбияланганлик даражасига эмас, балки ўқинишдаги кўрсаткичларга — табелдаги баҳолар, ўқувчиларнинг «тинч ўтиришига»га асосан амалга оширилаётганини кўрсатади.

6. Синф жамоаси тавсифномаларининг аксариятида ўқувчилар сон, ўғил-қизлар сони, яхши, ёмон, аъло ўқувчилар сони, кўп миллатли мактабларда — болаларнинг «миллати» белгиланади. Синф жамоасининг тарбияланганлик даражасига эса «ўқувчилар бир-бирларига меҳрибон-аҳил», «ҳамма ўқувчилар жамоат ишида актив», «синф жамоаси физкультура ва спорт ишларида актив» сингари баҳо берилиши тарбиявий ишларининг: а) илмий асосга қўйилмаганини; б) синф раҳбарларининг педагогик тафаккури миллий-истiqлолий тарбия ҳолати билан изоҳ қилинмаганини кўрсатади.

7. Синф раҳбарлари тарбиявий иш режаларидаги «Ташкилий масалалар» бўлимида режалаштирилган тадбирларнинг 75%ини ташкилий-дидактик (дарслик билан таъминлаш, обунани ташкил қилиш ва ҳ.к.), 25%ини тарбиявий (ўқувчилар интизоми ва ўзлаштиришини кўтартириш, мактаб жамоа ишларида актив қатнашиш) мазмундаги нарезаси, на муддати, на кўлами ва на механизм бор ишлар ташкил қилади.

8. «Мактаб ва оила ҳамкорлиги»да аксарият ҳолларда суҳбат билан чекланиб қолинмоқда.

9. Тарбиявий ишлар режасидаги сиёсий-ғоявий тарбия, меҳнат тарбияси, эстетик тарбия, жисмоний тарбия, иқтисодий тарбия, миллий тарбия орасида уйғунликка эришилмаган.

10. Синф раҳбарларининг ўқувчилар билан олиб борган суҳбатларида энг кўп учровчи бош мавзулар: 1) безорилик қилгаплиги; 2) дарс қолдирганлиги; 3) уй вазифаларини бажармаганлигидир. Демакки, синф раҳбари билан ўқувчининг суҳбатни аксарият ҳолларда жазолаш ва жазоланиш маросимига айланиб қолган. (Синф раҳбарлари тарбиявий услублар, шакллар ичидан энг кўп қўлланувчи шакл сифатида «суҳбат»ни бежиз белгилашмаган.) Бунда ўқувчиларининг яхши фазилатлари қарийб рағбатсиз қолдирилмоқда.

11. Иш режаларида ўтган йилги тарбиявий иш натижаларидан келиб чиқувчи, янги ўқув йилида эришилиши лозим бўлган тарбиявий мақсад аниқ белгиланмайди. Бу — тарбияда аниқ мақсад йўқлиги, ҳисоб-китоб йўқлигини кўрсатади.

12. Мактабларда таълим ва тарбия бирлиги тамойилига тўлиқ амал қилинмаяпти. Бу гуманитар фанларни ўқитишда мақсаднинг мавҳум қўйилаётганида ёки умуман қўйилмаётганида намоён бўлмоқда.

13. Дарслар мазмуни Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази томонидан тобора миллийлаштирилмоқда ва ўзбек мактабларида кенг жорий қилинмоқда.

Ўқувчилар, синф раҳбарлар, тарбиявий ишлар ташкилотчиларининг педагогик тафаккури миллий истиқлолнинг ғоя, мазмун билан изоҳ қилинмоқда. Лекин бунинг еуръати ва сифати такомиллаштирилиши лозим.

14. Мактабнинг оила билан ҳамкорлиги асосан икки сабаб — ота-оналар йиғилиши ва ота-онани фарзандлари томонидан содир қилинган бирор қор ҳол сабаб чақиртириш орқали амалга ошмоқда эди. Вазият мактабнинг ота-оналарга ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўқитиб, ихтиёрий, манфаатли ҳамкорликка қорлашини, системалаштиришни талаб қилади.

15. Маҳалла, қишлоқ, жамоатчилнк билан тарбиявий ҳамкорлик амалга ошимоқда, лекнн бу ҳамкорлик миллий тарбиявнй — сифат ўзгарншига кўтарилиши керак. Бунн қуйндаги ташвишли расмий хабарлардан ҳам кўриш мумкин: «Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳайъатинннг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тарбия тизимидагн салбий ҳолатлар тўғрисида матбуотда боиг урнш зарурлиги, жойларда бнр ой муддатда жорий ўқув йилининг якунларини чуқур таҳлил этиш, шуниингдек, эътиборни тарбиявий ишларнинг натижаларига қаратиш зарурлиги алоҳида қайд этилди»¹.

Мавжуд ҳолат Ўзбекистон ҳукумати, Президенти, миллий истиқлолнинг умумтаълим мактабларига қўётган тарбиявий талабларига жавоб бера олмаслиги табиий. Биз ана шу камчиликларни бартараф қилишининг муҳим йўлларидаи бири — мактабнинг миллий тарбиявий имкониятларини такомиллаштириш, деб биламиз.

Таълимнинг миллий-тарбиявий мазмуни ва уни такомиллаштириш

Мустақил Ўзбекистонда таълим мазмунида рўй берган тадрижий ўзгаришлар, айниқса, ижтимоий фанлар мазмунида яққол акс этди ва синфийликдан носинфийликка, партиявийликдан партиясизлашувга, коммунистик мафкуравийликдан миллий истиқлолнй мафкуравийликка ўтишда акс этди.

Мазкур педагогик ўзгариш таълимнинг ипсонпарварлашуви, миллий маданиялашувига йўл очди. Чунки ҳар бир миллий маданият фаолият жараёнида яратилади, намоён бўлади, ўргатилади, ўзлаштирилади. Ана шу сабабларга кўра, бу фаолият тарбияловчи ва ўқувчиларнинг миллий маданиятини, миллий истиқлолга муносабатини шакллантирувчи моҳиятга эга. Модомнки, маданият билимлар миллий хусусиятга эга экан, Ўзбекистонда таълим мазмуни ўқувчиларни миллий маданиятга, миллийликка муносабатини шакллантирувчи объектив хусусиятга эгадир. Мазкур назарий хулосага мувофиқ, миллий тар-

¹ Янгиланишнинг долзарб вазифаларн. «Маърифат», 1994 йил 1 июнь.

биявий заруратни таълим мазмуни, мақсади билан мувофиқлаштириш, пировард натижада эса, таълим мазмуни-пи миллий тарбиянинг потенциал омилидан реал омилга айлаштиришга кучли эҳтиёж пайдо бўлади.

Ислохот таълим ва тарбия мазмунини, мақсадини, тамойилларини мувофиқлаштириши, ўқувчиларни тамомила янги ижтимоий шароитда яшашга тайёрлаши, бозор муносабатларига ўтиш ва шу билан бирга миллий ғурур, виждонийлик, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий одоб, Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллий мафкуравий онг соҳиб бўлишларига хизмат қилиши лозим эди. Ушбу сифатларни ўзида намоён қилиш учун ўқувчилар дастлаб шу тушунчаларни ва уларнинг таркибий қисмларини ўзлаштиришлари, англашлари талаб қилинади. Чунки ватанпарвар, миллий ғурур, виждонийлик каби тушунчаларнинг истiqлолий моҳиятини англамай туриб, ўқувчи бу фазилатларни ўзида ҳис қила олмайди. Ҳис қилимаган фазилат эса шахснинг хулқ-атворида онгли, устувор намоён бўлмайди. Хуллас, Ўзбекистон мактабларининг тобора миллийлашаётган таълим мазмунининг миллий тарбиявий имкониятларини ўрганиш, аниқлаштириш ва ўқитувчиларга бу борада услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида дарсликларнинг миллий-тарбиявий имкониятлари ўрганилиши керак эди.

Бошланғич синфлар гуманитар дарсликларининг миллий тарбиявий имкониятлари таҳлил қилинар экан, ўқувчиларнинг ёши, руҳий, физиологик миллий хусусиятлари назарда тутилди. Жумладан, бошланғич синф ўқувчисида давра, гуруҳий ўйинлар, тенгқурлар билан мулоқотга киришиш учун боланинг ўз устида турли ижтимоий ролларни синаб кўриши, ҳаёлотининг ўсishi, виждоний-яик туйғусининг намоён бўла бошлаши, миллий ўзлигини англашнинг ривожлана бориши, бошқа миллатлар ҳақидаги тасаввурларнинг кенгая бориши, Ватан тушуничасини англай бориши рўй беради.

Бу даврнинг ўзига хос хусусиятларини олмлар «интеллектуал операциялар даври» (Ж. Пиаже), «иккинчи болалик даври» (Г. Гримм), «мактаб болалик даври» (Д. Бромлей), «боланинг ижтимоий жопзот эканлигини

англаш даври» (Л. Бажович), «асосий фаолилги ўқиш бўлган кичик мактаб ўқувчилиги даври» (Д. Элқонин) деб атагилар. Миллий тарбия нуқтан назаридан эса, бу даврни ўқувчининг ўзини у ёки бу халқ фарзанди сифатида англашининг илк босқичи, деб аташ мумкин. Бошланғич таълим мазмунидаги миллий руҳ мазмуни илк бор ўзбек боласининг иккинчи сигналлар системаси мазмунига, у орқали эса интеллектуал операциалари предметига айланади. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, бошланғич ва умумтаълим ўрта мактаблар ўқитувчиларига дидактик ёрдам кўрсатишга киришилди.

Она тили, адабиёт фанларини ўқитиш, болаларнинг адабий асарларни ўқий бошлаши миллий тарбия нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга. Атоқли тилшунос олим А. Рустамов ҳар бир яхши адабий-бадиий асар маърифий-тарбиявий ва бадиий қийматга эга бўлиши кераклиги, акс ҳолда ўқувчи бундай асардан қопиқмаслигини ёзади. Адабий асар вазифаларининг тақсимоли қуйидагича: билим ташналикни асарнинг маърифий томони қондиради, амалда эзгу йўлга солиш вазифасини унинг тарбиявий жиҳати бажаради ва завқ талабига унинг бадиияти жавоб беради... Асарнинг бу уч жиҳати ўз вазифасини бажаришда бир-бирига кўмаклашади. Бадиият асарнинг тарбиявий таъсирининг ошишига ва маърифий жиҳатининг яхши ўзлашишига ёрдам беради. Тарбиявийлик маърифатга бўлган интилишнинг ва бадииятнинг таъсирини оширади. Маърифийлик асарнинг тарбиявий ва бадиий томонларни мустаҳкамлайди¹. Биз тил ва адабиёт дарслари ўқитувчиларига миллий тарбиявий тушунчаларни шакллантиришда адабий асарларнинг ана шу хусусиятларига таянишни тавсия этган бўлардик.

Шуни ҳам қайд қилиш керакки, республикамизнинг мустақилликка эришиши, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши барча дарсликларни янги, замонавий талабларга жавоб бера оладиган қилиб яратиш заруратини яратди. Жумладан, «Ўқиш китоби», «Ўзбек тили», «Табнатшунослик», «Адабиёт» дарсликларига миллий маз-

¹ А. Рустамов. Сўз хусусида сўз. — Т.: Ёш гвардия, 1987, 61-бет.

мунга эга дидактик материалларни кўпроқ киритиш Республика ўқув-методик маркази томонидан таклиф қилинди. Бу соҳадаги изланишларнинг кўламини тасаввур қилиш учун бошлаигич синфлар ўқув дарсликларига миллий мазмуни бериш бўйича олиб борилган ишлардап айрим намуналарни келтирамиз.

**2-синф «Ўқиш китоби» мазмунининг РЎММ томонидан
ислоҳ қилиниши**

Собик ўзбек мактабидаги шакли	Мустақил Ўзбекистон мактабида ислоҳ қилинган шакли
«Октябрятлар ҳаёти ва иши» бўлими	«Биз инок болалармиз» бўлими
«Улуғ Октябрь» бўлими	«Олтин куз» бўлими
«В. И. Ленин ишчилар иши учун курашувчи» бўлими	«Навоий бобокалонимиз» бўлими
«Ватанимиз – Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи» бўлими	«Ўзбекистон – Ватаним маним» бўлими
«Қизил байроқ» шеъри, «Давлатимиз герби», «ЎзССРнинг байроғи ва герби» мавзулари	Юлдузлар қани, бувижон» (М. Муродов), «Фермада» (М. Зайнитдинова), «Дўппи» (З. Маликов), «Набирагинам» (С. Барноев) шеърлари билан алмаштирилди)

3-синф «Ўқиш китоби»

«Улуғ Октябрь социалистик революцияси» бўлими	«Ватанимиз ўтмишидан» бўлимига алмаштирилди. Унда, жумладан, «Малик Саиждар кўзғолони», «Маҳмуд Торобий кўзғолони» (Х. Содиқов) материаллари берилди
--	---

«Леинн — тириклардан тирик» бўлими	«Навоий бобокалонимиз» бўлими ва ҳ.к.
---------------------------------------	--

4-синф «Ўқиш китоби»

«Бизнинг жонажон армия» бўлими	«Қушлар ва ҳайвонлар бизнинг дўстимиз» бўлими ва ҳ.к.
-----------------------------------	---

Шунингдек, Республика ўқув методик маркази ўзбек мактабларида таълим мазмунини миллийлаштириш бўйича ўз кўрсатмаларида шундай мурожаат қилди: «Машқлар учун матнлар, шеърлар ва гаилар таилашни бошланғич синф ўқувчиларимизга ҳавола этамиз, уларнинг ижодкорлиги, нзланувчаилиғига ишонч билдирамиз. Бунда ўқитувчилар қуйидаги талабларга риоя этишлари зарур.

1. Аввало танланган материал мазмунан миллий, одоб-ахлоқ талабларига жавоб бериши, сиёсий мавзуга мутлақо тегишли бўлмаслиги лозим.

2. Матнлар, шеърлар дастурнинг танланган бўлими мавзусини очиб беришга қаратилган бўлиши лозим.

3. Танланган материаллар болалар ёшига мос, уларнинг фикрлаш қобилиятини ўстирадиган, болалар онгига яхшилик уруғини экадиган, ёзилиши эса содда, равон, тушунарли бўлмоғи керак.

4. Матнлар, шеърлар, гаилар ўқитувчилар томонидан янги — 1992—93 ўқув йилига қадар тайёрланиши ва методик бирлашманинг биринчи йиғилишида муҳокама этилиши ҳамда тасдиқланиши зарур»¹.

Янги таклиф қилинган мавзуларда таълимининг тарбиявий вазифасига алоҳида эътибор берилди. Масалан, 3-синф «Ўзбек тили» дарслигининг 215-машқи учун «Донишмандлар тарбия хусусида» (Ш. Зуннуп, Т.: Ўқитувчи, 1982) китобидан нарчалар келтирилган бўлиб, улар тўла тарбиявий қимматга эгадир. Машқ-топшириқда: «Ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларга сўроқ беринг, улар нимани билдираётганини айтинг», дейилди.

«Азиз ўқувчилар! Ўқитувчиларнингиз сизнинг маънавий оталарингиздир. Шунинг учун уларни чин кўнгилдан

¹ Бошланғич синф ўқитучилари учун методик тавсиялар тўплами. — Т.: «Камалак», 1992, 80-бет.

севнинг, насиҳатларини жону дил билан қабул қилинг. Ўқитувчиларингизни ҳурмат қилиб, ҳузурларида адабни ўтиринг. Ўқитувчиярингиз ёнингизда ўтирсалар, дарҳол ўрнингиздан туриб, салом бериб қарши олинг, буйруқларини кутиб туринг. Бирор нарса сўрасалар, яхши жавоб беринг. Дарсада тушунмаган саволларингизни мулоҳимлик билан сўранг. Мактабни тамом қилганингиздан кейин ҳам шу ҳурматли устозларингизни асло унутманг»¹.

1993—94 ўқув йилида ҳам дарс ва дарсликларни миллийлаштириш имкониятларини ошириш изчил давом эттирилди. Республика ўқув методика маркази халқ таълими ходимларининг август кенгашига тавсияномалар йўллади. Фаи мутахассислари томонидан йўл-йўриқлар «Фанлар бўйича ўқув дастурларини қандай режалаштириш керак?», «Қайси фаиларни ўқитишда қандай жиҳозларга эътибор бериш лозим?» каби саволларга жавоб тариқасида тайёрланиб, мустақилликни мустаҳкамловчи, миллий гурур, Ўзбекистон ватанпарварлиги ва бошқа сифатларни тарбиялашга алоҳида эътибор бериш лозимлиги тавсия қилинди.

Тадқиқот доирасига кирган мактаблардаги ўқитувчиларга гуманитар фаиларни янгича ўқитиш, миллий тарбиявий вазифаларни белгилаш дастлаб қийин бўлди. Бунинг икки сабаби бор эди. Биринчидан, илмий истиқлолий тарбия назарияси ва услубияти билан ўқитувчиларнинг қуроллантирилмагани; иккинчидан, ўқитувчиларнинг тарбия назарияси, таълим ва тарбия бирлигини амалга ошириш бўйича умумпедагогик тайёргарлик даражаси наслиги эди. Шу боис ўқитувчиларнинг гуманитар таълимнинг миллий мазмуни ва тарбия вазифаларини уйғунлаштиришига фаол ёрдам бермоқ талаб қилинарди. Мазкур заруратни қондириш мақсадида ўзбек мактаби гуманитар таълим мазмунда миллий тарбиявий мазмунни асослаш, қайд қилиш тамойили белгиланди. Тамойилнинг моҳияти ва мазмуни — қўлланилган тушунчалар ичидан миллий тарбиявий нуқтаи назардан энг аҳамиятлиларини ажратиб, уларга тарбиявий тус бериб, изоҳлашдан иборатдир. Аста-секин ўқитувчилар ушбу тамойил асосида мавзуларнинг миллий-тарбиявий имкониятларидан самарали фой-

¹ Бошланғич синф ўқитувчилари учун методик тавсиялар тўплами. — Т.: «Камалак», 1992, 90-бет.

Ж ж ҳарфи	Жавлон-полвон (бадантарбия, саломатлик)
Ц ц ҳарфи	Она ип йигирув цехнда ишлайди... Онага меҳр
<i>Ўқиш бўлими</i>	
Ўқишни билдир	Ўқиш – ўқувчининг бурчи
Фазога йўл	Ватан учун билимли бўлиш, хизмат қилиш
Алишер билан булбул	Аждодларга ҳурмат
Шоир билан шоҳ	Ватанга, миллатга хизмат қилиш ғояси
Ҳикматлар	Бирлик
Ҳалқа	Аждодларга ҳурмат
Зафар Динёр	Аждодларга ҳурмат
Серқуёш ўлка	Ўзбекистон ватанпарварлиги
Чол билан бўри	Миллий одоб, виждонийлик
Нима яхшию, нима ёмон	Миллий одоблилик
Трамвайда	Миллий одоблилик
Мақоллар	Миллий одоблилик
Бахтиёрлар қўшиғи	Ўзбекистонлик болаларнинг ватанпарварлиги
Юлдузлар қани, бувижон	Ўзбекистон ватанпарварлиги, виждонийлик
Қанотли дўстларимиз	Ўзбекистон ватанпарварлиги
Жаҳон болаларининг талаби	Миллатлараро мулоқот маданияти, миллий мафкуравий онглилик
Қ. Муҳаммадий «Нон»	Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллий-мафкуравий онглилик, миллий одоблилик, виждонийлик
Қ. Муҳаммадий «Ўзбекистон»	Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллий мафкуравий онглилик, миллий гурурликни шакллантириш

даланишнинг кўникма ва малакаларига эга бўла бордилар. Миллий тарбиянинг мақсади, вазифаларидан келиб чиқиб адабиёт, тарих, мусиқа, одобнома фанларидаги ҳар бир мавзуга миллий тарбиявий таҳлил қилиш тамойилини қўллаш юзасилан ўқитувчиларга тавсиялар берилди. Шу тариқа дарсликлариинг миллий тарбиявий имкониятларини педагогик таҳлил қилиш усули ишлаб чиқилиб қўлланилди. Бунни қуйидаги намуналарда намоёниш қиламиз:

Қ. Абдуллаева. «Алифбе» дарслиги, 6 ёшлар учун (махсус редактор К. Қосимова) 7-нашри. – Т.: Ўқитувчи, 1992.

МАВЗУЛАР	Ўқитувчи миллий- тарбиявий нуқтан назардан нимага урғу бериши керак: физилятлар, буюмлар, маънавий тушунчаларни уқтириш
1–22-бетлар	Ўқувчиларни миллий ҳаёт манзаралари билан таништириш: полизда; чол ва шолғом; узум узиш; уй ҳайвонлари; онага меҳрибонлик...
А а ҳарфи	Арра, асал
О о ҳарфи	От, олча
Н н ҳарфи	Нон, она, ой, ниначи ва чумоли
И и ҳарфи	Ит, ип
Л л ҳарфи	Лола, илон, лайлак
Р р ҳарфи	Рубоб, таибур
Б б ҳарфи	Бобом, дадам, онам, укам
Т т ҳарфи	Тулки (айёрлик, ростгўйлик)
Э э ҳарфи	Экин, кўм-кўк, эл
Ч ч ҳарфи	Йўлчи чилдирма чалди
Нг нг	Гулсум синглим, ука
Ю ю ҳарфи	Юлдузлар (аҳиллик тушунчаси)
Ҳ ҳ ҳарфи	Шаҳримиз, Ўзбекистон, миллий боғ
Ъ ъ ҳарфи	«Аъло Ватанга ким бўлса фарзанд, ҳамма сизни қилар тенг иззат»

«Ўзбек адабиёти» 5-синф. Дарслик-мажмуа. Б. Саримсоқов,
Т. Халилов, Б. Қурбонбоев. – Т. «Ўқитувчи», 1993.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси. М. Бурхонов, А. Орипов	Ўзбекистонга муҳаббат, алломалар, аждодлар руҳига ҳурмат, Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллий онглилик
Халқ оғзаки ижоди	Аждодлар руҳига ҳурмат, миллий санъатга қизиқиш, вийдонийлик
Мақоллар	Миллий одоб, Ўзбекистон ватанпарварлиги, аждодлар руҳига ҳурмат
Тўмарис	Аждодлар тарихига, маънавиятига ҳурмат, миллат тарихига қизиқиш, ватанпарварлик
Широқ	Аждодлар руҳига ҳурмат, миллий ғурур, фидойилик
Аеотирлар	Миллат тарихини билиш, миллий маданиятга ҳурмат, ақиллик
Ҳайвонлар ҳақида	Миллий маданиятга ҳурмат, миллатлараро мулоқот маданияти
Афсонавий эртаклар. Латифалар	Аждодлар тарихига ҳурмат, ватанпарварлик, миллий маданият, тарихга ҳурмат
Маҳмуд Қошғарий	Аждодлар руҳига ҳурмат, миллат тарихини билиш, миллий одоблилик
Аҳмад Яссавий	Аждодлар тарихига ҳурмат, эътиқодлилик, миллий-мафқуравий онглилик
Рабғузий «Иуҳ пайғамбар кема сафарн ҳикояти»	Аждодлар тарихига ҳурмат, эътиқодлилик, миллат тарихини билиш, жониворларга шафқат
Ҳожа	Эътиқод, донишмандлик
Абдулла Авлоний	Миллий ғурур, аждодлар руҳига ҳурмат, тонқирлик, фаросатлилик, жаҳолатга қарши туриш
Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий	Миллат тарихига қизиқиш, миллий маданиятга, билимга интилиш

Чўлион	Миллий гурур, аждодлар руҳига ҳурмат, Ўзбекистон ватанпарварлиги, замонавийлик
Абдулла Қаҳҳор	Аждодлар тарихига ҳурмат, ҳамдардлик
Миртемир	Миллат тарихига қизиқиш, табиатсеварлик
Усмон Носир	Аждодлар руҳига ҳурмат, миллий маданиятга қизиқиш, Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллий гурур
Ҳамид Олмжон	Ўзбекистон ватанпарварлиги, табиатни ва юртни севиш
Ғафур Ғулом	Ўзбекистон ватанпарварлиги
Асқад Мухтор	Ўзбекистон ватанпарварлиги
Эркин Воҳидов	Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллий одоб, қариндошларга иззатлилик
Абдулла Орипов	Ўзбекистон ватанпарварлиги, аждодлар руҳига ҳурмат, миллат тарихига қизиқиш
Ўткир Ҳошимов	Ота-онага меҳрлилик, миллий одоб
Худойберди Тўхтабоев	Ота-онага меҳрлилик
Шукур Холмирзаев	Ота-онага меҳрлилик, табиатсеварлик
Алишер Навоий	Аждодлар руҳига ҳурмат, ватанпарварлик, виждонийлик, миллий одоблилик
Кайковус	Аждодлар руҳига ҳурмат, ота-онага меҳрлилик
Бердақ	Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий мафкуравий онглилик

«Ватан адабиёти». 9-синф учун дарслик-хрестоматия.
 Тузувчилар: Н. Каримов, О. Мадаев, А. Фазлитдинов,
 Ш. Ризаев. – Т.: «Ўқитувчи», 1993.

Алломниш	Халқии, миллатни бирлаштириш гояси, бахиллик, еахийлик тушунчалари. 10000 уйли қўнғирот эли. «Закот», «эл» тушунчалари; ака- укалик, халқпарварлик, 16 уруғ қўнғирот эли; диёнат, миллий гурур, шаън, миллий тарнх; Ўзбекистон ватанпарварлиги, фидойилнк, садоқат, виждонийлик
XIV–XVI асрлар адабиёти Алишер Навоий	Халқпарварлик, тилга ҳурмат, ростгўйлик, шумлик, мулойимлик, хушфёъллик, ёқимтойлик, ёлғончилик, виждонийлик
XIV–XVIII асрлар адабиёти Махмур	Ижобий ва салбий енфатлар шарҳи: «порахўр» қозилар, лаганбардорлик, виждонийлик
XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошлари адабнёти Муқимий, Фурқат	Ҳукмрон табақалар қонун- қоидаларидап порозилик, тўй, хатмн Қуръон, бахиллик, очкўзлик, мунофнклик, янгилик – жадидчнлик
Завқий	Миллий гурур, шаън, замонавийлик
Аваз Ўтар	Ҳимматлилик, сахийлик, олижаноблик, холис яхшилик, ширин сўзлилик
Ҳамза	Ватанпарварлик, миллатпарварлик, бидъат, жаҳолат, жадидлик, қадимчилик, замонавийлик. Миллий маданиятга ҳурмат, мллий мустақиллик, миллий шеърлар, миллий гурур, маданий қадрият, мустамлакачилик, замонавий ватанпарварлик, Туркистон, миллий руҳсизлик, миллий жаҳолат
Комил Яшин	Диёнат, «сиз» ламоқ, маҳаллийчилик, ўзбек маданияти

Эркин Воҳидов	Аждодларга ҳурмат, ота-онага меҳрлилик
Абдулла Қаҳҳор «Ўтмишдан эртаклар» «Хур қиз»	Қариндошларга меҳрлилик, маҳаллийчилик. Миллий одобга зид ҳоллар, шафқатсизлик «1917 йил ўзгариши...», эркин ҳаёт, зулм, жаҳолат
Пиримкул Қодиров	Юлғичлик, диёнат, ҳалоллик, манфаатпарастлик, ҳушомадгўйлик, «эски-янгилик», қолоқлик, тарқоқлик
Абдулла Орипов «Жаннатга йўл» достони	Ҳасадгўйлик, қора юраклик, олчоқлик, ифво, тухмат, гуноҳ, бепарқлик, ота-онага меҳрлилик, худбинлик, виждон, миллий одоб
Одил Ёқубов	Миллий замонавийлик, ҳаё, миллий одоб, жисмоний ва маънавий гўзаллик, ҳалоллик, покизалик
Мирмуҳсин «Меъмор»	Миллий маданиятга ҳурмат, урф-одатларга ҳурмат, миллий ғурур, ҳалоллик, ишбилармонлик, хиёнаткорлик, разиллик, виждонийлик
Мухтор Авезов	Миллатлараро мулоқот маданияти, туркий халқларга ҳурмат, миллий ғурур
Рабиндранат Тагор	Ватанпарварлик, маърифатлилик, манфаатпарастлик, Ўзбекистонга дўст мамлакатларга биродарлик ҳисси, миллий замонавийлик, қадимийчилик, «овруполашган бенгал зиёлилари», овруполашув, ғарбийлик, ҳинд аёлларига ҳос мустаҳкам ирода, покиза ахлоқ, чидам, матонатлилик тавсифи

Ҳар бир фазилатни шакллантиришнинг асосий шартларидан бири — дастлаб ана шу фазилат, сифат ҳақида ўқитувчиларда, кейин эса ўқувчиларда тушунча, билимнинг мавжудлиги ҳисобланади. Акс ҳолда бу фазилатлар шахс хулқ-атворида намоён бўлмайди, намоён бўлса-да, англаймаганлиги туфайли ўткинчи характерга эга бўлиб қоладн. Иккинчидан, фазилат, сифат ҳақида тушунча, билимнинг тарбияланувчи онгидаги даражасини қайд қилиш лозим. Чуики бунда биз кўрсатаётган тарбиявий таъсир, миллий таълим мазмуни ўқувчилар томонидан қандай ва қай даражада қабул қилинаётгани, бу ишда иималар такомиллаштирилишн ва нималар тузатнлиши кераклигн аниқланади. Дарҳақиқат, шахснинг ҳар бир сифати шу сифатнинг таркибий қисмлари бўлмиш интеллектуал, эмоционал-иродавий ва амалий фаолиятнинг шакллангаилигига ва улар орасидаги уйғунликка боғлиқ. Шу туфайли миллий тарбияланганликнинг ҳар бир фазилати қандай ривожланганини аниқлашда дастлаб ўқувчининг ёшига мос тарзда мазкур фазилат ҳақидаги тасаввурлари, тушунчалари, билимларн ўрганилади. Учинчидан, бу республикамизда амалга оширилаётган таълим мазмунини миллийлаштириш чоралари қандай самара бераётганинн ўрганиш ва такомиллаштириш лозим бўлган янги қирраларини белгилаш имконини беради.

Ана шу қарашларга таяниб, ўрта ва юқори синф ўқувчиларига (уларнинг ёш, заковат хусусиятлари ннобатта олиниб ишлаб чиқилган мезонлар ва синф раҳбарларининг кузатишларига (педагогик консилиум аъзоси сифатида) асосланган ҳолда) миллий тарбиянинг асосий тушунчаларини шарҳлаб бернш таклиф қилинди. Ўқувчиларга қуйидаги сўров варақаси тарқатилди.

СЎРОВ ВАРАҚАСИ

Муҳтарам ўқувчи! Қуйидаги сўзлар, ибораларнинг маъносини Сиз қандай тушунасиз? Марҳамат қилиб, қуйидаги гапларини ўз фикрингиз билан давом эттириб, тугатсангиз:

Миллий гурур бу —

Ўзбекистон ватанпарвари деб шундай кишини айтиш мумкинки, у

Виждонилик бу —

Миллатлараро мулоқот маданияти бу —

Миллий одоб бу —

Миллий-мафкуравий тарбия бу —

Ўқувчиларнинг жавоблари: сўз, ибора маъноси тўлиқ, чуқур очиб берилса — 3, қисман очилса — 2, нотўғри жавоб берса ёки жавоб бера олмаса — 1 балл билан баҳоланди. У ёки бу тушунчага қўйилган баллар жамланиб, йиғинди жавоблар синфга бўлинди. Шундай қилиб, ўқувчиларнинг миллий-истиқлолий тушунчаларни қандай тушунганликлари аниқланди. Ниҳоят, олинган ўртача балларнинг умумий рейтинги тузилди.

Ўқувчиларнинг миллий-тарбиявий фазилатларини тушуниш даражалари ва уларнинг рейтинги (уч балли тизимда)

Ўрни	Тушунча, ибора	балл
1.	Миллий одоб	2,1
2.	Ўзбекистон ватанпарварлиги	1,94
3.	Миллатлараро мулоқот маданияти	1,85
4.	Миллий гурур	0,83
5.	Виждонилик	0,89
6.	Миллий-мафкуравий онглилик	0,51

Кўриниб турганидек, ўқувчиларда миллий-тарбиявий фазилатлар ҳақидаги умумий тушунчалар даражаси дастлаб жуда паст эди. Мавжуд тасаввурлар ҳам тор, ўзаро боғланмаган, ҳаётий мустаҳкамланмаган эди. Бу эса ҳар бир ўқувчи даражасида, ҳар бир синф миқёсида миллий-мафкуравий онглилик, нжтимоий онг, фикр, ҳулоса, баҳо, муносабат, ҳатти-ҳаракатнинг фаол иомоён бўлишини таъминлай олмас эди. Чунки жавобларда ўқувчиларнинг Ўзбекистон, миллат олдидаги бурчлари, аждодларга ҳурмати-ни намоён қилиш муайян тарзлари нисбага туширилмаган эди. Бунга ойдинлик киритиш учун ўқувчилардан олинган айрим характерли жавобларни келтираемиз: «Ватанпарварлик» тушунчасини сўралган ўрта ва юқори синф ўқувчи-

ларининг 43,3 фоизи «ватанга муҳаббат», «туғилган жойини севиш», «ота-онага муҳаббат», «бағрикенглик» каби маъноларда тушунишлари аниқланди. 30,8 фоизи эса ватанга хизмат қилиш, уни куйлаш, мадҳ қилиш, ҳимоя қилиш дея талқин қилинди. Ўқувчиларнинг 8,8 фоизи «ватанпарварлик — бу мамлакатда амалга оширилаётган мустақилликни мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшмоқ, Ватан олдидаги қийинчиликларни ҳал қилишда ҳозиржавоблик, меҳнатсеварлик билан қатнашиш» эканлигини билдирдилар. Ўқувчиларнинг 13,2 фоизи бу саволга жавоб беришга олмади.

«Миллатлараро мулоқот маданияти» ўқувчиларда турлича жавобларни юзага келтирди: сўралганларнинг 2,8 фоизи бу тушунчани «бошқа халқлар тарихи, маданиятини билиш» деб англаган бўлсалар, 35,1 фоизи — одамлар орасидаги дўстлик, бирлик, биродарлик деб атадилар. Ўқувчиларнинг 19,4 фоизи бу тушунчани байналминал жангчиларга ҳурмат, 11,7 фоизи эса халқлар орасидаги ҳамкорлик дея талқин қилдилар. 15,5 фоиз ўқувчилар «турли мамлакатлар болаларининг бир-бирига хат ёзишлари, бир-бирларни билан учрашиб туришлари» деган жавобни берган бўлсалар, 15,4 фоиз ўқувчилар бу нбрани шарҳлай олмадилар.

Ўқувчиларнинг «миллий гуруҳ, миллий истиқлол мафкураси, виждонийлик»ни тушунтиришларида ҳали мавҳумлик ҳукмрон эди. Чунки 70 йилдан ортиқ давом этган совет тарбия тизимида «виждон» тушунчаси ўрганилмаган, тарбия предметига айланмаган, кундалик педагогик лугатда фаол ишлатилмас эди. Миллий истиқлол мафкураси оғи эса эндигина шаклланаётган, унинг педагогик асослари ҳали ишга туширилмаган эди.

«Миллий гуруҳ» тўғридан-тўғри «миллатчилик» дея тушунтирилиб, унга қарши муносабат ҳосил қилинганди. Бу ўқувчиларга берилган «миллатчилик нима?» деган саволга олинган жавобларда ҳам акс этди. Масалан, «Магазин, автобусларда ўзбекча гапирish — миллатчилик деб ўйлайман», «Мен ўзимни миллатчи деб ҳисоблайман, чунки ўз халқимдан фахрланаман», «Миллатчилик бу — ўз

миллатини ҳимоя қилиш. Мен миллатчиликни ёмон кўраман» ва ҳ.к. Ўқувчиларнинг бир қисми миллатчиликнинг аёл моҳияти — бир миллатни иккинчи миллатга қарши қўйиш, ўз миллатини улуғлаб бошқаларни пастга урши эканлигини тўғри баён қилишди.

Ўқитувчиларга юқорида баён қилинган услубий ёрдам тизими кўрсатилиши — тадқиқот амалга оширилган мактабларда гуманитар фанлар бўйича дарс, мавзу олдида миллий тарбияланганлик даражаси кўрсаткичини кўтариш сари қўйилган самарали таълимий қадам бўлди. Илмий-амалий тадқиқот охирида олинган натижаларни қиёслаш ўқувчиларнинг «миллий одоб» ҳақидаги тасаввурлари 2,1 дан 2,9 га, Ўзбекистон ватанпарварлиги ҳақидаги қарашлари 1,94 дан 2,5 га; миллатлараро мулоқот маданияти ҳақидаги билимларни 1,85 дан 2,6 га; миллий ғурур ҳақидаги тушунчаларни 1,83 дан 2,8 га, виждонийлик ҳақидаги тушунчалари 0,89 дан 1,97 га; миллий-мафкуравий онглилик ҳақидаги англаш кўрсаткичлари 0,51 дан 2,2 га оширилганини кўрсатди.

Албатта бу чоралар миллий-тарбиявий тушунчаларни шакллантириш, ўқувчиларни миллий истиқлол руҳида тарбиялашнинг муҳим бир қисми эди, холос. Чунки Ал-Хоразмий таъбири билан айтганда, «Сўз — гул, иш — мевадир». Яъни миллий-тарбиявий тушунчаларнинг пухта эгалланганлиги ҳали ушбу фазилатларнинг ўқувчиларда шаклланишининг кафолатини бера олмасди. Ўқувчиларда бу фазилатларининг намоён бўлиши (мевага айланиши учун) миллий-тарбиявий фаолият турларни, шакллари, услублари тўлиқ ишга тушрилиши лозим эди.

Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари фаолиятида миллий-тарбиявий имкониятларини ишга тушириш

Юқорида биз ўқувчиларнинг миллий тарбияланганлик мезонлари ва уларни ўрганиш, таълимий, миллий-тарбиявий имкониятларни такомиллаштириш услубларини орқали уларни миллий-тарбиявий ислоҳ қилиш ҳақида сўз юритдик. Мазкур вазифа масалага комплекс,

системали ёндашишни тақозо қилади. Бу эса: 1) миллий тарбия мақсадини мактаб педагогик жамоасининг мафкуравий мақсадига айлантириш; 2) педагогик жамоани миллий-тарбиявий вазифаларни ҳал қилишга назарий, услубий тайёрлаш; 3) ўқитувчи, синф раҳбарларини миллий-тарбиявий воситалар, услубий тавсиялар билан таъминлаш; 4) мактаб тарбиявий тизимини шу вақтгача учрамаган миллий-тарбиявий тадбирлар билан бойитиш; 5) ўқувчиларнинг синфдан ташқари фаолиятларини миллий-тарбиявий мақсадга йўналтириш; 6) мактабдан ташқари тарбия муассасалари билан миллий-тарбиявий ҳамкорликнинг илғор шакл, мазмун, услубларини қўллаш каби вазифаларни ҳал қилиш имкониятларини берди.

Мақсадга йўналтирилган миллий тарбия ўқувчи фаолиятининг муайян шакллари орқали амалга оширилади. Фаолиятга асосланган ёндашувда мукаммал ҳал қилиш манфаатидан келиб чиқиб, мактабларда ўқувчиларнинг дарсдан ташқаридаги фаолиятининг жорий шакллари ўрганилди. Жумладан, ўқитувчиларга «Сиз ўқувчиларнинг дарсдан ташқари фаолиятини ташкил қилишда қандай услуб, шакллардан фойдаланяпсиз?» деган савол билан мурожаат қилдик ва жавобларни таҳлил қилдик.

Сўралган 342 нафар халқ таълими ходимларининг 100 фоизи ўқувчиларнинг дарсдан ташқари фаолият турларидан суҳбат, тарбиявий соат, тарихий саналарни нишонлашга асосий эътибор бермоқдалар. Сўралганларнинг 30—40 фоизи мушоира, мунозара, конференция шакллари ва нихоят 10—15 фоизи учрашув, сайр-саёҳат, мусобақа ва бошқа ижтимоий фаолият турларини кўрсатдилар. Кўрииб турганидек, ўқувчиларни тарбиялашда асосан тарбиянинг оғзаки услуб ва шакллари етакчилик қилмоқда эди. Бу эса ўқувчиларда миллий-истиклолий тушуинчаларни маълум даражада шакллантирса-да, тушунчаларнинг хатти-ҳаракат меъёрларида намоён бўлшини таъминлашга қодир эмасди. Шундай қилиб, суҳбат, тарбиявий соат, тарихий саналарни нишонлаш шакллари миллий-тар-

биявий мазмун, ғоя билан бойнгиш ва бошқа тарбиявий шакл, услублар самарадорлигини кўтариш, ўқувчиларнинг амалий фаолиятини кучайтириш тадқиқот йўналишларидан бирига айлантирилди.

Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари фаолиятида миллий ғурурни шакллантиришни педагогик таъминлаш вазифаси бу жараёнга янги воситалар, услублар, мазмунни кириштишни тақозо қилади. Чунки ҳали миллий ғурурни яратувчилик мақсадларида тарбиялаш назарий, амалий жиҳатдан ишлаб чиқилмаган ва бу жараён аксарият ижтимоий тарбияда амалга ошмоқда. Бу жараёни илмий-услубий таъминлаш янги тадбир ва воситалар тизимини ишлаб чиқишни талаб қилади. Ана шундай воситалардан бири – мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган миллий-маданий тадбир – «Мерос» Давлат дастуридир. Дастур бевосита мустақилликни мустаҳкамлаш, миллий қадриятларни тиклашга қаратилган бўлиб, Ўзбекистон халқ анъаналари ва маросимларини тиклаш, тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш, ўрганиш ва таъмирлаш, 2000 йилгача бўлган даврда республикада туризмни ривожлантириш концепцияси ва дастури деб номланди. («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1992 йил 12 июнь). Бироқ мазкур дастурнинг Ўзбекистон мактабларида ўтказилган миллий-тарбиявий тадбирлари учун ғоят бой, мафкуравий-маънавий, маданий имкониятлари услубий жиҳатдан ишлаб чиқилмаган эди. Бу дастурнинг «2000 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида ўтадиган катта тўйлар, ижодкорларнинг юбилейлари, маданий тадбирлар» бобидаги тадбирларни мактаб тарбиявий ишлар тизимига жорий қилиш йўллари қидирилди. Ишлаб чиқарилган тадбирлар «Даҳо куни» умумий рухни остида амалга оширилди. «Даҳо куни» ўқувчиларни ўзбек халқи ва бошқа халқлардан етишиб чиққан буюк сиймолар, шоир, файласуфлар, олимларнинг болалиги, ҳаёти, ижоди билан таништиришга хизмат қилади ва ўқувчиларда миллий ғурурни, миллий-тарбиявий онглиликни, миллатлараро мулоқот маданияти шакллантиришга хизмат қилади...

Мактабларда доимий, энг кўн қўллапилаётган тарбиявий шакллардан бири — тарбиявий соатдир. Тадқиқот жараёнида биз тарбиявий соатларнинг янги, экспериментал мажмуини ишлаб чиқиб, тадқиқот доирасидаги мактабларга жорий қилдик. Тарбиявий соатни режалаштириш, ташкил қилиш, ўтказиш, уни ҳаёт билан, ўзидан олдинги ва кейинги мавзулар билан боғлапишига алоҳида эътибор берилди.

Миллий-тарбиявий тадбир шакл ва суҳбатлар мазмуни, мавзуси ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, имкониятлари, ижтимоий тажрибага эгалликлари (миллий роль субъекти сифатида) қараб танланди. «Биз киммиз?» руқни доирасида қуйидагилар амалга оширилди:

Биз нечун севамиз Ўзбекистонни? (мунозара).

Миллий ўйинларимиз (суҳбат).

Исмингизнинг маъноси (маъруза).

Ҳашарнинг моҳияти нимада? (мунозара)

Салом ва алик (трейнинг).

Дастурхон, таом, одоб (маҳалла фаоллари билан учрашув).

Меҳмон ва мезбон (маҳалла фаоллари билан учрашув).

Кийиниш одобимиз қандай? (баҳс)

Наврўз, ҳайитлар (Маънавият ва маърифат маркази вакили билан учрашув).

Ўзбек тўйлари, тўёна (маҳалла фаоллари билан учрашув).

Боболар одати эскиликми? (этнографик суҳбат)

Уруғ. Шажара. Миллат. Инсоният (давра суҳбати).

Виждонийлик ҳақида (мунозара).

Ўқувчиларнинг миллий маросим одоблари (баҳс).

Мисол тариқасида «Боболар одати эскиликми?» мавзусидаги суҳбатнинг миллий-тарбиявий имкониятларига намуналар келтирамиз.

Савобнинг маъноси

Ўқитувчи: «Ота-боболаримиз ҳам бир вақтлар худди сизлардек ёш бўлганлар. Ўша пайтларда ўзбек шаҳар-қишлоқларида бир одат бўларди: айрим уй, ҳовлиларнинг кўча

эшиги олдида бўш кўза, челақни кўриш мумкин эдн. Бу нимаи англлатган? Бу — «Биз хонадонда қариялар (ёки беморлар) яшаймиз. Сувимиз тугади. Сувни келтиришга қувватимиз етмаяпти» деган маънони англатар эди. Бу ердан ўтиб кетаётган ўсмирлар (ҳозирги боболаримиз) қанчалик шошилмасинлар, қанчалик ўйинни севмасинлар, «бояқиш кампир, бемор киши сувсиз қолибди», деб кўза, челақни олиб, қудуқ ёки ҳовуздан сувга тўлдириб, ўша муҳтож киши яшайдиган эшик тагига келтиргач, унинг ҳалқасини бир-икки қоқиб кетишарди. Ота-боболаримиз бу ишни «савоб, хайрли иш» деб билганлар.

Боболаримиз одамларга шу сингари ёрдамлар бернишга доимо тайёр бўлганлар, ариқлардан, йўллардан ахлатларни, тошларни четга олиб ташлаганлар, катталарга, аёлларга кўлидан келганча кўмак беришга ҳаракат қилганлар».

«Боболар олати» суҳбатида ўртага ташланган саволлар:

1. Нима учун айрим ҳовлилар эшиги олдида бўш кўза, челақ турган?

2. Ўша пайтлар ёш бола бўлган боболаримиз нима учун бу идишларни кўриб, ўтиб кетавермаганлар? Ахир касал кишилар сувни ким келтирганини бари бир билмаганлар-ку?

3. Сиз боболарингизга ўхшаб савоб иш, яхшилик қилган кишиларни кўрганмисиз? Ўзингиз-чи? Мисоллар келтиринг.

4. Имконияти бўла туриб савоб иш қилмаганларни-чи? Мисоллар борми?

5. Синф жамоасининг бу масалага муносабати қандай? Биз қандай болалар, кишилар бўлмоғимиз керак? Нима учун?

1992–1993 ўқув йилида, шунингдек,

Сўфи Оллоёрнинг 300 йиллиги;

Нодиранинг 200 йиллиги;

Мирийнинг 150 йиллиги;

Хуршиднинг 100 йиллиги;

Массон ва Беляев ўқувлари;

Беруний «Ҳиндистон» асарининг 960 йиллиги;

Абдурахмон Жомий вафотининг 500 йиллигига бағишланган хотира кечаларни ўтказиш.

1993—1994 ўқув йилида:

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 510 йиллиги;

Завқийнинг 140 йиллиги;

Эргаш Жуманбулбулнинг 125 йиллиги;

Ғози Олим Юнусовнинг 90 йиллиги;

Элбекининг 90 йиллиги;

«Шоҳнома»нинг 1000 йиллигини ўтказиш.

1994—1995 ўқув йилида:

Улуғбекнинг 600 йиллик халқаро тўйи;

Ферузнинг 150 йиллиги;

Сўфизоданинг 125 йиллиги;

Аваз Ўтарнинг 110 йиллиги;

Абдулла Қодирийнинг 100 йиллиги;

Ботунинг 90 йиллиги;

Боровковнинг 90 йиллиги;

Аюб Ғуломовнинг ва Фаттоҳ Абдуллаевининг 80 йиллиги;

«Кутадғу билиг»нинг 925 йиллиги;

«Ҳазойин ул-маоний» кулнети тузилганининг 500 йиллигини ўтказиш.

1995—1996 ўқув йилида:

Муҳаммад Солиҳнинг 540 йиллиги;

Ойбек, Ҳоди Зариф, Отажон Ҳошим, Уйғун, Собир Абдулла, Собиржон Иброҳимов, Улуғ Турсунов каби нжодкор олимларнинг 90 йилликлари;

Зулфиянинг 80 ёшлик тўйини ўтказиш.

1996—1997 ўқув йилида:

Хиромийнинг 200 йиллиги;

Фитратнинг 110 йиллиги;

Ғозил Йўлдош ўғлининг 125 йиллигини ўтказиш.

1997—1998 ўқув йилида:

Чўлпоннинг 100 йиллиги;

Абдулла Қаҳҳорнинг 90 йиллиги;

Ҳомил Ёқубовнинг 90 йиллиги;

Эркин Воҳидовнинг 60 йиллиги;

«Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги;
«Девони луғатит-турк»нинг 925 йиллигини ўтказиш.
1998–1999 ўқув йилида:
Огаҳийнинг 190 йиллиги;
Пўлкан шоирнинг 125 йиллиги;
Фурқатнинг 140 йиллиги;
Ҳамзанинг 110 йиллиги;
Ғулом Зафарийнинг 100 йиллиги;
Шайхзода, Ҳамид Олимжоннинг 90 йилликлари;
«Қиссаси Рабғузӣ» асари яратилганининг 690 йиллигини ўтказиш.

2000–2001 ўқув йилларида:

Муқимийнинг 150 йиллиги;

Ҳабибий, Шокир Сулаймон, Солиҳ Муталлибовларнинг 100 йилликлари, Миртемир, Мансур Абзалов, В. Решетовнинг 90 йилликлари;

Ибн Синонинг машҳур «Қонун ат-тиб» асари яратилганининг 1000 йиллигини йирик маросимлар сифатида режалаштириш ва нишонлаш тавсия этилди.

Дастурда махсус қайд этилганидан ташқари, Беруний, Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр, Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий, Фурқат, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир кунлари ҳар йили нишонланади.

«Мерос» дастурида миллий санъат турларини ривожлантириш ва санъаткорларимиз руҳи покларини шод этишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Маннон Уйғур, Юнус Ражабий, Хожи Абдулазиз Абдурасулов, Юсуфжон қизиқ уй-музейлари, Бухорода домла Ҳалим Ибодов, Наманганда Уста Рўзимархон, Хивада Матпаноота, Урганчда Комилжон Отаниёзов уй-музейлари барпо этилиши мўлжалландики, бу ишлар ҳам умуммиллий, ҳам минтақавий хусусият касб этиб, миллий тарбия нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Шу тариқа тарбиявий ишлар тизимида энг кўп, мунтазам, расмий байрам қилинаётган «Тарихий саналарни нишонлаш» шакли «Мерос» давлат дастури билан мувофиқлаштирилди ва экспериментал мактаблар тарбиявий тизимига жорий қилинди.

Миллий-тарбиявий фазилатларнинг асослари ўқувчилар ўртасида кичик мактаб ёшдан бошлаб аста-секин такомиллаштирилиб борилди. Чунки (ўғил ва қиз) бола биринчи синфга қадам қўяр экан, у ўзи билан бирга ўз оиласидаги ҳаёт тарзи, муносабатлар тажрибасини ҳам олиб келади. Мактаб эса уларни барчага баробар умумий талаблар, ҳаммага бир хил муносабатда бўлувчи ўқитувчи сиймосида кутиб олади. Шунинг учун ҳам бошланғич синф ўқувчилари мактабдаги «янги ҳаёт»га тез кўникадилар. Яъни, биринчи синфдан бошлаб уларда қандай фазилатлар талаб қилинса, ўқтирилса, уларни меъёр сифатида табиий қабул қиладилар ва бажарадилар. Бошланғич синфларда (мустақил ҳаётий тажриба етишмаслиги туфайли) болалар аввало ўқитувчиларига тақлид қиладилар, уларнинг фикрларига алоҳида эътибор билан қараб амал қиладилар. Янги шароитнинг янги талабларини баён қилувчи, кўрсатувчи ва қайта сўровчи — «ҳамма нарсани билувчи» биринчи ўқитувчиларнинг юқори даражада ва табиий ҳолда ҳурмат қилиниши ҳам шу билан изоҳланади. Яъни, бошланғич синф ўқувчиларига хос: ўқитувчиларнинг сўзлари, талабларига бўлган юксак ишониш, фаол ижро этиш, тийрак идрок, софлик, беихтиёрлик, эргашувчанлик, мактабга, ўқишга иштиёқ, тақлид орқали хулқ-атвор меъёрларини тез, қаршиликсиз ўзлаштириш миллий тарбиянинг самарали омилidir.

Бошланғич таълим ўқувчиларда миллий-тарбиявий фазилатларни шакллантиришнинг илк ва энг қулай даври эканлиги бизнинг тажрибамизда тўла тасдиқланди. Мисол тариқасида миллий одобнинг қирраларидан бири — каттаю кичикни «сиз»лашга ўргатиш тажрибасининг натижаларини кўрсатамиз.

Самарқанд тумани 63-таянч мактаби 1-синф ўқитувчиси М. Туюнов, Самарқанд шаҳар 64-ўрта мактаб 3-синф ўқитувчиси З. Фуломовлар ижросида ўтказган тажрибаларимиз — синфда болаларнинг бир-бирларини «сиз»лашлари нафақат миллий муомала гузаллигида, балки болаларнинг ўзаро муносабатларида ҳам ажиб бир маънавий-

ликни найдо қилди. Юқорида қайд қилинган ва бошқа мактабларда ўтказилган тажрибалар умумлаштирилди ва ушбу фазилатни жорий қилиш педагогик консилиум аъзоларининг қуйидаги баҳоларига асос бўлди:

1. «Сиз»лаш ва «сиз»ланиш орқали илгари фақат «сен»ланган болалар бировни «сиз»лаб ҳурмат қилишдан, бошқалар эса «сиз»ланиб ҳурмат қилинишдан мамнун бўлиши кузатилди. Болалар ўзларидаги «Мен»нинг қадрини била бордилар.

2. Ўқувчиларнинг муносабатлари илиқлашди, самимийлашди.

3. Боланинг ўз тенгдоши томонидан «сиз»ланиши — «сиз»ланишга лойиқ бўлиш мажбуриятини юклади ва уларни салбий ҳаракатлар қилиб, бировни хафа қилиб, «сен»ланишдан сақлай бошлади.

4. «Сиз»лаш 3-синфдан жорий қилинган синфларда илгари тез-тез эшитилиб турган «сен», «ў-ў-в», «ўл», «жинни» каби дағал, ёқимсиз сўзларга барҳам берди.

5. Болалар бировни ҳурмат қилиш, буни намоён қилиш шакли қандай бўлишини ва қандай бўлмаслиги кераклигини амалда кўра бошладилар. Бу эса, педагогик консилиум аъзоларининг хулосаларига кўра, келажакда:

а) «Миллатни бирлаштиришга ҳалақит берадиган нарсалардан озод бўлишимиз керак» (И. Каримов)лиги ҳақидаги истиқлолий заруратни амалга оширишга; ўзбеклар орасидаги, Ўзбекистоннинг турли миллатлари вакиллари орасидаги муносабатларда учраб турган сенсираш, дағал, ёқимсиз ҳазил, қўполликларнинг аста-секин йўқолишига, умуммиллий маънавий бирликка олиб келади;

б) Ғарбда тобора кенг тарқалиб бораётган «авлодлар орасидаги тафовут», худбинлик, индивидуализм ва эгонизмнинг Ўзбекистонга кириб келишига қарши маънавий иммунитетни кучайтиради.

Тажриба синфларида миллий одоб ва виждонийлик фазилатлари уйғунлигига эришиш ҳаяжонли натижалар оғушида кечди. Ўқувчиларга «дўстлик» тушунчасини уқитишда унинг намоён бўлиши, чегараси, бурчлари ва одоб-и ҳаётини мисолларда кўрсатишди. Жумладан, бир ўртоқ

бемор бўлиб қолса, бу унинг учун, ота-онаси учун қайғу келтириши, ана шунда беморни йўқлаб бориш — ҳар бир дўст, биродар, нок виждонли синфдош, танишнинг ўзбекона бурчи экани, бемор кўришнинг миллий одоби — кўникма ва малакалари таъсирчан қилиб сингдириб борилади. Бу ишнинг самараси 5-«а» синф ўқувчиси Азиз Б. буйрагидаги тош туфайли узоқ муддат касал бўлиб ётганида унинг синфдошлари ўзаро келишиб, ўртоқларидан хабардор бўлиб турганликларида намоён бўлди. Азизнинг отаси бола 5 ёшлигида вафот этган бўлиб, рўзгорнинг барча ташвиши онаси — Гулнора хола зиммасида эди. Синфдошлар ўзаро маслаҳатлашиб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб касал ҳолидан хабар олиб турдилар. Биз «Дўстлик» мавзусидаги тарбиявий соатда: «Бемордан ҳол-аҳвол сўрашга борганда бирон нарса олиб бориш шарт эмас. Гап ширин сўзлаб, беморнинг руҳини кўтаришда, унинг димоғини чоғ этишда», деган эдик. Азизни кўришга борган биринчи ва иккинчи гуруҳлар ҳеч нарсасиз, мактабдан чиқиб, тўғри боришди. Иккинчи гуруҳ болалар Азизни кўриб қайтгач, олижаноблик кўрсатдилар. Улар 1994 йил 1 март куни Илҳомжон бошчилигида боришга келишиб олишди ва унинг «Бирон нарса олиб бормаимизми?» деган таклифини жондидан қувватладилар ва баҳоли қудрат кимдир бир нарча гўшт, кимдир бир коса гуруч, кимдир сабзи, кимлардир қўшилишиб 2 та ширмой нон олишиб, бир жойга йиғилишиб боришди. Бундай ҳамдардлик ва самимиятнинг кўрган Гулнора холанинг кўзларига ёш келди. Албатта, гап болалар келтирган егуликда эмас эди, балки ўзининг 12 ёшли тўнғич ўғлининг бегона болалар томонидан бу даражада эъзозланишини кўрганлигида эди. Болалар чаққонлик билан Гулнора холага у-бу ишларда, дастурхон тузашда ёрдам беришли. Йўқлаб борган ўқувчилар учун Азизларнинг хонтахтаси торлик қилиб қолди. Ўктам, Ваҳоб ва Матлаблар Гулнора холага қўшнингнинг хонтахтасини олиб келишда кўмаклашдилар ва ҳ.к. Синфдошлар 2 соатлар чамаси Азиз билан гаплашиб ўтиришди, синфда, мактабда рўй берган қизиқ воқеалар, янгиликлардан бохабар қилдилар. Бирга овқат еб, фотиҳа қилишиб, нарсаларни йиғиштириб, хонтахтани элтиб бериб, хайрлашиб уй-уйларига кетишди.

Гулнора хола бундай оқибатли, фаросатли, мурувватли болаларга раҳматлар айтиб, кўзда ёш билан уларни кузатиб қолди...

Миллий одоб туркумига саломлашиш маданиятини шакллантириш ҳам махсус вазифа сифатида киритилган эди. Дастлаб ўқувчиларга саломлашишнинг маъноси, мақсади, ҳикмати ва унинг маданий кўринишлари ҳақида биланмлар берилди. Кейин саломлашиш одоби, хатти-ҳаракатлари кўрсатилди. Билимларни мустаҳкамлаш, ҳаёт билан боғлаш мақсадида ўқувчиларга турли вазиятларда: биринчи бўлиб салом бериш; кучоқ очиб кўришиш; қўл бериб кўришишнинг имкони бўлмаганда; йигин ўтаётган хонага кирганда; телефонда; оилада; маросимларда; транспортда; йўлда пиёда кетаётган пайтлардаги саломлашиш қоидалари, меъёрлари, табассум уқтирилди, кўрсатилди ва машқ қилдирилди.

Дастлаб ўқувчилар бунини ўзларига хос шўхлик билан енгил қабул қилдилар. Бироқ кейинчалик уларнинг муносабатлари ўзгариб, жиддийлаша борди. Чунки ушбу кўникма — саломлашиш одоби уларга сингдирилаётган миллий-тарбиявий таъсир тизимининг таркибий қисми эди. Иссиқ, самимий ва табассум билан саломлашиш улар илгари ўйлаганидек оддий, эътиборсиз нарса эмас, балки кишига гўзал ва самимий муносабатни ва бу орқалн бошқа кишиларда ўзига ҳам гўзал ва самимий муносабатни ҳосил қилиши, бу эса ўқувчилар учун, яъни бўлажак врач, фермер, тижоратчи, менежерлар учун қанчалик муҳимлигини тушунтириш уларда қизиқиш, маънавий ва ҳатто моддий манфаатдорлик ҳисларини кўзғатди. Бу чоралар омукталашиб, пировард натижада ўқувчиларда «миллий одоб» туркумини тарбиялашнинг муваффақиятини таъминлади.

Миллий тарбия нуқтаи назаридан қараганда, ўсмирлик ёши (11—14 ёшлар) миллий онгнинг, тушунчаларнинг, эътиқоднинг шаклланиши, ижтимоий муносабатларни баҳолаш тизимини қўллай бошлаши билан муҳимдир. Миллатлараро мулоқот маданияти учун муҳим бўлган, бегона кишилар маънавий дунёсини ҳис қилиш, уларнинг қайғусига ҳамдард, шодлигидан шодлана олиш (эмпатия)

қобилияти ҳам айнаи шу даврда яққол намоён бўлади. Бундан ташқари, ўсмирлик даври яна шуниси билан характерлики, жамият учун фойдали ишнинг мотивлари ўсмирларнинг ижтимоий-психологик эҳтиёжларига мос келади (Э. Д. Фельдштейн). Бу эса, ўз навбатида, ўсмирларни Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллий истиқлол мафкураси руҳи билан суғорилган ижтимоий фойдали фаолликка жалб қилиш имконини беради. Бундай фаолиятда ўсмирлар миллий тарбиявий фазилатларни амалда намоён қилиш имконига эга бўлишади.

Миллий истиқлол ҳақидаги билимлар, миллий қадриятни тиклаш ҳаракати, турли миллатларга мансуб кишилар билан бўлган мулоқот таъсирида ўсмирнинг миллий мафкуравий дунёқараш шакллана боради. Ўсмир бошқалар билан фаол мулоқотда бўлгани, ўз ҳис-туйғуларини бошқалар тушунишларини, қалбидаги ҳис-туйғуларни бировга айтиши, ўртоқлашишни истайди. Аммо бу эҳтиёжларни қондириш учун унда ҳаётини тажриба етмайди. Ана шу иштиёқ, интилиш, ўсмирнинг ўзига дўст излашидан миллий тарбия мақсадларида унумли фойдаланиш мумкин.

Ўсмирлик даври Шарқ муҳитида кескин зиддиятлардан хол қечса-да, бу даврининг баъзи хусусиятлари миллий тарбия жараёнини мураккаблаштириши мумкин. Ўсмирларга ҳос теvarак-атрофга, ижтимоий, мафкуравий, миллий-маданий соҳаларга дахлдор воқеаларга баҳо берилганда ўта ошириб ёки камайтириб юбориш ҳоллари ўзарлик туйғуларнинг бекорлигига, бу эса баъзи ҳолларда маҳаллийчилик, миллий худбинлик, пугилизм, мақтанчоқлик, этиоцентризм кайфиятларининг намоён бўлишига олиб келиши ҳам мумкин. Ана шу салбий оғишларнинг олдини олиш учун ўсмирлар миллий туйғуларини қаровсиз қолдирмаслик керак, бадки ўз вақтида миллий мафкуравий онглик, Ўзбекистон ватанпарварлиги фазилатлари билан омукташтириш даркор. Бунинг учун Ўзбекистон барча фуқаролар — турли миллат вакиллари ягона, ёлғиз Ватани эканлиги, демак, Ўзбекистон байроғи — барчамизнинг байроғимиз эканлиги, демак, Ўзбекистонда ис-

тиқомат қилаётган барча халқлар: рус, қозоқ, туркман, тожик, арман, уйғур — барчанинг мақсади ана шу ягона Ватанни гуллатиш бўлиши лозимлиги ва то абад шундай бўлиб қолиши кераклиги; Ўзбекистоннинг қуввати, обрўси, бойлиги, миллатидаи қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг қуввати, обрўси, бойлиги, фаровонлиги экани; Ватан, эл бошига пш тушганда, иқтисодий ёхуд бошқа қийинчиликлар пайдо бўлганида миллатдан, Ватандан нолган, уни ташлаб енгил ҳаёт излаган киши «инсон» деган номга лойиқ эмаслиги, қайси миллат ўз Ватанини севмаса ўша Ватаннинг, миллатнинг келажаги йўқлиги; Ўзбекистонимизнинг келажаги буюклиги ва уни барпо этиш ҳар бир болага боғлиқлиги ўқувчиларнинг эътиқодига айлаптира борилмоғи керак.

8-синф раҳбари Салоҳиддин ака навбатдаги тарбиявий соатни ўтказиш учун биз тавсия этган материал асосида шайлашга келдилар.

«Болалар, — деб секин гап бошлади у киши. — Бугунги тарбиявий соат мавзуси «Ватанинг баҳоси борми?» деб аталади (ўспиринлар бир-бирига ҳайрат, ажабланиш билан қараб қўйдилар). Ҳа-ҳа, адашмадим. Кечаги ҳафта телевизорда бир воқеани кўрсатишди. Азбаройи тўлқинланиб кетганимдан айрим рақамларни ҳам ёзиб олдим.

Божхона хизматини биласизлар-а? Икки давлат чегарасида мол, товарларнинг келиб-кетшини текшириб, қонуний ва ноқонунийлигини аниқловчи ташкилот. Мени аччиқлатирган нарсаси — икки ўзбек врачининг қилмишлари бўлди. Улардан бири 40 тонна лимонни ноқонунли равишда, давлатни, божхоначиларни алдаб Россияга олиб ўтмоқчи бўлибди. Умрида лимон экиб кўрмаган бу одам, Ўзбекистон Қизил яримой жамияти номидан Санкт-Петербургдаги, ҳеч қачон бўлмаган бир фирма билан қалбаки «шартнома» тузиб, халқимиз бозорини қиммат қилиб, харом фойлага ружу қўйибди.

Иккинчи учар ҳам врач экан. Уни мен ҳеч қачон кечира олмасам керак. Чунки бу одам ўзимизда ватандошларимиз қидириб юрган тансиқ дорп — церебризинни Россияга яширинча олиб ўтмоқчи бўлибди. Автомобиль

ҳалокати туфайли ёки бошқа бирор сабаб билан бош мия силжишга учраган беморлар кўпинча церебринсинсиз тузалмайди...

— Дарвоқе, Мақсуджон, сизнинг дадангиз бултур йўл-транспорт ҳалокатига учраган эдилар-а? Ҳозир яхши бўлиб кетдиларми? Билишимча, дадангиз ана шу доридан наф кўрган эдилар.

— Ҳа, акам бу дорини бозордан келтирган эдилар.

— Нархи ёдингиздами?

— Йўқ, ёдимдан кўтарилибди.

— Мен аниқладим, қўлда бу дори ниҳоятда қиммат. Донаси 3000 сўм-купон (бу ерда миллий валютамызгача бўлган давр назарда тутилмоқда) экаи. Ўша врач ватандошларимизни даволаши керак бўлган 2 000 000 сўм-купонлик церебринсинни Россияга олиб бориб, 30 000 000 сўм-купон фойда қилмоқчи бўлибди. Қани, сизлар ҳам энди ёш бола эмассизлар — бундай кишининг ўз ватани — Ўзбекистонга қилган қилмишини қандай баҳолайсизлар? Шаҳлохон, Нодиржон, Эсирган, сизлар врач бўлиш-пи орзу қилмоқдасиз. Шу ишга нима дейсизлар?»

Болалар «нонсофлик», «очкўзлик», «ўғрилиқ», «ватанга хиёнат» деб жавоб бердилар.

«Тўғри айтасизлар. Лекин ҳамма нарсани очик айтиш керак. Ҳозир республикамиз бозор иқтисодиётига ўтаётган, мураккаб давр. Демак, бизда ҳам тижоратчилар кўпаяди. Орангиздап кимлардир тадбиркор, тижоратчи бўлар, бироқ ватанпарвар тижоратчининг нияти, қўли, виллоци пок бўлади. Шунинг учун мен бу пикки нуханинг қилмишини, аввало, виждонсизлик, дегим келади. Чунки улар бу ишнинг ноқонуний, жиноят экаилитини, турли миллатга мансуб Ўзбекистон халқи бу дориларга муҳтож бўлиб турганини кўриб-билиб туриб шу ишни қилган. Мен бу нухаларни ватансевмаслар, дегим келади. Чунки, аввало виждон, кейин Ўзбекистон қонунлари олдидаги бурч бузилган. Ватанпарвар одам Ўзбекистонга фойда, обрў, ҳурмат келтиради, ватансевмас эса худди ўз уйидаги нарсасини ўғирлаб сотган кишидек, зарар келтиради. Тўғри, 30 миллион сўм-купон катта пул, давлат. Бироқ Ватаннинг, миллатнинг баҳоси, қадри 30 миллион сўм-купон

эмас-ку! Ватан — бебаҳо, Ватаи, миллат сотиб олинмайди, сотилмайди. Бунга Ўзбекистоннинг миллий гурурли ватанпарварлари ҳеч қачон йўл қўймайдилар, тўғрими?»

Тарбиявий соат давомида ўсмирлар аста-секин мунозарага киришиб кетдилар. Асосий мақсад ўқувчиларда Ўзбекистон ватанпарварлиги, виждонийлик, миллий-мафкуравий онглиликни уйғунлаштириш эди. Тарбиявий соат давомида Ўзбекистон ватанпарварлигига, виждонийликка ва миллий мафкуравий онглиликка ижобий ҳаётий намуналар ҳам келтириб, ҳулоса ясалди.

Миллий мафкуравий онглиликни шакллантириш ва бу жараёнинг ҳаётийлигини оширувчи воситалардан бири — ўқувчиларни вақтли матбуотни ўқнишга, ўрганишга жалб этишдир. Бунда ҳам таълимий, ҳам тарбиявий йўналишлар бирлигидан келиб чиқиш ўз самарадорлигини кўрсатди.

Матбуот материалларидан ўқув ва миллий-тарбиявий жараёнда фойдаланиш намунасини 13-сон умумтаълим мактабининг 9-«б» синфи раҳбари А. Саҳаддинов фаолияти мисолида келтирамиз. Биз синф раҳбарига дастлаб:

даврий матбуот материаллари бўйича синф кундалигини тутиш;

миллий истиқлол мавзуси бўйича матбуотда берилган материалларни қирқиб йиғиш, альбомлар тайёрлашни эса ўқувчиларга топшириш;

мавзу бўйича тарбиявий соат ўтишни режалаштириб, мустақил Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати кўрсаткичларини матбуот материаллари асосида ўрганиб, диаграмма, жадваллар тузиш;

тарбиявий соат мавзуси билан боғлиқ мақолалар бўйича мунозаралар ташкил қилиш;

матбуотда ёритилаётган хабарларни ўқиш ва шарҳлаш, муҳокама қилишда Ўзбекистон ва жаҳон хариталаридан фойдаланишга доир илмий-услубий тавсиялар берилди.

Ўқувчиларда миллий-мафкуравий онглиликни шакллантиришда матбуот материалларидан фойдаланишнинг тематик кундалик шакли ҳақиқатан ҳам самарали бўлиб чиқди. Жумладан, А. Саҳаддиновнинг тажрибаси давомида:

«Ўзбекистон ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсати», «Марказий Оспё мамлакатларида», «Жаҳон воқеалари», «Миллий истиқлол мафкураси ҳақида», «Миллий қадриятларимиз — бпзнинг қадриятларимиз» кабн бўлимлар ўқувчилар томонидан қизиқиш билан кутиб олпндн, матбуот билан ишлаш ҳар бир ўқувчининг вазифасига айланди; синф ўқувчиларида мустақиллик, мпллий мафкуравий онглилик, дунёқарашнинг кенгайиши, миллий тарбиянинг ҳаётийлиги намоён бўла бошлади.

Ўқувчиларда виждонпйлкни тарбиялаш миллий тарбиянинг марказий вазифаларидан бўлиб, **ундан мақсад:**

ҳар бир ўқувчида ўзининг ўқувчилик, фарзандлик, ватапарварлик, бўлажак миллий, фуқаролик бурчларини мукамал англаш ва уларга доимо амал қилишни;

донмо ва ҳамма жойда ростгўй бўлишни;

миллий одобга, Ўзбекистон ватанпарварлигига, миллатлараро мулоқот маданиятига, миллий истиқлолий мафкурага, миллий ғурурга зид хатти-ҳаракатни танпй билиш ва уларга қарши туриш, ўртоқларни бундай йўлдан қайтаришга ҳаракат қилпшпи;

ваъда бера мукамал бажаришни;

билмай хато, гуноҳ қилса дарҳол ўзи кечирим сўрай олишга, ёлғончилик, тутуриқсизлик, субутсизликни донмо, ҳамма жойда қоралашга қодирликни шакллантириш эди.

Виждонийлкни тарбиялашга, рнвожлантиришга ҳадақит бераётган омиллар, ўқувчиларда ахлоқий билим ва унга амал қилиш орасидаги тафовут сабаблари ўрганилдн. Улар қуйидагиларда намоён бўлди:

ота-оналарнинг болаларни алдашларп, ваъда бернб бажармасликларп, йўқ нарсалар билан кўрқитишлари;

оилада, кўча-кўйда виждонийлкка зид, салбнй ми-солларни кўриш (сўкиниб гапириш уятлпгнни бияпш, лекин кўчада айрим катталарнинг сўкиниб гапнраётганп-ни кўриш, эшитиш; укаспнинг онаси томонидан алдаб овунтирилганппп кўргач, «ёлғон гапприш мумкин экан» деган фикрга кўп марта келнш ва ҳ.к.);

тарбиянинг асосан сўз орқали амалга ошириб қолинаётганп;

ўқувчига қўйилаётган педагогик ва бошқа талабларнинг ҳаддан ташқари соддалиги ёхуд аксинча — мураккаблиги;

ўқувчиининг ёш, шахсий, психологик хусусиятларини ҳисобга олмаслик;

ўқувчиларда ўзи қилаётган ҳар бир хатти-ҳаракатнинг тўғрилигига эътиқод ва масъулиятнинг шакллантирилмагани;

ўқувчи фаолият турларининг мазмунан камбағаллиги, чеклангани;

ўқувчиларда оила, маҳалла, мактаб, кўча ва жамоат жойларида ўзини қандай тутиш бўйича малака, одатларнинг махсус шакллантирилмагани ва машқ қилдирилмагани. Натижада, «Одамларга иисбатан ахлоқ нормалари ва қоидаларининг бузилганлиги, ахлоқий бурчнинг, жамият олдидаги вазифаларнинг бажарилмай қолиши кн-шида уялиш ҳисси ва виждон азоби сингари кечималар туғилишига сабаб бўлди»¹;

ўқитувчи, тарбиячи, ота-оналар, маҳалланинги ўқувчилар томонидан ахлоқ меъёрларининг бузилишига эътиборсизлик, ҳафсалаеизлик, кўриб-кўрмасликка, билиб-билмасликка олиши;

ўқувчиларга миллий тарбиявий фазилатлар ҳақида билим бериш билан чекланиб қолиб, шу фазилатларни иамоёи қилишни талаб қилувчи фаолият турларини ташкил қилмаслик (масалан, ўқувчига саломлашиш маданияти ҳақида билим бериш, лекин саломлашиш маданиятини синфга жорий қилмаелик, назорат қилмаслик, изчилликнинг етишмаслиги);

айрим ўқитувчиларнинг ўқувчиларга адолатсиз муносабатлари (масалан, «гап қайтарганлик учун» кимёдан «2» қўйиш ва ҳ.к.);

оила ва мактабнинг миллий-тарбиявий талабларининг мувофиқлаштирилмагани ва бошқалар.

Мазкур ҳолатнинг педагогик таҳлилидан келиб чиқиб,

¹ В. Ивалов. Умумий психология. Педагогика институтларининг студентлари учун қўлланма. Тузатилган ва тўлдирилган 3-нашр. — Т.: Ўрта ва олий мактаб. 1962, 341-бет.

тадқиқот жараёнида ўқувчиларда миллий истиқлолий виждонийликни тарбиялашнинг қуйидаги чоралари белгиланди ва амалга оширилди:

а) ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали, жамоатчилик фаолиятига миллий руҳ, ғоялар сингдирилди;

б) миллий тарбиявий тушунчалар ва фазилатлар моҳиятини очиқ бериш махсус ташкил қилинди;

в) миллий тарбиявий фазилатларининг муҳолифлари — беадаблик, ватанга бефарқлик, маҳаллийчилик, виждонсизлик, манқуртлик каби иллатларга қарши салбий муносабат шакллантирилди;

г) дарсдан ташқари фаолиятни виждонийликни тарбиялашга йўналтирилди;

д) ўқувчиларни сўз ва иш бирлигини намоён қилиш талаб этилувчи фаолият турларига жалб қилинди;

е) ўқитувчиларга, ота-оналарга ўқувчиларда виждонийликни тарбиялаш масалаларига оид педагогик тавсиялар берилди;

ё) таълимнинг миллий тарбиявий мазмунидан унумли фойдаланилди.

Виждонийлик фазилатини шакллантирувчи воситалар ўқувчиларнинг ёш, заковат хусусиятларидан келиб чиқиб, оддийдан мураккабликка тамойили асосида ривожлантирилди. Ана шундай воситалардан бири сифатила Балқиз Амиддиниининг «Ал-Амин» ҳикояси танланди. Сийф раҳбари С. Бозорова пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ёшлиқларида ҳам пок виждон соҳиби бўлганликлари ҳақида маълумотлар берди. «Бир куни ёш Муҳаммад бир киши билан кўча муюлишида учрашмоқчи бўладилар. Муҳаммад айтилган жойга бориб, кутиб турадилар. Аммо ҳалиги одам ваъдасини унутади. Уч кундан кейин қараса, Муҳаммад ҳамон кўча муюлишида кутиб турганмишлар.

— Мени уч кундан бери кутаяпсизми? — сўрайди у.

— Ҳа, — деб жавоб берадилар Муҳаммад.

— Шунча кутмай, кетавермайсизми?

— Кутаман, деб сўз бергаиман. Бас, сўзимда туришим керак, — деб жавоб берадилар Муҳаммад».

Ҳикояни тугатиб сийф раҳбари ўқувчиларга: «Муҳаммадни одамлар пима учун «Ал-Амин» (содиқ, ишончли)

деб аташган? Ваъдани ким бузган? Бизнинг сиифимизда Муҳаммадга ўхшовчилар кўпми, озми? Мисоллар келтиринг-чи. Биз кимга ўхшашимиз керак? каби саволлар билан ўқувчиларга сўз ва иш бирлиги, фидойилик, лафзида туриш каби фазилатларни тавсифлаб, уларни ушбу фазилатларни эгаллашга рағбатлантирди.

Ўқувчилар орасида миллий-тарбиявий фазилатлар моҳиятини тушунтириш даражасини ўрганиш натижалари уларда бу соҳада қисман бўлса-да, тасаввурлар борлигини кўрсатди. Лекин бу ҳали уларни амалда фаол қўллаяптилар, дегани эмас эди. Билмиш ва уни ихтиёрий амалга ошириш орасида виждон деган ҳиссий кўприк мавжуд. Ўқувчиларнинг мактабда, оилада, синфда, кўчада — ўз кундалик фаолиятида виждонийлик даражасини намоён қилишини ўрганиш, турли вазиятларда — мактабга бориш-келиш пайтида катталарга ҳурмат, дўстга ёрдам; масала-мисолларни бир-биридан кўчириш, кўчиртириш; ҳашарда қатнашишга муносибат ва қатнашиш; синфдаги ўзаро муносибатларда миллий одоб меъёрини сақлаш ва унга амал қилишлар кузатилди. Шулардан бири сифатида ўқувчиларнинг дўстлик маъносини, бурчларини тушуниши ва амалда қўллашларини қиёслашга қаратилган соддалаштирилган проектив тест қўлланилди. «Сиз 8-«г» ва 8-«в» синфларига мактаб мажлислар залини шоира Нодиранинг 250 йиллигига бағишланган тантанани ўтказиш учун супуриб-сидириш топширилди. Сиз ўзингизга топширилган ишни бажариб бўлганингиздан кейин нима қиласиз? Ўзингизга мос келган жавоби белгилаб қўйинг:

А. Уйга кетаман.

Б. Дўстларим, синфдошларимга ёрдам бериб, улар билан бирга кетаман.

В. Сифимиз ишни барвақт тугатса, қўшни синф болаларига ёрдам бераман.

Тадқиқот давомида шунга ўхшаш вазиятлар яратилиб, ўқувчиларнинг сўзлари ва ишларни орасидаги бирлик синаб кўрилди. Виждонийликнинг илк даражаси ва шу мақсадга мувофиқ тарбияланганидан кейин қуйидаги ўзгаришларга эришилди.

**Ўқувчиларнинг сўз ва ишлари орасидаги
муносабатларнинг нисбати**

Ўқувчиларнинг сўзлари	Тадқиқот бошида		Тадқиқот охирда	
	сўзда	амалда	сўзда	амалда
Уйга кетаман	10,2	75,4	8,6	32,7
Дўстларим, синф- дошларимга ёрдам бериб, улар билан бирга кетаман	56,0	23,4	50,5	45,5
Синфимиз ишни барвақт тугатса, қўшни синф болаларига ёрдам бераман	31,4	1,2	38,5	21,8
Жавоб бермадилар	3,4	—	2,4	—

Ота-оналар билан маелахатлашган ҳолда тадқиқот мактабларида «Қизлар гурунги» клуби ташкил қилиниб, унда «Қизларнинг ҳаёт ҳақидаги ўйлари», «Қизлар турмуш қуришга қадар иммаларини билишлари керак?» мавзуларида мунозаралар ўтказилди. Дастлабки ойларда клуб иши асосан саволлар ва уларга жавоблар шаклида давом этди. Клуб раҳбари М. Мустафоқулова билан маслаҳатлашиб, агар клуб иши шу заминда давом этаверса, қизларимиз зерикиб, қатнашчилар сони камайиб кетиши мумкин, деган хулосага келинди ва фаоллият турлари бойитила борди. «Сўзана тикишни ўргатамиз», «Сиз қандай пиширасиз?», «Торт қандай пиширилади?» каби амалий машғулотлар, «Қизлар ҳаёси», «Маҳалланинг ораста хонадони», «Замонавий ўзбек қизи ва унинг ғурури қандай бўлиши керак?» мавзуларида мунозаралар, амалий машғулотлар ўтказилди. «Яқин ва узоқдаги тенгдошларимиз» мавзуси орқали ўзбек қизлари турли вилоят, шаҳар ва қишлоқларда яшовчи ўзбек, тожик, рус, қирғиз, туркман қизлари ва хорижлик тенгдошлари ҳаёти, ўша халқлар маданияти билан таништирилди. Натижада, «Қизлар гурунги» клуби миллатлараро мулоқот маданиятини тарбиялашнинг ўзига хос шаклига айланди. Ана шундай «гурунг»лардан бири

япон қизлари ҳаётига бағишланди. Клуб раҳбари М. Мустафоқулова қизларга даставвал япон миллий характери — мақсадга интилувчанлик, дунёни шоирона идрок этиш, миллийликка ҳурмат эътиқодга айлангани ҳақида ҳикоя қилиб, жумладан, шундай деди: «Япон миллати, тарихи ва маданияти ҳар бир япониялик учун, ҳар бир япон қизи учун мўътабар саналади. Қизларнинг махсус байрами бўлиб, у Хина матсури дейиларкан. Бу байрам ҳар йили 2 майда нишониланаркан. 15 ноябрда эса 3, 5, 7 ёшга кирган қизлар байрам қилишар экан. «Хина матсури»да қизлар бир-бириникига меҳмонга боришади. Шу куни махсус шеър, кўшиқларни куйлаб, махсус таомлар билан сийланадилар. Қиз бола 7 ёшга етганида ота-онаси уларга япон аёли киядиган миллий, қадимий ва замонавий либос — кимоно ҳадя қиладилар. Шу кундан бошлаб қизлар ўз оналаридан япон аёллари билиши, қила олиши керак бўлган урф-одатларни ўрганишга киришади.

Қизларжон, биласизми, бизнинг ўзбек халқимизда ҳам шундай байрам бор. Айтинг-чи, шу байрамни ким биларди? Топа олмадингларми? Бу байрам — «Мучал тўйи» деб аталади. Илгари 12 га тўлаётган барча ўғил-қизлар олдиндан махсус тикиб, тайёрлаб қўйилган оқ либосни кийишгаи. Чунки оқ ранг тозаллик ва покликнинг рамзидир. Наврўз сайлида мучал ёшига тўлган ўғил ва қиз болалар бир-бирлариникига кириб дўст, дугоналарини қутлашган, сўнгра белгиланган жойга тўпланишган. Одатда «оқ либосли ёшлар» Наврўз ўтказаетган жойга ташриф буюришганда, барча уларни қутлаб, яхши ниятлар билдирган. Ҳали мучал ёшига тўлматан болалар уларга баҳор чечакларини ҳадя қилишган. Хонадонларда ота-оналар мучали тўлган болаларга атаб зиёфатлар беришган. Тарозининг бир палласига мучали нишонланаётган бола, иккинчи палласига новот, каллақанд солинган. Каллақанд оғирлиги мучал тўйи нишонланаётган ўғил ва қиз бола оғирлигини босгач, уни тушириб, дастурхон тўрига ўтқазишган. Каллақандни кулча устига қўйиб, ҳаммасини меҳмонларга улашганлар.

Ҳар бир қиз 12 ёшга етган, ўсмир дейилади. Ўсмирлик

эса болалик эмас, қиз боланинг ораста, юриш-туришию муомалада эътиборли, ота-онасига сирдош, ёрдамчи бўлиши кераклигини англатади. Қаранг-а! Жаҳониинг энг илғор мамлакатларидан бири — Японияда миллий урф-одатлар шунчалик эъзозланар экану, шўролар даврида биз ўзимизнинг ўзбекоиа, гўзал анъаналаримизни қарийб унутаётибмиз. Сизларга насиҳатим, оилапгизда 12—13, 24—25, 36—37, 48—49, 60—61 ёшлар ораеидаги кишиларнинг туғилган кунлари нишонланганида уларии «мучал тўйларингиз муборак», дея чиройли табриклаб қўйишни унутманг. Қачон биз ўз маданиятимизии, қадриятларимизии қадрласак, Ватанимиз учун тинмай ўқиб, ишласак, яқин йилларда Ўзбекистонимизни бутун жаҳон тилларида дostonга айлантира оламиз, турмушимиз фаровон, ўзимиз бахтиёр бўламиз».

М. Мустафоқулованинг педагогик маҳорати, изланувчанлиги туфайли «Қизлар гурунги» ўзбек қизларида миллий гурур, миллий одоб, Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий-истиклолий оиглиликни ҳам ривожлантиришга хизмат қилди. Бу эса объектив ҳолда ўқувчиларнинг миллий тарбияланганлик даражаларида ижобий акс этди.

Тажрибани амалга ошириш арафасида ўқитувчнлар орасида тарқатилган «Сиз ҳозир ўқувчиларингизда миллатлараро мулоқот маданиятини қандай баҳолайсиз?» саволига сўралганларнинг 16 фоизи «Мактабимизда фақат ўзбек болалари ўқишади. Шунинг учун бу йўналишни амалга оширишга зарурат йўқ», деб жавоб беришган эди. Амалий тадқиқот доирасига кирган мактаб ўқитувчилари, синф раҳбарлари, директор ўринбосарларига бундай қараш янглиш ёндошув эканлиги, миллатлараро мулоқот маданиятини бевосита ва билвосита йўллар орқали амалга ошириш нафақат кўп миллатли, балки бир миллатли мактабларда ҳам зарурлиги, зеро, ҳозирги бир миллатли мактаб битирувчилари кейинчалик турли миллат вакиллари билан мулоқотга киришишлари муқаррарлиги тушунтирилди. Ўқитувчилар, синф раҳбарлари бир миллатли мактаб, синфларла

миллатлараро мулоқот маданиятини тарбиялашнинг илмий-услубий тавсиялари билан таъминландилар¹.

Тажриба давомида мактаб ўқитувчилари, синф раҳбарлари билан олиб борилган семинар, инетруктаж, намунавий дарслар ўтиш, тадбирлар ўтказиш ва бошқа чоратадбирлар самарадорлиги қайта текширилди ва бунда ўқитувчилар фикрларидаги ўзгаришлар қайд қилинди. Жумладан, ўқитувчи, синф раҳбарлари, тарбиявий ишлар ташкилотчиларига берилган «Сиз ҳозир ўз ўқувчиларингиздаги қуйилаги фазилатларни қандай баҳолайсиз?» саволига мана бу жавоблар олинди:

Миллий-тарбиявий фазилатлар	Юқори		Ўрта		Паст		Салбий	
	а	б	а	б	а	б	а	б
Ватанпарварлик	22,1	32	53	54	19,8	11	5,1	3
Миллий гурур	27,5	48,5	59	44,7	10,5	5,5	3	1,3
Миллатлараро мулоқот мада- нияти	16,5	30,5	68	55,5	10,5	10	5	4
Миллий-мафкура- вий оиглилик	3,5	17	37,5	73,5	40	4,5	19	5
Миллий одоб	6	21	51,5	49	36,5	26	6	4
Виждонийлик	3,5	12	65,2	73	24,3	12	7	3


Изоҳ: а) тадқиқот бошида; б) тадқиқот охирида.

Илгариги ва мазкур бўлимда баён қилинган миллий тарбиявий жараёни такомиллаштириш, режалаштириш, мақсадга йўналтиришга қаратилган чоралар ўз самарасини кўрсатди. Миллий тарбияланганлик даражасини комплекс ўрганиш, қайд қилиш, олинган натижаларнинг статистик услублар орқали таҳлил қилиниши экспериментал ва назорат мактаблар, синфлар орасида тадқиқотнинг

¹ Ю. Ахрорив, М. Қуронов. Ёшларда байналминал мулоқот маданиятини шакллантириш. — Самарқанд, «Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат» нашриёти бўлими, 1990.

бошида ва охирида қайд қилинган кўрсаткичлар ўртасида жиддий ўсишни кўрсатди. Миллий-тарбиявий фазилатлар мезонлари, даражалари мустақил Ўзбекистоннинг мактабларимизга қўйётган миллий-истиклолий талаблари ва мактабда буни амалга ошириш орасидаги тафовутнинг камайганлигидан далолат берди. Бу, тадқиқот бошида ва охирида амалга оширилган миллий тарбияланганликни, муайян фазилатларни ўлчаш натижаларида памоён бўлди.

Миллий-тарбиявий фазилатлар динамикаси



Назорат ва тажриба-тадқиқот синфларида кўрсаткичлар орасидаги фарқ орта борди. Жумладан, миллий одоб(1)да 2,1 дан 2,9 га, Ўзбекистон ватанпарварлиги(2)да 1,94 дан 2,5 га, миллатлараро мулоқот маданияти(3)да 1,35 дан 2,6 га, миллий гурур(4)да 1,83 дан 2,8 га, виждонийлик(5)да 0,89 дан 1,98 га ва миллий мафкуравий онглилик(6)да 0,51 дан 2,2 га қараб ўсиш кузатилди. Бунинг қатор сабаблари бўлиб, уларнинг эпг муҳими — республикамызда амалга оширилаётган қадриятлар тикланишининг жамият маънавиятига ижобий таъсири ўқувчиларнинг миялий одоби, Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллатлараро мулоқот маданиятида ҳам самарали натижалар бераётганидир. Иккинчидан, миллий гурур, виждонийлик, миллий-мафкуравий онглиликдаги ўсишларнинг салмоғи, юқорида қайд қилинганидек, мактаб таълим мазмунини миллийлаштириш услуб ва гамойилларидаи самарали фойдала-

ниш натижаси бўлди. Учинчидан, ўқувчиларнинг дарсдан ташқари фаолиятини миллий тарбиявий мақсалларга йўналтиришдаги изчиллик миллий-тарбиявий фазилатларни самарали шакллантиришнинг педагогик шарти эканлиги тасдиқланди.

Шу билан биргаликда, мактабда миллий тарбия ишларини талаб даражасига кўтариш нафақат дарс мазмунини миллийлаштиришни, балки ўқувчиларнинг дарсдан ташқари фаолиятини ташкил қилишда учраётган илмий-услубий камчиликларни тугатишни ҳам тақозо қилади. Хуллае:

энг аввало, мактаб тарбиявий ишлари мақсади миллий-истиклолий ғоя, миллий дастур талаблари асосида ислоҳ қилиниши керак;

синф раҳбарлари иш режаларида, миллий-тарбиявий вазифаларни белгилашда ва амалга оширишда системалилик, изчиллик шартлари таъминланиши лозим;

тарбияда якка, табақалаштирилган услуб, ёндошувларни такомиллаштириш орқали ўғил ва қиз болалар миллий тарбиясининг умумий ва хусусий ҳолатлари ҳисобга олиниши керак;

семинар, педагогик кенгашлар, услубий кенгаш, намунавий тарбиявий соатларнинг режали, мақсадга йўналтирилган тизимига ўтиш орқали мактабда миллий тарбия жараёнининг технологик асосга қўйилишига эришиш керак;

тарбиявий соатлар мажмуаси аниқ мақсадга йўналтирилиши, системали, ўзаро боғлиқ бўлиши даркор. Тарбиявий соатлар тизими миллий тарбиявий мазмундаги мавзулар билан бойитилмоғи керак;

илгари ўқувчиларнинг хулқи, синф раҳбарининг оналар билан суҳбатлари, ўқувчилар билан якка ишлаш, синф мажлисларининг асосий мавзуси «ёмон ўқиш» бўлган бўлеа, энди бунинг ҳақиқий моҳияти англаниб, ўқувчиларнинг миллий тарбияланганлик мезонлари билан ислоҳ қилиниши керак ва бунинг учун синф раҳбарлари миллий тарбия жараёнини ўрганиш, қайд қилиш, баҳолашнинг кўникма ва малакаларига эга бўлишлари лозим;

синф жамоаси тавсияномаларида ўқувчиларининг миллий одоблилиги, Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллатлараро мулоқот маданияти, виждонийлиги, миллий мафкуравий опглилиги аниқ мезоилар орқали баҳолаб борилиши керак;

синф раҳбарлари ва тарбиявий ишлар ташкилотчилари миллий тарбиявий ишлар натижаларининг аниқ ҳисоб-китобидан келиб чиқиб, йил давомида эришилган ижобий ва салбий натижалар, уларнинг сабабларини таҳлил қилиши, келаси йил тарбиявий ишлар мазмуни, мақсадини қандай белгилаш ҳақида илмий-педагогик асосга ва малакаларга эга бўлишлари лозим.

Мактаб, оила ва маҳалланинг миллий-тарбиявий ҳамкорлик йўналишлари

Бошқа халқлар қатори ўзбек оилаларида ҳам шундай тарбиявий анъаналар борки, уларни тиклаш, бойитиш, замонвийлаштириш, мактаб тарбияси билан уйғунлаштириш, нафақат ҳар бир оила, балки бутун Ўзбекистон ижтимоий-маданий ҳаётини маънаф бойитишга самарали хизмат қила олади. Қолаверса, мустақил Ўзбекистон Конституциясида ота-онанинг бола тарбияси учун давлат олдидаги жавобгарлиги қайд қилиниши, Президент И. Каримовнинг ёшларни ўқитиш, тарбиялаш ҳар биримизнинг муқаллас бурчимиз эканлиги ҳақидаги дастурий фикрлари («Туркистон», 1993 йил 22 июль) ота-оилалар, маҳаллалар олдида қатор янги, миллий-истиклолий талабларни қўймоқда.

Миллий истиклолнинг муваффақияти ҳам кўп жиҳатдан оиланинг миллий-тарбиявий имкониятларининг мунтазам такомиллаштирилишига боғлиқ. Зеро, оила низомсиз бўлса, унинг ёмон оқибати бутун мамлакатга таъсир этади ва шу сабабдан фазилат ўрнига разолат, тараққиёт ўрнига тубанлик урчиб боради. Худонинг ўзи асрасин-ку, агарчи бирор миллат ҳаётида бундай ҳол кучайса, билингики, у миллат китобининг сўнгги варағи очилгусидир¹. Бу

¹ Ризоуддин ибн Фахруддин. Оила. — Т.: «Меҳнат», 1991, 3-бет.

мусулмон оиласининг тарбиявий имкониятларига бир мисол бўлса, иккинчи тарихий мисол сифатида тадқиқотимизнинг керакли ўрнида Х. Вамберининг ўзбек оиласи ҳақидаги кузатув натижаларини келтирган эдик. Тадқиқотимизнинг ушбу жойлари бевосита оила ва маҳалла тарбиясига боғланганлиги туфайли яна янги далилларга мушоааат қиламиз.

Маълумки, VIII аср бошида Қутайба ибн Муслим бухороликларни уч марта мусулмон қилган, улар эса яна эски динларига қайтган эдилар. «Тўртинчи марта келганида, Қутайба жанг қилиб, Бухоро шахрини олди... Қутайба араблар бухороликлар билан бирга яшаб, уларнинг хатти-ҳаракатларидан хабардор бўлиб турсалар, улар заруратдан мусулмон бўладилар, деган мақсадда Бухоро аҳолисига ўз уйлариининг ярмини арабларга беришга ундаб, буйруқ чиқаришни тўғри топди. Ва шу йўл билан у мусулмончилиكنи ўргатди...», — деб ёзган эди Наршахий¹. Хуллас, араб аҳли Ажамни мусулмонлаштириш ишини энг муҳим ўрин — оилани мусулмонлаштиришдан бошлаган. Натижада, дастлаб оила мусулмонлашган ва у, кейинчалик, Бухорони «Қуббат ул-ислом» — ислом динининг гумбазига айлантириб, шуҳратга буркаган. Ана шу тажрибадан келиб чиқиб, миллий тарбияни дастлаб оиладан бошлаш кейинчалик маҳалла, қишлоқ, шаҳарлар — Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида тез ва соз жорий қилинишга олиб келади, дея ишонч билан айтиш мумкин. Бу эса Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўлининг педагогик кафолатини таъминлашга замин яратади.

Миллий ўзлиكنинг чуқур англаниши ва яратувчанлик мақсадларига йўналтирилишида оиланинг улкан ҳиссаси бор ва бундан оиланинг ўзи ҳам манфаатдордир. Шу туфайли онла миллий ўзлиكنи англаш ҳиссини тарбиялашнинг илк ва доимий омилига айлантирилиши лозим. Чунки, ҳар бир ўзбекистонликнинг ўз ота-онаси, бобо-бувлари, катта бобо ва катта буви ва бошқа аждодларини

¹ Самария. Тарихий эссе. Таҳрир ҳайъати: Б. Аҳмедов ва бошқ. — Т.: «Камалак», 1991, 123-бет.

яхши билиши орқали давлат, халқ, миллат тарихига дахлдорлик эшиги очилади.

Оила тарбияси тарихидан шу нарса маълумки, унда «меҳнат қилиш» тушунчаси табиий зарурат сифатида талқин қилинган, чунки оилалар ишлаб чиқариш жамоаларини эслатар, бунда болалар имкониятига яраша юмушни бажарар, катталар билан бирга меҳнат қилар эдилар. Оилавий меҳнат унинг мустақамлигини оширди, болаларни улғайтириш, ёшларда меҳнатсеварлик, ҳалоллик, сўз ва иш бирлиги каби бебаҳо сифатларни авлоддан-авлодга тарбия орқали ўтказиш воситасига айланиб келди.

Ўзбек оиласи миллий дунёқараш манбаи ҳамдир. Бу ҳозирги ўқувчиларда миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Ҳар бир авлод ўз ота-оналаридан ўзлаштирган дунёқарашни интериоризация қилиб, ўз оилавий дунёқарашига айлантирар ва шу асосда фарзандларнинг миллий дунёқарашини шакллантириб, мерос тарзида узатиб келдилар. Дунёқарашнинг бирлиги — миллийлиги туфайли авлодлар орасида ҳамфикрлик, ўзаро ишонч, нззат, мақсад бирлиги, самимийлик тантана қиларди.

Ўзбек оиласи ўғил-қизларда миллий феъл-атвор, хусни хулқ тарбияси манбаи бўлиб келди. Ота-оналар ҳар кунлик, ҳар соатлик, ҳар дақиқалик тарбиявий мулоқот жараёнида болаларга хатти-ҳаракатлар, юриш-туриш, сўзлаш, кулиш, овқат ейиш, ювиниш, муомалага киришиш, мезбон ва меҳмон муносабатлари меъёрларини сингдириб келдилар. Айниқса, ўғилни оталикка, қизни оналикка, уй бекалигига тайёрлаш миллий тарбияда йирик икки йўналиш — ўғил ва қиз болалар тарбияси мавжудлигини кўрсатади.

Ўзбек оиласи фарзандлар учун тансиҳатлик тарбиясининг ўзига хос мактаби бўлиб келди. Бу ўринда опанинг водопровод жўмрагидан сув ичмоқчи бўлаётган 7 ёшли укасига «Умиджон, тўхта! Совуқ сув ичма, томоғинг оғрийди» ёки «Ойи мана, мактабимиз йўлида ўсган экан, укамнинг нчи кетса, қайнатиб ичирасиз», — дея зубтурум дастасини бериши; 11 ёшли аканинг 7 ёшли синглисига:

«Марҳабо, юзингни чала ювибсан, телевизордан узоқроқ ўтир, кўзинг оғрийди», — дея уқтириши ва бошқа кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Бундай мисоллар ибтидоий тиббий тушунчаларнинг замонавийлашиб, оналардан болаларга ўтиш намуналаридир. Дарҳақиқат, илгари ҳар бир ўзбек онаси чақалоқни бедард катта қилиш ҳақида миллий тиббий чораларни ўрганган ва қўллай билган. Тиббиётнинг халқ табобатига айланганлиги ҳам миллатимизнинг юқори тиббий маданиятга эга бўлганлигини кўрсатади. Бунда, жумладан, табобат илми асосчиси Ибн Синонинг инсон ўз соғлигини сақлаш учун туғилган кунидан то умрининг охиригача амал қилиши лозим бўлган тадбирлар хусусидаги ўғитлари ҳам муҳим роль ўйнаган.

«Оила ижтимоий тарихий белгига эга бўлган муайян тузилишли ижтимоий гуруҳнинг кўринишидир», деб ёздилар ўзбек олимлари Ҳ. Узоқов, Э. Ғозиев ва А. Тожиевлар. Уларнинг таъкидлашча, «Оила аъзоларини қариндош-уруғчилик, никоҳ, турмуш шароитининг бирлиги, одоб-ахлоқ меъёрларининг умумийлиги, маънавиятнинг бирлиги каби алоқалар ўзаро боғлаб туради. Оила мураккаб ижтимоий гуруҳ бўлиб, биологик-ижтимоий, ахлоқий, мафкуравий ва руҳий муносабатларнинг бирлашуви натижасида вужудга келади»¹.

Оиланинг муҳим маънавий, маданий хусусиятларидан яна бири — унинг миллийлигидир. Шу туфайли у ўзида муайян миллий маданият, миллий тарбия маданиятини ҳам у ёки бу даражада акс эттиради. Оилани миллий, истиқлолий тарбиянинг фаол омилига айланиши учун унинг миллий-маданий, мафкуравий, маънавий муҳити ўрганилиши керак. Жумладан, оилаларда миллийликка муносабат қандай эканлигини тадқиқот қилиш зарур. Ушбу нуқтаи назардан ўзбек оилаларини шартли равишда 4 гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

¹ Ҳ. Узоқов, Э. Ғозиев, А. Тожиев. Оила этикаси ва психологияси: Умумий таълим мактаблари, ўрта махсус ҳамда ҳунар-техника билим юрглари ўқитувчилари учун қўл. — Т.: «Ўқитувчи», 1992, 128-б.

1. Бола тарбиясига қадимийчасига ёки авторитар ёндашув.
2. Либерал — кўнгилчан ёндашув.
3. Миллий-замонавий, демократик ёндашув.
4. Маргинал ёндашув (бошқа миллий маданият асосида тарбиялаш).

Ота-она обрўси миллий тарбиянинг асосидир. Айнан шу омил орқали улар фарзандларининг онгига, хулқ-атвориға маънавий таъсир қиладилар. Ота-она обрўси билан бўлган оилаларни болаларнинг катталарға хурматиззати, эътибори, муътабар онаға маслаҳат сўраб қилган муносабатларидаи ҳам танниш мумкин. Ота-онанинг оиладаги хурмати, обрўси, мавқеи эса уларнинг бола тарбияси билан махсус шуғулланаётгани ёки шуғулланмаётганиға боғлиқ. Собиқ шўро даври, хусусан, 80-йилларда оталарининг ушбу йўналишдаги вазифаси қониқарли бажарилмас эди. Ўтказилган тадқиқотлар собиқ СССРда ҳар 9 боланинг бири отасизлиги, оталарнинг фарзанд тарбиясига бир кунда 8 дақиқагина вақт ажратганилигини кўрсатган эди¹. Ота-она обрўсини, аслида, уларнинг фарзанди шахси билан қизиқиши, ўқувчи фарзандларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини ўрганиб, бошқариб, қондириб бориши оширади. Кузатувлар ҳаётда ота-онанинг тарбиячи сифатидаги обрўсини туширувчи сабаблар ҳам мавжудлигини кўрсатди. Булар:

ота-онанинг ўзни асосан фарзандининг боқувчиси сифатида англаб, тарбиячи ҳам эканили чуқур англамаслиги;

оилаларда учровчи ахлоқсиз турмуш тарзи;

ота-онанинг болаларига айтган сўзлари, панд-насихатлари ва амалдаги хатти-ҳаракатлари орасидаги тафовут;

ота-онанинг фарзандига қилган хизматини миннат қилавериши, улар билан асосан, буйруқ, ҳукм тарзида муомала қилиши;

ота-онанинг ўқувчи фарзандлари ҳаёти, қизиқишла-

¹ Н. Асомов, Л. Никитина, Д. Воронцов. Страна детства. Сборник. — М.: «Знание», 1991, с. 191.

рига эътиборсизлиги, уларга вақт ва диққат ажратмаслик-лари, оила юмушларига меъёрда жалб қилмаслиги (ўсмир-лар ўзларига нисбатан бундай бефарқликдан қаттиқ изти-роб чекадилар, у ота-она ва ўсмир орасига совуқлик ту-ширади);

ўқувчи фарзандлар билан муносабатда уларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқмаслик ва бошқалар.

Бошлангич синф ўқувчилари ота-онанинг қарашлари, феъл-атворига кучли тақлид қиладилар. Ўсмирлик бош-лангач, болада кескин ўзгариш — ўтиш даври бошланади. Ота-оналар ва болалар орасидаги зиддиятларнинг асосий қисми шу даврга тўғри келганининг боиси ҳам шундан. Ота-онанинг фарзандига хос ёш хусусиятларини билмас-лиги ўсмирларнинг ота-онадан (кўпчилик ҳолларда ота-дан) қалбан узоқлашувига олиб келади. Қолаверса,

— ота-онанинг ўзини фарзанди учун ҳар кун, ҳар соат, ҳар дақиқада шахсий намуна эканини англамаслиги;

— ота-она, оила аъзолари орасида ўқувчи фарзанд ол-дига қўйиладиган тарбиявий талабларда яқдилликнинг етишмаслиги;

— ўқувчи кундалик ҳаётидаги режасизлик, тартибсиз-лик, аниқ мақсадга йўналтирилмаганлик;

— рағбатлантириш ва жазолашда тарбиявий мақсад устуворлигини англамаслик;

— миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини шаклланти-ришда изчилликнинг етишмаслиги;

— болани тан жазоси билан қўрқитиш;

— ота-онанинг фарзандлар кўз ўнгида тез-тез жанжал-лашиб туриши;

— уйда ошкора ичкиликбозлик қилиниши;

— беҳаё сўзлар, қарғишлар, сўқинишлар;

— ўз фарзандини ҳеч шубҳасиз «энг яхши» деб ҳисоблаш;

— «Биз қийналганмиз, болаларимиз роҳат қилсин», — деб қараш туфайли фарзандни эркалатиб юбориш;

— болаларни ясангиришга ҳирс қўйиш ёки бунинг акси;

— «Бола қийналиб катта бўлса, ота-онанинг, меҳнат-нинг, ҳаётнинг қадрига етадн», — дея кўр-кўрона қаттиқ-қўллик, зарда қилавериш;

— ўқувчи-фарзандига ваъда бериб бажармаслик;
— мактаб билан таълим-тарбиявий ҳамкорликдан ўзини четга олиш;

— ўқувчи болаларини ўз аجدодлари, шажаралари билан таништирмаслик ва тарбиядаги бошқа кўпдай-кўп катта-кичик қусурлар кўз ўнгимизда шаклланаётган шахсининг тақдирида кучли салбий асоратлар қолдириши мумкин.

Ўзбек оиласида юқорида келтирилган камчиликларни бартараф қилишда оталарининг роли ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Зеро, мақолларимизда қайта-қайта такрорланиб келинганидек, «Отанинг очган йўли бор, онанинг бичган тўни бор», «Отаси борнинг унуми бор, онаси борнинг тиними бор», «Ота — оламининг фахри», «Эрта тур, отаининг кўр, отаидан сўнг отининг кўр», «Отанинг кўрсанг, отдан туш», «Ота бўлиш осон, оталик қилиш қийин», «Ота болага синчи», «Ўғлининг севсанг, қўлингдай ишлат», «Оталар сўзн хитоб бўлур, ани йиғсанг, китоб бўлур»...

Отанинг ўзбек оиласидаги ҳурмати, ўрни алоҳида, жипслаштирувчи аҳамиятга эга. Чунки «Онага бўлган муҳаббат — Ватанга бўлган муҳаббатнинг куртаги», «Отанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада», «Отанинг ўғай бўлса, отани ўзининг эмас», «Бола — дой, она — кулол», «Бола ҳам она дейди, она ҳам она дейди», «Отанинг яхшилигини бемор бўлсанг биларсан» ва ҳ.к. Бу эса ўзбек қизларини оналикка тайёрлашга — уларда меҳрибонлик, ғамхўрлик, майинлик, яқин кишиларини қадрлаш, ҳимоя қилишга эҳтиёжни шакллантиришга алоҳида эътибор беришни талаб қилади. Ота-отанинг изчил тарбиячилик меҳнати эса уларни яхши фарзандларнинг оталари бўлиш шарафига муяссар қилади. Ўз тарбиячилик бурчларини бажармаслиги ёки бажара олмасликлари натижасида улар «ёмон» деб ном чиқарган ўғил-қизларнинг ота-оталарига айланадилар. Чунки ўғил-қизларнинг «ёмон» бўлиб туғилмасликлари бундан қарийб 1300 йил илгари Юсуф Хос Ҳожиб томонидан «ўғил-қизнинг феъ-

лн-хулқи яхши ёки ёмон бўлса, унинг сабабчиси ота ва онадир»¹ шаклида ифодаланган эди.

Ота-онага меҳрлилик ўзбек боласи миллий одобининг энг биринчи сифатидир. Шу билан бирга, ушбу сифатининг энг биринчи, бош тарбиячиси ҳам онла, ота-онанинг ўзидир. Кейинги йилларда илмий-педагогик адабиётларда «ота-оиа назокати» тушунчаси пайдо бўлди. Бу педагогик хислат ота-оналар томонидан фарзандларга оқилона тарбиявий таъсир ўтказа олиш: тўғри ва илқ муносабатда бўлиш, ғамхўрлик қилиш, фарзандларига омилкорлик билан талаблар қўя олиш, инсон кадр-қимматиини ҳурматлашга ўргатишини ўз ичига олади. Хуллас, «ота-оиа назокати» тушунчаси келажакда ҳар бир ота-она илмий педагогик маданиятининг таркибий қисмига айлантирилмоғи керак. Ота-онанинг илмий педагогик маданияти — ота ва оиа умумий маданиятининг таркибий қисмидир. Унда ота-оиа манеуб халқнинг тарих давомила тўплаган оилавий тарбия тажрибаси синтезлашади ва муайян ота-онанинг оилавий тарбиячилик фаолиятида иомоён бўлади.

Миллий-тарбиявий фазилатларни шакллантириш мактаб, қишлоқ ва маҳаллаларнинг мустаҳкам ҳамкорлигини тақозо этади. Тошкент шаҳар Янгиариқ маҳалласида жойлашган 96-ўрта мактаб педагогик жамоаси ва маҳалла оқсқоллари ҳамкорлиги бунга мисол бўлади. Бу илгор тажрибанинг сири шундаки, ота-оналар қўмитасидан бир киши синф раҳбарлари, ўқитувчилар билан бирга ҳар чоршанба кунн тарбияси бузилган болалар билан суҳбатлар ўтказадн. Ота-оналар қўмитаси раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Абдуфаттоҳ ота Набиҳўжаев мактабда «Қадрият» тўгарагини ташкил этган. Тўгаракда ўзбек халқига хое одоб-ахлоқ меъёрлари, урф-одатлар, миллий-маънавий тарбия масалалари муҳокама қилинади. Ёшлар орасида кенг ва тез тарқалаётган ғарбнйлик (юриш-туриш, ўзини тутиш, кийиниш, дунёқарашда Ғарб кишиларига кўр-кўрона тақтил қилиш)нинг миллий гурур,

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қуталғу билиг. — Т.: «Фан», 1972.

ватанпарварлик, миллатнинг маънавий салоҳиятига зарарлари ҳақида ваъзлар, ибратли суҳбатлар ўтказилади. «Қадрият» тўғараги ўқувчилар орасида аждодларга ҳурмат ҳиссини тарбиялашга самарали таъсир қилмоқда.

Ўқувчи ёшларда аждодлар ёди, руҳи покига ҳурмат, садоқатни тарбиялашга мазкур тадқиқотда иштирок этган масканлардан бири — Самарқанд шаҳар Темирийўл тумани Дамариқ маҳалласида алоҳида аҳамият берилмоқда. Масалан, маҳалла қўмитаси раиси, собиқ ўқитувчи Ф. Нарзиев ва қўмита фаоллари Н. Ёқубов, Х. Болтаевлар маҳалла ҳолидонларида бўлишиб, қабристоннинг атрофийи тозалаш ҳашарига маҳалла аҳлини даъват этдилар. Ҳар йилги ҳашарлардан фарқли ўлароқ, ҳашарга ўқувчи ёшларни ҳам таклиф қилиш кераклиги, бунинг аҳамияти ота-оналарга тушунтирилди.

4 апрель куни ҳашарчилар орасида ўспиринлар камроқ кўринди. 11 апрель куни уларнинг сони 12 нафарга, 18 апрель куни эса 23 нафарга етди. Яъни, дастлабки кунлари ўз ўғилларини ҳашарга олиб чиқмаган оталар қуйидаги ўрнакли ҳолатни кузатдилар: ҳашарнинг буюк миллий-тарбиявий аҳамиятини англаб етган, болалари тарбиясига ҳафеалали оталар ўз ўғилларига марҳум бобо, буви, қариндошларининг қабрларини кўрсатдилар, кўпчилик билан биргаликда меҳнат қилиш завқидан ўспиринлар баҳраманд бўлдилар.

Хўш, 18 апрелдаги ҳашарда ёшлар ўзларини қандай тутдилар? Уларнинг бир қисмигина (5 таси) офтобдан пана жойда ўтириб, белкуракларни бошқаларга бериб турдилар, 7 нафар ўсмир катталардан кўрсатма кутиб, айтилган юмушларни бажарди. Лекин уларнинг кўпчилиги (11 нафари) фаоллик кўрсатди: шох-шаббаларни, темир-терсакларни териш, ер ағдариш, тошларни териб, чет жойга элтиб ташлаш, дарахтларнинг қуриган шохларини кесиб ёқиш каби ишлар билан ихтиёрий машғул бўлдилар. Энг муҳими, улар ўзларининг аждодлар олдидаги бурчларини меҳнат билан оқлаётганликларини илк бор, амалда туйдилар.

Ҳашар тугади. Маҳалла қўмитаси раиси Ф. Нарзиев

ҳашарчилар қаршнсида ваъз қилиб, шундай деди: «Азизлар! Бугун сиз ва биз марҳум бобо-бувиларимиз, ота-оналаримиз руҳларини шод қилдик. Уларнинг мазорларини хас-ҳашаклардан нокладик. Баъзи одамлар ота-оналарининг қабрларига улар тириклигида етмайдилар. Насиҳат қилсалар, «қарисиз, нимани ҳам тушунардингиз» дегандек бенисандлик қиладилар. Бундайлар ота-оналари марҳум бўлганларидан кейин ҳам уларни иззатламайди. Марҳумларининг қабрларидан хабар олмайди. Ўз бобо-бувиларининг қабрларини танимайдиган ёшларни ҳам кўрмоқдамиз. Худода шукурки, халқимизга имон, инсоф қайтатти. Имоним комил, кўнгчилик, айниқса бугун ҳашарга келган ёшлар келажакда ўз ота-оналарига меҳрли бўладилар. Чунки сизлар бугун инсон умри абадий эмаслиги, ҳар бир киши — ота ҳам, она ҳам вақтн келиб вафот этиши, шунинг учун уларни тириклигида иззат қилиш лозимлиги ҳақида дарс олдингиз. Барчангизга раҳмат. Илоҳим тупроқда ётган яқинларимизни раҳмат қилсин».

Шундан сўнг маҳалла масжиди имоми Низом бобо дуои фотиҳа қилди. Шу билан ҳашарга якун ясалди. Ҳашардан қайтаётган ўсиринларнинг қиёфасида ажиб бир жиддийликни, аждодлар тарихига дахлдорлик туйғусини ҳис этаётганликларини сезиш мумкин эди...

Қишлоқ фаоллари ва мактаб миллий-тарбиявий ҳамкорлигида ҳаётийлик тамойилини амалга оширишга яна бир мисол тариқасида Самарқанд туманидаги 95-сон умумтаълим мактаби ва Бўз қишлоғи фаоллари, уруш фахрийлари олиб бораётган ишларни келтириш мумкин.

Ражаб ота Раззоқов Самарқанд шаҳрининг жанубида Гулистон жамоа хўжалигига қарашли Бўз қишлоғининг муҳтарам оқсоқолларидан бири. У киши узоқ йиллар ўқитувчилик қилиб, иафақага чиққан. Қишлоқ марказидаги Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган 80 иафар бўзлик Ватаи ҳимоячиларига қурилган ёдгорлик жамоа хўжалиги, мактаб раҳбарлари ва ўқувчилар кучи билан ташкил қилинганга қишлоқ этиографик музейи гувоҳлик бериб туради. Р. Раззоқов қишлоқнинг фаол эркагу аёлларини, юқори синф ўқувчиларини ёнга тўплаб, «Ота-

боболаримиз ўз вақтида фойдаланган, ҳозир кераксиздек қолган анжомлар, эгар-жабдуқ, омон, шамдон, кетмон ва бошқа шу каби ашёларни кўп кўраимиз. Келинлар, аждодларимиз иафаси, қўллари теккан шу тарихий буюмларни бир жойга йнгиб асрайлик, йўқолиб кетмасин», — деганлар. Қишлоқ ҳудудини шартли 5 қисмга бўлиб, 5 гуруҳга топширган. Белгиланган кишилар, ўқувчилар ҳовлилари айланлиб, турли-туман ашёларни (омондан тортиб қадимий танга, қоғоз пул, паранжигача) топиб келишган. Натижада, қишлоқ музейи учун етарли экспонат тўпланган ва қишлоқ ҳаётига оид турли фотосуратлар билан бойитилиб, мўъжаз музей ўз ишини бошлаб юборган. Бугун музейга экскурсияга келган ўқувчилар, Р. Раззоқовнинг айтиб берган ҳикоялари туфайли, туғилиб ўсаётган қишлоқлари, ўтган аждодлари ҳаёт тарзини ўз кўзлари билан кўришга, тасаввур қилишга муяссар бўлади.

Кунларнинг бирида Р. Раззоқов ушбу сатрлар муаллифига: «Ҳар бир ўқувчи, ҳар бир бола Ватанини ўз қишлоғидан, маҳалласидан бошлаб кашф эта боради. Шундай экан, ўқувчилар ўз она қишлоқлари тарихини иложи борида батафсил билишлари керак. Меи қишлоғимиз тарихини ўрганиш билан махсус шуғулланганман. Бўз тарихини сизга баён қилсам, сиз уни назмга солсангиз, ўқувчиларимизни Ўзбекистон ватанпарварлиги руҳида тарбиялашнинг янги, самарали бир воситаси яратилар эди», — дея мурожаат қилиб қолди. Бу таклиф мактаб маъмурияти, жамоа хўжалиги раҳбарияти, оқсоқоллари томонидан ҳам қўллаб-қувватланиб, «Бўз қиссаси» яратилди. Шеърний қисса дастлаб мактабнинг, кейинчалик қишлоқнинг «Наврўз сайли»да адабий-драматик композиция шаклида иамойиш қилинди. Қараингки, қиссанинг миллий-тарбиявий самараси нафақат ўқувчилар, балки катталар учун ҳам сезиларли бўлди. Чунки то шу пайтгача Москва, Кремль ҳақида шеър тинглаб келган кишилар энди ўз аждодларининг тарихини ўз қишлоқларида, фарзандлари оғзидан эшитмоқда эдилар. Айниқса, Наврўз тантанаси, оммавийлик руҳи барча қатнашчиларни ҳаяжоилантирди. Ўғил-қизлар она қишлоғи ҳақидаги ушбу сатрларни тўлқинланиб айтдилар:

БЎЗ ҚИССАСИ

Бадиий ўқиш

1-ўқувчи:

Мустақиллик қудратидан кашфи имкон айладик,
Қомуси истиқлолини тилга қалқон айладик,
Ўзбекистон халқини дўсту қадрдон айладик,
Бўзлик ажодлар руҳин гулистон айладик.

Ўқувчилар: нақарот

Она Бўз тарихининг сатрини дoston айладик,
Тинглаган ҳар бўзлик кўнглини осмон айладик.

2-ўқувчи:

Ишладилар кеча-кундуз, касби — чорвадорлик,
Ғаллакор ерлар очилди, яшнади боғдорлик,
Меҳнатидан келди нони — кўрмадилар хорлик,
Ўтди юз йил, яна минг йил — қилдилар дилдорлик,

Ўқувчилар: нақарот

3-ўқувчи:

Николайнинг миршаби «Кўч!» дея шитоб айлади,
Тўра эллик бошимиз халқига хитоб айлади:
«Эй биродарлар, юринг! Оқпошшо хуноб айлади,
Миллатимизнинг кўзин ёшини селоб айлади!»

Ўқувчилар: нақарот

4-ўқувчи:

«Мардикор бер!» деб Николай айлади фармонини,
Бўзлик ва тўрт йигит кўйди гаровга жонини,
Додини айтиб, худодан сўради дармониини,
Бир йил ўтмай қайтдилар, ташламай чакмонини.

Ўқувчилар: нақарот

5-ўқувчи:

Очди мактабни — Бўзнинг кўзини Ҳайдар Умар,
Ўргатиб бийрон она сўзини Ҳайдар Умар,
Ўқитиб ўғил-қизини — Бўзни Ҳайдар Умар,
Қилди раҳматга муносиб ўзини Ҳайдар Умар.

Ўқувчилар: нақарот

6-ўқувчи:

Ўттиз учинчи йили бўлди ёмон очарчилик,
Ҳар учинчи бўзликдан олди жон очарчилик,

Ҳайдади Қаршию Хишрав, Жом томон очарчилик,
Қанчани қирди вабо, касби қирон очарчилик.

Ўқувчилар: нақарот

7-ўқувчи:

Кетдию жанги жаҳонга қайтмади саксон йигит,
Етмиши келдию, аммо қайтмади саксон йигит,
Куйдириб оқсоч келинни қайтмади саксон йигит,
Қотилин кимлигини айтолмади саксон йигит.

Ўқувчилар: нақарот

8-ўқувчи:

Бу шаҳид саксон йигитнинг ҳар бирига минг дуо,
Соғ-омон қайтганларнинг ҳар бирига минг дуо,
Саждагоҳ меъморларининг ҳар бирига минг дуо,
Ул Ражаб, Омон, Жума боболарига минг дуо.

Ўқувчилар: нақарот

9-ўқувчи:

Ўзбекистон халқининг тошдан бўлсин боши,
Ҳар куни томоша, тўй, бўлсин кабобу оши,
Раҳбари соҳиб адолат, элсевар Юртбоши,
Шул сабаб айлар дуо ҳар кун қарию ёши.

Ўқувчилар: нақарот

Миллий мустақилликнинг қўлга киритилиши ўзбек оилаларида моҳиятан янги, сифат ўзгаришни содир қилмоқда. Бу собиқ «социалистик оила»дан «миллий оила»га кўтарилишни, яъни маънан, маданий-ахлоқий, гоёвий бойишни англатади. Демак, оиланинг ички ва ташқи муносабатлари ҳам миллийлик ва замонавийлик билан тобора бойитила борилиши лозим. Чунки миллий мустақиллик оила манфаатларини миллат, давлат ва мактаб манфаатлари билан уйғунлашувига замин яратди. Ана шу тарбиявий бирлик эҳтиёжи мактаб, ўқитувчилар томонидан ўқувчи ва унинг оиласини педагогик ўрганиш ва такомиллаштириш орқали таъминланади.

Оилани миллий педагогик ўрганиш синф раҳбарига ўқувчи ўсаётган оиланинг турмуш тарзи; миллий-тарбиявий имкониятлари, оила таркиби, оиланинг миллий, ис-

тиқлолий қадриятларга муносабати ва бошқалар ҳақида қимматли маълумотлар тўплашга имкон беради. Оилани миллий педагогик ўрганиш бола мактабга қабул қилинган кундан бошланиши лозим. Бу кейинчалик ҳар бир ўқувчининг миллий тарбиясига алоҳида ёндашув дастурини яратиш имконини беради. Оилани миллий педагогик ўрганиш усуллари қуйилагилардан иборат:

- ўқувчиларнинг миллий одоби ва ўқишини кузатиш;
- оилаларга ташриф буюрганда ота-она, она-бола, ота-бола, ака-ука, ва ҳ.к.лар орасидаги муносабатларни кузатиш;
- оилавий маросимларда қатнашиш;
- ота-онани мактабга таклиф қилиб, яккама-якка суҳбатлашиш;
- оилада миллий маданият, ўтириш-туриш, жнҳозлар, маърифатга, маънавий қадриятларга муносабатни кузатиш;
- телевидение, радио, газета, журналлардан қандай мавзуларни ёқтиришларини аниқловчи анкета-сўровларни ташкил қилиш;
- ўқувчиларга ўз оилалари, аждодлари ҳақида нншо ёздириш;

— ота-оналар қўмитаси йиғилишлари ишига миллий тарбиявий вазифаларни киритиш ва ҳ.к.


Юқоридаги услубларнинг фаол қўлланилиши, ота-оналар билан ўтказилган тарбияга оид ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳақидаги суҳбатлар, уларни замонавий болалар тарбияси муаммоларига жалб этиш, миллий тарбияни маҳалла, қишлоқ оқсоқоллари кенгашлари фаолияти йўналишига айлантириш ва бошқа чоралар ота-оналарининг тарбиячилар сифатидаги фаолликларининг ортишига олиб келди. Синф раҳбарлари тарбиявий ишлар ташкилотчиларининг системали олиб борган ишлари миллий тарбияни амалга оширишда оила, маҳалла имкониятларини тўла-роқ ишга солишии таъмиилади. Бунинг натижаси ўлароқ, тажриба мактабларида фаол ота-оналарнинг салмоғи орта борди (ота-оналарнинг умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобиди):

Умумий ўрта таълим мактаблари	1991/92 ў.й	1992/93 ў.й	1993/94 ў.й.	1994/95 ў.й
Пастдарғом тумани 33-сон мактаб	7,3	10,5	19,7	30,4
Қўшработ тумани 13-сон мактаб	5,7	11,4	17,3	25,9
Самарқанд шаҳри 64-сон мактаб	10,1	18,4	27,6	39,1
Қаттақўрғон шаҳри 2-сон мактаб	14,2	20,5	29,7	42,2
Самарқанд тумани 95-сон мактаб	9,3	14,9	26,8	38,7


Хуллас, умумий ўрта таълим мактаблари таълим мазмунини миллий-тарбиявий мақсадларга системали йўналтириш тамойилларидаи унумли фойдаланиш; ўқувчиларнинг дарсдан ташқари фаолиятини миллий-тарбиявий имкониятларини очиш ва мақсадли қўллаш; мактаб, оила, маҳалланнг миллий тарбиявий ҳамкорлигининг ҳаётий услуб, воситаларини жорий қилиш ўқувчиларда миллий-тарбиявий фазилатларни шакллантиришга комплекс, системали ёндашувни таъминлади. Бу эса ўқувчиларда миллий одоб, Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллатлараро мулоқот маданияти, виждонийлик, миллий-мафкуравий онглилик даражаларининг узвий кўтарилишига — миллий тарбияланганлик умумий даражасининг ўсишига олиб келди.

Ўқувчиларнинг миллий тарбияланганлик даражалари диалектикаси

1991/92 ўқув йилида



1994/95 ўқув йилида



ЎҚИТУВЧИЛАРНИ МИЛЛИЙ-ТАРБИЯВИЙ ЖАРАЁНГА РАЎБАРЛИККА ТАЙЁРЛАШ

Мустақил Ўзбекистон ўқитувчисининг миллий тарбиячи сифатидаги намунавий андаза-модели

Мустақил Ўзбекистоннинг маънавий соғлом ёш авлоди, миллатнинг бўлажак ватаипарварлари, миллий ғурур, одоб, виждонийлик соҳибларини тарбиллашнинг энг мушкул юки пировард натижада ўқитувчининг зиммасига тушади. Шу туфайли у нафақат кенг ва чуқур билимли ўқувчиларни, балки, энг аввало, ана шу билимни эгаллашни ўзининг бурчи деб билувчи миллий кадрларни шакллантиришга масъулдир. Бу республикамизнинг миллий истиқлоли, мафкураси мактаб олдига қўйган долзарб буюртма бўлиб турибди ва шундай бўлиб қолади. Шунинг учун Ўзбекистон ўқитувчиси нафақат математика, адабиёт ва ҳ.к.ларни кенг ва чуқур билиши, балки тарбиявий жараённинг моҳир ташкилотчиси, ўқувчиларнинг устози бўлиши, миллий истиқлол талабларидан келиб чиқиб ўқувчиларнинг маънавий дунёсини шакллантира билиши талаб қилинади.

Ўқитувчиларни миллий-тарбиявий фаолиятга тайёрлашда самарадорликка эришиш қатор зиддиятларнинг ижобий ҳал қилинишига боғлиқ. Булар қуйидагилардан иборат:

мустақиллик, бозор иқтисодиётига ўтиш, миллий истиқлол мафкураси талабларидан келиб чиқиб ўқитувчига қўйилаётган тарбиявий талабларнинг тобора ошаётганлиги, бундан кейин янада ортиши ва республика педагогика институтлари ва университетларида ўқитувчиларни тайёрлашда бу талабларни қондиришининг илмий-педагогик шарт-шароитлари яратилмаганлиги орасидаги зиддият;

недагогика фанининг миллий-мафкуравий, маънавий аҳамияти кучаяётганлиги (нафақат ёшлар, балки катталарни ҳам мафкуравий, маънавий тарбиялаш ҳақидаги фан сифатида) ва умумпедагогик билимлар мазмунига, услуб, воситаларида миллий истиқлолий йўналтирилганлик даражаси орасидаги зиддият;

педагогика институтлари, университетлари ўқитувчиларидан миллий тарбиянинг назарий, услубий билимларини чуқур билишлари талаб қилинаётганлиги ва бу билимларнинг реал даражаси орасидаги зиддият;

Ўзбекистон халқи, давлати, Президентининг миллий гурур, виждонийлик, миллатлараро мулоқот маланияти, Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллий-мафкуравий оиглиликни тарбиялаш ҳақидаги талабларининг тобора долзарблашаётганлиги.

Бўлажак ўқитувчилар олаётган билимлар гуруҳи ва нисбати (Республика Ўқитувчилар уйи намоёншгоҳидан олинди (1993 й.).



Ушбу зиддиятларнинг сабаби, бир томондан, тарбия жараёнининг мураккаб, узоқ давом этиши ва зиддиятлиги, иккинчидан, миллий тарбия назарияси ва услубларининг педагогика институтлари ва университетларида ҳали мустақил курс сифатида ўрганилмаётганлиги бўлса, учинчилан, педагогика институтлари ва университетлари ўқув соатлари ҳажмида педагогика ва психологияга соатларнинг кам ажратилганлиги бўлиб чиқди (юқоридаги чизмага қаранг). Бу ҳолат амалиётда ўзини намоён қилмоқда. Тажрибали мактаб директорларидан бири С. Содиқованинг фикрича, «педагогика институти ва университети битириб келган ёш ўқитувчилар дастлаб ўқувчилар билан муносабатда ўзларини «домла» каби тутадилар. Агарда педагогика билим юртлири битирувчиларининг мактаб ўқув-тарбиявий ишларига тўла киришиб кетишлари учун 1—2 ой керак бўлса, педагогика институтлари битирувчиларига 6 ой, педагогика институтлари кечки бўлимлари ва университет битирувчилари учун камида бир йил керак бўлади». Бу фикрни университетлар, педагогика институтлари битирувчилари орасида ўтказилган сўровлар ҳам тасдиқлади

Давлат имтиҳони арафасида талабаларнинг педагогика институтлари ва университетларида олган билим, кўникма ва малакалари даражаларнинг баҳолалиши

(Педагогика ва бошланғич таълим услубияти, ўзбек филологияси, тарих, жисмоий тарбия, меҳнат таълими ва услубияти факультетлари талабалари мисолида (сўралганларнинг умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида).

Саволлар	Жуда яхши	Яхши	Қониқарли	Қониқарсиз	Тайёр эмасман	Жавоб бермади
1. Сиз миллий истиқлол шароитида ўзингизнинг тарбиявий ишларга тайёргарлигингизни қандай баҳолайсиз?	—	4	26	64	5	1

2. Ўзбекистоннинг ўз истиклол йўлидан келиб чиқувчи тарбиявий вази- фалар ҳақидаги билимларингизни қандай баҳолайсиз?	—	2	32	56	7	3
3. Оила билан тарбиявий ҳамкорликни ташкил қилишга тайёргарлигин- гиз қандай?	—	8	24	60	8	—
4. Миллий тарбияни амалга оширишда қишлоқ, маҳалла билан ҳамкорлик қилинганми?	—	—	20	60	20	—
5. Ўқувчиларнинг миллий тарбияланган- лик даражалари қайд қилинганми?	—	—	11	77	4	—

Хуллас, тадқиқот жараёнида миллий истиклолнинг Ўзбекистон ўқитувчиси, синф раҳбаридан миллий тарбиявий билим, малака, кўникмаларга эгалликни талаб қилаётгани, мавжуд кўрсаткичлар эса қониқарли эмаслиги қайд қилинди. Педагог ходимлар малакасини ошириш бўйича тўпланган тажриба ҳам «Ўқувчилар тарбияси ва билимининг самарадорлиги тўғридан-тўғри ўқитувчининг билими, касб маҳорати, обрўси ва унинг маданиятига боғлиқ»¹лигини қайта-қайта таъкидламоқда эди. Бўлажак ўқитувчиларнинг 85 фоизидан ортиқроғи фақат ўз фанлари бўйича дарс бериб, тарбиячилик фаолияти билан шуғулланмаслигини афзал кўришлари бу ҳолни янада долзарблаштиради. Ваҳоланки, ёш ўқитувчиларининг 80–90 фоизи мактабга келишлари билан синф раҳбарлари этиб тайинланадилар. Бунинг натижасида ёш ўқитувчиларда пайдо бўлувчи но-чорлик, ҳафсаланинг пир бўлиши баъзан уларнинг касбини ўзгартиришига сабаб бўлади. Мавжуд вазият педагогик таълим жараёнида ўқитувчи профессиограммасидаги

¹ Педагогика, 1992, № 4–5.

миллий тарбиячилик сифатларини кучайтиришни, такомиллаштиришни тақозо қилмоқда эди.

Ўқитувчиларнинг миллий тарбия жараёнининг ташкилотчилари сифатидаги фаолиятларини ўрганиш уларнинг, қисман бўлса-да, миллий тарбия вазифалари, мақсадидан хабардорликларини, бу ишни эмпирик даражада амалга оширишга ҳаракат қилаётганликларини кўрсатди. Бунинг мисоли сифатида уларнинг иш режалари, тарбиявий соатлар тематикасидан жой олган миллий ахлоқий мавзуларни, тадбирларни келтириш мумкин. Лекин бу ишларнинг аниқ мақсадга йўналтирилмаганлиги, системалашмагани, изчил назорат қилинмагани туфайли бош мақсадга эришмай қолingan. Чуики синф раҳбарларининг миллий-тарбиявий фаолиятини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилмаган. Ана шу сабабдан бўлажак ўқитувчиларнинг миллий тарбиячи сифатидаги фаолиятининг модели, кўрсаткичларини асослаш зарурати туғилди. Булар:

- миллатлараро мулоқот маданиятининг;

- виждонийликнинг;

- миллий мафкуравий оигиликнинг яхлит шакллантирилган даражалари сифатида ифодаланди. Ушбу кўрсаткичларни тўрт даражадан иборат мезонлари белгиланди. Тажиба синфларининг миллий тарбияланганлик даражаларини (яъни синф раҳбарининг миллий-тарбиявий фаолияти самарадорлигини) ўрганиш кузатув, мустақил ҳайъат, илмий бўлим мудирлари, тарбиявий ишлар ташкилотчилари, директорлардан олинган ҳолис тавсифиомалар билан солиштириш йўсинида ташкил этилди. Биз белгиллаган мезонлар тизими аксарият ҳолларда (76%) синф раҳбарларининг миллий-тарбиявий фаолиятини ҳолис акс эттирди. Шундай қилиб, синф раҳбарларининг миллий-тарбиявий фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари — мезонларининг юқори, ўртача, паст ва салбий даражалари аниқланди. Натижа эса, синф раҳбарининг миллий тарбия борасидаги фаолияти самарадорлиги нималарга боғлиқлиги, алоқадорлиги ўрганилди. Бундай

омиллар: а) синф раҳбарининг миллий-тарбиявий ишларни олиб боришга назарий, услубий йўналтирилганлиги; б) шахсий ва касбий сифатларининг уйғун шакллانганлиги; в) ижодийлик бўлиб чиқди.

Фаолияти юқори ва яхши даражада баҳоланган синф раҳбарларида миллий-мафкуравий онглилик, фаол ахлоқийлик, ижтимоий фаоллик, ижтимоий тафаккур, топқирлик, педагогик одоб, талабчаилик, виждонийлик, адолатпарварлик, тadbиркорлик, ўзини идора қила олиш, кўтаринки руҳ, болаларга меҳрлилиқ каби сифатларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги кузатилди. Мазкур касбий ва шахсий сифатларнинг уйғунлашуви уларга турли вазиятларда топқирлик билаи, янгиликка ннтилиб тарбияни миллий, истиқлолий асосга қуриш имкоиятини бермоқда эди.

Фаолияти қониқарли ва паст даражада баҳоланган синф раҳбарларида эса, миллий тарбиянинг назарий ва услубий асослари ҳақида билимларнинг бўшлигидан ташқари, интеллектуал чекланганлик, ўқувчиларнинг миллий фазилатларига бефарқлик, бўшанглик, ўқувчилар билан мулоқотга кириша олмаслик, уларни ўзига эргаштира билмаслик, одамовилик, ўқувчиларга зарда қилиш, кўп гап — иасиҳатга ортиқча берилганлик, баъзи ҳолларда эса ҳатто педагогга номуносиб сифатлар ҳам учраши кузатилди. Шунн қайд қилиш жоизки, фаолиятлари учинчи ва тўртинчи гуруҳга киритилган синф раҳбарлари орасида ўз фанининг билимдоилари ҳам учрайди. Лекин ўқитувчининг ўз фанини чуқур билиши, унинг синф раҳбари — миллий тарбия ташкилотчиси сифатидаги билим, кўникмалар даражасига ҳамма вақт ҳам мос келавермаслиги тасдиқланди.

Жамланган илмий тадқиқот материаллари ўқитувчининг синф раҳбари сифатидаги фаолиятининг самарадорлиги унинг педагогика институтлари ва университетларида миллий-тарбиявий фаолиятга махсус йўналтирилишига; шахсий фазилатларига; миллий тарбия бўйича муайян назарий ва амалий тайёргарлик даражасига боғлиқлигини

кўрсатди. Бу эса бўлажак ўқитувчининг миллий тарбиячи сифатидаги шахсий ва касбий сифатларининг намунавий мажмуасини тузнш имконини берди.

**СИНОФ РАЎБАРЛАРИГА МИЛЛИЙ ТАРБИЯНИ АМАЛГА
ОШИРИШЛАРИ УЧУН ЗАРУР БЎЛАДИГАН ШАХСИЙ
ВА КАСБИЙ СИФАТЛАР МАЖМУАСИ**

Шахсий сифатлар

Маънавий етуклик; миллий-мафкуравий онглилик; миллий одобрилик; фаросат; нозик лидлик; ўз касбига садоқат; виждонийлик; ташаббускорлик; болажонлик; талабчанлик; адолатпарварлик; педагогик одоб; талбиркорлик; қатъийлик; ҳар қандай вазиятда ўзини идора қила олиш; миллатлараро мулоқот маданияти; кузатувчанлик; самимийлик; топқирлик; бировга беғараз ёрдам беришга тайёрлик; келажакка ишонч; хушмуомалалик; миллий ғурурлилиқ; маънавий поклик; Ўзбекистон ватанпарварлиги; озодалиқ ва ҳ.к.

Билимлар

Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўлининг моҳияти, беш тамойил, тараққиётимизнинг ахлоқий негизларини билиш; миллий тарбиянинг маънавий моҳиятини чуқур англаш; Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва илғор педагогик технологияларни билиш; ўз фанининг миллий-тарбиявий имкониятларини сезиш; Ўзбекистон ҳукумати, Президентининг ички ва ташқи сиёсатидан мукамал хабардорлик; миллий тарбиянинг назарий ва услубий асосларини чуқур билиш; ўзи туғилиб ўсган жой, ўзбек халқи тарбиявий анъаналарни пухта билиш; ўғил ва қиз болаларнинг миллий-тарбиявий хусусиятларини билиш; қиёсий педагогик ва этнопсихологик билимлар, ижтимоий фалсафий ва руҳшунослиқ билимлари, ўзбек маданиятини чуқур, атрофлича билиш; миллатнинг тараққиёт қонунларини билиш; одобнома, сиёсат, маънавият, тарих, ўлкашунослиқ, адабиёт ва санъат, ахлоқшунослиқ, ҳуқуқшунослиқ, техника борасида билимларга эгалик; ўз халқи тарихини яхши билиш ва ҳ.к.

Кўникма ва малакалар

Конструктив

Миллий-тарбиявий ишлари режалаштириш малакалари; ҳар бир бола шахсининг педагогик таъхисини, боланинг педагогик тарихи, ҳозир ва истқболини кўра билиш; миллий тарбияда умумпедагогик усуллари қўлай олиш; бир миллатли ва кўп миллатли ўқувчилар жамоасида ҳар бир ўқувчини миллий тарбиялашнинг хусусий дастурини тузиб, амалга ошира билиш; тарбияланувчиларга алоҳида, гуруҳий ва табақалашган ҳолда ёндашув, уларнинг ёш, психологик, жинсий, маҳаллий хусусиятларини ҳисобга ола билиш малакалари ва бошқалар.

Ташкилотчилик

Синфнинг фаол ўқувчиларини, жамоасини миллий-тарбиявий мақсадларда жипслаштириб, бошқара олиш; синф аҳлининг жамоа билан яққа фаолият турларини ташкил қила олиш; ўқувчиларнинг ижтимоий-миллий фаолликларини рағбатлантириш, ривожлантириш; ўқувчиларга миллий-тарбиявий мақсадларда топшириқлар бериш ва уларнинг бошқарилишини назорат қилиш, ёрдам бериш; маҳалла, қишлоқ, оила, ҳомий ташкилотлар билан миллий-тарбиявий ҳамкорликни ташкил қилиш ва ҳ.к.

Коммуникатив

Ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар, маҳалла, қишлоқ оқсоқоллари билан алоқа ўрната олиш; ўқувчилар орасида, шахслараро, гуруҳлараро, миллатлараро муносабатларни бошқара олиш; ҳар бир ўқувчи қалбига йўл топиб, ўзига мойиллик уйғота олиш; жамоага, ўқувчига кўрсатилган керак бўлган тарбиявий таъсирнинг қандай натижа беришини олдиридан кўра олиш; дунёга, ўзига ва мазкур вазиятга ўқувчисининг кўзлари билан қарай олиш; тева-рак-атрофни, муносабатларни, миллий маданиятни ўқувчи даражасида (ўзини ўқувчиси ўрига қўйиб) тасаввур, ид-рок қила олиш (эмпатия) ва ҳ.к.

Гностик

Ўқувчини миллий тарбия объекти сифатида педагогик ўрганиш; миллий-тарбиявий фаолиятда педагогик-психологик билимлардан, нлғор тажриба намуналаридан, адабиётлардан фойдаланиш; изланувчанлик; миллий-тарбиявий восита, ташкилнй шакл, услуб, йўл-йўриқларни муқобил танлаш; ўзининг касбий ва шахсий сифатларини таҳлил қилиб такомиллаштириш; миллий истиқлол талабларидан келиб чиқиб, ўз фаолиятини ислоҳ қилишга тайёрлик, ислоҳ қила олиш ва ҳ.к.

Амалий

Яхши расм солиш, рақсга туша олиш, мусиқа асбобини чала олиш, қўшиқ куйлай олиш, у ёки бу буюмларни ясаб, тузата олиш ва ҳ.к.; миллий-тарбиявий тадбир, байрамларни режалаштириб, ташкил қилиб, бошқариб ўтказа олиш; таълимнинг миллий-тарбиявий имкониятларини, техник воситаларини тайёрлаш ҳамда қўллаш.

Педагогик маҳорат

Ўқувчиларни ўзига жалб қила олиш, иштнёқини уйғота олиш, миллий замонавийлик ғоясини сингдприб, миллий-тарбиявий вазифаларга руҳлантира олиш; ўзини «мукаммал, замонавий ўзбек знёлиси» сиймосига онгли равишда тайёрлаш ва такомиллаштира бориш; ўзбек тилида соф, тиниқ, ифодали, таъсирли, оҳангдор сўзлаш; нотиклик ва актёрлик маҳорати; юз-қиефа, кўз, қўл, гавда ҳаракатлари орқали ўз нутқининг таъсирчанлигини ошира олиш; ҳис-туйғуларни жиловлай олиш; ўқувчиларга бевосита ва параллел таъсир кўрсата олиш ва ҳ.к.

Шундай қилиб, ҳозирда педагогика институтлари, университетлар талабалари бўлмнш бўлажак педагогларни миллий-тарбиявий фаолиятга тайёрлашда юқоридаги касбий ва шахсий сифатлар, билимлар, кўникма ва малакалар тизмнпни мақсадли шакллантириш зарурати мавжуд эди. Ушбу заруратини таъминлаш учун дастлаб педагогик таълимнинг мавжуд имкониятларидан келиб

чиқиб, «бўлажак ўқитувчиларни миллий-тарбиявий фаолиятга тайёрлаш» йўналиши бўйича қўшимча имкониятлар яратилди. Яъни, 1) ижтимоий кафедралар илмий тадқиқот йўналишларидаги миллий-истиклолий, мафкуравий, маънавий, тарихий мавзуларни ўзаро боғланишига эришилди; 2) динлом ишлари, курс ишлари, реферат ишлари тематикасида миллий-тарбиявий мазмун кучайтирилди; 3) ҳар бир педагогик-психологик кафедраси, ҳар бир фанни ўқитишнинг бўлажак ўқитувчиларни миллий-тарбиявий фаолиятга тайёрлаш бўйича қўшимча имкониятлари очиб берилиб, улардан фойдаланиш йўлга қўйилди. Хусусан, фалсафа, динлар ва ҳуқуқ тарихи, Ўзбекистон халқлари тарихи, маданиятшунослик, нафосатшунослик, социология ва бошқа фанларнинг бўлажак ўқитувчиларнинг миллий-мафкуравий дунёқарашининг шакллантиришдаги имкониятларидан унумли фойдаланилди. Ушбу услуб бўлажак ўқитувчи — миллий тарбиячиларда мустақил Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли йўли, ички ва ташқи сиёсати, тарихи, ҳозирги ва истиқбол ҳақида билимлар билан уларнинг миллий-истиклолий педагогик тафаккури орасида уйғунликка эришишга хизмат қилиб, эътиқодини мустаҳкамлайди.

Бўлажак ўқитувчиларни миллий-тарбиявий фаолиятга тайёрлашнинг қўшимча воситаларидан бири сифатида ушбу сатрлар муаллифи томонидан тайёрланган ва «Бошланғич таълим» илмий-педагогик журналида (1994 йил 3-сон) эълон қилинган «Ўзбекистон ўқитувчисининг қасамёди» матнидан фойдаланилди. Ушбу воситанинг миллий-мафкуравий, маънавий, ғоявий, касбий аҳамиятини кўрсатиш учун «қасамёд» матнини тўла келтиришни лозим топдик.

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ҚАСАМЁДИ

«Менким _____ ўқитувчиликдек шарафли касбга ўзимни бағишлаб, Ўзбекистоннинг ватанпарвар ёш авлодини тарбиялашга киришар эканман, Ватаним, халқим, Президентим ва устозларим олдида барча касбий масъулиятларимни чуқур англаган ҳолда;

тарбия орқали ўқувчиларимда миллат, давлат, Ватан манфаатлари бирлигини таъминлашга;

ўқувчиларимга ижобий инсоний жиҳатларим билан намуна бўлишга;

ўз фанимни ўқитишни тобора такомиллаштира боришга; бола шахсини ҳурматлашга;

тарбиявий мақсадга эришишда талабчан бўлишга;

педагогик жараёни илмий асосга қуришга тантанали равишда қасамёд қиламан. Берган қасамёдимнинг ҳар бир бандини бажаришда шахсий жавобгарлигимни тантанали равишда баён қиламан».

Бўлажак ўқитувчиларни миллий-тарбиявий фаолиятга тайёрлашда ўзига хос қийинчилклар ҳам мавжуд эди. Улардан бири — талабаларга миллийлик, тарбия, маданият, шахснинг миллийлиги ҳақида, миллий истиқлол мафкурасининг педагогик моҳилти тўғрисида маълумотлар бериши лозим бўлган махсус илмий адабнётларнинг ҳали чоп этилмаганлиги эди. Булардан Қуръони карим, ҳадис, «Муошарат одоби», «Одобнома», «Амир Темур ўғитлари», «Ўзбек тўйлари» каби қатор маърифий-оммабоп рисоалар мустасно, албатта. Ушбу адабнётларда миллий ва умуминсоний одоб-ахлоқ ҳақида ҳнқоя қилиниб, ўқувчиларга миллий одоб, виждонийлик, имонлилик ва бошқа сифатларни тарғибот қилишни мақсад қилиб қўйилган. Халқимиздаги миллий қадриятларга бўлган оммавий қизиқниш, уларни сақлаш истаги бу рисоаларнинг харидоргирлигини таъминлади, таъминламоқда. Лекин бу рисоалар асосан тарихий хусусиятга эга бўлиб, «Ҳозир ва келажакда Ўзбекистонининг умумтаълим мактабларида ўқувчи болалардан қандай миллий фазилатларни, қай даражада, қай меъёردа, иима учуп, ва энг муҳими, қандай қилиб шакллантириш мумкин?» деган илмий-педагогик саволларга тўла жавоб бера олмас эди. Зеро, бу китобларнинг муаллифлари, тузувчилари ўз олдиларига аввал-бошдан бундай мақсадларни қўймаган эдилар. Вужудга келган муаммони ижобий ҳал қилиш мақсадида ҳаётимизда содир бўлаётган миллий яратув-

чиликка қаратилган уйғонишнинг моҳиятини уқтириш, уларда миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш мақсадида ижтимоий фанлар ўқитувчиларига йўл-йўриқлар берилди. Жумладан, талабаларга миллий-мафкуравий мавзуларда рефератлар тарқатишларини, реферат ишларини бажариш учун талабалар республика газета-журиалларида чоп қилинган миллий-тарбиявий мақолалар, тарихий ҳужжатлар, маданий мерос билан пухта танишишларини шарт қилиб қўйишларини тавсия қилдик. Талабаларга бу ишда ёрдам бериш учун адабиётлар рўйхатига 1989—1997 йиллар республика матбуотида чоп этилган миллий тарбиянинг турли қирраларига оид мақолалар, рисоалар, давлат ҳужжатлари, Президентимизнинг тарбиявий қарашлари акс этган чиқишлари, нутқлари киритилди. Бу тадбир бўлажак ўқитувчиларининг миллий-тарбиявий фаолиятни олиб боришларида зарур бўлган миллий-мафкуравий дунёқараш, миллий одоблиқ, виждонийлик, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий гурур, Ўзбекистон ватанпарварлиги каби фазилатларнинг, миллий-истиқлолий эътиқоднинг заминини яратишга хизмат қилди.

Хуллас, мустақил Ўзбекистон ўқитувчисининг миллий тарбиячи сифатидаги андаза — моделини белгилаш қўйидагиларни аниқлаш имконини берди. Мустақил Ўзбекистон ўқитувчисини умумпедагогик тайёрлаш жараёни ўзига хос қонуниятлар асосида кечади. Яъни:

мамлакатда ўқитувчини умумпедагогик тайёрлаш тизими унинг миллий хусусиятларига асосланса, бу жараёнинг самарадорлиги ошади;

Ўзбекистон ўқитувчиларини умумпедагогик тайёрлаш тизими республикамизнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлидан келиб чиқувчи педагогик вазифалар билан белгилашни керак;

бўлажак ўқитувчиларнинг миллий-тарбиявий билим, кўникма ва малакалари сифати педагогика институти, университетларидаги ўқув, амалий ва мустақил амалий

фаолиятлар мазмуни, шакл ва усулларининг миллий тарбиявий вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилишига боғлиқ;

бўлажак ўқитувчиларнинг миллий-тарбиявий фаолиятга тайёргарлик даражаси, мазмуни, самарадорлиги талабанинг шахсий инсоний сифатлари, мафкуравий дунёқараши ва касбий лаёқатларининг уйғунлаштирилишига боғлиқ.

Шундай қилиб, ўқитувчининг миллий тарбиячи сифатидаги андоза-моделидан келиб чиқиб, миллий-тарбиявий фаолиятга тайёрлашнинг услубий тизими аниқланди. Галдаги амалий-педагогик вазифа сифатида талабаларнинг шахсий сифатлари, миллий-мафкуравий дунёқарашидаги ижобий ўзгаришларни уларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш билан уйғунлаштиришга киришилди.

Бўлажак ўқитувчиларни миллий тарбиянинг педагогик-психологик асослари билан қуроллантириш

Миллий истиқлол Ўзбекистон мактабларида таълим ва тарбияни такомиллаштириш ва бунинг учун, аввало, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарликларини такомиллаштириш заруриятини кун тартибига қўйди. Ушбу ижтимоий буюртмани бажариш университет ва педагогика институтларида ўқув-тарбиявий жараёни оқилонаташкил қилишни, бўлажак ўқитувчиларни миллий-тарбиявий фаолиятга тайёрлашнинг самарали шакл, услуб ва воситаларини излаб топишни, талабаларни миллий истиқлолнинг педагогик эҳтиёжларини тўғри талқин қилишга ўргатишни, миллий тарбия назарияси ва услубияти ҳақидаги илмий билимлар билан қуроллантиришни, миллий тарбиячилик кўникма ва малакаларини махсус шакллантиришни тақозо қилди. Бошқа томондан, бу муаммо республикамиз педагог-олимларининг мақолаларида, мунозараларида долзарб мавзуга айлана борди. Педагогик жамоатчилик фанимизнинг 90-йиллар боши-

дагп ҳолатига «недагогика илмидаги чуқур инқироз» деб ташхис қўйдилар. Бу инқирознинг туб илдиэлари, энг аввало

- педагогиканинг миллий заминдаи, кўҳна Шарқнинг минг йиллик теран анъаналаридан узилиб, мутлақо ўзга миллий асосларга таянган ҳолда талқин қилинганида;

- педагогик қонуниятлар масаласининг жуда кучсиз ишланганида;

- бу борада ҳамон умумий мунозаралардан ташқарига чиқилмаётганида;

- Ўзбекистонда узоқ вақт бошқа миллий педагогикалар тарихини ўрганиш урф бўлганлигида ва бошқа омишларда эканлиги чуқур асослаб берилди¹.

Мазкур камчиликлар ўқитувчи-тарбиячи тайёрлашнинг назарий, ғоявий жиҳатларини ўз ичига олган бўлса, бошқа томондан, педагогик амалиётда — ёш ўқитувчиларнинг тарбиявий ишларни ташкил қилишдаги нўноқликларида қайта-қайта акс этмоқда эди. Бу эса ҳақиқатан ҳам ўқитувчи-тарбиячи тайёрлаш тизимини миллий-истиклолий талаблар асосида ислоҳ қилишни долзарб мавзуга айлантирганди. Шу тариқа мустақиллик, миллий истиклолнинг Ўзбекистон ўқитувчисига қўяётган миллий-тарбиявий талаблари ва ўқитувчиларимизнинг миллий-тарбиявий фаолиятта тайёрлик даражалари орасида номувофиқлик мавжуд эди.

Мазкур камчиликларни бартараф қилиш учун бўлажак ўқитувчиларни миллий тарбиянинг назарий, услубий асослари билан қуроллантириш:

- талабаларни назарий хулосалар чиқариш;

- педагогик вазиятларни мустақил таҳлил қилиш;

- педагогик сабаб ва оқибатлар орасидаги боғланишларни кузатиш;

- педагогик таъсир мантиқини эгаллаш;

- педагогик диагностика, технология, прогностика услубларини қўллаш;

¹ К. Юсупова. Ўзбекистонда педагогика илмининг истикболи, «Маърифат», 1994 йил 9 февраль.

ўрганилган назарий билгиларни амалиёт билан боғлашга ўргатиш каби педагогик-психологик вазифаларни ҳал қилиш лозим эди.

Бўлажак ўқитувчиларни педагогик-психологик тайёрлаш жараёни педагогика институтлари ва университетларида «Ўқитувчилик касбига кириш» курсини ўрганишдан бошланади. Мазкур курс талабаларга илк машғулотлардан бошлаб ўқитувчи-тарбиячилик касби ҳақида, унга миллий мустақиллик шароитида қўйилаётган талаблар, миллий истиқлолни мустаҳкамлашда мактабнинг роли, ёш авлодни миллий истиқлол руҳида тарбиялашнинг аҳамияти ҳақида билимлар беради. Бу талабаларда педагогик, психологик, маънавий, ғоявий, мафкуравий дунёқарашни шакллантиришнинг илк босқичидир. «Ўқитувчилик касбига кириш» курсининг мазмуни асосан, 1) ўқитувчилик касби ва мустақил Ўзбекистоннинг ўқитувчига қўяётган талаблари; 2) бўлажак ўқитувчилар мутахассис сифатида фаолият кўрсатиши лозим бўлган ўқув муассасалари: гимназия, умумтаълим мактаби, лицей, коллеж, мактаб-интернатлар тавсифи; 3) педагогик таълим тизими, мустақил ишлаш, ўз-ўзини тарбиялашнинг аҳамияти ва шакллари; 4) кутубхонада ишлаш, адабиётларни таҳлил қилиш, маъруза, семинар, лаборатория машғулотлари тўғрисидаги ва бошқа билимлардан иборат. Мазкур курснинг бўлажак ўқитувчиларни миллий-тарбиявий фаолиятга тайёрлашдаги аҳамиятидан келиб чиқиб, ўқитувчиларга аниқ тавсиялар берилди. Жумладан:

- Шарқда ўқитувчи-устозларнинг жамиятда эгаллаган юксак мавқеи билан талабаларни таништириш;

- Шарқ маданияти, маънавияти, илмининг шуҳратида уларнинг тутган ўрнини кўрсатиш;

- Ал-Фаробий, Алишер Навоий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний ва бошқа алломаларимизнинг шаклланишида ўқитувчи-устозларнинг тутган ўрни, устозшогирдлик анъаналари ҳақида билимлар бериш;

- педагогика ва педагогларнинг мамлакатимиздаги миллий давлатчилик, тикланишдаги ролини тушунтириш;

— мустақил Ўзбекистон ўқитувчисига қўйилаётган талаблар, ўқитувчидан талаб қилинувчи шахсий ва касбий сифатлар тизими ҳақида батафсил тўхталиш;

— чуқур миллий-тарбиявий тушунчалар бериш ва ҳ.к.

Семинар машғулотларида одоб-ахлоқдаги миллийлик, инсонларга хос ижобий ва салбий сифатларнинг педагогик табиатини асослаб, ҳаётий педагогик вазиятлар ҳосил қилиб, талабаларнинг ўз касбларига қизиқишлари оширилди, уларни мактаб ва ўқувчилар билан илк учрашувга тайёрлаб борилди.

«Педагогиканинг умумий асослари» бўлимининг «Педагогиканинг предмети ва илмий-тадқиқот усуллари» мавзусини ўрганишда талабаларга педагогиканинг фан сифатидаги объекти — инсон, предмети — тарбия эканлигига алоҳида урғу берилди. Инсоннинг турфа хусусиятларидан бири, унинг у ёки бу миллат вакили эканлиги ҳисобга олindi. Совет педагогикасидаги жиддий назарий камчилик ҳам бартараф қилинди — педагогиканинг объекти масаласига ойдилик киритилди. Педагогиканинг предмети шарҳлашда ҳам объект — инсон ва тарбиянинг миллий хусусияти назарий-мантиқий асосланди. Бу ғоя педагогиканинг илмий-тадқиқот услублари: шахс ва унинг камолоти; педагогик жараённинг қонуниятлари; узлуксиз таълим тизими каби мавзуларда ҳам ривожлантирилди. Жумладан, ўқувчини ўрганишда у ўсган маҳаллий, миллий муҳитга эътибор бериш, миллий қадриятларга муносабати ва уларни эгаллаганлик даражасини қайд қилиш, ўқувчида бошқа сифатлар билан бир қаторда миллий ғурур, виждонийлик, ватанпарварлик, миллий одоб, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий-мафкуравий онгликнинг шаклланганлигини ўрганишнинг аҳамиятига урғу бериб ўтилди.

«Педагогик ғояларнинг тарихий ривожланиш босқичлари» бўлимида «Ўзбекистонда мактаб, маориф ва педагогик фикрлар тараққиёт тарихи» махсус мавзу қилиб белгиланган эди. Университетларда то шу пайтгача ушбу мавзу ўзбек мутафаккирларининг фикрларини шарҳлаш билан чекланиб келинган эди. Бу мавзунини ўқишда ҳар

бир даврда тарбия иши миллий, диний хусусиятга, мақсад ва вазифага эга яхлит технологик жараён бўлганлигига эътибор кучайтирилди. Масалаи, «Россияда педагогик ғояларнинг ривожланиши» мавзусида К. Д. Ушинский ва унинг тарбия халқчиллиги ҳақидаги принципи атрофлича очиб берилди. «Чет эл педагогикасининг таълим ва тарбия соҳасидаги асосий йўналишлари ва тизимига қисқача обзор» мавзусини ўрганиш самарадорлигини ошириш учун қиёсий-педагогик ёндашув усулига эътибор кучайтирилди. (Ушбу масала бизнинг «Халқ таълими» (1993 йил 8—9-сон) журналида эълон қилинган «Миллий тарбия йўриқномаси: Фарб ва Шарқ тарбиявий тажрибалари имуналариининг таҳлили» мақоламизда атрофлича ёритилган.)

«Дидактика» бўлимига «Ўзбекистон мактабларида таълимнинг мазмуни» махсус мавзу қияиб киритилди. Бу орқали нафақат тарбия, балки таълим, унинг мазмуни ҳам муайян халқ, мамлакат ва давлат манфаатлари билан белгиланишига урғу берилди. Айниқса, гуманитар соҳа бўйича ўқув предметларининг миллий-тарбиявий имкониятлари мисоллар ёрдамида кенг намоёниш қилинди.

«Тарбиявий ишлар назарияси ва услубияти» бўлимининг бой миллий-тарбиявий имкониятларидан ҳам самарали фойдаланилади. Хусусан, тарбиявий жараён, унинг тамойилларни, ўқитувчининг тарбиявий ишлари тизимини ўрганиш каби масалаларни таҳлил қилишда уларнинг жуда бой имкониятга эга экани намоёни қилинди. Тарбия натижасига бу жараёнининг «қачон», «қерда», «кимлар билан», «нима мақсадда» олиб борилиши бевосита таъсир қилиши ва юқоридаги саволларга жавоблар асосида белгиланиши талабалар кўз олдида асосланди.

«Тарбиянинг ҳаёт билан бирлиги», «Бола шахсига ҳурмат ва талаб бирлиги», «Тарбиянинг узвийлиги, изчиллиги» ва бошқа тушунчаларни ҳозирги замонда, Ўзбекистон шаронтида қандай амалга ошириш йўллари изоҳланди. «Тарбия ва ўқитувчининг педагогик маҳорати», «Тарбиянинг умумий услублари ва педагогик таъсир», «Ўқувчилар жамоасини шакллантириш ва унинг ўқувчи шахси-

га таъсири» мавзуларида миллий педагогика услублари, воситалари баёнига кенг ўрин ажратилди.

Ўқувчиларда миллий дунёқарашии шакллантириш ва ахлоқий тарбия масалаларини ўрганишда дунёқараш, дунё-и идрок қилишнинг миллий тарзлари мавжудлиги; одоб мавҳум шаклда мавжуд бўла олмаслиги, балки у турли ижтимоий гуруҳ ахлоқи, жумладан, миллий шаклда на-моёи бўлиши; миллий ахлоқ-одоб икки йўл — кундалик турмуш, миллий маданият орқали ва мактабда махсус уюш-тириладиган миллий одоб тарбияси орқали ўзлаштирили-ши ва бунга бевосита ва билвосита таъсир қилувчи омил-лар тизими очиб берилди. «Меҳнат тарбияси, касбга йўнал-тириш» мавзусида талабалар эътибори халқимизда ҳар бир инсоннинг моҳияти унинг меҳнатга муносабати билан баҳолаinganлигига, миллий ҳунармандчиликда устоз-шо-гирдлик, оилавий касбий сулолалар анъаналарига, мил-лий касб-кор, ҳунарлар ва уларни ўргатишнинг тарихий ва замонавий хусусиятларига жалб қилинди.

«Эстетик тарбия», «Жисмоний тарбия» мавзулари-ни очиб бериш халқ амалий санъати турлари: наққош-лик, гиламдўзлик, каштачилик, зардўзлик, меъморчи-лик, шеърят, раққослик, қўшиқчилнк билан чамбар-час боғланди. Турли-туман миллий ўйин-мусобақалар — кураш, қулоқчўзма, тунги ва куйдузги, фаслий ўйин-лар ҳақида маълумотлар берилиб, ўзбек болаларининг жисмоний баркамол кишилар бўлиб етишишларида бу ўйинларнинг тутган ўрни кўргазмали намуналар, физио-логик далиллар орқали талабалар педагогик тафаккури-га сиғдирилди.

«Ёшлар ташкилотларининг тарбиявий ишлари. Ўқув-чиларнинг ўз-ўзларини бошқариш» мавзусига алоҳида эътибор берилди. Чунки нафақат Ўзбекистонда, балки барча собиқ иттифоқдош республикаларда нионер, ком-сомол ташкилотлари ўрнида қолган бўшлиқни тўлдириш педагогик муаммога айланган эди. Республикамиз мак-табларида тўпланган илғор тажриба (жумладан, Чирчиқ шаҳри мактаблари амалга ошираётган «Ватаи» ҳаракати ва бошқалар) намуналаридан фойдаланган ҳолда Ўзбе-

кистон ўқувчилар ва ўсмирлар уюшмасининг мақсад ва вазифалари миллий-тарбиявий нуқтаи назар билан бойитилди.

«Ҳозирги замон ўқитувчиси» мавзусида мустақил Ўзбекистон давлатининг ўқитувчилар олдига қўяётган истиқлолий талаблари, ундаи кутилаётган шахсий ва касбий фазилатлар тизими баён қилинди. Бунда мазкур ишимизнинг олдинги саҳифаларидаги «андаза»га таянилди. «Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар», «Мактаб, оила ва жамоатчиликнинг тарбия соҳасидаги фаолияти» мавзуларини ўрганиш республика «Маҳалла» жамғармасининг тарбиявий вазифалари, 2000 йилгача мўлжаллаган «Мерос» тadbирлар Дастурига боғлаб амалга оширилди. Шунингдек, ота-опанинг бола тарбияси учун конституциявий жавобгарликлари ва бунинг республика бозор иқтисодиётига ўтаётган ҳозирги паллада гоят муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

«Ўқувчиларни экологик ва иқтисодий тарбиялаш муаммолари» мавзусини ўрганганда ушбу йўналишларни ҳосия қияган сабаблар, Ватан табиатини асраш, ўқувчиларнинг ўз уйлари, ҳовлилари, қишлоқ, маҳаллаларидаги хунукликларга салбий муносабатини шакллантиришдан бошланиши уқтирилди. Иқтисодий тарбиянинг миллий тарихи, анъаналари мавжудлиги ва замонавий Ўзбекистон шароитида кўзда тутилган мақсади, вазифалари, хусусиятлари асосланди.

Хуллас, курсни ўргатишда уни миллий-истиқлолий тарбия мазмуни билан тўлдириш, бойитиш бир неча усулларда амалга оширилди: 1) университет «Педагогика» курси дастурига тарбиянинг объектив миллий хусусияти; миллий тарбия — тарбиянинг мустақил йўналиши сифатидаги моҳияти маҳсус ўрганилди; 2) маърузалар мазмунини баён қилишда миллий тарбиянинг мақсад-вазифалари киритилди; 3) маърузалар охирида «Тарбия жараёнида ўқитувчилар томонидан ўқувчиларнинг миллий хусусиятлари қандай ҳисобга олинмоқда?», «Таълим жараёнининг миллий-тарбиявий имкониятларидан қандай фойдаланиш мумкин?», «Адабиёт дарсларининг миллий ғурурни шакллантиришдаги имкониятлари нималардап

иборат?», «Ўқувчиларнинг миллий-мафкуравий онглинги қандай объектив шароитлар ва субъектив омиллар таъсирида шаклланади?» каби саволлар атрофида талабаларнинг мушоҳадага берилиши ташкил қилинди; 4) семирар-машгулотлар учун республика газета-журналларида чоп қилинган миллий мактаб, миллий тарбия масалалари ҳақидаги мақолалар, рисоалардан фойдаланиш тавсия қилинди.

Амалий-тадқиқот гуруҳларида «Тарбиявий ишлар назарияси ва услубияти» бўлимига «Миллий тарбия масалалари» мустақил мавзу сифатида киритилди. Бу — бўлажак ўқитувчиларни миллий тарбиявий фаолиятга тайёрлаш самарасини оширувчи туртки бўлди ва миллий тарбиянинг моҳиятини махсус баён қилишга йўл очди. Мавзу доирасида тарбиянинг кнши оигига, хоҳишига боғлиқ бўлмаган, объектив миллий тавсифга эгалиги; миллий маданият — миллий тарбиянинг асоси эканлиги; АҚШ этнопсихологияси мактабларидаги «Миллий шахс» назарияси; тарбиянинг миллийлигини асослаган А. Авланий, М. Мид, Ф. Бендикт, К. Ушинский, Ал-Хусрий, Жалол Али Аҳмад ва бошқаларнинг қарашлари; Ўзбекистонда миллий тарбиянинг замонавийлиги, тамойиллари, тизими; қишлоқ ва шаҳар болаларининг миллий шаклланиши; миллий тарбиянинг шакл, услублари ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Педагогика институтлари учун «Педагогика тарихи» курси бўйича илк ўқув қўлланмалар олний педагогик таълимни илмий асосга қуришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мнсол тариқасида «Ўзбекистоннинг илм-маърифат тарихидан»¹ ўқув қўлланмасини келтириш мумкин. Ушбу ўқув қўлланмаси уч қисмдан иборат бўлиб, у иафақат халқ педагогикаси, балки мамлакатимизнинг атоқли алломалари миллий-тарбиявий қарашларини ҳам ўз ичига олган. Буни яққолроқ кўрсатиш учун бир неча мавзулар ва уларнинг бўлажак ўқитувчилар педагогик тафаккурини шакллантиришдаги аҳамиятини келтираимиз.

¹ Э. Туракулов, Н. Ражабов, Н. Эргашева. Ўзбекистонининг илм-маърифат тарихидан. Самарқанд, СамДУ нашри, 1993 й.

**«Ўзбекистоннинг илм-маърифат тарихидан» ўқув
қўлланмасининг миллий-тарбиявий мазмуни
(Айрим мавзулар)**

Мавзулар	Миллий-тарбиявий вазифаларнинг акс эттирилиши
Амир Темур — буюк саркарда	Амир Темурнинг болалиги. Соҳиб-қирон шаклланган оила, муҳит, устоз Шайх Зайниддин Абу Бакр Тойбодийдан олган таълим-тарбия мазмуни. Амир Темур амал қилган ҳикматлар: «Иш ва сўз бир бўлсин», «Инсонпарварлик ва мардликни Оллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди» ва бошқалар. Амир Темурнинг мактаб, мадраса, маданият, фан ва санъат ривожини учун қилган саъй-ҳаракатлари. Амир Темурни соҳибқирон даражасига кўтарган фазилатлар: ватанпарварлиги, жасурлиги, тadbиркорлиги, адолатпарварлиги, қатъийлиги, эҳтиёткорлиги ва шижоати. Фазилатлар шарҳи. Темур тузуклари — подшоҳларнинг ахлоқ ва одоби меъёрларининг баёни. Амир Темур йўл-йўриқлари: 1) иймонли бўлиш; 2) ҳар бир табақага алоҳида хусусиятларини нобатта олиб ёндошиш; 3) маслаҳат, кенгаиш билан иш юритиш; 4) қонуни-қонданинг устуворлиги; 5) одамларга таълим-тарбия бериш, мардликка йўллаш; 6) адолат; 7) илм аҳлини рағбатлантириш; 8) бошлаган ишни охирига етказиш; синаб дўст тутиш, бузуқликка қарши кураш; 9) каттага ҳурмат, кичикка иззатда бўлиш; 10) яхшиликни рағбатлантириш; 11) ватанпарвар кишиларни донмо ҳурмат қилиш. Амир Темур маърифатпарварлиги. Темурнийлар ахлоқи.
	Бобурнинг болалиги, ҳаёти, шахс сифатида шаклланишига таъсир қилган омиллар «Бобурнома», Бобур шеъриятида Ватан ёди мавзуси. Бобур

Бобур – гуманист, маърифатпарвар	кадрлаган фазилатлар: ўз манфаатини миллат манфаатидан устун қўймаслик, ҳалол, софдиллик, нафс овораси бўлмаслик, халқпарварлик, тўғрилиқ, меҳрибонлик, илмпарварлик, покизалиқ, вафодорлик. «Бобурнома»да она табиатни эъзозлаш, ватаннинг гуллаб-яшнаши учун боғу роғлар барпо этиш, кўп миллатли фуқаро орасида аҳиллик ўрнатиш. Бобурнинг болалар тарбияси мураккаблиги ва бунда тарбиячи ҳамда атрофдаги кишиларда ўрнашиб қолган одатининг аҳамияти катталиги ҳақидаги фикрлари. Бобурнинг умумфуқаровий ватанпарварликка даъвати. «Бобурнома»да Ватан, миллат тарихи, табиатиининг баёни.
Отаҳий таълим-тарбия ҳақида	Отаҳийнинг болалиги. Хива хонлиги даврида миллий низолар, тўқнашувлар: ўзбек, туркман, қорақалпоқ халқларининг ўзаро гнж-гижланниш ва буининг ҳалокатли оқибатлари. Отаҳийнинг яхшилик: олжаноблик, меҳмондўстлик, поклик, тўғрилик, ҳиммат, шижоат, мардлик, ғайрат, саховат, ифбат, ҳаё, вафо, мурувват, қаноат ва ёмонлик: дилозорлик, нодоилик, жоҳиллик, мунофиқлик, ёлғончилик, хиёнат, ҳасад, гийбат, танбаллик, текинхўрлик, ҳасислик ва бошқаларга берган таърифлари.
	Зебуннисо хислатлари: араб тилини мукамал билиш, мантиқ, ҳикмат тарихини пухта ўзлаштиргани, ҳаттоғлик, олим ва созандалиги. Зебуннисонинг ростлик, ҳаққонийлик, яхшилик, адолатпарварликни тарғиб қилиши. Нодирабегимнинг истеъдодли қалам соҳибаси, файласуф, педагог сифатидаги хислатлари. Унинг

Ўзбек маърифатпарвар аёлларн илм-маърифат ва тарбия ҳақида XVII—XIX асрлар	яхшилик, мурувват тимсоли сифатида фуқарога марҳаматлари, илм толиблари учун дилни равшан қилувчи салобатли мадрасалар бино қилдириши.Мақбул асарлар, диний китоблар ва аниқ фан рисоаларни кўплаб кўчиртириши, кутубхона барпо қилдиришн. Нодиранинг Шарқ, ўзбек аёлининг маънавий сарбаланд бўлишн, ҳаётин, касбни, борлиқин муҳаббат билан севиш кераклиги ҳақидаги фикрлари. Анбар Отининг юртдошларини болаларни янги усул мактабларига бериш ва она тилини мукаммал ўрганишга даъвати.
Туркистонда жадидизм ва жадидлар мактаби	Жадилчилк ҳаракатининг моҳияти. Бухоро ва Хива жадидчиларининг маърифий қарашларн. Аҳмад Доннш, Муқимий, Фурқат, Бехбудий, Мунаввар қори, Авлоний, Айний, Қодирий, Ҳамза, Фитрат, Шакурий ва бошқалар.Жадидчиларнинг маърифий маслакларн: 1) саводсизликни тугатиш учун кураш, халқ тафаккурини юксалтириш. Бунинг учун янги мактаблар очиш ва жадид адабиётини кенг кўламда тарқатиш; 2) малрасаларни ислоҳ қилиб, таълим-тарбиянинг янги услубларни жорий этиш; 3) аҳолн орасида ахлоқсизлик ва бидъатга чек қўйиш, ёвуз рақобатчилик, шахсни менсимаслик, ҳақоратлаш, жамият муомаласида кўпол муносабатларга чек қўйиш ва ҳ.к. Ўрта аср анъаналарига асосланган эски мусулмон мактабларининг XX аср бошларидаги янги ҳаёт эҳтиёжига жавоб бермаслиги ва мактабларда диний дарслар билан бирга дунёвий билимларнинг ўқитила бошланиши ва ҳ.к.

Бўлажак ўқитувчиларни миллий тарбиячилик фаолиятига тайёрлашнинг самарадорлигини оширувчи воситалардан бири — педагогика ва психология фанлари орасидаги ўзаро назарий ва амалий бирликнинг таъминлаишидир. Буни қуйидаги айрим мавзулар ва улар орасидаги боғланишлар орқали ҳам кўриш мумкин.

Психология фанининг барча кириш мавзуларида бу фаннинг объекти — инсон, предмети — инсон психикасининг иомоён бўлиши ва тараққиёти қонунлари эканлиги, одамнинг психик ҳаёти организм ҳаракатларида ўз ифодасиини топиши, ҳаракатлар йиғиндиси эса хулқ-атвор дейилиши ва бошқалар уқтирилади. Бу эса, педагогиканинг объекти — инсон, предмети — инсонни мақсадга мувофиқ равишда тарбиялаш қонуниятлари эканлиги, тарбия жабҳасини, хусусан, миллий тарбил жараёнини эса педагогик-психологик асоссиз чуқур англаб бўлмаслигини исботлайди.

«Онг ҳақида тушунча. Психика ва онгнинг ривожланиши» мавзуси бўлажак ўқитувчиларни онг ва уни шакллантириш усуллари, мазмуни, мафкуравий онгни тарбиллаш услубларининг психологик асослари билан қуроллантирадн. Демак, ушбу психологик мавзунн ўзлаштирмасдан туриб, миллий ғурурни, ўзликии, миллий онгни тарбиялашга киришиш мумкин эмас. Илм-фан тараққий этган ҳозирги даврда тарбиявий жараённи ташкил қилишда ўқувчининг нафақат ақли, тафаккури, балки ҳиссий дунёсига ҳам катта ўрин ажратилиши керак. Бу собиқ совет педагогикасида 60-йилларда йўл қўйилган ва узоқ вақт давом этиб келган хатолардан бири — тафаккурнинг технократлашувини тўхтатади, республикамизда давлат бошчилигида амалга ошириладиган маънавий янгиланиш дастурининг илмий таъминотига хизмат қилади.

Умумий психологиянинг «Ҳиссиёт» мавзусидаи маънавий ҳиссиётлар, ахлоқий меъёрларни, «яхши ва ёмон», «адолатли-адолатсиз»лик тўғрисидаги тушунчаларни, маънавий бурч, уялиш ва виждон, ватанпарварлик ҳиссларини тарбиялашда унумли фойдаланиш мумкин.

Кўникма, малака ва одатларнинг тузилиши, механизм-

ларини психологик ўрганиш психологик қонуниятлардан келиб чиқиб ўқувчиларда миллий олоб, виждонийлик, Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллий ғурур, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий-мафкуравий онглилик ҳақидаги билимлар асосида айна кўникма, малака ва одатларни тарбиялаш имкопиятини беради. Кўникмалар — мақсадга эрпшишда ёрдам берувчи ақлий ҳамда жисмоний ҳаракатлар, усуллар ва йўл-йўриқлардир. Малакалар — бирор иш, ҳаракатнинг мустаҳкамланган ва автоматлашган йўл ва усуллари, одат эса мураккаб онгли фаолиятни бошқаришда қўлланилади. Кўникмалар билимларни амалда қўллай билишга оиддир. Билимларга асосланмаган ҳеч қандай кўникма бўлиши мумкин эмас. Ана шундан келиб чиққан ҳолда «миллий (ижтимоий) тарбия, болаларнинг ота-она, бува-буви, ака, опаларига тақлиди натижасида олинади», деган педагогик хулоса тўлиқ мукаммал эмаслигини айтиш мумкин. Гарчи кўникмалар берилган нусхани мустақил кузатиш йўли билан олинган билимга асосланса-да, бундай билимларнинг аниқ бўлмаслиги туфайли кўр-кўропа тақлид қилиш йўли билан орттирилган кўникмалар етарли даражада уқиб олинмаган ва такомиллашмаган бўлади. Шунинг учун ҳар бир ижобий кўникма, малака иафақат тақлид, балки махсус педагогик услублар орқали сингдирилиб, мустаҳкамланиши керак.

Ўқувчиларини миллий-маданий урф-одатлар руҳида тарбиялаш кераклиги ҳақида кўп гапирилса ҳам, одамнинг психологик табиати ўқитувчилар томонидан чуқур ўзлаштирилмаса, унга тарбия жараёнида амал қилинмаса, миллий тарбиянинг самараси қоникарли бўлмайди. Шунинг учун ҳам ўқитувчилар қуйидаги психологик қоидаларга амал қилиши лозим.

Аввало, ўқувчида инсоний фаолият турлари — ўқув, меҳнат, мулоқот тажрибаси, бадий-эстетик дид, спортга ошнолик, кўпчилик орасида ўзини тутиш, миллатлараро мулоқот маданияти, виждонийлик ва бошқалар учун малакалар тизими шакллантирилиши керак. Малакалар қанчалик мустаҳкам бўлса, ўқувчи у ёки бу фаолиятни

(миллий одоб меъёрларини, миллатлараро мулоқот маданиятини ва ҳ.к.) шунчалик яхшироқ бажаради. Қайси малака фаолиятда қанча кўп машқ қилдирилса ва турмушда қанча кўп такрорланса, у шунчалик мустаҳкам ва автоматлашган бўла боради. Агар ҳосил қилинган малакалар узоқ вақт давомида қўлланилмаса, улар сўна бошлайди. Болаликда шакллантирилган миллий-тарбиявий фазилатларга оид малакалар пухта эсда сақланади ва энг барқарор малакалар бўлиб қолади. Малаканинг шаклланиш тезлиги, самараси даставвал унинг мураккаблик даражасига боғлиқ бўлади. Малакаларни шакллантиришда самарали натижаларга эришишнинг энг муҳим шarti – ўқувчининг ҳосил қилинаётган малакаларни ўз ичига олган фаолиятга нисбатан қай даражада онгли муносабатда бўлишидир. Малакалар пайдо қилиш муддати ўқувчининг индивидуал (шахсий) хусусиятлари билан боғлиқдир. Малакалар ҳосил қилиш тезлиги ва уларнинг мустаҳкамлиги ўқитиш ва тарбия услубларининг самарадорлигини кўрсатади.

«Темперамент ва характер» мавзусини ўрганиш бўлажак ўқитувчиларни миллий-тарбиявий фаолиятни ташкил қилиш учун зарур бўлган муҳим ижтимоий-психологик билимлар билан бойитади. Характернинг психологик таърифи (шахсда муҳит ва тарбия таъсири остида таркиб топган ва унинг иродавий фаоллигида, оламга, одамларга, меҳнатга, буюмларга, ўз-ўзига муносабатларида намоён бўладиган индивидуал хусусиятлар)нинг ўзиёқ характернинг туғма эмаслигини, уни мақсадга мувофиқ шакллантириш зарурлигини, демак, бу жараёни бошқариш мумкин ва кераклигини кўрсатиб туради.

Шундан келиб чиқиб, талабаларга характернинг айрим маънавий хислатлари – миллий гурур, миллий одоб, миллатлараро мулоқот маданияти, виждонийлик, Ўзбекистон ватанпарварлигини характернинг маънавий хислатлари таркибига киритиш мумкинилиги, этнопсихологик маълумотлар эса бу ишда жуда асқатиш уқтирилиши фойдалидир. Бироқ миллий тарбия жараёни ташкилотчилари учун тарихий, психологик маълумотларни оширишнинг ўзи ҳали камлик қилади. Чунки бу маълумотлар «Та-

рихий, миллий тарбиямиздан қандай мазмун, восита, услубларни қўллаш керак, XXI асрда яшаётган замонавий Ўзбекистон ўқувчиларини миллий-тарбиявий объект сифатида қандай талқин қилмоқ керак?» каби саволларга аниқ жавоб бера олмайди. Бу эса миллий тарбия услубиятини ишлаб чиқиш ва талабаларда уларни қўллашнинг кўникма ва малакаларини шакллантиришни талаб этади. Юқоридаги эҳтиёжларни қондириш, талабаларда миллий-тарбиявий маҳоратни янада чуқуряштириш, ривожлантириш мақсадида таълим-тарбия жараёнига «Педагогик вазифалар» туркуми киритилди. Ушбу туркум миллий тарбияни ташкил қилишда учраётган ва учраши мумкин бўлган педагогик вазиятлардан иборат бўлиб, уларни ечиш талабаларга вазифа қилиб берилди. Талабаларнинг «тарбиявий вазифаси»ни қандай ҳал қилишлари, педагогик топқирликлари, тadbиркорликлари баҳолаб берилди.

Педагогика институтларни ва университетлари талабаларининг қандай ўқитувчи бўлиб етишишлари учун бор жавобгарлик педагогика кафедралари зиммасига юкланган. Демак, ёшларнинг, ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражалари ўқитувчи, сиёф раҳбарига ва уларни шу фаолиятга тайёрлаш учун масъул бўлган педагогика кафедралари ишининг сифатига боғлиқ. Шу боисдан ҳам бўлажак ўқитувчиларни миллий-тарбиявий фаолиятга тайёрлаш борасида қўшимча имкониятлар ишга солинди. Чунончи, кафедрада методологик семинарлар ташкил этилиб, унда миллий тарбиянинг долзарб масалалари муҳокама қилинди, педагогика курсини ўрганиш миллий тарбия ҳолати билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилди. Дастлаб гуманитар факультетларнинг 171 нафар талабасига «Ўқувчиларни миллий тарбиялаш» мавзусида реферат ишлари тарқатилди. Реферат ишлари педагогикадан тест-имтиҳондан олдин йиғиб олинди. Таҳлил шупи кўрсатдики, талабаларнинг 41 фоизи миллий тарбия асосларини тўғри тушунгаилликларини ҳамда халқимизнинг миллий урф-одатлари, педагогик меросини тиклаш ва фойдаланиш лозимлигини билдирдилар. Реферат ишида фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳам маиба тан-

лашда тўғри йўл тутилгаилигини кўрсатди. Аммо, бўла-
жак ўқитувчиларнинг атиги 17 фоизигина миллий тарбия-
нинг қонунятлари, назарий масалалари, мактабда мил-
лий тарбияни жорий қилиш самарасига, мустақил мам-
лакат ўқитувчисининг бу жараёндаги ролини ошириш,
мактаб жамоасининг бу ишдаги педагогик яқдиллигига
эришиш зарурлигига ишора қилди, холос. Талабаларнинг
80 фоиздан ортиғи умумий фикрлар ва ўзларн педагогик
амалиёт ўтказган мактабда тарбиявий соат, учрашувлар
ўтказганини қайд қилиш бияан чекланди. Уларнинг иш-
ларида ўзи ўтказган миллий-тарбиявий тадбирлар зару-
рияти асосланмаганди, уларин ўтказишдаги ютуқ ва кам-
чиликлар кўрсатилмаганди. Қолаверса, дарс жараёнида
ўқитувчилар миллий тарбия вазифасини қандай амалга
ошираётгани масаласи ёритилмаган эди. Синф раҳбарла-
рининг бу соҳадаги фаолияти фақат айрим тадбирлари
ўтказиш билан чекланиб қолаётгани қайд этилганди.

Педагогика курсини кейинги босқичда ўқитишда мил-
лий тарбиянинг назарий ва услубий асосларини талаба-
ларга туркумли ўргатиш йўлга қўйилди. Жумладан, би-
ринчи босқичда миллий тарбия ғоясининг умумий тавси-
фи берилди. Яъни, миллий тарбиянинг мақсад ва вазифа-
лари, педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқаси,
ўқитувчининг шахсий ва касбий сифатлари тизими; Шарқ
педагогик тафаккурида, тасаввуфда «комил иисоп» снй-
моси ва унинг диалектикаси, Ўзбекистонда совет даврида
амалга оширилган коммунистик тарбиянинг педагогик асо-
ратларн, миллий истиқлол мафкурасининг педагогик тал-
қини, хориж педагогик ғояларн, тажрибалари намунала-
ри таҳлил қилинди.

Иккинчи босқичда миллий тарбиянн амалга ошириш-
нинг амалий, услубий жиҳатлари баён қилинди. Хусусан,
«Педагогика» курсининг «Дидактика» қисмида ўқитиш ва
тарбиялашининг бирлиги, миллий тарбиянинг муҳим та-
мойил эканлиги, Ўзбекистон мактабларида таълим маз-
муни, «Таълим ҳақида»ги қопун, юртимиз мактаблари учун
дарсликларни миллийлаштириш давлат сиёсатига айлан-
гани мисоллар ёрдамида кўрсатилди борди.

«Тарбиявий ишлар назарияси ва услубияти» бўлимида тарбия жараёни тамойиллари, тарбиявий ишлар каби қатор назарий ва услубий масалалари объектив ва мафкуравий воқелик — миллийлик орқали ўрганилди. Айпиқса, собиқ совет педагогика ўқув дастурида коммунистик мақсад, мазмун, гоа олиб ташлангандан кейин ҳосил бўлган гоавий-мафкуравий бўшлиқ бартараф қилиниши лозим эди. Бу талабаларга кўргазмали асосда намойиш қилинди ва уларда янги — миллий-истиклолий педагогик тафаккурнинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатди.

«Педагогика» курси бўйича III босқичда ўқилган маърузалар, семипарларда баён қилинган фикрлар «Миллий тарбия»га доир махсус мавзу орқали мустаҳкамлапти. Бунга университетлар, педагогика институтларига берилган илмий-педагогик мустақилликдан фойдаланиш ҳисобига эришилди.

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогиканинг долзарб муаммолари бўйича илмий жамоалар томонидан олиб борилаётган тадқиқотларни чуқур ўрганишларига эришиш, уларнинг ўзларини ҳам илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш, ўқитувчилнк касбига ижодий ёндашувни шакллантириш мақсадида махсус курслардан унумли фойдаланилди. Ана шуни эътиборга олган ҳолда «Бўлажак ўқитувчиларни миллий-тарбиявий фаолиятга тайёрлаш» тизимининг марказий унсури сифатида «Миллий тарбия назарияси ва услубиёти» мавзусида махсус курс дастури ва рефератлар мавзуларн мажмун ишлаб чиқилди.

Махсус курс 16 соат маъруза ва 4 соат семинар соатлари билан иборат бўлиб, IV курсларга ўқилди. Назорат гуруҳлари ва тажриба-тадқиқот гуруҳларида ўтказилган аикета жавобларида унинг самарадорлиги ианоён бўлди.

Бўлажак ўқитувчиларининг миллий-педагогик тайёргарликлари уларнинг мактабдаги миллий-тарбиявий фаолияти учун катта аҳамиятга эга. Бу эса педагогика институтлари ва университетларида тарбиявий ишлар тизимини ўрганиш, унн такомиллаштириш жараёнга миллий-тарбиявий таъсир кўрсатишни тақозо қилди.

Мустақиллик шарофати билан мактабларда бўлгани

каби олийгоҳлар тарбиявий ишлари тизимида ҳам миллийлик сари бурилиш бошланди. Талабаларда миллий-мафкуравий дуйёқараш, виждонийлик, миллий одоб, миллатлараро мулоқот маданияти ва Ўзбекистон ватапарварлиги каби миллий тарбиянинг марказий сифатларининг шаклланишига Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг рисоалари ва нутқларини муҳокама қилиш, «Мураббий соати» орқали гуруҳ мураббийлари тарбиявий ишларини такомиллаштириш, Наврӯз байрамини, «Кувноқлар ва зукколар» беллашувининг ташкил этиш, талабалар бадий ҳаваскорлик тўғараклари кўрик-танловини уюштириш, миллий замонавийликни рағбатлантириш орқали таъсир этилди. Бу борада бўлажак ўқитувчиларини ахлоқий тайёрлаш (М. Очилов) услуб, шаклларида унумли фойдаланилди.

Педагогика кафедралари ўз анъаналарини миллий-истiqлолий руҳ, моҳият билан бойитишга киришдилар. Ётоқхоналарда турли мавзу ва шаклдаги тарбиявий ишлар тизими белгиланди. Бу ишда тажрибали доцентлар, мураббийларнинг фаол қатнашуви тадбирларнинг тарбиявий қимматини оширди.

Мамлакатимизда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказларининг ташкил қилиниши миллий-тарбиянинг янги — истиқлолий омилини ҳосил қилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1995 йил 14 февралдаги буйруғи асосида олий ўқув юртларида «Маънавият ва маърифат» марказларини ташкил этиш, тузилмаси, фаолият йўналишлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Университетлар, педагогика институтлари маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректорларининг, декан муовинларининг, мураббийларнинг иш режаларини миллий-тарбиявий мазмундаги тадбирлар билан бойитиш; бўлажак ўқитувчиларда Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллий гуруҳ, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий одоб, виждонийлик фазилатларини махсус шакллантириш; талабаларини миллий истиқлол руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирларни тизимга айлантириш; назорат ва рағбат чораларини ишлаб чиқиш; университет педаго-

«Миллий тарбия назарияси ва услубияти» махсус курсининг мавзуларини ва уни ўзлаштириш самарадорлигининг кўрсаткичлари: *а* — назорат гуруҳларида; *б* — тажриба-тадқиқот гуруҳларида (%ҳисобида)

Мавзулар	Юқори даража		Яхши даража		Ўрта даража		Паст даража	
	а	б	а	б	а	б	а	б
1. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлидан келиб чиқувчи педагогик вазифаларнинг миллий-тарбиявий моҳияти	4	27	11	34	17	29	68	10
2. Миллий тарбиянинг мақсад, вазифа ва тамойиллари	2	16	5	27	14	36	79	21
3. Ўзбекистонда миллий тарбия ғоясининг ривожланиши	6	17	16	26	21	40	58	17
4. Жаҳон тарбиявий тажриба намуналарида миллийликка бўлган муносабат ва бунинг натижалари	—	19	1	29	3	34	96	18

5. Оиланинг миллий тарбиявий имкониятларини такомиллаштириш	2	21	5	24	12	30	81	25
6. Умумтаълим мактабининг миллий-тарбиявий имкониятлари ва уларни такомиллаштириш	8	22	12	33	19	32	61	13
7. Қишлоқ, маҳалла, турар жойларда миллий-тарбиявий анъаналар, маросимлар тавсифи ва уларнинг имкониятларини мувофиқлаштириш	10	26	14	20	16	30	60	24
8. Мактаб таълимида миллий-тарбиявий самарадорликни ўрганиш	2	15	5	27	11	31	82	27

гика таълимининг миллий-тарбиявий имкониятларини кучайтириш; ижтимоий фанлар орасида ўзаро боғланишга эришишининг услуб, йўлларини такомиллаштириш; со-
циологик сўровлар ўтказиш; талабаларнинг бўш вақти-
ни ўрганиш; ота-оналар билан ҳамкорликнинг янги шакл-
ларини яратиш борасида амалий тавсиялар тайёрланди.

Хуллас, амалий тадқиқот даврида юқорида баён қилин-
ган турфа чоралар натижаси ўлароқ ижобий натижаларга
эришилди. Бунда тадқиқотнинг суҳбат, сўров, кузатиш,
педагогик вазифалар, амалий малакаларни кузатиш ва
бошқа усулларидан фойдаланилди.

ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МИЛЛИЙ- ТАРБИЯВИЙ КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Талабаларда педагогик амалиёт жараёнида миллий-
тарбиявий услуб, воситалар тизимини қўллаш малакала-
ри шакллантирилмаса, миллий тарбия назарияси ва ама-
лиёти орасида тафовут пайдо бўлиши мумкин. Шу сабаб-
дан ҳам биз бўлажак ўқитувчиларни миллий-тарбиявий
фаолиятга тайёрлашнинг технологик, методик тизимини
ишлаб чиқишни ҳам мақсадларимиз қаторига киритдик.
Жумладан, педагогик амалиёт дастурининг анъанавий ва-
зифалари қаторига қуйидаги миллий-тарбиявий вазифа-
лар киритилди:

- миллий тарбиявий фаолиятни ташкил қилиш орқа-
ли талабаларнинг ижтимоий-мафкуравий, педагогик-пси-
хологик ва мутахассислик бўйича билимларини мустақ-
камлаш, кенгайтириш ва бойитиш;
- талабаларда миллий тарбияланган шахсий ва кас-
бий сифатлар, билим ва кўникмаларни шакллантириш;
- уларда миллий-тарбиявий фаолиятга қизиқиш уй-
ғотиб, эҳтиёж пайдо қилиш;
- тарбиявий фаолиятга ижодий ва илмий ёндашувни
уйғунлаштириш;
- талабаларни илғор миллий-тарбиявий иш намуна-
лари билан таништириш.

Тажрибали мутахассислар Н. Мирзаҳмедов ва С. Мир-
шариповалар мамлакатимизнинг бўлажак ўқитувчилари-

га қўйилаётган янги талабларни амалга оширишда педагогик амалиётнинг миллий-тарбиявий аҳамиятини изоҳлар эканлар, бунда талабаларнинг чуқур билимга эга бўлиши билан бир қаторда уларнинг миллий ғурур, маданият ва қадриятни ўқувчиларга тўғри етказиб бериш қобилиятини такомиллаштириш ҳам зарурлигини таъкидлайдилар. Афсуски, «... талабаларда дарс ва дарсдан ташқари тадбирлар жараёнида ўқувчиларга қадриятларимизни, инсонпарварлик ғояларини ўқитиш мазмуни билан оқилона, ҳамоҳанг тарзда етказиш малака ва кўникмалари деярли йўқ»¹ деган баҳони берадилар бу муаллифлар. «Педагогик амалиёт дастури ва унга оид услубий кўрсатмаларнинг амалга оширилиши тажрибаси қай аҳволда?» деган саволига моҳир педагог К. Даминовнинг ўзи: — «Бу саволга Ўзбекистон миқёсида жавоб топиш анча муаммоли ҳолатда турибди»², — дея жавоб берди. Мавжуд ҳолат педагогик олийгоҳларда ўқитувчи тайёрлаш самарадорлигини ошириш ва мураббийларни миллий-тарбиявий фаолпоятга йўналтириш орқали юқоридаги камчиликларнинг бартавраф қилинишини ҳам тақозо этарди.

Ўзбекистон ўқитувчисига қўйилаётган янги талабларга мувофиқ, талабаларда миллий-тарбиявий тушунчаларнинг қай даражада шаклланиши ва уларда миллий-тарбиявий фаолият учун зарур бўлган касбий билим, кўникма ва малакалар даражасини ўрганишга киришилди. Дастлаб бўлажак ўқитувчиларнинг миллий-тарбиявий тушунча, билимлар ва шу тушунчаларни ўқувчиларда шакллантириш имконияти орасидаги мантиқий боғлиқлик ўрганилди.

Бўлажак ўқитувчиларнинг амалиётдаги фаолияти уч босқичда кузатилди. Биринчи босқич тайёрлов босқичи бўлди. Унда умумий масалалар қатори талабаларга мактабда амалга оширилаётган миллий-тарбиявий фаолият мазмуни, талабанинг шахсий режасида бу соҳада қилинган ишларни ҳисобга олиш техникаси баён қилиниб тас-

¹ М. Мирзахмедов, С. Миршарипова. Ўқитувчи тайёрлашнинг муаммолари. Халқ таълими, 1993, 4–5-сонлар, 18–20-бетлар.

² Қ. Даминов. Ўқув-педагогик амалиёт ва уни йўлга қўйиш. Халқ таълими, 1992 йил, 3-сон.

диқланди. Талабалар мактаб ҳаёти, ўқитувчилар, синф раҳбари, ўқувчилар ташкилотлари раҳбарлари билан та-ништирилди. Асосий босқич — педагогик амалиётнинг давомати, назорати ва якуний босқич — педагогик амали-ётнинг баҳоланиши, хулосалар ясашга бағишланди.

Миллий-тарбиявий кўникма ва малакаларни шакллантириш мунтазам эътиборни талаб қилади. Чунки талабаларда болалар билан мулоқотга, синфдаги ва синфдан ташқаридаги тарбиявий ишларга қизиқиш уйғотмай, ўқувчилар шахсиятини билнш ва ўрганиш, олинган билимлардан ўқувчиларни тарбиялаш мақсадларида фойдаланиш кўникмаларини шакллантирмай, миллий-тарбиявий тадбирларни тайёрлаш, ташкил қилиш ва баҳолаш кўникмаларини ривожлантирмай, ўзининг ва ўқувчиларнинг миллий-тарбиявий фаоллигини режалаштириш, ташкил қилиш ва таҳлил қилиш кўникмаларини мослаштирмай туриб миллий тарбияни самарали амалга ошириш мумкин эмас.

Педагогик амалиётнинг бошида миллий-тарбиявий тадбирларни илмий асосда тайёрлаш, ўтказиш ва таҳлил қилиш талабалар учун қийин кечди. Аксарият ҳолларда синф раҳбарлари томонидан бериладиган услубий тавсияларга муҳтожлик сезилди. Чунки собиқ совет мактаблари учун ягона ва умумий қўлланма бўлган И. Марьенконинг «Ўқувчиларни тарбиялашнинг тахминий дастури»да белгиланган мазмун янги Ўзбекистон мактабининг тарбиявий талабларига жавоб бермас эди. Шу сабабли мактабларда миллий тарбия бўйича ўтказилиши лозим бўлган тадбирлар, йўналишлар намуналарини ишлаб чиқдик. Мисол тариқасида «Тарбиявий соатлар мавзулари»ни келтириш мумкин. Талабаларга биз таклиф қилган тарбиявий соат мавзуларидан ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб фойдаланиш тавсия қилинди. Ушбу мавзулар мажмуидап қатор мақсадлар кўзда тутилди. Жумладан, 1) талабалар қайси мавзуларга кўпроқ мойиллик билдирганини ва бунинг сабабларини аниқлаш; 2) талабаларнинг тарбиявий соатни режалаштириш кўникмаларини аниқлаш; 3) тарбиявий соат мавзуини қандай мазмун билан тўлдириши, қандай адабиётлардап фойдаланиши,

қандай баён қилишини таҳлил этиш; 4) ўқувчиларнинг ёш ва тарбияланганлик даражаларини ҳисобга олган ёки олмаганини ўрганиш; 5) тарбиявий соатнинг таъсирчанлигини ошириш учун қандай чоралар, усуллар, воситалардан фойдаланганини аниқлаш каби мақсадлар белгилади.

Шу тариқа умумпедагогик (педагогик амалиёт самарадорлигини ошириш) ва хусусий (талабаларни миллий-тарбиявий фаолиятга тайёрлаш) эҳтиёжлардан келиб чиқиб, талабалар синф раҳбарларининг ёрдамчиси этиб бириктириб қўйилди. Бу орқали улар мактаб ҳаёти, тарбиявий жараённинг барча тафсилотлари билан бевосита танишиш, ўрганиш, ўрганганларини амалда синаш имкониятига эга бўлдилар. Жумладан, уларга синфнинг миллий тарбияланганлик даражасини ўлчаш, ота-опалар билан суҳбатлашиш, ўқувчиларда миллий-тарбиявий фазилатлар намойишини кузатиш каби топшириқлар берилиб, кўникмалар сингдира борилди.

Бўлажак ўқитувчиларни миллий-тарбиявий фаолиятга тайёрлашда «Миллий тарбия назарияси ва услубияти» бўйича реферат ишлари тематикаси ишлаб чиқилиб, гуманитар факультетларга жорий қилинди. Реферат ишлари моҳиятига кўра ҳам назарий, ҳам амалийлик тамойилига қурилди. Мақсад — ҳар бир талабада миллий тарбиянинг у ёки бу масаласи бўйича назарий билимларни шакллантириш билан чекланиб қолмасдан, балки аниқ шу билимларни қўллашга, такомиллаштиришга эришиш эди. Педагогик амалиёт жараёнида бўлажак ўқитувчиларни миллий тарбиячилик маҳоратини шакллантириш мақсадида уларга ижодий топшириқлар беришни жорий қилдик. Зеро, талабаларга институтларнинг тегишли кафедралари томонидан махсус топшириқлар берилишининг самарадорлиги олимларимиз томонидан синаб кўрилган эди.

Ижодий топшириқлар талабадан у ёки бу вазифани бажариш керак бўлганида қандай хатти-ҳаракатлар қилишни аниқлашга қаратилди. Бунинг учун умумтаълим мактабларида миллий тарбия жараёнининг хусусиятларини ифодаловчи мавзулар мажмуи ишлаб чиқилди. Мавзулар мажмуига, жумладан, қуйидагилар кирди:

— Абдулла Қодирий ижоди бўйича китобхонлар анжуманинн ўтказиш режасини тузинг. Уни қизиқарли ўтказиш учун қандай ишларни бажарасиз?

— Синф раҳбарисиз. Собиржои мактабга келмади. Сабаби — унинг бобоси вафот этибди. Синф сизга қараб турибди... Нима дейсиз?!

— «Наврўз байрами»ни қандай ташкил қиласиз?

— 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили». Сиз, яъни синф раҳбари учун бу нимаини аниглади?

— Синфнингиз жамоасининг вужудийлик даражасини ўлчаб, баҳоланг.

— Танаффусда Гулноранинг ручкаси ўз синфдоши томонидан ўғирлангани маълум бўлди. Ўғрини қандай топасиз ва қандай чора кўрасиз?

— Тўйда ўтирибсиз. Маст бўлган 2—3 киши раққоса тепасидан пул сочмоқда. Болалар ёпирилиб келиб, оёқ остидаги пулларни териб олншга тутинишди. Бу манзарадан тарбиявий соатда қандай фойдаланасиз?

— VII синфдаги Ваҳоб доимо сўкиниб гапирадн. Буни у қизлар олдида ҳам, тенгдошлари олдида ҳам бемалол давом эттирмоқда. Ваҳобни шу иллатдан қутқазиш мумкинми? Қандай қилнб?

— Миллий тарбия мавзусига бағишланган ота-оналар йиғилишини қандай ўтказасиз?

— Ўқувчингизини тарбиявий шароити билан танишиш мақсадида унинг оиласига ташриф буюрмоқчисиз. Ота-она, оила аҳли билан бўладиган суҳбатингиз қандай масалаларни қамраб олишини режалаштиринг.

— Ўқувчиларингизнинг қадриятларини ўргандингиз. VIII синф ўқувчилари ҳозир энг қизиқиб томоша қилаётган фильмлари — чет эл сериалларн эканлиги маълум бўлди. Бундан қандай миллий-тарбиявий хулоса чиқарасиз?

— Сиз мактаб тарбиявий ишлар ташкилотчисисиз. Мактабда «Ўзбек тили байрами»ни қандай ташкил қиласиз?

— IX синфда «Мафкуравий фаол ўқувчи: у қандай бўлишн керак?» мавзусида «Матбуот анжумани» сценарийсинн тузинг.

— Миллий тарбия бўйича синфнинг йиллик натижаларини чиқаринг ва ҳ.к.

Талабаларни миллий-тарбиявий фаолиятга тайёрлашда педагогик амалиётда миллий тарбиянинг жорий қилиниши яхши самара бершин аниқланди. Талабанинг «Тарбиявий иш дафтарчаси»ни жорий этиш гоёси профессор Н. Шодиев томонидан киритилган эди. У талабаларни мактабдаги амалиёт даврида ўқувчиларни касб таилашга йўллаш ишларига ўргатиш воситаси бўлмоғи керак эди. Ўтган давр бу ташаббуснинг самарадорлигини кўрсатди.

Мактабларда ўтказилаётган тарбиявий тадбирлар самарали ёки (шаклга берилнб, мазмун, натижа унутилса) самарасиз бўлнши ҳам мумкин. Собиқ совет педагогикасида тарбияга ёндошишнинг иккинчи тури кучайиб кетган эди. Яъни тадбирнинг эиг муҳим томони — болаларнинг чиройли кийинишн, кўринишн, қичқириб шеър ўқишн, ҳамманинг оммавий рақсга тушишн, «юқоридан» келганларга гул тутиб, маъқул бўлиши ва ҳоказолар эди. Шунинг учун ҳам собиқ совет педагогикаси «тадбирбозлик педагогикаси» деб ҳам танқид қилннарди. Биз ана шу қусурларнинг олдини олиш учун талабаларни тарбиявий тадбирларни илмий-манتيқий таҳлил қилишга ўргата бордик. Бунинг самараси икки томонлама намоён бўлди.

Биринчидан, талабада тарбиявий тадбирни кузатиш, қайд қилиш кўникмалари такомиллаштирилган бўлса, иккинчидан, тадбирларнинг қуруқ дабдабасн таҳлилдн сўнг «фош бўлгач», тарбияга бундай ёндошувнинг хатоллигини талабалар англай бордилар. Бу фикрнн тасдиқлаш учун бир намуна келтиришни лозим топдик. Педагогика ва бошланғич таълим услубияти факультети талабаси (Э. Эрназарова, IV курс)нинг педагогик амалиётнинг учинчи ҳафтасида кузатган тарбиявий тадбирнинг илмий-мантиқий таҳлили:

Тадбирнинг номи: Биз — ватанпарвар-байналмилалчилармиз.

Шаклн: Адабий-муסיқавий композиция.

Мақсал: Ноаниқ. Чунки бу ҳақда ҳеч ким гапирмади. (Аниқроғи — туман халқ таълими бўлими томонидан юборилнб, мактабда ишлаётган фронтал текшнрув комиссиясига тарбиявий ишларининг яхши йўлга қўйиянлигини кўрсатиш.)

Вақти: 1993 йил 20 январь соат 10дан 17 минут ўтганда бошлади, 11дан 10 дақиқа ўтгунча давом этди.

Қатнашдилар: 15 та ўқувчи. Бошланғич синф ўқувчилари кўпчиликлари ташкил қилди.

Тадбир қандай шароитда ўтказилди: Тадбир 3 кун давомида тайёрланди. Мусқа, глобус, сунъий гуллар билан жиҳозланди.

Тадбирнинг қисқача шарҳи: дастлаб, мактаб тарбиявий ишлар ташкилотчиси тадбир номи ва унинг бошланишини эълон қилди. Мусқа, рақс, шеърлар дўстлик мавзусига бағишланди. Қатнашчиларнинг аксарияти қиз болалар. Икки ўғил бола ўзбекча тўн кийган, 8 та қиз бола атлас кўйлак кийган. Зал совуқ. Қатнашчиларнинг кўзлари синф раҳбарларида. Улар сахна ёнидан имо-ишоралар билан ўқувчиларни бошқариб туришибди. Америкалик, ҳиндистонлик, афғонистонлик дўстлар ҳақида куй-қўшиқлар ижро этилди, шеърлар ўқилди.

Тадбирни тайёрлашда фаоллик даражаси:

ўқувчилар кўнгиллари — сезилмади;

айрим, фаол болалар — баланд;

ўқувчилар жамоасининг ташаббускорлиги — суст;

ўқитувчилар ҳамкорлиги — суст;

тайёрлов босқичининг жамоани жиҳлаштиришга таъсири — суст.

Тадбирнинг синф жамоаси томонидан муҳокама қилиниши, баҳоланиши ва бунинг ҳар бир қатнашчига, жамоага кўрсатган таъсири:

тадбир якуний муҳокама қилинмади, баҳоланмади (ўқувчилар совқотиб тезда уй-уйларига тарқалиб кетишди).

Амалиётчи-талабанинг шахсий ҳулосаси, таклифи:

Менинг ўқувчидик давримда — 80-йилларда ҳам мактабимизда шундай тадбирлар худди шундай ўтар эди. Мен ҳам фаол қатнашганман. Илгари иттифокдош 15 республика байроқлари, СССР байроғи даврага олиб кирилар эди. Бу сафарги тадбирда ундай қилинмади. Фарқи шунда бўлди, ҳолос. Қолганлари аввалгидек. Тадбирнинг мустақил Ўзбекистонда ўтказилаётганлиги сезилмади. Тадбир гоёси миллий истиқлол ғоқлари билан боғланмади. Ўқувчилар асосий машғулотлари — дарсдан чиқариб олиниб,

шоппиб машқ қилдирилди. Бу — нотўғри. Ўқувчиларнинг шахсий ташаббускорлиги сезилмади. Улар ўқитувчилар айтганларини бажарувчига айланиб қолди. Ўзбекистон ўқувчиларила ватанпарварлик, миллий гурур, миллатлараро мулоқот маданиятининг ижобий ва салбий намоён бўлиш ҳаётий мисоллар ёрдамида кўрсатилиб, рағбатлантирилмади ёки таъқид қилинмади. Тадбир ўтказилган кун ҳам, ундан кейин ҳам қатнашчилар, ташкилотчилар ютуқ ва камчиликларин муҳокама қилмадилар. Ана шу мулоҳазалар «Бнз — ватанпарвар-байналминналчилармнз» тадбирининг тарбиявий самарадорлиги паст бўлди, дейишга асос бўлади. Мен мактабга бориб шундай тадбирни ўтказганимда бундай камчиликларга йўл қўймасликка ҳаракат қиламан...

Шундай қилиб, педагогик амалиётнинг мақсадга йўналтирилгани, иямий ва мантиқий шартлар асосида ташкил қилиниши, педагогик амалиётнинг ҳар бир босқичилан унумли фойдаланиш, ижодий топшириқлар, миллий-тарбиявий соатлар мавзуларининг жорий қилиниши, педагогик амалиётчиларда учраётган типик камчиликларни умумлаштириб уларни бартараф қилиш, «Миллий тарбия назарияси ва услубияти» махсус курсининг жорий қилиниши ўз ижобий натижаларини берди. Бу, талабаларининг ўқувчилар билан миллий-тарбиявий ишларни режалаштириш, амалга ошириш билан боғлиқ билым, кўникма ва даражаларида намоён бўлди.

Бўлажак ўқитувчиларнинг миллий-тарбиявий кўникма ва малакаларининг назорат (а) ва тажриба-тадқиқот гуруҳларидаги (б) даражалари

Миллий-тарбиявий ишлар технологиясининг таркибий қисмлари	Талабалар сон % (а)	Талабалар сон % (б)
Бир йиллик амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб, яқинини ясай олиш	16	19
Миллий-тарбиявий ишларнинг истиқболли режасини тузиш	6	29

Миллий тарбиянинг асосий шакл, восита, услубларнинг белгилаш	10	26
Ижодий тоишириқларин бажаришда бўлган ўзгарниш:		
Аъло	16	29
Яхши	15	44
Ўрта	54	22
Ёмон	12	5
Бажармадн	3	—
Миллий-тарбиявий тавсиф бера олиш:		
Аъло	—	17
Яхши	9	43
Ўрта	16	30
Паст	61	10

Хулоса. Ҳар бир ўқувчининг миллий-истиклолий шаклланишида унга таниш ва нотаниш бўлган барча инсонлар (оилада, маҳаллада, кўчада, транспортда, маросимларда ва ҳ.к. мулоқотларда) ўз ҳиссасини бевосита ёки билвосита қўшади. Лекин ўқитувчи улардан а) миллий тарбия мақсадини аниқ кўра билиши; б) миллий тарбияни амалга оширишдаги ўз касбий вазифаларини чуқур англаши; в) миллий-истиклолий тарбия қонунятлари, тамойилларини мукамал билишн; г) муайян вазият, ҳудудда ўз ўқувчиларни миллий тарбиялаш учун зарур бўлган барча кўникма ва малакаларини эгаллагани билан ажралиб туради.

Ўқитувчиларнинг миллий-мафкуравий дунёқарашини, педагогик тафаккурини, масъулиятини, кўникма ва малакаларини шакллантиришда педагогик амалиёт катта имкониятларга эга. Зеро, ҳар бир ўқитувчи ва педагогик амалиётни ўтаётган талабанинг миллий тарбиячилик кўникма ва малакалари унинг ўқувчилар билан ишлашда, бу ишни миллий тарбия мақсадн, тамойиллари, вазифаларн, услублари, шакллари асосила ташкил қилиш маҳоратида намоён бўлади. Ўтказган тадқиқотимиз натижаларини

дан келиб чиқиб, педагогик амалиёт жараёнида талабаларнинг миллий тарбиячи сифатидаги:

- синфда ўқув-тарбиявий вазифаларни миллий тарбия мақсадларидан, ўқувчилар жамоасининг хусусиятларидан, ўқувчиларнинг шахсий ва ёш хусусиятларидан келиб чиқиб белгилай олиш;

- ҳар бир ўқувчи ва синф жамоасининг Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллий ғурур, миллатлараро мулоқот маданияти, виждонийлик, миллий одоб ва миллий-мафкуравий онглигини педагогик ташхис ва башорат қила олиш;

- ўқувчиларни миллий тарбиялашнинг жорий ва истиқболий режаларни туза олиш;

- миллий тарбия вазифаларни амалга оширишга қаратилган ўқув, ижтимоий, бадий, ўйин, меҳнат фаолиятларини ташкил қила олиш;

- ўқувчиларни миллий тарбиялашда натижага эришган барча: ўқитувчилар, синф раҳбарлари, тарбиявий ншлар ташкилотчиси, ота-оналар, маънавият маркази, маҳалла фаоллари билан самарали ҳамкорлик ўрната олиш;

- таълимнинг миллий-тарбиявий имкониятларини ишга сола билиш;

- ота-оналар, меҳнат жамоаларни йиғилишларида, маросимларда миллий истиқлол мафкураси ва ўғил-қизларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш ҳаялларини тарғиб қила олиш борасидаги малакаларининг технологик тизимини шакллантириш зарурати асосланди.

Талабаларда миллий-тарбиявий кўникма ва малакалар шакллантирилишининг реал даражасини педагогик амалиёт жараёнида қатор қўшимча кўрсаткичлар асосида ҳам баҳолаш мумкин. Булар: миллий-тарбиявий вазифаларини белгилаш, амалга оширишда талабаларининг эркин ёки қийналган иш тутиши; ўз ишидан қонқиш даражаси; ишнинг сифати; талабанинг мустақил, ижодий иш тутиши; ўқувчилар билан педагогик мулоқот маданиятининг даражаларидир.

ХУЛОСА

Мустақиллик шароитида таълим-тарбияни тубдап ислоҳ қилиш, Кадрлар тайёрлашниги миллий дастурини амалга ошириш давлатчилигимиз учун стратегик аҳамиятга молик заруратдир. Шу боис мамлакатимизда «Ўзбек халқининг юксак кадр-қиммати, ор-номуси, шон-шарафи, ўта меҳрибонлиги ва соф виждонлиликка асосланган миллий гурурни маънавий юксалтириш ва шу билан бирга, умумий Ватанимизда биз билан бирга яшовчи ва Ўзбекистон Республикасига садоқатли бўлган барча халқлар билан биродарликка йўналтирилган» (И. Каримов) миллий-истiqлолий тамойил ижтимоий-маънавий ҳаётнинг турли жабҳаларига жадал кйриб бормоқда. Ўзбекистон мустақиллики қўлга киритгач, унинг тарихида биринчи бор миллий туйғунинг ипсон учун табиийлиги, унинг табиий равишда ота-онадан мерос қилиб олинishi, ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий ипсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмаслиги давлатимиз раҳбари томонидан асослаб берилди.

Бу Ўзбекистонда жаҳон педагогика фани назарияси ва амалиёти нуқтаи назаридан янги, замонавий ва илмий-экспериментал педагогик технология — миллий тарбиянинг мафкуравий, сиёсий, маданий, маънавий, илмий асосларини яратиш каби долзарб вазифани кун тартибига қўйди. Ана шу жиҳатлардан ҳам миллий мустақиллик қўлга киритилгач, Ўзбекистон мактабларида ўқувчиларини миллий тарбиялаш ҳам назарий (педагогика назарияси нуқтаи назаридан), ҳам амалий (Ўзбекистон мактабларида миллий тарбия жараёнини илмий асосда ташкил қилиш нуқтаи назаридан) эҳтиёжга айланди. Мазкур тадқиқотимиз ана шу эҳтиёж — мустақилликни мустаҳкамлаш ва

ривожлантиришнинг педагогик кафолатларини яратишга қаратилган илмий изланишлардан биридир.

«Миллий тарбия»ни илмий-недагогик муомалага киритиш — унинг ҳар бир тушунчаси, таркибий қисмлари этимологияси, моҳияти, уйғунланиш шартини, чегараларини, мақсад, вазифалари, услуб ва воситалар тизимини чуқур, атрофлича таҳлил қилишни талаб қилади. Антропологик билимлар тизими, жаҳон педагогик тажрибаси ва халқ недагогикаси эришган илмий ютуқларга таянган ҳолда «миллий тарбия»нинг моҳияти асосланди. Хулоса ўлароқ, «миллий тарбия» тушунчаси — ҳар бир халқда бетакрор мавжуд бўлган «яхши инсон», «яхши бола» сиймоси ва оила, ижтимоий ҳаётда ёш авлодни ана шу «сиймо»га яқинлаштиришга қаратилган педагогик таъсир тизимини амалга оширишнинг тарихий, замонавий ва узлуксиз жараёнидир.

Мустақил Ўзбекистонда амалга оширилувчи миллий тарбиянинг мақсади — халқимиз, Президентимиз, миллий истиқлол мафкурасининг ёш ўзбекистонликларда муайян фазилатларни шакллантиришга қаратилган ижтимоий буюртмасини ўрганish, аниқлаш ва амалга оширишни илмий таъминлашдир. Миллий истиқлол шароитида ижтимоий ҳаётни, мафкуравий педагогик заруратни, Ўзбекистон ҳукумати, Президенти томонидан миллий тараққиёт учун долзарблнги эътироф қилинаётган нисоний фазилатларни ўрганиб умумлаштириш миллий тарбиянинг асосий йўналишларини белгилаш имконини берди. Натижада, Ўзбекистон мактабларида ўқувчиларнинг миллий туйғуларига бевосита боғлиқ бўлган миллий гурурни, миллатлараро мулоқот малакиятини, Ўзбекистон ватанпарварлигини, аиждонийликни, миллий одобни ва миллий-мафкуравий онглиликни шакллантириш етакчи вазифалар сифатида белгиланди. Бу фазилатларни мақсадга йўналтирилган равишда шакллантириш масаласини собиқ совет недагогикаси фанида илмий муаммо сифатида кун тартибига қўйиш мумкин эмас эди. Президентимизнинг юқоридаги фазилатлар ҳозирги авлодда етарли даражада шаклланмагани ислохотлар сифати ва суръатига салбий таъсир кўрсатаётгани ҳақидаги қатор фикрлари ва таълим-тарбияни тубдан ислох қилиш, Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурни ҳақидаги фармон ва қарорлари бун

тасдиқлайди. Вазият миллий мустақилликнинг педагогик ка-
фолатини таъминлаш учун миллий, илмий педагогиканинг
барча ютуқларини ёш авлодларда истиқлолний фазилатлар-
ни шакллантиришга сафарбар қилишни тақозо қилди.
Юқоридаги фазилатларни тарбиялаш, уларга муҳолиф бўлган
миллатчилик, мафкурасизлик, ғурусизлик, Ватан муаммо-
ларига эътиборсизлик, одобсизлик, виждонсизлик ва ҳ.к.
кабн ички таҳдидларнинг олдини олиш барча Ўзбекистон
мактабларида махсус, илмий асосланган, мақсадга йўнал-
тирилган, мактаб ва оила, маҳалла, мактабдан ташқари
муассасаларнинг узвий ҳамкорлигига асосланувчи жараёнга
айлантирилмоғи керак.

Миллий тарбиянинг объектив ижтимоий жараёи экани
ва бу жараёни умуминсонийликининг муайяйлашган шак-
лн сифатида яратувчилик мақсадларига йўналтириш — собиқ
совет жамиятида учраган миллатчилик, маҳаллийчилик,
миллий биқиклик, манқуртлик кабн иллатларга барҳам бе-
ришинг оқилона шакли сифатидаги имкониятлари назар-
рий, амалий даражаларда асосланди.

Ижтимоий тарбиянинг объектив миллийлиги қонуни-
ятдан келиб чиқиб унинг уч даражаси белгиланди. Яъни,
умуминсоний даража — инсоният, халқлардир; халқлар,
миллатлар мавжуд тарбиянинг ўзига хослиги — миллийли-
ги маҳсулидир. Демак, умуминсоний тарбия миллий тар-
бия шаклила муайянлашган.

Умуминсоний даража — муайян давлатнинг ёшлар тар-
биясига қаратилган маънавий, маърифий, педагогик сиё-
сати сифатида; **хусусий даража** — қозоқ, грузин, рус, ўзбек,
ҳинд, япон ва ҳ.к. халқларига хос бетакрор тарбия тизими
сифатида белгиланди. Шу тариқа мустақил Ўзбекистон мак-
табларида миллий тарбия тизимининг амалга оширилиши
1) умуминсоний; 2) умуммиллий; ва 3) Ўзбекистонда
яшовчи барча миллатлар манфаатларипи қондиришнинг
ва ўзбекистонлик ўзбек, рус, туркман, тожик, арман ва
ҳ.к. болаларни Ўзбекистоннинг ёш ватанпарварларига ай-
лантиришнинг педагогик шарти эканлиги асосланди.

Ўтказилган тадқиқот қуйидаги назарий ва услубий-пе-
дагогик хулосаларни ясашга асос бўлди:

— Инсоният турли миллатлардан иборат ва ҳар бир

миллат — умуминсоний қадриятдир. Демак, ҳар бир миллатининг маънавий тараққийси — умуминсоний тараққиёт шартидир.

— Миллатларнинг қадимийлиги миллий тарбиянинг қадимийлигини, миллатларнинг мавжудлиги миллий тарбиянинг мавжудлигини, миллатларининг бундан кейин ҳам мавжуд бўлиши эса миллий тарбиянинг бундан кейин ҳам мавжуд бўлишини, абадийлигини кўрсатади.

— Умуминсоний антронологик ҳалокатнинг бош сабаблари — турли сабабларга (технократик тафаккур, мустамлакачилик сиёсати, космополитизм, ғарбийлашув, пролетар интернационализми ва ҳ.к) кўра миллийлик ва замонавийлик аро уйғунлик таъминланмаганда; илмий педагогиканинг шу пайтгача миллий тарбияни ўз предметига айлантира олмаганда; ва буниинг натижаси ўлароқ, «цивилизациялашганлик ва миллийлик» тушунчаларининг бнр-бнрига қарши қўйиб келннганидадир.

— Мустақил Ўзбекистон миллий давлат сифатида ўз йўлига, мафкурасига, маънавият соҳасида устувор сиёсатига эга. У миллий тарихий турмуш тарзими, халқ урф-одатлари, анъаналарн, кишиларнинг фикрлаш тарзини, ислом ахлоқий қадриятларини, психологиянинг миллийлигини, кўп миллатлилик каби ижтимоий хусусиятларнн ўзида мужассам қилган. Яъни, жаҳон тараққиёти тизимида Ўзбекистонининг нафақат бозор иқтисодиётига ўтишда, балки унинг тарбиявий сиёсатида бетакрор ва бой анъаналарга тўла ўз йўли борлигини ва уни ишга тушириш заруратини белгилади.

— Ҳар бир халққа, демак, ўзбек халқига ҳам хос бўлган миллий тарбия инсонларварона мақсад ва моҳиятга эга. Ҳеч бнр халқ миллатчи эмас. Миллатчилик ёки манкуртлик ўз ва ўзга халқларининг миллий-маънавий қадриятларидан бегона, миллий туйғулари стихияли шаклланган, бир сўз билан айтганда, *миллий тарбияланмаган* кишилардагина иомоён бўлади.

— Миллий тарбия жараённ ҳар бир ота-она, маҳалла, мустақил Ўзбекистон ҳар бир мактаб ўқувчисидан кутаётган ижобий фазилатлар мажмуини шакллантиради. Миллий гуруҳ, Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллий одоб, мил-

латлараро мулоқот маданияти, виждонийлик, миллий мафкуравий онглилик фазилатлари мустақилликни мустаҳкамлашнинг доимий заруратидир.

— Мазкур фазилатлар ҳозир ва келажакда ўзининг ишончли самараларини бериши учун миллий-истiqлолий тарбия Ўзбекистон умумтаълим мактабларида мақсадга йўналтирилган устувор тарбия йўналишига айлантирилиши лозим.

— Миллий тарбиянинг самарадорлиги кўп жиҳатдан бўлажак ўқитувчиларнинг мазкур фаолиятни бошқаришга махсус йўналтирилганлигига боғлиқдир.

— Мактаб, оила, маҳалла, тураржойлар, мактабдан ташқари муассасаларнинг миллий-тарбиявий ҳамкорлиги — миллий тарбия самаралорлиги шартларидан бири.

— Мактаблардаги муваффақиятлар улардаги тобора миллийлашаётган таълим мазмунидан миллий-тарбиявий мақсадларда фойдаланишни такомиллаштиришга боғлиқ.

— Ҳар қандай тарбиявий йўналиш каби миллий тарбиянинг муваффақияти бу жараёнинг илмий асосда ташкил қилинишига — мақсад, вазифа, услуб, восита, натажага системали ёндашув, уларни ўрганиш, қайд қила бориш ва миллий истиқлолнинг ҳар бир босқичи талаблари асосида бойита борилишига боғлиқ.

— Ўқувчиларнинг ёш, миллий, маҳаллий, руҳий, жинсий, шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш ва тарбияланганлик мезонлари, даражаларининг амалиётга жорий қилиниши миллий тарбия самарадорлигини белгилайди.

— Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари фаолиятини миллий-тарбиявий мақсадларга йўналтирилиши ўқувчиларда миллий-истiqлолий фазилатлар ҳақида тушунча, билимларни амалда қўллаш, машқ қиллириш, кўникма, малака ва одатларга айлантиришнинг шартидир.

Амалга оширилган тадқиқот миллий тарбиянинг илмий-педагогик, методологик, назарий, услубий, амалий асосларини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш орқали Ўзбекистон мактабларида умуминсоний аҳамиятга молик натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Қолаверса, мазкур йўналишда олиб борилажак илмий талқиқотлар келажакда беҳад самарали натижалар беришни шубҳасиздир. Бизнингча, педагог-психолог олимлар ва мутахас-

сисларимизни махсус ўрганилиши керак бўлган қуйидаги илмий мавзулар кутиб турибди:

- Давлат ва жамият қурилишида миллий тарбиянинг роли;
- мактаб, оила ва маҳалланинг миллий-тарбиявий ҳамкорлигини такомиллаштириш;
- замонавий ўзбек қизларида ижтимоий фаоллик, тadbиркорлик сифатларини шакллантириш;
- бўлажак ўқитувчиларни миллий-тарбиявий фаолиятга тайёрлашнинг такомиллаштириш;
- олий ўқув юртлири талабаларнинг миллий тарбиялаш мазмуни, услуб, воситаларнинг такомиллаштириш;
- коллежларнинг миллий тарбия тизими;
- маҳалланинг миллий тарбиявий имкониятларини такомиллаштириш;
- миллий тарбиянинг меҳнат, ахлоқий, нафосат, гигиеник, касбга йўналтириш, экологик, иқтисодий, баданий тарбия йўналишлари билан узвий алоқасини таъминлаш;
- Ўзбекистонда фаоллият кўрсатаётган миллий марказлар ва уларнинг миллий-истiqлолий имкониятларини ўрганиш ва такомиллаштириш;
- Ўзбекистоннинг таълим қозоқ, рус, туркман, тожик ва бошқа тилларда олиб борилаётган мактабларида миллий тарбиянинг хусусиятлари ва уларни миллий истиқлол мақсадлари билан уйғунлаштириш;
- миллий тарбиянинг диагностика, технологик, прогноз тизимини такомиллаштириш;
- миллий тарбия жараёнини талқин қилиш ва янги технологик услубларни жорий қилиш;
- мактабдан ташқари муассасаларда миллий тарбия тизимини ишлаб чиқиш;
- ота-оналарнинг миллий-тарбиявий билимлари, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш;
- миллий тарбиянинг ҳарбий-педагогик моҳиятини ўрганиш;
- ўқувчиларнинг бўш вақти ва миллий қадриятлар тизимини социологик ўрганиш;
- миллий тарбия бўйича тарихий тадқиқотларни янги шароитда ривожлантириш;

- миллий тарбияни амалга оширишнинг минтақавий хусусиятлари ва уларни такомиллаштириш масалалари;
- ўқувчиларнинг миллий қадриятлар тизимига муносабатларн диалектикасини ўрганнш;
- миллий тарбияга қиёсий-педагогик ёндашув ва унинг самарадорлигини ошириш;
- мактабгача тарбия ёшдаги болаларни миллий тарбиялашнинг назарий ва услубий-педагогик асослари;
- миллий тарбияга геронтопедагогик ёндашув;
- лицей, гимназияларда миллий тарбия жараёнини ташкил қилншнинг педагогик хусусиятлари ва ҳоказо.

МУНДАРҲА

Кириш	3
Миллий тарбия — ижтимоий-тарихий, қонуний ва объектив жараён сифатида	7
Мустақил Ўзбекистонда миллий тарбия ғоясининг тикланиши ва ривожланиши	79
Миллий тарбия тизимини умумий ўрта таълим мактабларига жорий қилишнинг назарий ва амалий йўналишлари	112
Ўқитувчиларни миллий-тарбиявий жараёнга раҳбарликка тайёрлаш	190
Синф раҳбарларига миллий тарбияни амалга оширишлари учун зарур бўладиган шахсий ва касбий сифатлар мажмуаси	196
Педагогик амалиёт жараёнида талабаларнинг миллий- тарбиявий кўникма ва малакаларини шакллантириш	222
Хулоса	232

МУҲАММАД ҚУРОНОВ

МИЛЛИЙ ТАРБИЯ

Тошкент «Маънавият» 2007

Муҳаррир *О. Бозорова*

Мусаввир *Н. Попов*

Техн. муҳаррир *Т. Золотилова*

Мусахҳиҳ *С. Абдусаматова*

Компьютерда тайёрловчи *Г. Отаскевич*

Теришга 22.10. 2007 й. да берилди. Босишга 14.12. 2007 й. да рухсат этилди. Бичими 84×108/₃₂. Times гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 12,6. Нашр т. 14,9. 5000 нусха. Буюртма № 07—740. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон, 41-уй. Шартнома 62—07.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди. 100129 Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй. 2007.